

Набижон БОҚИЙ

# ҚАТЛНОМА

Хужжатли қисса

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИ

кимлар,  
қандай йўсинда,  
қаерда,  
қачон ва  
нима учун  
ҚАТЛ ҚИЛГАН ЭДИЛАР?..

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги  
Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1992

Набижон Боқий «ҚАТЛНОМА» хужжатли қиссасида «мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан (А. Қодирий ибораси), яъни 37-йиллардаги қатлиом йилларидан — ер юзининг олтидан бир қисмида, жумладан, Ўзбекистонда Иосиф Сталин ва унинг каллакесарлари томонидан амалга оширилган «қизил қирғин» давридан белгилаган. Давлат Хавфсизлиги Қўмитасида сақланаётган хужжатлар асосида «Абдулла Қодирийни кимлар, қандай йўсинда, қаерда, қачон ва нима учун қатл қилган эдилар?..» каби саволларга тарихий манбалардан жавоб изланади; ошкоралик баҳори бошланганига қарамасдан ҳамон илондек «кулча» бўлиб ётган маҳфий хужжатлар — «тилсиз гувоҳлар» жамоатчилик хукмига ҳавола этилади.

## ЭСКАРТИШ

*Ўзбек Нозирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги қўмитаси, хусусан, унинг Матбуот гуруҳи (бошлиги А.И.Благородов) ошкоралик шарофати туфайли бизга ҳужжатгоҳда сақланаётган «мутлақо маҳфий» жиноятномалар билан бевосита танишишига ижозат берди. Жумладан, дилбар адабимиз Абдулла Қодирийнинг аччиқ қисмати акс эттирилган 976525-сонли «Қатлнома»ни кўзимиз билан кўрдик, ўз қўлимиз билан ундан бир нечта умумий дафтарга нусха кўчирдик ва дикқатга лойиқ баъзи саҳифаларидан фотонусха олинди.*

*Тергов, судга оид барча расмий қогозлар ўрис тилида тўлдирилган экан. Баъзи бир «ашёвий далил»лар асл нусхада — араб имлосида (ўзбекча) илова қилинган, холос. Қатли ом даврида судланувчи на таржимон билан, на оқловчи билан таъминланган. Шунинг учун камина ҳужжатларга «тилмоч» бўлдим; оқловчи эса — ўзингиз, азиз ўқувчи. Лекин, қиличини ялангочлаб турган «ҳакам» мисоли бетўхтов ҳукм чиқаршига шошилманг: авваламбор, етти марта ўлчаб кўринг; бирни кўриб фикр қилинг, бирни кўриб — зикр...*

*Муаллиф*

Бу ҳаёт ўрмон экан,  
Жон борки, қасди жон экан,  
Бунда қатл осон экан,  
Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг.  
Эркин Воҳидов

Осмондан офат ёғди — қаҳратон фасл бошланди. Туфлаш учун оғиз очилса — бас, тил ҳам тўнгиб қолади. Қошлару киприкларни, мўйловлару соқолларни оппоқ қиров босади. Қабоқлару дудоқлар, сақоқлару буқоқлар музлади. Бурунлару ёноқларни ушук уради.

Одамлар умумий ётоқхоналарда, казармаларда ғуж-ғуж бўлишиб яшар эдилар, умумий қозондан овқат ердилар ва худди қизил карвондек, умумий ҳожатхоналарга турнақатор навбат кутиб туришарди; ора-орада «сабр косаси» тўлиб-тошган кимсалар дала-туз томон чопардилар, сўнг «Кўммунистча фирмә мапифести»ни мутолаа қиласар эдилар... Ғусл не — унутилди, тайай-юм не — унутилди; одамлар бетаҳорат юришарди, улар умумий ҳаммомга покланиш учун киришарди-ю, аммо у ёқдан ҳаром бўлиб чиқишарди. Чунки ходимлар қўшмачи эди: тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»даги жамики қўшмачилар Щуро ҳаммомларига ходим этиб тайинланган эдилар.

Казармани бесўроқ тарқ этган кимсалар бедарак йўқоларди (орадан ўттиз йилми, кирк йилми, эллик йилми ўтгач, бедарак кетган кимсаларнинг оила аъзоларига ёки қариндош-урӯфларига бир парча оқлов қофози— «қорахат» келарди ва ғамхўр Ҳукумат томонидан «30,0,4 50-йилларда ноҳақ қатл этилган шахсларни оқлаш» тўғрисида маҳсус қарор чиқариларди). Одамлар бедарак йўқолиб кетишни асло истамасдилар, шунинг учун бир-бирининг қўлларидан ушлашиб, тўдалашиб юришарди, кечалари ҳам битта кўрпанинг остида тўдалашиб ётишарди; хуррак отаётган кимсанинг бурнига пайтава ёки патак ёпиб қўйишарди — ҳазил-мутойиба қилишарди, бир-бирига тегишарди. Тонгда бошлари хумдек шишиб уйғонишардию казарма тўрида осиглиқ турган бир жуфт серсоқол, яна бир жуфт камсоқол ШАҲСларнинг суратларига юзланишганча чўқиниб олишарди. Чўқинишни билмайдиганларга биладиган кишилар ўргатишарди ва ўргатганлари учун маош ҳам олишарди. Кейин «Байналмилал»ни баралла айтишганча «ўқишига, ишга, зўр қурилишга» отланишарди: кўшиқ айтишиб таълим олардилар, кўшиқ айтишиб ишлардилар, қўшиқ айтишиб яшардилар. Қўшиқ — тарбия воситаси эди. Баъзан ўқишдан, ишдан, зўр қурилишдан сафлари хийла сийраклашиб қайтишарди — кимларнидир кимлардир қаёққадир оёғини ерга теккизмасдан олиб кетишарди. Нега? «П-с-с!» Нима учун? «Пс-с-с! Сўз — кумуш, сукунат эса олтин, ўртоқ!» Орадан бирмунча вақт ўтгач: «Халқ душманлари қўлга тушибди! Халқ душманлари отилибди!» деган «хушхабар» тарқалардию ҳамма бирдан енгил тин оларди.

Жумҳурият ОҚСОҚОЛИнинг ташаббуси билан оломон пойтахтдаги энг улкан ўйингоҳга — «ўрис адабиётининг отаси» номидаги майдонга йиғиларди. Намойиш бўларди, намойиш тантанали митинг билан якунланарди: дунёдаги энг адолатли ШЎРО суди ҳукми яқдиллик билан маъқулланарди, «лаънати Ақмал Икромов билан лаънати Файзулла Хўжаевнинг думларини ҳам зудлик билан фош этиш ва тўхтовсиз отиб ўлдириш жонажон ишчи-дехқон Ҳукуматидан, жонажон ленинчи-сталинчи Фирқадан» илтимос қилинарди. Милён-милён ишчи-хизматчилар, калхўзчи-дехқонлар, жамики

Ўзбекистон меҳнаткашлари имзо чеккан илтимоснома Масковга, бутун дунё йўқсулларининг нажот қалъаси бўлмиш Кремлга, «шахсан улуг йўлбошчимиз, дохиймиз, падари бузрукворимиз ўртоқ И. Сталинга» жўнатиларди... Шошилинч «дилгиrom» кўлига теккан дохий теран ўйга толарди ва шу ҳолатда, яъна теран ўйга толган ҳолатда мўйловини қимирилатиб, сураткашни ҳузурига чорларди: суратга тушарди, Сиёсий Бюро бу суратни жамики рўзномаю ойномаларда эълон қилдиради. «Ана, дохиймиз яшин тезлигига КОММУНИЗМ қуриш ҳақида бош қотиряпти», деб бир-биридан суюнчи оларди фуқаро. Янгиликни кечикиб эшитган киши ҳам қуруқ қолмасди; ўз навбатида у ҳам ўлим тўшагида ётган битта «худобехабар»дан суюнчи оларди... Ва ўлим тўшагида ётган фирмасиз чақимчини ҳазиллашиб «худобехабар» дегани учун уни кимлардир яrim кечаси қаёққадир олиб кетишарди. Бояқиши қайтиб келмасди. Шундай қилиб, ўлим билан олишиб ётган фирмасиз ҳам битта халқ душманини фош этарди...

Большовойлар қаҳқашонида қаҳратон фасл ҳукм сурарди. Фасл ҳукмдор эди, хону хоқону қоғону қоплон эди, оғзи қону кўланкаси ҚАТЛ МАЙДОНИ эди.

Қаҳратон қачон бошланди? Турналар жануб томон учиб кетгандан кейинми? Балки, файласуфлар кемаси мамлақат сарҳадини тарк этгач бошлангандир? Суоми кўрфазига омонат чайла тикилган кундан бошланган: бўлса-чи?

Халқ сеҳрланди ғафлат босиб ухлади-қолди. Уйғониб, мундок атрофига қараса... мурдалар ўроқ ва болға ушлаб туришарди: бошини кўтарган кимсанинг бўйни узиб олинарди ё миясига чунонам туширилардики, шўрлик белигача ерга кириб кетарди. Уйғоқ кишилар дарҳол кўзларини чирт юмишарди, жўрттага ўзларини уйқуга солишарди, хуррак отишарди. Анавилар эса...

Нихоят, қаҳратоннинг қаҳри кесилди. Аммо унинг заҳри қолди.

«Улуғ йўлбошчимиз, дохиймиз, падари бузрукворимиз, лашкарбошимиз... балою баттаримиз, қонхўримиз ва ҳоказо ўртоғимиз» айни баҳор айёмида: «Дадажо-он!» дедио шилқ этиб тушди. Ўлди. Ҳаром ўлди, итвачча!

Боғданми, тоғданми, илиқ шабада эса бошлади: шабадаки, олислардан қон ҳидини олиб келарди, кўнгилларни ағдар-тўнтар қиласарди...

\* \* \*

Сўсалистик Шўро Жумҳуриятлари Иттифоқининг Бош прокурорига

*Тошкент шаҳар, Сталин депараси,  
Самарқанд дарвозаси мавзеи, Термиз кучасидаги 19-йда  
истиқомат қилувчи Масъуд АБДУЛЛАЕВдан*

Назорат тартиби бўйича шикоят

Менинг отам Абдулла Қодирий, Абдулла ҚОДИРОВ ҳам ўша киши (адабий таҳаллуси ЖУЛҚУНБОЙ) Ўзбекистон Шўро Сўсалистчи Жумҳурияти Жиноят Мажмуасининг 57-моддаси, 66-моддасининг 1-банди бўйича Ўрта Осиё Ҳарбий ўлкасининг Ҳарбий трибунали ёки Шўро Сўсалистчи Жумҳуриятлари Иттифоқи Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг ҳукми билан ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди.

Ҳозир мен отамнинг тақдири тўғрисида ҳеч нима билмайман. Чунки мана шу ўтган ийиллар мобайнида биз бирор марта ҳам хат беришиб-хат олишганимиз йўқ.

Отамнинг ҳаётидан билганларим, таниш-билишларидан эшитганларим асосида ушбу ариза билан Сизга мурожаат этишни лозим топдим.

Мен отамга қандай айб қўйилганини, унга қандай жазо берилганини аниқ билмайман. Шунинг учун унинг ҳаёти, жамоатчилик фаолияти ҳақида билганларимни баён этиш билан чекланаман.

Отам 1897 йил (ёки 1895 йилда) Тошкент шаҳрида (собиқ чакана савдогар) боғбон оиласида туғилган. Оиласи ниҳоятда камбағал эди. Маҳаллий ўрис мактабини битириш имконияти бўлмагани туфайли, отам ўн уч ёшида рўзгор тирикчилигига кўмаклашиш мақсадида хизматга ёлланади.

Қобилиятли бўлган Абдулла Қодирий ёшлигидан адабий асарлар ёзишни машқ қила бошлади.

Ўктабр инқилоби ғалаба қозонгач, отам ҳеч иккilanmasdan Шўро ҳокимиятини кутиб олади. Касаба уюшмасида, шунингдек, «Муштум» жаридасида ишлайди. Маълумоти камлиги учун отам инқилобдан сўнг ўз билимини ошириш мақсадида мустақил ўқыйди. Ўша даврда руҳонийларга қарши йўналтирилган «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвий асари, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари нашр этилади. Отам адабий асарларида руҳонийлар устидан кулади, хотин-қизлар жабрланишига қарши чиқади, феодал хонликн савалайди.

Отамнинг бутун жамоатчилик фаолияти оддий меҳнаткашни ҳимоя қилишга қаратилган эди.

У 1926 йилда «Муштум» жаридасида Икромовга қарши ҳажвий мақола эълон қилгани сабабли халқ душмани Ақмал Икромовнинг топшириғига кўра қамоқقا олинади. Ана шу воқеадан сўнг отам то 1932 йилга қадар адабий фаолият билан шуғулланиш имкониятидан махрум этилади, оилани боқиш учун хўжалик ишлари билан машғул бўлади.

1933—34 йилларда жамоа хўжаликлари қурилиши ҳақида Абдулла Қодирий «Обид кетмон» деган катта қисса ёзади.

Асарларининг маълум қисми ўрис тилига таржима қилинган эди.

Кези келганда эътироф этиш лозимки, отамнинг асарлари адабий қусурдан холи эмасди, айрим ўринларда у хато қилган, адашган. Бироқ, шак-шубҳасиз, отам Шўро ҳокимиятига содик эди. Мен отамнинг халқ душмани бўлганига мутлақо ишонмайман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтлардаги собиқ раҳбарлари отамни шикастлантирилар, уни таъкиб қилдилар: менимча, ўшаларнинг касофати туфайли охир-оқибат отам қамалди. Отам қамоқقا олинишидан аввал узоқ вақт бетоб бўлиб ётган эди: шундай фурсатдан фойдаланган ғаламис кимсалар отам ҳақида бўлмағур мишишлар тарқатишиди, фитна тайёрлашди.

Абдулла Қодирий Шўро ҳокимиятига ҳамиша хайриҳо бўлган, уни яхши кўтарди. Қолаверса, у ўз табиатига кўра, ҳеч қачон Ватанига қарши сиёсий жиноят қилолмасди. У ниҳоятда ҳалол, тўғрисўз инсон эди. Шунинг учун Икромов ва бошқа халқ душманларининг ғазабига учради.

Айни пайтда мен бир нарсани диққат марказида тутишингизни илтимос қиласман:

тўғри, отам ҳаётда рўй бераётган барча ҳодисаларни бирдек қабул қилолмасди, уларни баҳолашда янглишарди. Биз—Шўро ҳокимияти тарбиялаган кишилар барча янгиликни тўғри баҳолаймиз. Эски замон одамларида эса маълумот, тажриба, маданият етишмасди.

Менинг билишимча, отам билан биргаликда — битта иш бўйича Сулаймонов, Сиддиқов, Фози Юнусовлар жиноий жавобгарликка тортилганлар. Аммо улар отамдан анча илгари хибсга олинганлар. Отам эса орадан беш-олти ой ўтгач, 1937 йил 31 декабр куни қамалади ва унинг иши ҳам сунъий равишда юқорида номлари зикр этилган шахслар билан боғлиқ ҳолда кўрилади.

Абдулла Қодирийнинг рафиқаси — онам 1943 йилда вафот этган. Биз ота-онадан икки ўғил ва уч қиз қолганмиз. Қизларининг иккитаси турмушга чиққанлар; куёвларимиздан биттаси ўқитувчи, бошқаси темир йўлда ишлайди. Қатта қизларида бешта, ўрганчасида иккита фарзанд бор.

Узим Тошкент шаҳрининг Арис бекатидаги Темир йўл касалхонасида дўхтир бўлиб ишлайман.

Фақат отам учун эмас, "биз — унинг фарзандлари учун ҳам Абдулла Қодирийнииг ноҳақ қамалиши шаънимизга доғ туширди; отамнинг оқланиши — айни пайтда, бизнинг оқланишимиздир.

Бу ишни назорат тартиби бўйича текшириб кўришингизни, ШЖСЙ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатига эътиroz билан мурожаат этишнингизни, ноҳақ ҳукмни бекор қилдириб, жиноий ишни харакатдан тўхтатишиングизни сўрайман.

Қарорингиз. тўғрисида юқорида кўрсатилган унвон бўйича каминани хабардор этишни илтимос қиласман.

Абдуллаев (имзо)

### Англатма

Мен отамнинг ким томонидан жавобгарликка тортилганини, унинг жиноятномаси ҳозир қаерда сақлананаётганини аниқ билмаганим учун Сиздан ана шуларни аниqlab бериишингизни сўрайман.

Абдуллаев (имзо) 1956 й. 9 январ.

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 1—3-бетлар)

\* \* \*

Эл-юрт оғалари, амиру амалдорлар уй-уйларида бекинишиб, хотин-халажларнинг этаклари остига, дали-гули хотинларнинг иштонларининг ичига яширинишиб ўтиришарди ва худди безгак тутаётгандек дағ-дағ титрашарди, холос. Зоро, қаҳратон фасл қариган эди-ю, аммо унинг қаҳри аримаган эди: фасл мавҳум тусга бўялди, сўнгра мавҳумлик қораланди, «шахсга сифиниш даври» деб, бадном этилди. Яъни, очиқ гўрдан олиндию ер остига кўмилди. Аслида, жасад ерга кўмилиши лозим эди — жасад аслига қайтди. Жасад ойна остида ётди нимаю қора ер остида ётди нима — бунинг марҳум учун ҳеч қандай фарқи йўқ, лекин бунинг тириклар учун осмон билан ерча фарқи бор. Фарқи шундаки, Ленин ёнидаги жой бўшатиб қўйилди. «Талабгорлар борми?..» Сукунат.

— Никита Сергеевич, агар Сиз от устида жон берсангиз, ўлигингизни Лениннинг ёнига қўямиз, — дейишарди хушомадгўйлар.

«Илик кунлар», деб таърифлади ўша палланн Илья Эренбург. Бироқ, ҳали ғишт қолипдан кўчмаган эди. Ғишт қолипда музлаб қолган эди. Қорбобо эса аҳолига совғасалом улашарди: унинг совғаси ҳам, саломи ҳам «Оқлов қофози» эди; даста-даста қофозлар, қуртлаган туршакчалик қадри йўқ бўлган қофозлар... Сирасини айтганда, бу — ҚОРАХАТ бўлиб, хат кирган хонадонда мотам бошланарди. Мотамки, на мархумдан, на тобутдан дарак бор!

— Кимки қасдан битта мўмин бандани ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлади ва ўша жойда абадий қолади! — дерди бир четда тасбех ўтириб ўтирган Юсуфбек ҳожи.

— Пишлоollox!!!

\* \* \*

Шикоят мазмунидан кўриниб турибдики, Масъуд Абдуллаевга кимдир (тегишли идора ходими ёки ФОЯДОР ё давр ва даврадош) айтиб туриб шикоят ёздирганга ўхшайди. Айтиб турган кимса (эҳтимол, нарсадир?) ҳаммасини биларди: чамаси, у ҳам Қодирийнинг қатлномаси билан яхши таниш эди, Жиноят Мажмуасининг моддаларидан хабардор эди. Масалан, 57-модда бўйича жиноят қилган шахс «Ўзбекистондан бадарға қилинади ёки энг камида уч йил муддат билан озодликдан маҳрум этилади», дейилганини, 66-модданинг 1-банди бўйича жавобгарликка тортилган киши эса «энг камида беш ой муҳлатга озодликдан маҳрум» этилишини биларди. Акс ҳолда... Балки, М. Абдуллаев тасодифан: «Отам ЎзСШЖ ЖМнинг 57-моддаси, 66-модданинг 1-банди бўйича ўн йил озодликдан маҳрум этилган», деб ёзгандир? Агар бу ҳол тасодиф бўлса, нега шикоятчи «ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилган инсон ўн саккиз йилдан бери дом-дараксиз?» деб сўрамаяпти? Чунки унга айтиб турган кимса тахминан қофозга туширилган моддага, бандга атиги битта сон қўшилса ва жиноятлар эллик саккизинчи модда билан олтмиш олтинчи модданинг иккинчн банди бўйича баҳоланса, ҳар қандай инсон жар ёқасига борнб қолишини — ОТУБта ҳукм қилинажагини ич-ичидан сезиб, билиб турарди. Фақат ўзини гўлликка соларди, гўё ҳеч гапдан хабари йўқдек. Ваҳоланки, «сценарий» олдиндан тайёрланган бўлиб, бир неча марта Урдасаҳнасида ўйналган, кўриқдан ўтказилган эди. Томошани бошқариб, йўриққа солиб турган кишилар халқдан олқиши олишни, ишонч қозонишни ва оломонни яна-тағин «ёрқин истиқбол сари» ўз орқаларидан эргаштириб кетишни истардилар.

«— Ҳақсиз жазо! — деб Отабек кулимсираб қўйди...  
Кутидор бўлса чин ўлик тусига кирган эди».

Албатта, Масъуд ака бизни маъзур кўрсинлар, асло у кишига маломат қилмоқчи эмасмиз. Биз оқловжараёни расмии курсатма асосида амалга оширилганини ва шикоят ҳам расмий андоза қолипида ёзилганини эътироф этмоқчимиз, холос. Йўқса, фарзанд ўз отасининг камчилик ва хатосини бегоналар олдида айтиши ҳам ножоиз ҳисобланади. Модомики, шикоят ана шундай мазмунда ёзилган экан — бас, биз унинг суратинигина эмас, сийратинида кўришимиз, жумлалар остидан чиқаётган ҳайқириқни эшитишимиз даркор.

Шундай қилиб, Абдулла Қодирийнинг жиноятномаси хусусида дастлабки шикоят 1956 йилнинг тўққизинчи январ куни ёзилади. Уша йилнинг ўн олтинчи январида, яъни

орадан бир ҳафта ўтгач, Қодирийнинг иши юзасидан Ғафур Ғулом гувоҳ сифатида сўроқ қилинади. Бор-йўғи саккиз кундан кейин. Бу бизнинг жамиятимизда мисли кўрилмаган суръат эмасми? Боз устига, ҳатто Қодирийнинг жигарбандлари ҳам ўн саккиз ёшидан бўён нафақат оталари қаерда эканини, ҳатто оталарининг жиноятномалари қаердалигни билишмасди-ку!

Ўн саккиз йил мобайнида Қодирий тўғрисида бир оғиз янги маълумот эшлилмаган эди, ахир!!!

Демак, Қодирийнинг жиноятномаси Давлат Хавфсизлик Кўмитасида олдиндан ҳозирлаб қўйилган экан; фақат ҳаракат бошланиши учун биргина туртки — шикоят керак бўлган, холос. Мана, шикоят ҳам бошлиқ қўлига келиб тушади. Қизиғи шундаки, М. Абдуллаев шикоятни СЖИнинг Бош прокурори номига — Московга жўнатади. Уша пайтлари хат-хабарлар Московга учоқда ташилармиди ёки оташаравадами — билмадим-у, лекин камина яқинда, 1990 йилнинг ўн иккинчи октябр куни Тожикистондан — Неъмат Иброҳимдан бир хат олдим; почта муҳрига қарасам, хат Душанбедан бешинчи октябр куни жўнатилган экан: шу кунларда Душанбедан Тошкентга хат саккиз кунда келади. Московга-чи? Энг камида ўн кунда борса керак. Аммо, 1956 йилда шикоят хати Московга боришга, у ерда Бош прокурор қабулхонасида мунтазир бўлиб туришга ва Тошкентга келиб, Туркистон Ҳарбий ўлка прокуратурасининг муншийлари назаридан ўтиб, терговчи қўлига тушгунча ва терговчи шикоятда кўтарилган масала бўйича тегишли гувоҳни топишга, уни сўроқ қилгунча бор-йўғи саккиз кун кифоя қилади, холос. Албатта, бу ўтакетган хаёлпарастлик, ҳатто дунёдаги энг машҳур хаёлпараст ёзувчи Айзек Азимов ҳам етти ухлаб тушида кўрмайдиган хаёлпарастликдир! Биз бўлсак, асло хаёлпараст эмасмиз: «Биз реалистлармиз, шунчаки реалистлар эмасмиз, сўсалистчи реалистлармиз!» Шунинг учун Абдулла Қодирийнинг оқланиш жараённ усталик билан уюштирилганини эътироф этишга мажбурмиз. Майли, ҳозирча қўнглимизда муштдек тугунча ҳосил бўлди, дейлик. Уни суғуриб ташлашга шошмайлик, ҳали борадиган манзилимиз олис.

\* \* \*

1956 йили жабрдийдалардан узр сўраш ўрнига, улардан: «Агар ёлғон кўргазма берсан, ЎзСШЖ ЖМнинг 224-, 225-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилажагим тўғрисида огоҳлантирилдим», дейилган тилхат олинади. Жумладан, Қодирийнинг тўнғич ўғли — Ҳабибулла Абдуллаев ўша йилнинг ўттиз биринчи март куни отасининг иши юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинади; у ҳам гувоҳни сўроқ қилиш учун тузилган расмий тасдиқноманинг ўн олтинчи (16) бандига имзо чекади — тилхат беради. Ваҳоланки, Ҳабибулла Абдуллаев ҳақиқий жабрдийда эди: СЖП Давлат Хавфсизлиги Нозирлиги Ҳарбий Кенгашининг қарорига кўра, 1946 йилнинг ўттиз биринчи декабр куни ўн йил муд-датга Ахлоқ тузатиш Мехнат Тутқунгоҳига хукм қилинади ва жазо муддатини тўла ўтаб қайтади. Унинг айби аниқ айтилмаган, исботланмаган. Чамаси: «Узинг билмайсанми?» деб сўрашган. «Билмайман, тақсир», деб жавоб берган бўлса керак, айбланувчи пичинг аралаш «Ҳс-о, шунақами?» «Билсангиз, айтинг-да!» «Йў-ўқ, ўзинг айтасан!.. Қани, айт-чи, кимнинг ўғлисан?» деб сўрашган ўрмоқчилаб. «Абдулла Қодирийнинг ўғлиман, тақсир...»

— Учир товушингни, враг народа!

«Отабек кулимсираб қўйди...»

— Ма, манави қофозга: «Мен халқ душманининг ўғли бўлмайман. Менинг ундај отам йўқ!» деб ёзиб бер!.. Уни эртагаёқ «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг биринчи саҳифасида эълон қилдирдимиз, суратингни ҳам босиб чиқаришади. Ёз, йигит!.. Езмайсанми?.. Ёзмасанг, мана, биз ёзамиз: сен ўн йил озодликдан маҳрум этилдинг!!!

«Кутидор бўлса чин ўлик тусига кирган эди», депди ўзича Ҳабибулла Абдуллаев.

Умуман, Шўро тузумининг ўша даврида фарзанднинг отадан, хотиннинг эрдан расман намойишкорона воз кечиши кундалик тарғибот турларидан ҳисобланарди. Чунки кишилик жамияти тарихида оқпадар тузум хукмронлик қила бошлаган эди: кашшофлар, ёш камоллар, фирмалар, қаҳрамонлар оқпадар эди. Хотинлар эрларига «талоқ» беришарди...

Хуллас, эндиғина тутқунликдан озод бўлган X. Абдуллаевни 1956 йил 31 март куни ТуркҲЎ прокурорининг ёрдамчиси «мулойимлик билан» тергов қилади.

— Сиз айбланувчи эмас, гувоҳсиз, демак, гувоҳ сифатида кўргазма берасиз...

*Тергов тасдиқномасида X. Абдуллаевнинг ушибу кўргазмаси қайд этилган:*

«Менинг отам Абдулла Қодирий 1892 ёки 1893 йилда туғилган. У ёзувчи эди, адабий фаолият билан шуғулланарди. Адабий тахаллуси «Жулқунбой». Отам Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлган, М. Горький имзо чеккан гувоҳномаси бор эди. У ёзувчи Алексей Толстой билан дўст тутинади: ўша дўсти икки марта (1932 ва 1934 йилларда) бизниги, Тошкентга меҳмон бўлиб келган эди. Отам Масков борган пайтлари Алексей Толстой хонадонига ташриф буюарди. 1935 йили отам Шўро ёзувчиларининг биринчи Бутун-иттифоқ қурултонига делегат булиб боргандар.

Отам Тошкент шаҳрида (собиқ савдогар) боғбон оиласида дунёга келади. Маҳаллий ўрис мактабида ўқишини давом эттириш имконияти бўлмагани туфайли ўн уч ёшида рўзғор тирикчилигига кўмак бериш учун хизматга ёлланади.

Абдулла Қодирий қобилиятли бола бўлган эди, ёшлигидан адабий асарлар ёзишни машқ қилади.

Ўктабр инқилобидан сўнг отам Касаба уюшмасида ишлайди, шунингдек, «Муштум» жаридасида ҳамкорлик қилади. Тахминан, 1923—1924 йилларда руҳонийларга қарши йўналтирилган «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвий асари чоп этилади. Бу асар «Муштум»да сонма-сон бериб борилади. 1926 йилгача «Муштум» идорасида ишлайди. Сўнг, жарida саҳифасида Икромов шаънига тегадиган ҳажвия эълон қилгани учун ҳибсга олинади. Ушанда отам олти ой қамоқда ётиб чиқади. Мана шу воқеадан кейин отам то 1932 йилга қадар адабий фаолият билан шуғулланиш имконидан маҳрум этилади ва ўз томорқасида хўжалик ишлари билан машғул бўлади.

Бундан ташқари, отам 1924—1925 йиллари «Ўткан кунлар» романини ёзади, 1926—1928 йилларда эса «Мехробдан чаён» романини чоп этади. Отам бу асарларида руҳонийлар устидан кулади, хотин-қизлар жабрланишига қарши чиқади. феодал хонликни савалайди.

Отам 1933—1934 йилларда жамоа хўжаликлари қурилиши хақида «Обид кетмон» номли катта қисса ёзади. Бу қисса 1936 йили ўрис тилида нашр этилган.

Қолаверса, отам ўрис мумтоз адабиёти намуналаридан таржима қилиб турарди. Масалан, 1933—36 йилларда Гоголнинг «Уйланиш», Чеховнинг «Олчазор» асарларини ўзбек тилига таржима қиласди. 1934—35 йилларда Гоголпигг «Уйланиш» пьесаси Тошкентдаги Ҳамза номидаги театри саҳнасида ўзбек тилида ўйналган эди. Эсимда, отам ўшандаги театрдан икки фоиз микдорда қалам ҳаққи олган. 1933—34 йиллари отамни ўрисча-ўзбекча луғат тузишда ҳамкорлик қилишга таклиф этадилар.

Отамнинг бутун жамоатчилик, адабий фаолияти оддий меҳнаткашга ғамхўрлик қилиш учун сафарбар этилган эди. У бир умр Шўро ҳокимияти манфаатига содик бўлиб қолди. Шунинг учун отам халқ душмани бўлганига асло ишонмайман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг собиқ раҳбарлари отамга шикаст етказдилар, уни таъкиб этдилар, охир-оқибатда ўшалар отамни қаматишиди.

Абдулла Қодирийнинг рафиқаси — менинг онам 1943 йил учинчи март куни вафот этган. Биз ота-онадан бешта фарзанд қолганмиз. Опа-сингилларим Нафиза Абдуллаева 1916 йилда туғилган, оилали, уй бекаси; Адиба Абдуллаева 1924 йилда туғилган, оилали, уй бекаси; Аниса Абдуллаева 1931 йилда туғилган, ишламайди. Укам Масъуд Абдуллаев 1927 йилда туғилган, дўхтири бўлиб ишлайди.

Отамни тумандаги шахслар яхши билишарди, улар отамга таъриф беришлари мумкин: ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, ёзувчи Ойбек, ёзувчи Уйғун, шоир ва драматург Собир Абдулла, ёзувчи Шайхзода. Ҳаммаси Тошкент шаҳрида яшайди.

Менимча, отам қонунга хилоф равища жазоланганди. Шунинг учун унинг ишини текшириб кўришингизни сўрайман.

Отам ҳибсга олинган кундан бери биз у билан бирор марта ҳам хат ёзишмаганмиз, у ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. У нима учун, ким томондан жазолангани ҳам бизга қоронғи.

Ушбу иш юзасидан бундан бошқа ҳеч қандай кўргазма бера олмайман.

Ўқидим, сўзларим тўғри ёзилган. Ўзим ўқиб кўрдим.  
Абдуллаев (имзо)

Терговчи: ТуркҶЎ Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси,  
адлия подполковники Гришченко (имзо)»

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 57—59-саҳифалар.)

Эсингида бўлса, Масъуд Абдуллаев Бош прокурор номига йўллаган шикоятида: «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларида отам руҳонийлар устидан кулади, хотин-қизлар жабрланишига қарши чиқади, феодал хонликни савалайди», деган эди ва «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг собиқ раҳбарлари» отамга шикаст етказдилар, уни таъкиб этдилар, охир-оқибатда қаматишиди, деб эътироф этади. Ҳ. Абдуллаев ҳам муҳим нуқталарда укасининг гапларини айнан тақрорляяпти: бу ҳол табиийми, аслига тўғрими? Романларга «синфий нуқтай назардан» баҳо берилаётгани, терговчига айнан шунаقا жавоб керак бўлгани учун бадиий асарларга Ленинча ёндошилаётгани сизилиб турибди. Чунки «Ўткан кунлар» ҳам, «Мехробдан чаён» ҳам «Марксча-Ленинча танқид назарияси»дан юксак бўлиб, сўз санъатининг нодир намунаси ҳисобланади: эгизакларнинг иккови ҳам бири-биридан гўзалдир. Асар қаҳрамонлари эса... сўсалистик реализм методининг тешик тогораси билан тубанликларини хаспўшлаб, яшириб юрадиган пиёнисталарга асло ўхшамайдилар. Бироқ, ҒОЯДОР ҳукмини ижро этаётган

терговчига... йўлка четида дўмалаб ётган бўлса-да, «эзувчилар устидан куладиган», оғиздан кўпик сачратиб нутқ сўзлайдиган ва гандираклаб бориб деворга бошини урадиган курашchan қаҳрамонлар керак эди. Шунинг учун манфаатдор томон айтиб туриб шикоят ёздиради ва айтиб туриб кўргазма олади — бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, Абдулла Қодирий кимларнинг қутқуси билан қамоқقا олингани масаласидир. Шикоятда ҳам, кўргазмада ҳам барча айб «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг собиқ раҳбарлари» бўйнига юкланяпти. Бу даъво тўғрими? Тўғри бўлса, 1937—38 йилларда носранг «кўйлак-иштон кийган ходимлар Ёзувчилар уюшмаси «Кадрлар бўлими»ни ичидан қулфлаб олишиб, эртадан-кечгача жавонлардаги шахсий йиғмажиллардан нималарни қидиришар эдию нималарни қўлтиқларига қисиб кетишарди ва нима учун ёзувчилар қун-сайин ўзларндан-ўзлари йўқ бўлиб қолишарди? Ёзувчилар уюш-маси жамоат ташкилоти эмасми? Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси қонунни ижро этадиган, жазолайдиган ташкилот эмасми? Демак, ўз-ўзидан равshan бўляпти-ки, Ёзувчилар уюшмаси жазоловчи ташкилот — ДХБ қўлида қўғирчоқ бўлган, холос. Ёзувчилар уюшмасининг собиқ раҳбарлари нечоғлик қонсираган бўлсалар-да, аммо улар қатли ом ўтказиш ваколатига эга эмасдилар. Ҳархолда, айтиб турган кимса шикоятчи билан гувоҳнинг асосий диққат-эътиборини иккиламчи баҳона томон буриб юборишга эришган. Мудхиш ҳодисанинг илдизи очилмаган. Аникроғи, Абдулла Қодирийнинг оқланиш жараёни аввал-бошдан юзаки олиб борилади, хитойлик донишманд таъбири билан айтганда, «Бутун куч қоп-қоронғи уйда қора мушукни тутишга сафарбар этилади, бироқ ўша уйда мушукнинг ўзи бўлмайди — у аллақачон жуфтакни ростлаган бўлади».

Худди шу маънода (яъни диққат-эътиборни чалғи-тиш маъносида) 1956 йил 16 апрел куни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Тўлаган ЗОКИРОВ кўргазмаси ҳам қимматли, албатта.

## АНГЛАТМА

*«Тўлаган ЗОКИРОВ. 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Оиласи. Тошкент шаҳар, Сталин депарасидаги ўрта мактабда математика фанидан дарс беради. Олий маълумотли. Илгари судланмаган. 1953 йилдан бери кўммунистик фирмә аъзоси. Тошкент шаҳар, Сталин депараси, Қубирариқ маҳалласи, Мурманск торкӯчасидаги 32-уйда яшайди.*

У киши ҳам: «Ёлғон кўргазма берсам, ҳар нарса бўлай!» деган мазмундаги тилхатдан сўнг қуидагича кўргазма беради:

«Мен ёзувчи Абдулла Қодирийни болалигимдан билардим. У киши қўшнимиз эди. Абдулла Қодирийнинг отаси — Қодир бобо боғбон эдилар, ўз оиласини кичик узумзордан келадиган даромад эвазига боқарди. Қодир ота юз йилдан узок умр кўрди ва 1924 йили вафот этди.

Отамнинг айтишича, Абдулла Қодирий ёшлигига битта амалдор қўлида мирзалик қилган экан. Назаримда, Абдулла Қодирий 1890 йилдан кейин туғилган бўлса керак.

Ўктабр сўсалистик инқилобидан сўнг, то 1926 йилга қадар Абдулла Қодирий «Муштум» жаридасида муҳбир бўлиб ишлади. «Муштум»да «Калвак махдумнинг хотира

дафтаридан» ҳангомаси чоп этилган. Ёзувчи бу асарида эски руҳонийларни танқид қиласди, камситади, мазахлайди.

1926 йили Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи, 1928 йилда «Мехробдан чаён» романи, тахминан, 1933 йилда «Обид кетмон» асари нашр қилинади. Мен бу асарлардан дастлабки иккитасини ўқиганман. Ана шу асарларда Қодирий ўзбекларнинг ўтмиш ҳаётини тасвиrlайди. Ниҳоятда содда, оммабоп ўзбек адабий тилида ёзилган. Айниқса, «Мехробдан чаён» романи диққатга сазовар, унда Қодирий Худоёрхонга, эски руҳонийларга, амалдорларга қарши чиқади. Худоёрхон кўп хотинли эканини, у ўз хотинларини қандай жабрлаганини фош этади. Айни пайтда ўзбек хотин-қизлари оилада тинч-тотув яшashi лозим, деган фикрни олға суради.

Ўша даврда Абдулла Қодирий ўзбек ёзувчилари ўртасида энг машҳур, истеъододли ёзувчи эди.

Мен Қодирий асарларини мутолаа қилганман, математика муаллими бўлишимдан қатъи назар, унинг асарлари адабий жиҳатдан тўғри деб ҳисоблайман. Аммо адабий, гоявий мазмуни ҳақида узил-кесил ҳукм чиқара олмайман. Менимча, бу асарларда давлатга қарши йўналтирилган миллатчилик ғояси учрамайди.

Қодирий асар ёзишдан ташқари, ўрис мумтоз адабиётидан таржима қилиб турарди. Масалан, у Гоголнинг «Уйланиш», Чеховнинг «Олчазор» пьесаларини ўрисчадан ўзбекчага ўгирган. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий ўрта мактаблар учун мўлжалланган «Физика дарслиги»ни татарчадан ўзбекчага таржима қилган. У ўрисча ўзбекча луғат тузишда ҳам иштирок этади. Менга бу ҳақда Қодирийнинг ўзи гапирган эди. Баъзан Абдулла Қодирий билан сұхбатлашиб турардим. Бир гал: «Мен Шўро даврида тинимсиз меҳнат қилишим, ўқишим зарур. Ҳамма таълим олиши лозим. Эсингизда бўлсин, агар олий маълумотли мутахассис бўлсангиз, давлатга кўпроқ фойда келтирасиз» деган эди.

Шахсан мен Қодирийдан ҳеч қачон ўрисларга, Шўро ҳокимиятига қарши бир оғиз ҳам ёмон сўз эшитганим йўқ. Эсимда, 1936 йилги сұхбатларимиздан бирида Абдулла Қодирий хонадонига Шўро ёзувчиси Алексей Толстой меҳмон бўлиб келгани тўғрисида гапирган эди. Ушанда Қодирий айнан бундай деган: «Бизниги улуғ ўрис Шўро ёзувчиси Алексей Толстой ташриф буюрди. Мен у билан сұхбатлашдим. У киши ниҳоятда кўнгилчан экан. Лекин жуда қудратли, қўлидан ҳамма нарса келади. Билимдон. Хушмуомала. У ҳатто мен эн-ди ёза бошлаган асарим мазмуни билан ҳам қизиқиб қолди, хийла кўнглимни кўтарди».

Сұхбатимиз пайтида Қодирий қатъий режимга бўйсуниб яшashi ҳақида сўзлаб берган эди: у ўзи тузиб қўйган жадвал бўйича жисмоний иш билан шуғулланар, асар ёзар, дам олар, овқатланар, сайр қилар ва ухлар экан.

Қодирий фақат ёзувчилик билан шуғулланмасди, айни пайтда у миришкор боғбон эди. Шунингдек, асаларичилик билан шуғулланарди. Хуллас, ниҳоятда меҳнаткаш инсон эди.

Абдулла Қодирий ҳақида мен билган нарсалар ана шулардан иборат.

*Тасдиқномага сўзларим тўғри ёзилган, мен уни ўз она тилимда ўқиб кўрдим.*

*Зокиров (имзо)*

*таржимон: ЗВЕРЕВ (имзо)*

*Терговчи: ТуркҲЎҲарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги*

ГРИШЧЕНКО (имзо)».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 67—68-саҳифалар.)

\* \* \*

Узоқ йиллар мобайнида улоқ-кўпкарида қатнашиб юрган (айтмоқчи, устоз-Қодирийнинг илк ҳикояларидан бири «УЛОҚДА» деб номланади) тажрибали чавандоз отини дарров майдонга солмайди: дастлаб совутади — қизғин кураш кетаётган майдон атрофида айланиб юради, отни кураш нафсига, шарт-шароитга кўниклиради ва аччиқ устида отга бир-икки қамчи тушириб ҳам қўяди. Шунингдек, агар биз гапни хийла чийлаб, боз устига, этак томонидан бошлаб қўйган бўлсак, бунинг сабаби — Сизни, азиз ўқувчи, ҚАТЛГОҲда

рўй берадиган хийла-найранглардан хабардор этиб қўйиш ниятидамиз, холос.

Гувоҳларнинг кўргазмаларига, улар Абдулла Қодирийга ким бўлишидан қатъи назар, «танқидий» ёндошмоқ лозим. Чунки улар Қодирийни чин дилдан оқлашини истардилар ва айни чоқда Қодирийнинг ФОЯДОРГА маъқул келадиган йўсинда оқланишига ҳам рози эдилар, жавобларини беихтиёр расмий кўрсатмалар андозасига солиб қўярдилар. Албатта, салтанат осмонида (1956 й.) ёлғондакам... «эшак ўлдирап» қуёш йилт этган дамларда эски-туски жулдуровоқи кийим-бошни бирданига ечиб отиш мумкин эмасди: шундан қилинганда борми, тузумнинг, тартиботнинг айби очилиб қоларди— Қодирий оқланарди-ю, лекин ноҳақлик — адолатсиз тузум қораланаарди. Афсуски, эллигинчи йилларда барча бузуқликлар Сталин жасади билан маташтирилади ю қора ерга кўмилади...

1956 йилда ҳалиёв қочмаган эди. Мана, энди ёв қочдию ботир кўпайди: ошкоралик тифайли кўнглимиздаги ҳамма гапни бемалол айтипмиз. Ҳатто 1956 йилда Шўро адабиётининг яловбардори ҳисобланган мархум Алексей ТОЛСТОЙ тўғрисида ҳозир кўҳна ҳақиқат очиқ-ойдин айтиляпти; ўша ёзувчи Сталин даврида Ленин ордени билан тақдирланган бўлса, ҳозир «Ишчи-дехқон графи» деган «унвон»га сазовор бўлди. Бизнинг-ча, Қодирийнинг А. Толстой билан «дўстона алоқада бўлганин» хусусидаги кўргазмалар ҳам омонат, асоси пуч бўлса керак. Негаки, А. Толстой гувоҳлар талқин этаётган даражада дўстга вафодор — «чин ўртоқ» бўлмаган. Акс ҳолда, у Қодирийни бобовларга талатиб қўймасди. Гувоҳларнинг битта гапида жон бор: А. Толстой ҳақиқатан ҳам ҚУДРАТЛИ киши эди, у деярли ҳамма нарсага қодир эди. Бироқ, у ўз қурдатини «ўтин ёришга» сарфлайди — СТАЛИН билан жонажон дўст тутинади, «дохий»га хушомад қиласди... Қодирийдек зийрак, зукко инсон А. Толстой табиатидаги кўнимсизликни пайқамай қолиши мумкин эмас. Яхшиси, келинг, Шўро адабиётининг байроқдори таржимаи ҳолидан «бир шингил» татиб кўрайлик.

«20-йилларнинг иккинчи ярмида А. Толстой Шўро Урисиясида энг оммалашган, суюкли ёзувчилардан бирига айланиб қолди. Хавотирли Сталин замони бошланиши биланоқ Толстой дарҳол қизғин ижодий фаолиятини жиловладиу усталик билан қаламини хийла бехавотир тарихий мавзуга йўналтириди. «Биринчи Пётр» пьесасини яратди, ўрис подшоси қиёфасини қоп-қора бўёкларда тасвирлади... Толстой ўша пайтда, чиндан ҳам Урисия бошига тушажак барча кулфатларга буюк ислоҳотчи амалга оширган тадбирлар сабаб бўлди, деб ҳисобларди. Лекин «Биринчи Пётр» пьесаси дастлабки ҳолатда дунё юзини кўрмайди. Бошқарма ходими уни саҳнага яқин йўлатмайди. Муаллиф эса тез орада нега бундай бўлганини билиб олади. 1929 йилдаёқ Сталин Биринчи Пётр шахсияти билан

қизиқиб қолгани маълум бўладиу Шўро тарихчилари зудлик билан Биринчи Пётрдан ижобий хислатлар қидира бошлайдилар... Шахсан Сталинга Биринчи Пётр табиатидаги изчиллик, жўшқинлик, асосий мақсад йўлидаги қаттиққўллик маъқул келарди.

Ақл-идрокли Алексей Толстой нима учун асари «муваффакиятсиз» чиққанини дарров англади. Англайдию зудлик билан қанча ишлайди ва нишонга бехато уради. Пъесаининг янги нусхаси Иккинчи Бадиий театр саҳнасида кўйилади. бекиёс шухрат қозонади... Сталин бағоят мамнун бўлади: шахсан унинг ўзи Толстойга мана шу мавзуда лирик роман ёзишни маслаҳат беради. Урда (Кпемль) подшоси билан ўрис зодагони — граф Толстой илк бора 30-йилларнинг бошларида Максим Горький уйида учрашадилар. Шу вақтдан эътиборан Толстой хукумат ва фирмә раҳбарлари даврасида расмий обрў қозона бошлайди. Албатта, қисқа муддатда «Биринчи Пётр» романи ҳам ёзилади. Шубҳасиз, асар завқ билан, қизиқарли ёзилган. Фақат баъзи ўрниларда тарихий ҳақиқат соҳталаштирилади.

Ўша пайтлари Толстой Ленинград яқинидаги Шоҳчорбода, шахсий боғида яшарди... «Биринчи Пётр» романи тилга тушгач, Толстойга Московга — Урдага яқинроқ манзилга кўчиб ўтиш таклиф қилинади. Бу дамларда унинг китоблари мисли кўрилмаган нусхаларда нашр этиларди, муаллифнинг хукумат наздидаги эътибори юксалиб кетади ва Давлат банкасида унга маҳсус «Очиқ ҳисоб» ажратилади. Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида «Очиқ ҳисоб» мамлакат бўйича фақат икки кишида, Максим Горький билан машҳур мухандис, тайёралар ижодкори А. Н. Туполевда бор эди, холос. «Очиқ ҳисоб» моҳияти шундан иборатки, унинг эгаси ўзи хоҳлаган пайтда Давлат банкасидан хоҳлаган миқдорда пул олиш хукуқига эга эди: юз мингми, милёнми, миллиардми — аҳамияти йўқ. Билмадим. «Очиқ ҳисоб»нинг баҳтли соҳиби жамғармадан милён ёки миллиард сўм пул олишн мумкин эдими ё йўқми? Менимча, ололмасди. Шўро Иттифоқида яшаётган одамга, айтайлик, миллиард сўмнинг нима кераги бор? Ахир мамлакатда юз минг сўмлик мол-мулк харид қилиш амримаҳол бўлган пайтда миллиард сўмга войвојк олармиди!

Максим Горький 1936 йилда вафот этади, А. Н. Туполев эса 1937 йилда қамоққа олинади. Натижада Толстой мамлакатдаги энг пулдор инсон бўлиб қолади.

Алексей Толстой Московда ҳам тўкин-сочин, фаровон ҳаёт кечира бошлайди. «Пётр» ёзувчига бекиёс шухрат келтиради-ю, энди янги асар ёзишнингда унчалик қизифи қолмайди. Боз устига тағин хавотирли давр бошланади... Толстойга эса «Шўро адабиётидаги буюк ютуқлари учун» Ленин ордени берилади, сўнгра СШЖИ Олий Кенгашига депутат қиласидилар. Мухими, у расмий, чаларасмий маросимлару зиёфатлар пайтида доимо Ўрдага таклиф этиларди. Сталин унга марҳамат кўрсатарди, ёзувчи билан тез-тез суҳбатлашиб туарди...

Толстой «Биринчи Пётр» романини тамомлагач, ошна-оғайнилари даврасида, Москов қаҳважоналарида, Ўрда зиёфатларида бурнидан чиққунча арақ ичиб, маст-аласт ҳолда вақтини хушлаб юраверади — беш йилгача ҳеч нарса ёзмайди. Аммо ҳадеб сукут сақтайверса, беодобчилик бўларди. Олижаноб бирор нарса ёзиди, шу орқали тўкин-сочин, фаровон турмуш учун улуғ йўлбошчига миннатдорлик изҳор этиб қўйиш лозим эди. Шундай қилиб, 1938 йилда бирдан шов-шув тарқалди: капиталчи давлатлар Урисияга тажовуз қилган кезларда босқинчиларнинг бартараф этилишига ўртоқ Сталин буюк хисса қўшган экан, мана шу — фуқаролар уруши мавзусида Толстой «Ғалаба йўлида» ёки «Ўн тўрт давлат юриши» деган пьеса ёзаётганмиш!.. (Шунингдек, Толстой сал кейинроқ ёзган «Нон» романида ҳикоя қилинишича, 1919 йили Сарисин остоналарида оқвардиячилар бевосита дохийимиз Сталиннинг оқилона тадбиркорлиги шарофати билан тор-мор этилади.) Афсус ки, пьеса шу қадар бемаъни, тутириқсиз, зерикарли эдики, ҳатто уни қўйдек ювош Шўро томошабинлари ҳам кўришни истамадилар — пьеса бир неча марта саҳнага қўйилади-ю, кейин ундан ба-тамом воз кечилди. Тахминан, ўша йилларда нашр қилинган «Нон» романини ҳам бўш-баёв Шўро китобхонлари ўқишимади. Бир замонлар истеъдодли бўлган Шўро ёзувчиси Алексей Толстой ичкиликка муккасидан кетади, ярамас роман ёзди.

Толстойни ичкиликбозлиkkка ўргатадилар, маънавий жиҳатдан тубанлаштириб юборадилар, уни ёлғон сўзлашга мажбур этадилар. Отувга, сургунга хукм қилинган ёзувчилар каби Толстойнинг ёзувчилик иқтидори ҳам таназзулга юз тутади. Лекин у узоқ яшайди, 1945 йилда вафот этади. Шўро хукумати доим уни қўз-қўзларди рўзномалару ойномаларда, киноларда, тантаналн расмий маросимларда, зиёфатларда: «Мана, кўриб қўйинглар — бизнинг улуғ ёзувчимиз, Шўро адабиётининг фахри! У собиқ зодагон, граф, ҳозир эса Сталин даврини тўлиб-тошиб куйляяпти — садоқатли маддоҳ,

сўсализмнинг тенгсиз қасиданависи!» денишиб айюҳаннос солардилар... Афсуски, қўпчилик бундай бакир-чакирлар ҳам Шўро ҳокимиятиинг навбатдаги ҳийла-найранги эканини билмасди».

(«Огонёк» жаридаси, 1990 й. 41-сон, «Ишчи-дехқон графи» мақоласи, муаллиф — Юрий Елагин.)

Хуллас, мана шунақа гаплар. Ҳозир жамиятимиз маънавий инқирозга юз тутди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки йўқсуллар ниқоби остида қарор топган ҳокимият дунёга келган қундан бошлаб инсоний қадр-қимматни топташ билан машғул бўлди, ижтимоий тафаккурни Маркс — Ленин — Сталин таълимоти билан чеклашга интилди; оғзи қийшиқ бўлса ҳам, ғоявий маддоҳлар гапиртирилди ва охир-оқибатда эллик, юз жилдлаб «чучук ёлғонлар» вужудга келди: жисмоний хунрезлик маънавий қашшоқлик шаклида моддийлашди....

\* \* \*

Билмадим, 1938 йилда ҳам Наврӯз байрами «эскилик сарқити» сифатида бартараф этилганмиди ёки бундай «инқилобни» тадбирни амалга ошириш келажакка — Марказқўм котибаси Р. Ҳ. Абдуллаевага «фирқа топширифи» тарзида мерос қолдирилганмиди? Ҳартугул, ўша йилнинг 21 март куни (дошқозонда сумалак қайнаётган кезларда) 1905 йили (?) туғилган, Тошкент шахрининг Киров депараси, Учқун кўчасидаги 52-үйда истиқомат қиласиган СШЖИ фуқароси бўлмиш жаридачи ёзувчи Fafur Fуломни ЎзСШЖ Ички Ишлар халқ Комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги бошқармаси IV бўлимининг ходими, давлат хавфсизлиги сержантি ТРИМАСОВ гувоҳ тарзида сўроқ қиласиди. Сўроқ тасдиқномасида қайд этилишича, Fafur Fулом ўрта маълумотли, фирмасиз киши бўлиб, қизил кўшин сафида ҳам, оқларнинг аксил инқилобий аскарлари орасида ҳам... қорасини кўрсатмаган экан. Гувоҳ ёлғон кўргазма берса, жиноий жавобгарликка тортилажаги тўғрисида огоҳлантириладио тергов бошланади.

«Савол. Абдулла Қодирийни яхши танийсизми?

Жавоб. Абдулла Қодирий чинакам миллатчи ҳисобланади. Илгарн у савдогар, муштумзур эди, ўз хўжалигига одамларни мажбуран ишлатарди. Бундан ташқари, Зоҳириддин Аълам, Шоҳидов каби аксилин-қилобий кайфиятдаги мусулмон руҳонийлари билан доим апоқ-чапоқ бўлиб юради. Ошна-оғайнилари аксил инқилобий фаолияти учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Савол. Қодирийнинг Шўрга қарши аксилинқилобий фаолиятига оид нималарни биласиз? Батафсил гапириб беролмайсизми?

Жавоб. А.Қодирий чинакам аксилинқилобчи, миллатчи. У доим аксилинқилобий, миллатчилик ишлари билан машғул бўларди. Масалан, ўзининг «Калвак махзум», «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» сингари асарларида аксилинқилобий, миллатчи-лик ғояларини тараннум этади, ҳозирги замон ўзбек халқига тухмат қиласиди, ўрисларнинг устидан кулади. Шунингдек, жамоа хўжалиги қурилишига қарши чиқади, айни чоқда яккахўжалик турмушини улуғлади.

Эсимда, 1935-36 йилларда Шўро Иттифоқи билан савдо-сотик қиласиган битта

тижоратчи Қошғардан Тошкентга келди. Уша тиҷоратчи Қодирий уйида меҳмон бўлди ва «Ўткан кунлар» романини араб имлосида нашр этиш ва уни Қошғарга жўнатиш тўғрисида Додирий билан маслаҳатлашди. Бироқ, уларнинг қандай хуносага келгани менга қоронғи. Шу ҳақда Қодирийнинг ўзи менга гапириб берган эди. Бундан ташқари, аксилинқилобчи, миллатчи деб эълон қилинган Вадуд Махмуд, Чўлпон, Фози Юнусовлар билан Қодирий жуда иноқ эди. Бу кимсалар Ички Ишлар Халқ, Комиссарлиги томонидан жавобгарликка тортилган.

1936 йили мен Қодирий билан биргаликда Наби Шариповнинг уйига таклиф этилдим (у аксилинқилобчи, миллатчи эди, ҳозирги пайтда жиноий жавобгарликка тортилган); ўша хонадонга Зоҳириддин Аълам, Шоҳидов, Чўлпон (аксилинқилобий мусулмон руҳонийлари, ҳозир жавобгарликка тортилганлар) ва менга нотаниш кимсалар ҳам таклиф этилган эканлар. Утириш давомида фақат сиёсий мавзуда сұхбатлашдилар, ҳамма Шўро ҳокимиятини қоралади, Шўроларга қарши гапиришди. Қодирий: «Шўро ҳукумати заём чикарди, энди уни мажбурий тартибда одамларга тарқатмоқда», деди. Утириш катнашчиларининг бари Қодирийнинг фикр-мулоҳазасини қўллаб-куватлашди ва шу ердаёқ заёмга обуна бўлмасликка қарор қилишди ҳамда диндорлар ўртасида заёмга обуна бўлмаслик ҳақида тарғибот юритишга келишиб қўйдилар. Ундан сўнг Шоҳидов бундай деди: «Хотин-қизлар юзини очиб ташлаш мумкин эмас, бу Куръонда ман этилган. Крлаверса, паранжисини ташлаган аёллар раҳбарлик лавозимларини эгаллайдилар, кейин эрлар хотинларга бўйсунишга мажбур бўлишади — бу ҳол ҳам Куръонга хилофдир». Бу масалада ҳам диндорлар ўртасида, аёллар юзини очилишига қарши тарғибот ишлари олиб боришга келишдилар.

1936 йилда бир гурух ўзбек ёзувчилари Қозон шахрига сафар қилди. Қозон шахридаги «Шўро» меҳмонхонасида яшаб турган пайтимизда (Амин Умарий билан Шокир Сулаймонов ҳам биз билан бирга эдилар) Қодирий менга бундай деди: «Татаристонда ва олмонларнинг Эдилбўйи муҳториятида озиқ-овқат маҳсулотлари атайлаб тахчил этиб қўйилган; Шўро ҳукумати аҳоли ўртасида норозилик уйғотиш учун жўрттага шундай қиласпти. Олмонияда эса хайр-эҳсон тўпланяпти, йигимдан тушган маблағ, маҳсулот Татаристон билан олмонларнинг Эдилбўйи муҳториятига жўнатилияпти». Сўнгра Қодирий бундай деди: «Ҳарбий жиҳатдан Шўро Иттифоқи Олмониядан кучсиз. Агар уруш бошланиб кетса, Шўро ҳукумати мағлубиятга учрайди».. Ушбу сўзларни эшитишимиз билан Умарий, Сулаймонов ва мен дарҳол Қодирийга эътиroz билдиридик. Аммо Қодирий ўз фикридан қайтмади.

Умарий адабиёт билан шуғулланади. Сулаймонов Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлайди. Иккови ҳам Тошкент шахрида яшайди.

Шундан бошқа айтадиган гапим йўқ.

*Менинг сўзларим тўғри ёзиб олинган, ўзим ўқиб кўрдим. F. Ғулом (имзо).*

*Терговчи: ТРИМАСОВ (имзо).*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 32—34-саҳифалар)

## АНГЛАТМА

«Аризагўй X. Қодирий билан сұхбатлашганимиз тўғрисида.

1988 йилнинг 27 январ куни мен — ЎзСШЖ Давлат Ҳавфсизлиги Қўмитаси бўлум

бошлигининг ўринбосари, подполковник В. А. Петлин, қўмита шошилинч вазифалар ходими Б. И. Тошпўлатов билан биргаликда арзгўй Ҳабибулла Қодирий билан унинг хонадонида сұхбатлашидик. Арзгўй бетоб экан, қиши пайтида хонадонидан ташқарига чиқа олмайди.

Аризада ўртага қўйилган масала юзасидан тушунтирилдики, ДХҚ томонидан тергов қилинган кишиларнинг жиноятномалари танишиб кўриш учун шахсий арзгўйлар қўлига берилмайди. Кейинги саволларга бундай жавоб берилди: арзгўйнинг отаси — Абдулла Қодирий 1938 йилда гўё Ф. Хўжсаев раҳбарлик қилган аксилинқилобий, аксилишўравий ташкилотга аъзо бўлгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм ижро этилган. Шундай шахсларнинг кўмилган жойлари ўша даврда расмий ҳужжатларда қайд этилмасди; шунинг учун ҳозир унинг қаерга дафн этилганини аниқлаши имконияти йўқ. 1956 йили у оқлангган. Чунки унинг хатти ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги тан олинган.

Суҳбат пайтида Ҳабибулла Қодирий, отасининг ноҳақ жазоланишида Ғафур Гулом асосий айбор ҳисобланадими, деган масалага ойдинлик киритмоқчи бўлди. Унга, биз бундай маълумотга эга эмасмиз, деб жавоб берилди. Арзгўй отаси ҳақида ўзи ёзаётган китобда Ғафур Гуломни қоралаб акс этиришиим мумкинми, деб сўради. Биз унга тушунтиридикки, агар қоралаши учун тўла исботланган, ҳаққоний далил бўлса, ёзиши мумкин, албатта. Акс ҳолда, муаллиф бирорвга тухмат қилгани учун жиноий жавобгарликка тортиласди. Суҳбат пайтида Ҳабибулла Қодирий айтдики, унинг яқин бир танишии (бундан йигирма йиллар муқаддам) мутлақо тасодифан Абдулла Қодирийнинг жиноятномаси билан танишиб, унга баъзи тафсилотларни сўзлаб берган экан. Хусусан, арзгўй отасини тергов қилган собиқ тер-говчи Тригуловнинг кўргазмаси тўғрисида ҳақиқатга яқин тафсилотларни айтди. Бундан ташқари, Абдулла Қодирийнинг иши қайта кўрилаётган вақтда терговга чақирилган арзгўй ўша пайтда баъзи тафсилотни ўзи билиб олган экан.

Суҳбат охирида арзгўй Ҳабибулла Қодирий, агар отасининг жиноятномаси билан танишиб кўришининг имконияти йўқ бўлса, ДХҚга ёзган аризаси бўйича унга берилган жавобдан қониққанини эътироф этди; бу масала юзасидан эътиrozи йўқ экан.

ЎзСШЖ ДХҚ бўлим бошлигининг ўринбосари, подполковник В. ПЕТЛИН (имзо).

ЎзСШЖ ДХҚ шошилинч вазифалар ходими, капитан

Б. ТОШПУЛАТОВ (имзо).

1988 й. 27 январ».

(А. Қодирийнинг жиноятпомаси, 98—99-саҳифалар).

Демак, Ҳ. Қодирий умрининг охирларида ҳам отасининг фожиалн ўлимига Ғафур Гулом сабабчи бўлган, деб тахмин қиласди. Лекин ДХҚнинг масъул ходимлари: «Биз бундай маълумотга эга эмасмиз», деб жавоб беришади.

\* \* \*

Ғафур Гулом 1938 йилда Абдулла Қодирий ҳақида дастлаб кўргазма бергандан сўнг орадан ўн саккиз йил ўтади. Ва 1956 йил январ ойининг ўн олтинчи куни ТуркХЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги ГРИШЧЕНКО Ўзбекистон Шўро

ёзувчилари уюшмасининг аъзоси бўлмиш Ғафур Ғуломни гувоҳ сифатида сўроҳ қиласди. Бу пайтга келиб F. Ғулом олий маълумот олган ва 1946 йилда қўммунистчи фирмага аъзо бўлган эди. Уша кунги тергов тасдиқномасида асосан қўйидаги кўргазма қайд этилади.

«Савол. Езувчи Абдулла Қодирийни биласизми? Унинг ўтмиши ҳақида Сизга нималар маълум?

Жавоб. Мен ёзувчи Абдулла Қодирийни сиртдан, асарлари бўйича 1925-26 йиллардан берн биламан. Шахсан у билан, тахминан, 1932 йили танишганман. Абдулла Қодирий тошкентлик бўлиб, отаси боғбон эди. Қодирийнинг ўзи адабиёт билан шуғулланарди, бўш пайтларида укалари билан боғ юмушларида машғул бўларди.

Савол. 1923-26 йилларда Абдулла Қодирий қаерда, қандай вазифаларни бажарган?

Жавоб. Вақтли матбуотдан менга маълум эдики, у «Муштум» жаридаси билан ҳамкорлик қиласди.

Савол. 1923-26 йилларда «Муштум» жаридасига ким раҳбарлик қиласди?

Жавоб. 1923-26 йилларда «Муштум» жаридасига Ғози Юнусов (ҳажвчи), шоир Чўлпон ва Абдулла Қодирий раҳбарлик қиласди.

Савол. А. Қодирийнинг «Муштум»даги фаолияти ҳақида Сизга нималар маълум?

Жавоб. Қодирий «Муштум» билан ҳамкорлик қиласди. Унинг фельетонлари, ҳажвий ҳикоялари босилиб турарди.

Савол. Абдулла Қодирийнинг ғоявий-сиёсий қарашлари ҳақида нима дейсиз?

Жавоб. Абдулла Қодирий мутаассиб мусулмон эди, у барча диний расм-руsumларни қатъян адo этарди. Шунинг учун турмушимиздаги янгиликлар, хусусан, хотин-қизларнинг паранжи ташлаши ҳам унга ғайритабии туяларди — бундай ҳодисаларга салбий муно-сабатда бўларди.

У миллатчи эди, асарларида ўрис халқига нисбатан қаҳр-ғазабини акс эттирган. Жамоа хўжалиги қурилишини қораларди, яккахўжаликни афзал кўрарди. Чунки унинг ўзи хўжаликни яккабош бўлиб бошқариш тарафдори эди.

Савол. Абдулла Қодирийнинг аксилинқилобий хатти-ҳаракатлари борасида нималарни биласиз?

Жавоб. Шахсан менга Қодирийнинг аксилинқилобий хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас.

Савол. Қошғарга жунатиш учун нашр этилган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» китоби ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб. Эсимда бор, бир сафар Абдулла Қодирий менга ўзининг асарларини Қошғарда ҳам ўқишаётгани ҳақида гапириб берган эди ва асарларини уйғур тилида чоп этиб, Қошғарга юборишни орзу қиласди.

Савол. Абдулла Қодирийнинг Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Ғози Юнусовлар билан ўзаро муносабати ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб. Менга маълумки, Вадуд Маҳмуд жарндачи эди: у, Чўлпон, Ғози Юнусов (ҳажвчи), Абдулла Қодирий қалин дўст тутинишган эди. Мен Вадуд Маҳмуд билан шахсан таниш эмасман. 1954 йили Сталинободда (ҳозирги Душанбе шаҳри — изоҳ биздан: Н. Б.) Ай-нийнинг дағн маросимида қатнашган кезларимда Вадуд Маҳмуд бирмунча вақт Сталинободда яшаганини одамлардан эшитдим.

Савол. Абдулла Қодирийдан аксишўравий руҳдаги фикр-мулоҳазаларни эшитганмисиз?

Жавоб. 1936 йили Қозон шаҳрида сафарда бўлган пайтимиз, биз меҳмонхонада Абдулла Қодирий билан бирга яшадик. Ушанда у, агар уруш бошланиб қолса, албатта, Хитлер ғалаба қозонади, деган эди. Суҳбат устида Амин Умарий ҳам бор эди (у 1946 йилда вафот этган). Бу борада бошқа гап-сўз бўлганини эслай олмайман.

Савол. Сиз Наби Шариповни танийсизми? У билан муносабатингиз қандай эди? Наби Шариповнинг уйига борганимисиз?

Жавоб. Наби Шариповни шахсан танимасдим. Лекин 1936 йили бир марта Наби Шариповнинг уйига меҳмонга таклиф этилдим. Ушанда Чўлпон билан Абдулла Қодирий ҳам боришган эди. Наби Шарипов нпма иш қилишнни билмайман. Чунки унинг уйидаги бор-йўғи бир марта бўлганман, холос. Эсимда, ўшанда Наби Шарипов хонадонига биздан ташқари, Чўлпоннинг тоғаси — Ўрта Осиёнинг йирик руҳонийси Зоҳиридин Аълам ҳам ташриф буюрди. Тушлик пайтида Наби Шариповнинг отаси билан Зоҳиридин Аълам мусулмон киши ютуққа эгалик қилиши мумкин эмаслиги, аникроғи, агар заёмга ютуқ чиқса, текин пулдан фойдаланиш ҳукуқига эга эмаслиги хусусида, ютиб олинган пулни бирорта бева-бечорага хадя этиш лозимлиги ҳақида гаплашиб ўтиришган эди. Кейин суҳбат мавзуси күшхонадан гўшт харид қилмаслик тўғрисида кетди; чунки у ерда жонлиқни рисоладагидек сўймайдилар — чалажон ҳолатида иргитиб юборишади. Ростини айтсам, ҳозир барча гап-сўзларни аниқ эслай олмайман.

Савол. Амин Умарий билан Шокир Сулаймоновни танийсизми? Уларнинг тақдири нима бўлган?

Жавоб. Ҳа, Амин Умаров (Амин Умарий) била» Шокир Сулаймоновни адабий фаолияти орқали яхши биламан. Амин Умаров ЎзСШЖнинг ҳар хил нашриётларида хизмат қилган. Шокир Сулаймонов эса шоир эди. Яна айтишим мумкинки, Амин Умаров фаол ёш камол бўлган. 1946 йили Амин Умаров Тошкент шаҳрида вафот этди.

Савол. Абдулла Қодирипнинг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон», «Калвак махзум» асарлари билан танишмисиз? Номлари зикр этилган асарларнинг ғоявий-тарбиявий аҳамияти, бадиий қим-мати ҳақида нима денсиз? Уша асарлар Қошғарда чоп этилганми?

Жавоб. Ҳа, Абдулла Қодирипнинг асарлари билан танишман. Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар», «Мех-робдан чаён» китобларида Худоёрхон ҳукмронлик қилган даврни ёритган. Абдулла Қодирий бу асарларида ўрнс халқига қаҳр-газабини тўкиб солган. Темирланг, Умархон замонидаги «олтин давр»ни қўмсайди. Агар ўшалар каби хонлар бўлганда борми, ўрислар икки дунёда ҳам Туркистонни босиб олишолмасди, деб ҳисобларди. Абдулла Қодирип ўз асарларида Худоёрхонни уқувсиз ҳоким сифатида қоралаиди; ўша ярамас охир-оқибатда Туркистонни ўрисларга топшириб қўйди, дейди. «Обид кетмон» романида Қодирип яккахўжаликни улуғлайди, жамоа хўжалиги қурплишини қоралайди. Бу романида Қодирип сифлис (таносил) каби юқумли касалликлар Туркистонга ўрислар томонидан келтирилган, деб талқин этади. Абдулла Қодирий «Калвакмак-зум» асарида Калвак тимсолида калавасиниг учини йўқотнб қўйган, эскичага муккасидан кетган мусулмон-ни тасвиrlайди; ҳажвий асар қаҳрамони қулай фурсат туғилдими бас, дарров янгиликни қоралайди, эски-ликни тарғиб қиласди. Уз замонида Қодирийнинг бу асари кўп нусхада қайта-қайта нашр этилган.

Савол. Ўзбекистон Йўқсул ёзувчилар уюшмаси ташкилий қўмитасининг собиқ раҳбарлари бўлмиш Курбонов, Сотти Ҳусаинов, Насрулло Охундийларни танинсизми?

Улар ҳозир қаерда?

Жавоб. Ҳа, мен Қурбонов, Ҳусаинов, Насрулло Охундийларни танийман. 1938 йилда Қурбонов Ўзбекистон Йўқсул ёзувчилари уюшмасининг раиси эди, ҳозир у илмий ходим ҳисобланади. Лекин айнан қаерда ишлаётганини билмайман. Сотти Ҳусаинов уруш аайтида қамоққа олинган: эшитишумга қараганды, у жазоланганды эмиш. Аммо, қачон, нима учун жазоланганини мен билмайман. Насрулло Охундий ҳозирги пайтда Ўзбекистон Давлат нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишламоқда.

Савол. Педагогика институтининг собиқ профессори Ғози Олим Юнусовни танийсизми?

Жавоб. Мен Ғозп Олим Юнусов номини илгари эшитганману, аммо у билан шахсан таниш эмасман. У ҳақда бирор нарса дея олмайман.

Савол. Сиз Иброҳим Назировни танийсизми?

Жавоб. Йўқ, мен Иброҳим Назировни танимайман.

Ушбу иш юзасидан шундан бошқа ҳеч қандай кўргазма бера олмайман.

*Тасдиқномага менинг сўзларим тўғри ёзилган, ўзим ўқиб кўрдим.*

*F. ГЎЛОМ (имзд)*

*адлия подполковниги ГРИШЧЕНКО (имзо)».*

*Терговчи: ТуркХЎ прокурорининг ёрдамчиси,*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 4—8-саҳифалар)

Агар янглишмасақ, ҳозир нафасингизни ичингизга ютиб, Ҳукм эълон қилинишини кутмоқдасиз... Хўш, биз нима дейишимиз мумкин? Бизнингча, бу ҳолатимиз «сўзсиз сурат»га ўхшаса керак. Узр-маъзуримиз қабул этилса, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ғафур Ғулом» шеъридан саккиз мисрасини эътиборингизга яна бир бора ҳавола этмоқчимиз:

«Қанчалик йироқдан эшитилмасин  
Арслоннинг наъраси арслонларга хос.  
Ҳеч кўмиб бўлгайми офтоб шуъласин,  
Олмос ушоғи ҳамиша олмос.

Устоз Ғафур Ғулом тирикдир, тирик,  
Ўзбек шеъриятин жамоли — кўркам.  
Шу улуғ бинога асос бўлгудек  
Ярқираб турибди у қўйган ғишт ҳам...»

Албатта, бирорнинг кўнглида Ғафур Ғуломга нисбатан иштибоҳ уйғотиши ниятимиз йўқ: биз неки ҳақиқат бўлса, барини очик-ойдин қофозга туширяпмиз, холос. Қоғоз эмас, юрагимиз тирналяпти!

Ҳа, Ғоядор нишонни бехато олган эди: аллома шоирнинг «умр дафтари»га доғ бўлнб тушадиган «шоҳ сатрлар»ни авайлаб-асрашни ва фурсати етганда ошкор этиб, муҳлислар кўнглини вайрон этишни 1938 йилдаёқ режалаштириб қўйган эди. 1956 йилда эса ўша мудҳиш режанинг пухта ёкн пухта эмаслиги синааб кўрилди, холос.

Наҳотки, соҳир ақл-идрок эгаси бўлган улуғ шоир қалтис хатога қўл ураётганини, жиноятга шернк бўлаётганини болмаган бўлса?! Нега у «халқ душмани»ни фош этпш учун ишга туширнлган восита ифлос эканини, хиёнатга асосланганини билиб туриб, бир

хонада ётган, бир дастурхондан туз-намак бўлган ўз оғасини «фош» этади?.. Агар мантиқ бўйича фикр юритилса, истеъдодсиз кимса бошқаларнинг ноёб истеъдодига омонатига хиёнат қилинши лозим.Faфур Гулом эса истеъдод борасида асло қнсилмаган эди: у кемтик кўнг-ли билан қуялагандан ҳам дунёни тўлдириб кетган шоир ҳисобланади.Харҳолда Faфур Гулом энг жирканч шайтоний қутқу ҳасад туфайли қўлини булғамаган.

«Мудхиш бир кеча, қўрқинчлидир...»

Бирдан дарвоза тақиллади. Шоир чўчиб ўрнидан туради ва хотинига: «Кўрпашакни ҳозирла, мени олиб кетишадн», дейди. Дарвозани асабий тақиллатишади. Шоир бўхласини орқалаб дарвозахонага равона бўлади. Хотини эса товушнни чиқармасдан бўғриқиб-бўғриқиб йиғлади. У беҳолгина дарвоза зулфини туширади.

Қора кийимли иккп азроил серрайиб туришарди.

— Кетдик, — дейишади.

«Қаёққа?» деб сўрамайди шоир, фақат ичидаги шум тақдиридан нолийди.

Шу пайт азроилдан биттаси шоир елкасидаги бўхчани олпб, дарвозахонага улоқтиради.

— Керак бўлса, кейин элтиб беришади, — дейди. «Ўша жонга» олиб боришади. Кон хиди анқийди.

Шоир ўхчиди.

— Ҳа, ёқмадими?.. Оббо, нозикбадан-эй!!—деб пичинг қилади азроил.

— Чекасан? — деб сўрайди тўппончасини ғилофидан чиқариб, стол устига қўйган кимса. Шоир бош чайқайди. Сўнг, тўппончали киши давом этади: — Камина терговчп бўламан. Ҳозир биз сени қатлоҳ манзараси билан таништнрамиз. Қани, олдимга туш-чи! Қўлингни орқангга маташтириб юрасан; мабодо... қочишга уринсанг — тамом, огоҳлантирмасдан отиб ташлайман.

Гира-шира йўлакка чиқадилар. Атрофдан ох-фифон, дод-фарёд эшитилади. Кимдир тўхтовсиз ўрисчалаб сўкинади, баъзан ўзбекча ҳам аралаштириб қўяди: «Ҳе-е, онангни фалон қилай!»

— Стой! РАЗ, ДВА! — дейди терговчи. Шоир таққа тўхтайди.

— Сўлга бурилгин-да, тирқишдан хонага қарагин!.. Танияпсанми?

— Барини танийман, — дейди шоир тирқишдан нигоҳини узиб. — Улар машҳур ўзбек ёзувчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту...

— ТУКТА!.. Кетдик, пойдём! — Бояги хонага қайтиб келишади. — Ўтири. Папирос чекади?

— Ҳа, чекади... Раҳмат, фуқаро терговчи. Уларни калтаклашибди: юзлари кўкарған, қонталаш...

— Молчи!.. Мен савол берсам гапирасан, понятно?

— Понятно.

— ВОТ И ХОРОШ! СЕН — БАРАН! Скажи, Абдулла Кадирийни танийсан?

— Танийман.

— УХ, КАКОЙ СЕН ХОРОШИЙ БАРАН!.. УНИ ЯКШИ БИЛАСАН?

— ЯКШИ БИЛАМАН,— дейди шоир тилини чучитиб.— У Горький билан...

— ЮУ-К, НЕ ТАК! У Горький билан эмас, а миллатчи буржуйлар билан! Тушиндинг? А ну-ка, айт тепер!

— Гражданин терговчи, мен битта пиёниста шоир бўлсам... қўйвора қолинг — уйда болаларим йиғлаб қолишиди...

— Ладно, сени тоже бабахним! — Терговчи ғилоридан тўппончасини чиқаради-да, ўқлай бошлайди.

— Бирпасда-я?!

— Протоколга запишем, что при попытке бегству оғир яраланди, потом касалхонада ўлади...

— Чексам мумкинми?

— Пажалиска!

— Хоп, мен согласен. Нима дейишим лозим?

— Вот и хорошо! Какой сен якши баранчик!.. Сен два дня у нас шамоллаб ётасан, биз эса кўргазмаларингни сами протоколга напишем и сен подпишеш — имзо чекасан, вассалом! Потом пойдёш с богом!

— Якши, — деди шоир қулт этиб юtingанча.

— Агар қачондир кўргазмангдан отказался биз сени бари бир бабахним! Ясно? Яман булади! О, еще как яман булади!!!

— Хоп, — дейди шоир мажолсизланнб.

— Вот сенга калам и вот бумаги; сейчас алоҳида камерага кузатиб куямиз но до утра напишеш, что знаешь. Иногда биз будем диктоват. Потом сен Совет шоири бўласан абадул абад, если шалтай-балтай — все, конес тёбе, и кейин можем бабахнит, мий тебе взорвём, чертого матери!!!

\* \* \*

Рўйи заминни зир титратиб, арслондек наъра тортиб адабиёт даргоҳига кириб келган шоир эгилади, мағрур боши хам қилинади: қўли қонга ботирилади, бир умр ичэтини кемириб яшашга маҳкум этилади. Ахир, Fafur Fулом бекорга ичкиликка ружу қўймаган-ку, у дардини ҳеч кимга айтольмасди — айтса... дарди баттар газаклаб кетарди. Унинг дарди бедаво эди. Жон эса песспқ, ширин: одамнинг аъзои баданида милёнта хужайра бўлса, то охирги нафасгacha — милёнта хужай-ра ўлгунча одам милён марта ўлади, ўлим азобнни — сўнггъ қўйноқпи милён марта бошидан кечиради. Чунки милёнта хужайранинг ҳамма-ҳаммаси битта одамнинг мулкидир!.. Ишонмасангиз, ўз танангизга нина санчиб кўринг-чи?! Оғрийдими?.. Агар оғриқни сезмасангиз — билингки, хужайрангиз тирнк жон эмас, ўлган экан. Зоро, оғриқ — тириклика хосдир.

Шундай қилиб, ўзбек миллати пешонасига битган буюк ИСТЕДОД занжирбанд этилади, кўринмас ип билан СИЁСАТ дарвозасига боғлаб қўйилади, сохта ФОЯнинг кўриқчисига айлантирилади.

— Fafur Fулом 1956 йилда ўз гунохини ювиши мум-кин эди-ку?! — деб сўрайсиз.

Кечиргайлар. 1956 йилда ЁЛФОН — ҳокими мутлақ эди (ҳозир-чи?), ҚУРҚУВ эса кўпракдек ўша оғасини, улуғ оғасини — ЕЛФОНни қўриқлаб ётарди. Кўрқув итоатгўйлиги, хиёнати учун ҳар хил мукофоту унвонлар билан тақдирланарди. Кўрқув тавба қиласидими? Нега? Ахир, «шахсга сифиниш» ҳақидаги дод-войлар фирманинг одатдаги ҳийла-найрангидан бошқа нарса эмаслиги кундай равшан эди-ку! Кўрқув ўз жони — милён ху-жайраси «темир сандиқ»да эканини «якши» биларди...

Шунинг учунFaфурҒулом, ҳатто 1964 йилда — Абдулла Қодирий таваллудининг етмиш йиллиги нишонла-наётган тантанали кечада ҳам «эски ашуласи»ни хир-гони қиласи; Қодирийни «уч-тўртта рисола ёзиг кетган анчайин бир ёзувчи» сифатида камситишга уринади. Нима, кўпчиликнинг ўртасида Қодирий тўғрисида иликроқ сўз айтиб қўйса, FaфурҒуломнинг асакаси кетар-миди? Асло. Бундан осони йўқ эди. Аммо, «мудхиш бир кечада, қўрқинчли бир кеча»да уйингизда қўққис телефон жиринглассаю нотаниш кишин мулойим товушда қатли ом даврини шунчаки эслатиб қўпса ва баъзи бир. Йўл-йўриқ қўрсатса-да, эртага бўладиган Қодирийнинг тантанали кечасида муваффақиятлп қатнашингиз, деб тилак билдпрса... Кечиргайлар! Пешонадан совуқ тер чиқиб кетпаш турган гап, лекин жон чиқиб кетмаса, демак, арслон калласпек юрак бор экан! Арслонюрак шопрни «тўти»га айлактпра олган ҚУРҚУВ нақадар қудратлп эканпни тасавур этяспзми? Тўғри, «мард бир марта ўлади, номард эса минг марта», дейдилар. Бпроқ, «одамларнипг бпр одати бор — мақол тўқийдилар мослаб ўзига». Қолаверса, минг бпр ўлимни енгиб, битта жонинп минг бир марта қипмалаб, қинналаниб ва яна дор остига бораверган. қўлпдан қаламини ташла-маган инсон наинки номард бўлса?

Мен ишонаманкн, агар FaфурҒулом қайта қуриш даврпга қадар омон-эсон яшагапла борми, у баъзи «оқсоқол» шоири ёзувчилар каби уйнга биқипнб олиб, сасини чиқармай ўтнрмасди, балкн «болшовононлар» бар-по этган қоихўр тузумнинг битта қурбони сифатида эл-юрт олдида гувоҳлик берарди.

— Ўринсиз тўқилган бегуноҳ қонлар устига қурилган жамиятни қайта қуришга сира ҳам ақлим етмайди. Мабодо, шу жамият қайта қурилса, сон-саноқсиз шаҳидлар гўрида тик турадилар ва мадфун Туркистонимизни кофирихонага айлантириб қўйган биз итларни қарғайдилар!!! — деб юм-юм йиғларди.

Ана, «зўр карвон йўлида етим бўтадек» елиб-югу-рнб, жонини қаерга қўйишини билмасдан, «бошини силашга бир меҳрибон қўл» тополмасдан, шўр пешонасига муштлаб-муштлаб нуроний бир чол йиғлаляпти. Упкаси тўллб-тўлнб, ўксисб-ўксисб, ўткинчи дунёни, ёл-гончи дунёни қарғаб-қарғаб бўзлаляпти.

— Ё раббим!

«Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинда эди. Авлиё ота устидаги чор аскарлари билан тўқнашувимиизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шахид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим». Роман шундай сўзлар билан якунланади. Онгли равиша — сиёсий мақсадни қўзлаб, ўрисларнинг ишчилар синфиға, ўрис халқига нафрат уйғотиш ниятида шундай ёзилади ва шу йўсинда буржуй миллатчилари сафини мустаҳкамлаш, ёшларга заарли, тубан "буржуйча миллатчилик таъсир ўтказиш назарда тутилган...»

Ўзбекистон Йўқсул Ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитаси томонидан «Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) буржуйча миллатчилик, акснл шўравий «Ўткан кунлар» романи ҳақида» ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармасига тавсия зтилган ва Қодирийнинг жиноятномасига тикиб қўйилган хulosада ана шундан депилади. Хулоса «ёш шоир — Ташкилпн қўмптанинг масъул котиби Насрулло Охундий» имзо чекмаган экан. Тигдор «такриз»га қўмита раиси X. Курбонов, раис муовини — драматург-танқидчи С. Ҳусайнов, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, танқидчи-адабиётшунос Олим Шарафутдинов имзо чекканлар. Имзокашлар қаторида FaфурҒуломнинг исми шарифи ҳам қайд этилган-у, аммо унинг имзоси йўқ: гувоҳ сифатидаги

кўргазмаси терговчига етарли далил бўлган бўлса ажаб эмас. Бироқ «Обид кетмон» тўғрисида» ва «А. Қодирийнинг тескарнчи асарлари» хусусидаги ху-лосаларга Н. Охундий гажакдор имзо қўйган; бу ким-санинг имзоси шу қадар тарвақайлаганки, беихтиёр яйраб-яшнаб имзо қўйиш шунаقا бўлса керак деб ўй-лайсиз.

*Н. Охундий имзо қўйган хулосалардан айрим кўчирмалар:*

«А. Қодирий «Обид кетмон» асарини гўё ўзи ҳам Шўро томонига ўтганини исботлайдиган далил каби тортиқ қилди. Афсуски, ушбу ҳужжат ёзувчи Шўро томонига ўтганини инкор этиб турибди: У Шўрога қарши курашиш учун юзига ниқоб тортиб олибди».

«Буржуй миллатчилари кўкларга кўтариб мақтайдиган ва ўша мақтовлардан ғуурланиб юрадиган мад-доҳ ёзувчилардан биринчиси А. Қодирийдир. Буржуй миллатчилари тор-мор этилган сўнгги кунга қадар А. Қодирий буржуйлар синфиға садоқат билан хизмат қилди.

Ўктабр инқилобидан кейин очик-ойдин Шўро ҳукуматига қарши кураш бошлаган муросасиз аксилинқи-лобчилар тарафига ўтиб кетган ва барча қора кучларни ўз атрофига бирлаштирган, босмачилик ҳаракатнни уюштирган, босқинчилар (интервентлар) билан яқин алоқа ўрнатган жадидлар ягона мақсадни кўзлардилар — улар ишчи-дехқонларнинг Шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашни истардилар. Жадидларнинг зинг йирик ёзувчиси Абдулла Қодирий охирги кунгача Шўро ҳокимиятининг муросасиз душманлари сафини тарк эт-мади: Ўктабр инқилобини, йўқсууллар диктатураси тантаналаринн чинакам синфий душман сингари қарши олди. У большовойларпи мазахлаб ҳажвин асарлар ёзди, Шўро тузумини нотўғрн акс эттириди, турли-туман пўллар бплап лаънатп ўтмишни улуғлади. У ўтмишдан олинган қаҳрамонларни, миллий буржуйлар вакилларини кўкларга кўтариб мақтади. Оврўполик буржууплардан деярли фарқ қилмайдиган Отабек А. Қодирий сиғинадиган тимсол эди...

Халқ душмани А. Қодирпий... ўтмиш манзараларини, қаҳрамонларини нотўғри таевирлапдп. У халқнинг хонга нисбатан бўлган нафратипи кўрсат.мапди, дин меҳнаткашлар оммасиши эзпиш қуролн эканини фош этмайди.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, халқ душмани А. Қодирпип ўзининг «Обид кетмон» қиссасида онгли равншда фирмамизнинг, ҳукуматимизнинг қишлоқдаги сиёсатига қарши чиқади; қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришга тўсқинлик қиласди».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 56—61-саҳифалар.)

Албатта, бу хулоса битта Н. Охундий томонпдан ёзилмаган, балки «қизпл шанбалик» усулида ҳамтовоқлари билан биргаликда «ижод» қилинган. Маълумки, шанбаликда ҳар ким баҳоли қудрат пшлайди. Жумладан, Н. Охундий ҳам ФОЯДОРга ўзии кўрсатиб қўйиш учун хийла тер тўккан. Боз устнга, у илгари ҳам бош-қаларга ибрат кўрсатган эди: «Правда Востока» рўзномасининг 1937 йил 31 декабр куни (айлан Абдулла Қодирий қамоққа олингам куни!) чоп этилган «Руставели ва ўзбек адабиёти» мақоласида бундай ёзади:

«Адабиётимизга суқулиб кириб олган аксилинқилобин мпллат-чиларнинг жосуслари ўзбек

адабиётини ажратиб қўйишга уриндилар, бизнинг халқларн.миз мнллпй маданнатларининг дўстлашувига Тўсқиилик қилмоқчи бўлдилар... Ўзбекистон ёзувчиларининг сафи халқ душманларидан тозаланса, озод Ўзбекистоннинг сўсалистик маданияти янада гуллаб-яшнаши учун пухта замин ҳозирланган бўларди».

Тез кунларда Н. Охундий фирмә рўзномасида илгари сурган «назарияси»ни амалий иш билан мустаҳкам-лайди: у «халқ душмани А. Қодирий» тўғрисида ёзилган хуносага муносиб улуш қўшади.

М. Ярков деган кимсанинг хабар беришича, «янги йинлипнг бирпичн кунидан ҳанвонларни Бутуниттифоқ миқёсида рўйхатга олиш бошланар» экан («Правда Востока» рўзномаси, 1937 й. 31 декабр).

\* \* \*

Таассуфки, Н. Охундийнинг ижодий фаолиятига доир маълумотлар кўчирмалар орасида ғарамга тушган нина каби йўқолиб қолди. Миллий кутубхонага яна-тағин фақат Охундийнинг китобларидан кўчирмалар олиш учун боргани эса эриндим. Эринмасдим-у, аммо муаллпфнинг ппчоққа илинадиган, ўқувчию ўзига жалб этадиган бирорта ҳам асари йўқ экан. Эсимда борн шуки, урушдан кейинги нилларда Н. Охупдийпинг «Ишқингни авайла» деб номланган битта шеърий тўп-лами нашр этилган: шеърлар сийқа, тузи йўқ. Лекин мавзулари бозоргир, арzon-гаров — ишқ-муҳаббат ҳа-қпда. «Ншқ-муҳаббат қўҳнадир, лекин уни ҳар бир юрак янгилайди», деган ҳикматли гап юради. Дарҳақиқат, муҳаббат қўҳна қўшиқ, лекин уни булбул ҳам қуйлай-ди, қузғун ҳам.

\* \* \*

1956 йил апрел ойининг йигирма бешинчи куни Туркистон Ҳарбий Ўлкаси прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Грищенко Насрулло Охундийни гувоҳ сифатнда сўроқ қиласди.

*Насрулло Охундий. 1908 йили Жиззах шаҳрида тугилган, ўзбек. Оилали. 1945 йилдан бери кўммунистчи фирмә аъзоси. ЎзСШЖ Давлат нашириётида боши мухаррир лавозимида ишилайди. Тошкент ша-хар, Ўқитувчилар кўчасидаги 9-йуда яшайди.*

#### *I. Охундий тубандаги кўргазмани беради:*

«Абдулла Қодирийни (Жулқунбон), тахмипан, 1931 йилдан бери ёзувчи сифатида биламан. Биз Тошкент шаҳрида яшардик. Ўзбекистонда Шўро ёзувчилари уюшмаси тузилгач, Абдулла Қодирий шу уюшмага аъзо бўлди. У 1934 йили Шўро ёзувчиларининг биринчи Бутуниттифоқ қурултойига делегат бўлиб борган эди. Қодирип ёзувчилар орасида ҳам, кенг китобхонлар ўр-тасида ҳам энг машҳур ёзувчи ҳисобланарди. Унинг асарлари тамтароқ эскича услубда ёзилган бўлса-да, лекин соддалигин, халқчиллиги, тилининг жозибадорли-ги учун ўқувчилар меҳрини қозонган эди. Менга А. Қодирипдининг қўйидаги асарлари маълум: «Ўткан кунлар» романи (1924-25 йилларда чоп этилган), «Мехробдан чаёи» романи (1928 йили нашр этилган), «Обид кет-мон» қиссаси

(1935 йилда нашр қилинган).

«Ўткан кунлар» — бу тарихий роман бўлиб, унда XIX асрда, Худоёрхон ҳукмронлик қилган даврдаги ўз-бек халқининг ҳаёти акс эттирилган. Узбек қизларининг муҳаббат эрки масаласи қизил ип мисоли роман марказидан ўтади. Асосий фикр — ўзбек қизлариний янада журъатли бўлишга чорлашдан иборат. Абдулла Қодирий бу романида кулдорлик даври қолдиқларини қоралайди. Роман бадиий жпҳатдан ниҳоятда юксак бўлиб, халқил, содда тилда ёзилган.

«Мехробдан чаён» романида Абдулла Қодирий дин-дорларга, жоҳлиятпарамастларга қарши чиқади ва Шарқ хотин-қизларининг юзлари очилишини қўллаб-қувватлади. Роман ўзининг бадиий қиммати жиҳатидан бекиёс. Бу ҳам содда, чиронли тилда ёзилган.

«Обид кетмон» қиссасида Абдулла Қодирий жамоалаштириш масаласини кўтаради. Қисса бадиий томондан аввалги романларга нисбатан кучсизроқ бўлса-да, аммо унда кўтарилилган мавзу жуда долзарб эди; ёзувчи илк бора замонавий мавзуда қалам тебратади — бу эса ёзувчи ижодида ижобий ҳодиса саналарди.

Унинг бирорта асарида ҳам аксилинқилобий, аксил-шўравий унсур йўқ эканини алоҳида таъкидлаб кўр-сатмоқчиман.

Абдулла Қодирий ҳибсга олингандан сўнг унинг асарлари «халқ душмани» қаламига мансуб асарлар сифатида мусодара қилинди, таъқибга учради. Мен шу пайтгача Абдулла Қодирий нима учун қамоқقا олинганини ҳам, нима учун жазоланганини ҳам аниқ билмайман. Абдулла Қодирий Ўзбекистондаги энг истеъдодли ёзувчилардан биттаси эди.

Савол. Айтингчи, Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасида қачон, қандай лавозимда ишлаган эдингиз? Жавоб. 1936 йилдан 1939 йилгача Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасида маъсул котиб лавозимида ишлаганман. 1937 йилнинг бошларида Ўзбекистон Шў-ро ёзувчилари уюшмасининг раиси этиб Холмат Қурбонов тайинланган эди. У ҳозир Фирқа тарихи институти директорининг муовини лавозимида ишламоқда. Уша пайтларда Сотти Ҳусаинов раис ўринбосари ва фирмә гашкилотининг бошлиғи ҳисобланарди.

Савол. Сиз қачонлардир Абдулла Қодирийнинг асарлари юзасидан бирорта хулоса ёзганимисиз?

Жавоб. Эсимда бор, олдиндан «халқ душмани» деб эълон қилинган Абдулла Қодирий қамоқقا олингач, Ички Ишлар Халқ Комиссарлигига қарашли идора ҳодимлари Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасидан Абдулла Қодирийнинг асарлари буйича хулоса ёзиб берилнин талаб этгандилар. ЎзСШЖ ИИХК талабига кўра ўшанда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси хулоса ёзиб беради: унга Х. Қурбонов, С. Ҳусаинов, Абдулла Қаҳҳор, И. Назирий, О. Шарафутдинов ва мен — Н. Охундий пмзо чекканмиз. Хуносани айнан ким ёзга-нини ҳозир аннек эслай олмайман. Назаримда, бу ишни Сотти Ҳусаинов адо этган бўлса керак. Чунки у танқидчи-адабиётшунос эди.

Савол. Абдулла Қодирий асарлари буйича ёзилган ўша хуносани ҳозир ҳам тасдиқлайсизми?

Жавоб. А. Қодирин асарлари бўнича ёзилган хулоса билан танишиб кўрганимдан сўнг (жиноятноманинг 56—61-саҳифалари), айтмоқчиманки, бу хуносаларни мен тасдиқламайман. Чунки улар А. Қодирий ИИХК томонидан «халқ душмани» деб эълон қилингач, жазо ташкилотининг буйруғига асосан ёзилган эди. Ушанда биз маҳсус кўрсатмага мувофиқ Қодирий асарларндан аксилинқилобий, аксилшўравий унсур

топишин-миз лозим эди. Аслида, А. Қодирий асарларида бундай унсур учрамасди. Хуллас, буйруқ асосида ўша хulosалар ёзилган эди: унга бошқалар қаторида мен ҳам имзо чекканман. Ҳозир мен айтган сабабларга кўра, ўша хulosаларга имзо чеккан бошқа ўртоқлар ҳам бу хulosаларни рад этадилар.

Ушбу иш юзасидан бундан бошқа кўргазма беролмайман.

*Тасдиқномага сўзларим тўғри ёзилган, уни ўқиб кўрдим.*

*Н. Охундий (имзо) Терговчи Грищенко (имзо).*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 69—71-саҳифалар.)

Содда ўқувчимиз, Н. Охундий Қодирийни қоралаган экан-у, аммо 1956 йилда гуноҳини ювибди — отасига раҳмат, деб ўйлаши мумкин. Кошкийди, 1938 Гшлдаги хulosса қонундек хукмдор қучга эга бўлмаган бўлса! Мана, ўзингиз таққослаб кўринг: 1938 пили А. Қоди-рийнинг «бир гуруҳ ўртоқларн» томонидан давлат хавфсизлнги бошқармасига жўнатилган хulosада: «...халқ душмани АНҚАБОЙ таҳрири остида нашр этилиан бошқа бир китобини — «Обид кетмон»ни олиб кўра-миз», дейилган жумла бор. Бнз, мисол учун, «Обид кетмон»ни эмас, айтайлик, Анқабойни олиб кўрамиз. Хўш, Анқабой ким эди? Унга нима бўлади?

## АНГЛАТМА

*Хужжатгоҳда сақланаётган 976522-сонли жиноятнома асосида тузилган*

«Анқабой Худойвоҳидов<sup>1</sup>. 1905 йили Ўзбекистоннинг Ғаллаорол депарасида туғилган. Ўзбек. СШЖИ фуқароси. Оилали. Олий маълумотли. 1925 йилдан бери ВКП(б) аъзоси. Ёзувчи-драматург. ЎзСШЖ Шўро ёзувчилари уюшмаси президиумининг аъзоси. Радио эшиттириш қўмитасининг раиси.

1937 йил 9 август куни ЎзСШЖ Жиноят Мажмуаси 66 моддасининг 1-банди ва 67-моддалари бўйпча жиноят қилганликда гумон қилиниб, Анқабой Худойвоҳидов ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссарлпги маҳқа-маси томонидан ҳибсга олинади. Худойвоҳидовни қамоққа олиш ҳақидаги фармонга ЎзСШЖ ИИХКнинг ўринbosари ЛЕОНОВ нмзо чеккан.

Анқабой Худойвоҳидов 1937 йил 10 август куни тергов қилинган пайтда Шўро ёзувчилари уюшмасидаги ва адабий жамоатчилик ўртасидаги туркпараст, аксил-инқилобий ташкилотга қўйидаги шахслар аъзо эканини қанд этади: Мўмин Усмонов, Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин, Отажон Ҳошимов, Зиё Сайдов, Умаржон Исмоилов, Аъзам Аюпов, Машриқ Юнусов — ЭЛБЕК, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Ойдин Собирова, Санжар Сиддиқов. Сўнгра шундай дейди (аслида, Анқабой «тилидан» шундай кўргазма олннадн; тергов жараёни хусусида кейинчалик атрофлича тўхталамиз: изоҳ биздан — Н. Б.):

«Элбек, Ҳусайн Шамс, Ойбек, Ойдин, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Жулқунбой, Усмон Носир каби ўз асарлари билан ном чиқарган миллатчилар шу кунларга қадар ўзбек

<sup>1</sup> Анқабойнинг фамилияси тергов ҳужжатларида «Худойбаҳтов», «Худойбаҳитов», «Худойвоҳидов» тарзнда қайд этилади. Қайси бири аслига тўғри эканини билмаймиз (изоҳ бизники:— Н. Б.).

адабиётида хукмронлик қилмоқдалар» (Жиноятноманинг 10-саҳифаси).

«Жулқунбойнинг кўп нусхада иашр этилган «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» асарлари миллатчиларнинг ошкора адабиёти намунаси ҳисобланади» (Жиноятноманинг 10-саҳифаси).

Худойвоҳидов 1937 йил 26 август кунги тергов пайтида Мўмин Усмоновнинг аксплинқилобий фаолияти ҳақида кўргазма беради.

Махбуслар Муҳаммад Мўминов, Ҳ. Сатторов, Қ. Берегин, Муҳаммад Ҳасановларнинг кўргазмаларидан кў-тарилган" нусхалар Худойвоҳидов жиноятномасига тир-каб қўйилган.

1937 йил 15 декабр куни айблов бўйича ЎзСШЖ Жиноий Жараён Мажмуасининг 60-моддаси талаби адо этилган.

Тергов ниҳоясига етказилгач, жиноятномага Худойвоҳидовнинг Мўмин Усмонов ҳамда Назир (?) Иноятов билан юзлаштириш тасдиқномасидан олинган қўчирмалар тиркаб қўйилади: қўчирмаларда 1938 йил 22 феврал санаси қайд этилган.

Худойвоҳидовни айлаш бўйича ЎзСШЖ ЖЖМнинг 60-моддаси талаби такrorий равишда ижро этил-майди.

Ушбу иш юзасидан тузилган айбнома 1937 йил 16 де-кабр куни АПРЕСЯН томонидан тасдиқланган (Жиноятноманинг 80—81-саҳифалари). СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг суд мажлисида Худойвоҳидов ўз айбига иқрор бўлмайди: ҳеч қандай аксилшўравийташ-килотга аъзо бўлмагани, зааркунандачилик ишлари билан шуғулланмагани тўғрисида кўргазма беради. Дастребки тергов жараёнида берган барча кўргазмаларини инкор этади. Шунга қарамасдан, СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати 1938 йил 5 октябр куни Худой-воҳидовни ЎзСШЖда мавжуд бўлган буржуй миллатчилариниң аксилшуревии, қузғолончилик, одамкушлиқ, зааркунандачилик, бузғончилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 63-, 64-, 67-моддалари бўйича айбор деб топади ва жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — ОТУВга ҳукм қиласди.

Ҳукм Тошкент шаҳрида 1938 йил 4 (тўртинчи) октябр куни ижро этилади (Жиноятноманинг 85—86-саҳифалари).

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 98—99-саҳифалар.)

\* \* \*

Кўриниб турибдики, Анқабой Худойвоҳидов «уч бош-ли аждарҳо» (тройка) ҳузурида ўз айбига иқрор бўлмайди, лекин олий жазога ҳукм қилинади. Ҳукм эсасуд мажлисидан бир кун аввал — тўртинчи октябр куни ижро этилади. 1956 йилга келиб Н. Охундий «халқ душмани АНҚАБОЙ таҳрири остида нашр этилган «Обид кетмон» қиссасида Абдулла Қодирий... илк бо-ра замонавий мавзуда қалам тебратади — бу эса ёзувчи ижодида ижобий ҳодиса саналарди», деб алоҳида таъкидлайди-ю, аммо «таҳрирчи» тўғрисида лом-мим демайди. Анқабой хусусида спрэ билдиришни негадир ўзига эп кўрмайди. Ваҳоланки, у ўз ҳамтовоқлари билан биргаликда 1938 йилда ёзган холосасига атанлаб Анқабой номини ҳам қистириб кетган эди. 1938 йилда сиёсий мазмундаги ҳар қаидай айтилган СЎЗ — отилган ЎҚ саналарди. 1956 йилда эса, ҳартугул, айтилган СЎЗ учун ўқ узилмасди, бегуноҳ одамлар ўлдирилмасди

\* \* \*

«Қиссанинг («Обид кетмон» назарда тутиляпти: *Н. Б.*) асосий воқеалар тизмаси (сюжети) — калхўз қурилишию калхўзга ўртаҳол дехқонларнинг аъзо бўлиб кириши жараёнини кўрсатишдан иборат. Обид кетмон — қиссанинг ижобий қаҳрамони. А. Қодирий ўзининг бошқа асарларидағи сингари «Обид кетмон»да ҳам синфий курашни, меҳнаткашларнинг ўз эзувчилариға — буржуйларга қарши инқилобий курашини инкор этади. «Обид кетмон»да калхўз қурилиши даврида бойлару муштумзўр унсурлар қаршилиги, «окопларда жимгина ётган қўйи» зимдан зарар етказган, ниқобланган қўпорувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, кураш усуллари ўз аксини топмаган. Синфий душманларнинг кураш йўсими (тактикаси) ўзгаргани ҳам кўрсатилмайди, синфий душман фош этилмайди. Аксинча, қиссадз муаллиф уларга шафқат қиласди, ўқувчида уларга нис-батан меҳр уйғотмоқчн: «Ахир, улар ҳам одам-ку!» демоқчи бўлган.

«Обид кетмон» синфий душманга нисбатан ўқувчида қаҳр-ғазаб уйғотмайди. Асарда динга қарши ташвиқот юритилмайди. Боз устига, имкони борича диндорлар улуғланади. Қиссага олиб кирилган «болжовойлар» ҳақиқний фирмә аъзоларига мутлақо ўхшамайди. Улар мустақилликдан мосуво, оммани бошқаруб боришдаги, оммага раҳбарлик қилишдаги раҳбарлик ўрни кўринманди. Берди татарнинг шахсий ҳаёти ўқувчи кўнглини айнитади, холос. А. Қодирий тасвирлаган қўммунистлар бирорта ҳам ижобий фазилатга эга эмас.

А. Қодирийнинг бу қиссасида биз бекиёс машаққатларни енгиб ўтиб, қишлоқ хўжалнгимзни муваффақиятли жамоалаштирган; меҳнаткаш дехқонларга йўлчи юлдуз бўлиб, уларни порлоқ, кувноқ келажакка эл-тиб қўйган ва калхўзчилар оммасининг қизғин муҳаб-батию ҳурматига сазовор бўлган фирмәнинг, ленинчи-сталинчи фирмәнинг вакилларинн эмас, бўш-баёв, иродасиз, сафсатабоз гуруҳни кўрамиз.

Бундан ташқари, А. Қодирий Шўро ёзувчиларини калака қиласди, мазахлайди. У асар қаҳрамони бўлмиш «ёш камол» Раҳматнинг оғзи билан қабиҳ сўзларни айтади.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, халқ душмани А. Қодирий «Обид кетмон» қиссасида онгли равишда фирмәмиз билан ҳукуматимзнинг қишлоқдаги сиёсатини беобрў қиласди, қпишлоқ хўжалигимизни жамоалаштиришга қарши чиқади».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 56—61-саҳифалар)

Боя таъкидлаганпмиздек, бу хulosага ёзувчи Абдулла ҚАҲХОР имзо чекмаган-у, лекин имзокашлар қаторида унинг нсми шарифи ҳам қайд этилган. Яъни, «муқбил тошотар»лар сафидан А. Қаҳҳорга муносиб ўрин ажратилган. Абдулла Қаҳҳор бу хulosадан қон ҳиди келаётганини сезган, шекилли. Бизнингча, у «Ўткан кунлар»ни фош этишда қатнашдим, бас, энди «Қоди-рийнинг тескаричи асарлари»ни замбаракдан тўпга тутмайман, демаган бўлса-да, қандайдир йўллар билан ўзини четга тортади. Дарвоқе, 1956 йилнинг 25 апрел куни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Н. Охундий: «Хулосани айнан ким ёзганини ҳозир аниқ эслай олмайман. Назаримда, бу ишни Сотти Ҳусаинов адо этган бўлса керак. Чунки у танқидчадабиётшунос эди», деган эди. Таассуфки, Ҳарбий Ҳайъат айбномасидан салмоқли ўрин олган «А. Қодирийнинг тескаричи

асарлари» тўғрисида ёзилган чақувнома остида ҳатто С. Ҳусаиновнинг исм фамилияси қайд этилмаган. Демак, сўнгги зарбага С. Ҳусаинов алоқадор эмас. Н. Охундий эса 1939 йилда отилиб кетган «жанговар ўртоғи»га тухмат қиляпти, мархумнинг арвоҳини чирқиратяпти; қатли ом арафасида «Ўткан кунлар»ни жумхурият матбуотида «синфий нуқтаи назардан танқпд» қилиб, адабий жамоатчилик ўртасида отнинг қашқасидек танилиб қолган С. Ҳусаиновни... Понтний ПИЛАТ нишонига тўғрилаб, ўзи оломон қаҳрғазабидан қутулиб қолмоқчи бўляпти. Аслида, учинчи ва энг ғоявий хулосага X. Курбонов, Н. Охундий, И. Назирин имзо чекканлар. Йизоказалар қаторида А. Қаҳҳорнинг исми шарафи ҳам қайд этилгану, аммо «Сароб» муаллифи имзо қўйматан. «А. Қаҳҳор» жумласининг остига қпп-қизил қаламда йўғон чизик тортилиб, «А» ҳарфининг «оёғи» билан «Қ» ҳарфи оралиғига улкан СУРОҚ (?) аломати қўйилган экан. Бу нимани англатади? Ҳартугул, яхшилик аломати эмас. Қатли ом даври ҳужжатлари бплаан биздан кўра кўпроқ танишган мутахассиснинг фикрнча, «Абдулла Қаҳҳор кимнинг тегирмонига сув қўяётганини пайқаб қоладиу истеъдодспз имзоказалар сафидан фирром ўйиндан чинкниб кетмоқчп бўлади... Натижада, ўзининг тақдири хавф остида қолади: 38-йилда Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси ходимнинг қизил қалами теккан исм-фамилия, одатда, марҳумлар рўйхатидан жой оларди».

1936-37 йилларда «Сароб» романни Иззат Султон каби снёсий танқидчилар томонидан бир ҳафта мобайнида ғоявий жиҳатдан тафтиш қилингани, асарининг бош қаҳрамони ҳам, муаллиф ҳам «жадидларнинг думи»дек заррабин остига қўйилиб обдан текширилаётган кезларда кичик Абдулланинг ўжарлигини... «бilmadik, қандай баҳолаш лознм» эди. Буни қулликка, итоатгўйликка қарши қўтарилиган исён, деб баҳолаш мумкин. «Мумкин» деймиз-у, лекин Қодирийнинг қатлномасини ўрганиш жараёнида пайдо бўлган қора кўланка мудом кўнглимизни тарқ этмайди ва «Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) буржуй миллатчилиги, аксилшўравий руҳдаги «Ўткан кунлар» романни ҳақида», «Обид кетмон» (қисқача мазмуни) тўғрисида» ёзилган хулосалар-остида Абдулла Қаҳҳорнинг имзоси турганини қандай изоҳлашни, имзо муаллифини қай йўсинда оқлашни билмаймиз: қаламнинг бошини ғажиб, лол бўлиб ўтираверамиз... Узимиз дуч келган ҳақиқатни хаспўшлаб, бу борада лом-мим демай кетсак борми, эрта-индин бизнинг айбимиз ҳам фош бўлади — пашшадек ҳақиқаг ўз орқасидан филдек ЁЛҒОНни эргаштириб келади.

«Ижтимоий-ирқий, сиёсий-тарбиявий руҳда ёзилган бу роман («Ўткан кунлар» — изоҳ бизники: Н. Б.) бошидан-охиригача буржуй миллатчилиги, аксилшўравий ғоя билан суғорилган».

«Китоб («Обид кетмон» — изоҳ бизники: Н. Б.) ўқувчини синфий душман балан муроса қилиб яшашга чақиради, ўқувчи қалбида: «Ахир улар (муштумзўрлар!) ҳам инсон-ку!» деган фикр уйғотади. Бу асар ниқбланган, зааркунандачи синфий душманга нисбатан ўқувчининг инқилобий ҳушёрлигини ўтмаслаштиради».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 56—61-саҳифалар.)

Ана шундай «инқилобий ҳушёрлик» кайфиятида ёзилган иккита ҳашар-хулосанинг муаллифларидан бири — Абдулла Қаҳҳордир.

\* \* \*

### *Қизиқарли кўчирмалар*

«ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ва КПСС Марказий Комитетнинг секретари ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИННИНГ бетоб бўлиб қолганлиги тўғрисида ХУҚУМАТ АХБОРОТИ

Иккинчи марта ўтар кечаси ўртоқ Сталин Московдаги ўз квартирасида миясига қон қуйилиб миянинг ҳаёт учун энг муҳим қисмларига ёйилди. Уртоқ Сталин ҳушидан кетди. Унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи фалаж бў-либ қолди. Тилдан қолди. Юрагининг уриши ва нафас олиши оғирлашди.

Ўртоқ Сталинни медицина соҳасидаги энг яхши кучлар... даволашмоқда. Ўртоқ Сталинни даволаш ишларига ССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ А. Ф. Третьяков ва Кремл даволашсанитария Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. И. Куперин раҳбарлик қилмоқдалар. Ўртоқ Сталинни даволаш ишлари устидан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати доимий назорат қилиб турибдилар.

Ўртоқ Сталиннинг соғлнги оғир аҳволда бўлганлиги учун КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Иосиф Виссарионович Сталпннинг соғлиги тўғрисида бугундан бошлаб медицина бюллетени эълон қилиб туришни зарур, деб топдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ССР Иттифоқи  
Министрлар Совети  
1953 йил 3 март». («Қизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1953 йил 5 март)

### **«КОНФЛИКТСИЗ ДРАМАТУРГИЯ «ИАЗАРИЯСИ»ГА ҚАРШИ**

Ўзбек ёзувчси Абдулла Қаҳҳорга ҳаққоний ҳаётий конфликт асосига қурилган «Шоҳи сўзама» («Янги ер») пьесаси учун Сталнн мукофоти берилиши — шаклан миллий, мазмунан сўсалистик ўзбек совет адабиётининг катта ютуғвдир...

*Турсун Собиров, филология фанлари номзоди».*  
(«Қизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1953 йил 5 март, 2-бет.)

**ИОСИФ ВИССАРИОНОВИЧ СТАЛИН ОҒИР КАСАЛЛИҚДАН КЕЙИН 5 МАРТ  
КЕЧҚУРУН СОАТ 21 дан 50 МИНУТ ЎТГАНДА ВАФОТ ЭТДИ.**  
(«Қизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1953 йил 9 март)

### **«МАНГУ ҲАЁТ**

...Бутун Совет халки, ҳар бир оила, ҳар бир қалбнинг бошига катта мусибат тушди. Дохийнинг яна бир марта нафас олиши учун ҳар бир Совет кишиси бутун умрини беришга тайёр эди.

Ўзбек халки қисқа бир тарихий давр ичида дуиёда энг илғор бўлган ижтимоий ва давлат тузумига, юксак даражада тараққий қилгам социалпстпк саноат ва йирик социалистик қишлоқ хўжалигига, мустамлака ва ярим мустамлака шароитида Шарқ халқлари хаёл ҳам қилолмайдиган юқори социалистик маданиятга, маданий ва фаровон ҳаётга эришди.

Сталин халқимизга коммунизм қурилишиниг аниқ-равшан ва улуғвор программасини тузиб берди.

«*A. ҚАҲХОР, Сталин Мукофоти Лауреати*».  
(*«Кизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1953 йил 9 март*)

### «УЛУФ ЙУЛБОШЧИМИЗ, ОТАМИЗ ВА УСТОЗИМИЗ»

(*«Кизил Ўзбекистон» рўзномасининг И. В. Сталин вафотига бағишланган сонининг  
умумий сарлавҳаси 1953 йил 9 март*)

\* \* \*

Абдулла Қаҳхорнинг И. В. Сталин вафоти муносабати билан «Кизил Ўзбекистон» рўзномасида эълон қилинган таъзияномасб чоп этилгач, орадан роппа-роса уч йил вақт ўтадиу уни 1956 йил 9 март куни Туркистон Ҳарбий Ўлкаси прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Гришченко гувоҳ сифатида сўроқ қиласди. Сўроқ тасдиқномасида гувоҳ тўғрисида қуидаги маълумотлар қайд этилган:

*«Қаҳхоров Абдулла (Абдулла Қаҳхор) 1907 йили Кўқон шаҳрида туғилган. Ўзбек. СШ/КИ фуқароси. 1952 йилдан бери Шўро Иттифоқи Қўймунист фирмасининг (ШИҚФ) аъзоси. Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасининг раиси. УзСШ/К Олий кенгашининг депутати. Ўзбекистон Кўмфирқаси Марказий қўмитасининг аъзоси. Тошкент шаҳар, Жуковский кўчаси, 54-йуда яшайди».*

Сўнгра Абдулла Қаҳхор тубандаги кўргазмани беради:

«Савол. Айтингчи, Усмон Носировнинг «Мехрим», Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Фитратнинг «Ўзбек ёш шоирлари» китоблари ҳақида нима дейиш мумкин?

Жавоб. Усмон Носировнинг «Мехрим» китоби шеърий тўплам бўлиб, унда аксилшўравий унсур йўқ. Усмон Носиров ниҳоятда истеъододли шоир ва таржимон эди. У Лермонтовнинг «Демон» достонини ўзбек тилнга таржима қилган.

Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) «Обид кетмон» романи 1935 йили пашр этилган. Бу жамоа хўжалиги қурилиши тўғрисида ёзилган романдир. Эътироф этмоқ лозимки, муаллифнинг бзшқа асарларига нисбатан бу роман бадиий жиҳатдан кучсизроқ. Уз пайтида «Обид кетмон» жамоа хўжалиги қурилишига бағишланган биринчи ва яккаю ягона асар эди. Мазмунан бу роман аксилшўравий эмас. Акс ҳолда, уни чоп этишмасди.

«Ўзбек ёш шоирлари» — бу тўртта ёш ўзбек шоирининг шеърларидан иборат китоб бўлиб, шеърларнинг муаллифлари Фитрат, Чўлпон, Боту ва Элбек эди. Тўпламда турли-туман мавзуда шеърлар бор. Жумладан, муҳаббат мавзусидаги шеърлар ҳам мавжуд. Шахсан мен ўша шеърларда акснлинқилобий унсур борлигини билмайман. Ўз даврида бу шеърий тўплам катта муваффақият қозонган эди...

*Қаҳхоров (имзо)*

*Изоҳ: Абдулла Қаҳхоровнинг сўроқ қилиши тасдиқномасининг асл нусхаси  
хўжжатгоҳдаги Иброҳим НАЗИРОВнинг 976438-сонли жиноятномасида сақланмоқда.*

*ТўркХУ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Гришченко (имзо)».*

*(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 55-саҳифа)*

Маълум маънода Абдулла Қодирийга алоқадор бўлган ва Абдулла Қаҳхор имзолаган хужжатлар икки ёзувчининг муносабатларига бир томонлама бўлсада, ойдинлик

киритади. Улар қуидагилардир:

## «ЎЗБЕКИСТОН ШЎРО ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

311-сон

1956 йил 11 апрел Урт. Орзумановга 56 й. 28 март кунги 4—6/2360-сонли сўровига жавоб

Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасининг бошқармаси маълум қилади:  
ўрт. Х. К. Курбонов қўмфирқа Тарихи институтида ишлайди;  
ўрт. Н. Р. Охундий Ўзбекистон Давлат нашриётида масъул муҳаррир лавозимида хизмат қилади;

1938 Ёшли қамоққа олинган С. Ҳусаиновга алоқадор ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси бошқармасининг раиси: *A. Қаҳҳор (имзо)*.

## ЎЗБЕКИСТОН ШЎРО ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

312-сон

1956 йил 11 апрел

Туркистон Ҳарбий Ўлкаси прокурорининг ёрдамчиси вазифасинт вақтинча бажарувчиси, адлия подполковниги ўрт. Орзумановга 56 й. 28 март кунги 4—6/2362-сонли сўровига жавоб.

Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасининг бошқармаси маълум қилади:

1. Абдулла Қодирий аъзо бўлган Урисия Йўқсул ёзувчилари уюшмасининг собиқ ўзбек бўлими ҳужжатгоҳи йўқлиги туфайли Абдулла Қодирийга таърифнома беришнинг имкони йўқ.

2. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан қунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» асарлари ҳақида хulosса бериш учун ўша асарларни ўқиб чиқиш зарур. Бироқ, адаб қамоққа олингандан сўнг унинг барча китoblари кутубхоналардан йиғишириб олинган бўлиб, ҳозир ўша асарлар билан танишиб кўришнинг иложи йўқ.

3. Унинг асарлари йигирма йил муқаддам нашр этилган, кейин қайта нашр қилинмаган.

Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси бошқармасининг раиси: *A. ҚАҲҲОР (имзо)*.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Абдулла Қаҳҳор 1938 йили одамкуш ндоранинг талабига мувофиқ ёзилган «Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) буржуй миллатчилиги, аксилшўравий руҳидаги «Ўткан қунлар» романи ҳақида» ва «Обид кетмон» (қисқача мазмуни) тўғрисида» ёзилган хulosалар остига имзо чекаётган кезларда ҳам Қодирий асарларини ўқимаганмикан? Наҳот, у 1956 йили Қодирий ҳақида бир шапалоқ илиқ гап ёзиб ёки ёздириб, расмий қоғозга имзо чекишдан чўчиган бўлса? Нима, уни мансабидан бўшатиб юборишармиди? Кўмфирқа аъзолигидан ёки депутат мандатидан маҳрум этишармиди?.. Абдулла Қодирий учун, ўринсиз тўкилган бегуноҳ қон учун йигирма-үттиз йилдан сўнг бир пуллик қиммати қолмандигап имтиёзлардан БОЗ кечса, ҳеч бўлмаса, виждони олдида ўзини оқлаб олмасмиди?..

1964 йили жумхуриятимизда Абдулла Қодирий таваллудининг етмиш йиллиги тантанали равишда нишонланади. Устоз хотирасига бағишлиңган кечаларнинг бирида Абдулла Қахҳор оташин нутқ сўзлайди. Гувоҳларнинг нақл қилишича, Абдулла Қахҳор ҳеч қачон бу қадар тўлиб-тошиб, бир соатдан ортиқ гапирмаган экан. Афсуски, Қаҳҳорнинг «қоғозга қарамасдан» сўзлаган ўша нутқининг тўлиқ матни йўқ, фақат нутқ қораламаси кейинчалик эълон қилинган, холос. Лекин нутқ қораламаси ҳам Қахҳор кўксидан отилиб чиқкан фарёд— «қудратли тўлқин» эканини кўрсатиб турибди. Мана, ўзингиз танишиб кўринг, азиз ўқувчи. Ажаб эмаски, кўнглида Ёлғон Ғоянинг ёлғонлигига ҳали тўла ишонч ҳосил қилмаган бўлса-да, лекин мунофиқ сиёсатдан зада бўлган инсоннинг аянчли аҳволи, азобуқубатлари кўз олдингизда гавдаланса:

«Ўзбек элининг севикли адаби Абдулла Қодирий манфаатпаст, мартабапаст одамларнинг чақуви билан сафимиздан юлиб олинган эди. Партиямиз бу ишни ҳақиқат қилиб, Абдулла Қодирийни ҳар қандай гуноҳлардан пок деб топди ва уни сафимизга — адабиётимиз тарихига қайтарди. Бугун Абдулла Қодирий 70 ёшга тўлган кунда айтадиган сўзимизни Ленин партиясига раҳматлар айтиб бошлишимиз керак...

Бизнинг 20-йиллар адабиётимиз тарихи ҳозирги туришида камбағал кўринади. Ўз вақтида фақат Абдулла Қодирийпشا эмас, каттакон олим-ёзувчи Фитрат, зўр талант эгаси Чўлпон, жўшқин комсомол шоир Боту, сатира ва юморда тенгитимсоли йўқ ва ўзига хос шоир Сўфизода, йнгирманчи йиллар поэзиясини безаган шоирлардан Рафиқ Мўмин, Гулом Зафарий, уста сатирик шоир Абдуҳамид Мажидий сингарн кўп арбобларимизнинг ҳам номи учган эди. Кейинги вақтларда адолат юз кўрсатиб, буларнинг ҳаммаси бош кўтараётиди, адабиётимиз тарихига қайтаётиди. Бунга ҳар бир виждонли киши, ҳар бир зиёли бениҳоят хурсанд бўлиши, Ленин партияспга таъзим (у пайтларда Ленин партияси ҳам, Сталин партияси ҳам битта ҳовуздан сув пчганини ошкора айтиб бўлмасди: изоҳ бизники — Н. Б.) этиши керак. Афсуски, орамизда бу муҳтарам зотларнинг тирилиб, 20-йиллар адабиётимиз тарихини обод қилишига ғашлик қилаётган, ҳатто тўқсинглик қилмоқчи бўлган одамлар ҳам бор. Ғашлик қилаётган одамларнинг бир тоифасинн ўлим тик еб тириклик қиласидан қузғунга ўхшатиш мумкин: кўзини чўқишига чоғланиб турганда ўлик қимнрласа, хусусан, бошинн кўтариб, ўрнидан турса, албатта, норози бўлади, яна йиқилишини кутади, қағиллаб унинг боши узра айланади. Ғашлик қилаётган одамларининг бошқа бпр тоифаси шуҳратпаст қалам аҳллари-дап бўлиб, «ўликлар» тирилса, ҳозир адабиётда ишғол қилиб турган ўрни «пойга»роқ бўлнб қолишидан кўрқади. Ҳолбуқн, айтилган адаб ва шоирлар сафга қайтса, ҳеч кимни ўрнидан турғизмапди, ўзининг бўш турган ўрнига ўтиради, чунки адабиётда ҳеч қачон бирор бирорнинг ўрниин ололмайди, ҳар ким қобнлияти, қилган хизмати. қай даражада китобхоннинг кўнглнпи олганига қараб ўзп муносиб ўринни ишғол қилади.

Бу хилдаги одамлар асл ғаразларини ҳар хил сиёсий сўзлар, «Хушёрлик»ка оид иборалар билан хаспўшлаб, ўзбек совет адабиётининг тариххпни безайднган аднб ва шоцрлариниг оқланганига кишиларда шубҳа туғдирмокчи, буларга қора кўланка солмокчи бўлишади.

Бунақа одамларнинг сўзи инобатга ўтадиган, жамоатчликни чалғитадиган замоилар ўтиб кетди, у кунлар ёмон бир тушдан бўлиб қолди. Лекин, «илон чаққан киши ола арқондан қўрқади» дегандай, ўша замонда азият тортган ёки азият тортганларин кўрган кўп одамлар ҳануз ўзига келолмайди...

Бизнинг вазифамиз буларнинг ҳаммасини жой-жойига ўтқазиб, 20-йиллар адабиёти тарихининг гўзал манзарасини тиклашдир».

(Абдулла Қахҳор, Асарлар, беш жилдлик, бешинчи жилд, Тошкент— 1989 й. 194—195-бетлар.)

Яшириб нима қилардик биз Абдулла Қахҳорни кўрган-билган одамларни кўрганмиз, уларга ихлос қўйганмиз. Нақл қилишларича, у ҳеч қачон адабиёт корчалонларига ҳам, фирмқаю ҳукумат устида ўтирган мансабдорларга ҳам ҲАҚ СУЗИни бермасэкан: ёзувчи

ҳеч қачон ҳеч кимга хушомад қилмаслиги лозим, деб ҳисоблар экан. Ва шогирдларга: «Мени эгаман деб овора бўлманглар, мен барибир эгилмайман, агар эгилсам — синиб қоламан», деркан.

Минг афсус, Қаххордек матонатли инсон ҳам умрида, мўртлик пайтида бир марта эгилган эди. Худди ўшанда шаффоф туйғулари, адабиёт ҳақидаги покиза тасаввури лойқаланиб кетади: натижада умр бўйи ўзи билиб-билмасдан «Ленин партиясиға таъзим қилиб» ўтади, долзарб мавзуларда асарлар ёзади — ўз китобхонларини Мирзачўлни ўзлаштиришга сафарбар этмоқчи бўлади. Узининг ибораси билан айтганда, «адабиётнинг кучини ўтин ёришга» сарфлайди. Хато қилади ва хатосини тан олади. Албатта, у «Қодирийнинг устидан -ёзилган чақувномага имзо чеккан кимсалардан биттасиман», демайди. Аммо инштарни ўзига ҳам санчади: зеро, мард одам доимо пичоқни аввал ўзига уради. Аб-дулла Қаххор устозини чоҳга итариб юборди, десак, биз ҳақиқатни чала-яrim эътироф этган бўламиз. Машъум тузум Қодирийнинг муносиб ўринбосарн бўладиган ва келажакда ўзбек адабиётининг навқирон авлоди сифи-ннб юрадиган энг тўғрисўз, ҳақгўй, матонатли инсонни ҳам чоҳга судрайди келажак олдида юзига қора суртиб қўяди: қатлн ом даҳшати (ўша фожиаларга ғоя-вий раҳбарлик қилган фирманинг ҳисоб-китоблари) шундан иборат эдики, миллат жамолини оламга кўз кўзлайдиган, ўз асарлари билан миллат ғурурини юк-салтирадиган СУЗ СОҲИБИни тириклиайн гўрга ти-қади. ФОЯДОР келажакда туркнпларнинг жигар-бағри бўлган ўзбекларни яна милён-милён зарраларга бўлиб ташлашни, ўша зарраларни бирлаштирадиган ҳар қандай қудратли кучни палағда қилинб қўйишни ўйлаган эди, бу борада беш йилга, етти йилга, етмиш йилга мўлжалланган муқрбил режалар тузган эди. Албатта, ҳозир қўлимизда Фоядор 1938 йилда тузган «муқобил режа»нинг асл нусхаси йўқ. Лекин биз юзма-юз турган ҳужжатлар, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ҚАТЛНОМА миллатни ич-ицидан бузиш, бошларни ишдан чиқариш тўғрисида маҳсус кўрсатмалар, қарорлар бор эканини исботлаб турибди: қўлимиздаги энг ишончлп далил, биринчидан, Абдулла Қодирийнинг жисмонан маҳв этилиши бўлса, иккинчидап, Абдулла Қаххорнинг маънан ўлдирилишидир!

Шундай қилиб, Абдулла Қаххорнинг машъум хатоси — унинг имзоси эмас, у имзо чекишига, ўз устидан чиқарилган ҳукмга имзо чекишига маҳкум этилган эди. Чунки у ёш ёзувчилар ўртасида энг истеъдодли қалам соҳиби, «Сароб» романининг муаллифи ҳисобланарди. Демак, Қаххор жафокаш ўзбек миллатини руҳан бир-бирига боғландиган КУПРИК бўларди; ҳаёт-мамот ҳал бўлаётган кезларда эса ҳар қандай кўприк муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлади ва албатта ё портлатиб юборилади ёки тиш-тироғигача қуроллантирилган соқчилар билан кўрпқланади. Фирқа ва ҳукумат сиёсатини куйлагай маддоҳлар алоҳида эътиборга сазовар бўлга-нини ҳамма билади (Ҳамид Олимжон, Уйғун, К. Яшин кабилар) Лекин, азбаройи миллатни яқдил қиласиган кучга эга бўлгани учун ижодкор сифатида «портлатиб» юборилган ёзувчилар, шоирлар ҳам бор эканини кўпчи-лик билмайди (Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаххор):

«Э-э, ҳаммаси бир гўр -- олчоқ!» дейдилар. Ваҳоланки, қаххорлар ҳақгўй ёзувчи сифатида қатли ом йилларида атайлаб бадном этилади; бевосита қўммунистчи фирманинг буйругини нжро этадиган Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси уларнинг бўйнига тавқи лаънат осади: мағрур бошларини эгиб қўяди, юзларипи ерга қаратади...

Хўш, ФОЯДОР ўз мақсадига эришдими? Эришди, албатта. Мана, ошкоралик

шарофати туфайли қаҳхорларнинг айблари мунтазам фош этиляпти: кимлардир хафа бўляпти; Шўро даврида рўшнолик кўрмаган миллат эса уй-уйида мусибат чекиб ўтирибди, асло бир ёқадан бош чиқара олмаяпти, бир-биридан ётсираб юрибди... Шу кунлардаги ҳолатимиз фожия эмасми? Бу қатли омнинг узвий давоми эмасми?

\* \* \*

Ойбек 38-йилда қатли омдан тасодифан, мўъжиза туфайли омон қолган, дейишади. Унинг қандай омон қолганига сира ақл бовар қилмайди. Баъзи бировларнинг айтишича, Ойбекни Александр Фадеев Сталин жаллодлари панжасидан қутқариб олган эмиш. Яъни, у Ойбек номига битилган қатлномани ўзининг темир сандигига яшириб қўйган экан — имзо чекиб, оstonада қонсираб турган ижрочилар қўлига топшириб юбормаганмиш. Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳартугул, УзИИХК Хавфсизлиги Бошқармаси IV бўлимининг бошлиғи, Давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти МАВРИН томонидан 1937 йил 13 август куни сўроқ қилинган Отажон Ҳошимов кўргазмасида қайд этилишича (тасдиқнома машинкада ёзилан): «Аксилинқилобий туркпарастлик ташкилотига илмий ходим ОЙБЕК хайриҳоҳ эди, аммо у ташкилотга расман аъзо эмасди». Уша маҳкаманинг бошқа бир ходими, хавфсизлик бўйи-ча кичик лейтенант ШАРИПОВ томонидан 1938 йил 14 май куни сўроқ қилинган айбланувчи Турсун ИБРОҲИМОВнинг кўргазмасига биноан, миллатчиларнинг аксилайнқилобий ташкилотига Югажон Ҳэшимов, Абдурауф Фитрат, Ҳомил Ёкубов, Буюк Каримов. Иброҳим Назиров» ва бошқалар қаторида Мусо Тошмуҳаммедов (ОЙБЕК) ҳам аъзо бўлган. Бироқ, СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлисида Т. Иброҳимов дастлабки тергов жараёнида берган барча кўргаз-маларини қатъиян рад этади ва бўйнига тақилаётган айбларнинг бирортасига ҳам иқрор бўлмайди: шунга қарамай, эҳтиёти шарт, СШЖИ Олий "судининг Ҳарбий Ҳайъати 1938 йилнинг 2 ноябр куни Т. Иброҳимовни олий жазога — отувга ҳукм қиласи ва... фақат ўша йилнинг 28 ноябр куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати номидан жўнатилган маҳсус шошилинч хат-кўрсатмага мувофиқ ҳукм бекор қилинади.

Бундан ташқари, Ойбек номи қайд этилган бошқа рўйхатлар ҳам бор. Аммо Ойбек жиной жавобгарликка тортилмайди. Дарҳақиқат, у 1938 йилда бир ўлимдан қолади. Шундай-ку, лекин Ойбек аввалдан «эҳтиёт чораси»ни кўриб қўйгандек ва унинг чораси ўзбек халқига жуда ҳам қимматга тушгандек туюлади. Дафъатан, бу гапимиз ғалати таассурот қолдиради. Келинг, яхшиси, далолатга мурожаат этайлик.

1936 или Ойбек Ҳамид Олимжон таҳрири остида «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли «ғоявий» рисоласини чоп этади. Ва унда Қодирий асарларини синфий кураш заррабини остига қўйиб «тадқиқ» этади; келгувсида Абдулла Қодирийни «халқ душмани» сифатида айблаш учун «илмий» замин ҳо-зирлайди. Узи билибми ё билмайми, ФОЯДОР тегимонига сув қуяди. Даъвомиз ўкувчига асоссиз кўринади, албатта. Шунинг учун Ойбек асаридан олипган айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Романнинг услуби эски адабиётимизнинг тамтароқли, муболағали. тантанали, фақат сунъий, ўлик услубига ўхшайди...

Отабек фақат ишқ йўлида жасорат кўрсатади. Ўз ижтимоий қиёфасини кўрсатиши лозим бўлган жойларда, эл кулфати ошган кезларда у кўрпага бурканиб олади...

Ёзувчи Қумушнипг қалби, севгисини ҳам ортиқ даражада идеаллаштиради. Автор Қумушнинг гўзаллигини кўрсатиш учун романтик булутларга ўралган бўёқларни аямайди...

...Анвар «Қўқоннинггина эмас, бутун хонликнинг танилган ки-шиларидан» бўлган Муҳаммад Ражаб пойгачиниг ўғли Насим билан «чин ўртoқ» бўлади. Насим ўлганда Анвар ҳар оқшом На-симнинг қабри устида соатлаб йиғлаб ўтириши ва Муҳаммад Ра-жаб пойгачидан катта кўмаклар олгап»лиги нақл этилади. Бу бўёқлар ижобий образ характерининг ҳужумкор табнатини, демакки, теран халқчиллпгини бўшаштиришга йўл очади...

...Анварнинг ҳаётдан якка умиди — факат Раъногинадир. Охирги кунларда Урдага келиб, Худоёрхон билан қаршилашиши, муболағали бир жасорат кўрсатиб, «адолат» ҳақида бонг уришм Раъно учундир. Агарда хон унинг Раъноснга кўз олайтирганда,. бош муншний вазифасида давом этнб, мустабпд хонга хизмат қилиб>

кета берар эди...

...Тарих — синфларнинг курашидан иборат (Карл Маркснинг оғзидан тушнб қолган, чайналган сақич-ку! — *пичинг бизники: Н. Б.*)... Тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиш, ҳаёт ҳақиқатини очиш учун ёзувчи тарихий давр проблемаларига синфларнинг кураши нуқтан назаридан қараши лозим...

...Тарихий бадиий асарлар қиммати — образларда ҳаётни тўғри рост кўрсатиш, «типик шароитда типик характерларни» (бу ҳам битта оврўполик «файлласуф»нинг оғзидан тўқиленб қолган сақич: *изоҳ бизники — Н. Б.*) бериш билан ўлчанади...

...Совет воқелигига алоқадор баъзи ҳажвий ва юмористик асарларида ёзувчи масалага жуда бир томонлама ва субъектив яқинлашади; турмушдаги камчиликларни дўстларча очиш, танқнд қидиши ўрнига масхара қилиш, ундан кулишга тамопил кўрсатади («Масков хатлари», «Йиғинди гаплар» каби)».

Албатта, биладиган мутахассислар: «Ойбек реалист ёзувчи эди, у ўзининг ижодий таълимотидан келиб чиқиб, Қодирийнинг асарлари ҳақида танқидий фикр айтган, холос. Қолаверса, Ойбек кейинчалик ўша рисоласипи ёзгани учун кўп афсус қилган», дейиши турган гап. Биринчидан, Ойбек ўзининг ижодий таълимотидан чиқиб келиб фикр айтаётгани йўқ — «тўтиқуш» каби бирорларнинг гапларини Қодирий асарларига нисбатан қўлляяпти. Иккинчидан, наҳотки «реализм»нинг талаби — илоҳий гўзалликни инкор этса? Умуман, адабиётнинг асосий вазифаси — инсонпарварлик эмасми?.. Тўғри, Шўро мактабларида «ақл тиши чиққан» танқидчиларимиз узоқ йиллар мобайнида Абдулла Қодирийни «романтик» ёзувчилар сафига қўшиш керакми ёки уёқдан олиб «реалистлар» сафига турғазиб қўйсак маъқул бўладими, деган масалада роса талашиб-тортишдилар ва агар янглишмасак, улар ҳануз муқим бир тўхтамга келганлари йўқ. Майли, қайси ёзувчини қай бир «ижодий гуруҳ»га қўшиш ё олиш ва шунинг орқасидан рўзғор тебратиш, кун кўриш «танқидчи»нинг виждонига ҳавола бўла қолсин. Бироқ, дунёда муросаю мадора де-тан гап ҳам бор, ахир! Акс ҳолда, яъни инсонлар факат бир-бирларининг ёстиқларини қуритиш, пайини қирқиши билан машғул бўлганларида борми, аллақачон ЕР юзаси мозористонга айланиб кетарди! Адабиёт эса, ўз ху-сусиятига кўра, шу қадим заминдаги қадим ҳаётни куйлашга, улуғлашга сафарбар этилган ақлий меҳнат соҳасидир... Ҳартугул, Ойбек ўттиз бир ёшида «факат ишқ йўлида жасорат кўрсатиш»ни айб ҳисоблаган бўлса-да, лекин «факат синфларнинг курашини» тарғиб этадиган асарлар ҳам қусурли саналишини билган бўлиши керак: билиб туриб айб ишга кўл ургани учун Ойбек икки ҳисса АЙБДОР ҳисобланади...

Қодирийнинг тўнғич ўғли Ҳабибулла Қодирий 1956 йил 31 март куни Туркистон Ҳарбий Ўлкаси прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Гришченко томо-нидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинганида бундай дейди: «Тубандаги шахслар менинг отамни яхши билишарди, улар отам ҳақида таъриф беришлари мумкин: ёзувчи Абдулла Қаҳхор,

ёзувчи ОЙБЕК, ёзувчи Уйғун, дра-матург Собир Абдулла, ёзувчи Шайхзода». Дарҳакиқат, ТўркХУ прокурорининг ёрдамчиси илгарироқ Ойбекдан Қодирий ҳақида тавсифнома олган эди. Мана у:

«Мен ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан таниш эдим, лекин унинг яқин дўсти бўлмаганман. Чунки бизнинг ёшимиз ўртасида катта тафовут бор эди. Боз устига, бошқа-бошқа авлод вакиллари эдик.

У бирмунча одамови эди. Балки, айнан шу ҳол бизнинг яқиндан танишувимизга ҳалақит бергандир. Аммо мен уни бир неча йил мобайнида таниб-билиб юрганман. Ёзувчилар уюшмасида учрашиб турадик.

Асарлари эски услубда ёзилган, лекин соддалиги, халқчиллиги, тилининг жозибадорлиги учун ўқувчилар яхши кўришарди. Унинг асарларидан «Мехробдан чаён» менга ёқарди. Бошқа асарларини ғира-шира эслайман, холос. 56 й. 2. III. *Ойбек (имзо)*.

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 84-саҳифа)

Одам хотираси оҳанраболи лента эмас, баъзан кўхна «ёзув» ўчиб кетади, ўрнига янгилари ёзилади. Табиблар мия хужайралари муттасил янгиланнб, яшариб туради, дейишади. Табиат инсонни шундай яратган экан. Начора. Бироқ, қизиғи шундаки, орадан ўн йил вақт ўтадио Ойбек қўққис Абдулла Қодирий ҳақида терговчидан «яширган» хотираларини сўзлаб беради.

1966 йилнинг август ойида Ойбекнинг олтминш ёшга тўлиши муносабати билан Масковдаги «Дружба народов» жаридаси ёзувчининг «Адабиёт, тарих, замонавийлик» мавзусидаги сұхбатини (сұхбатдоши А. Наумов) эълон қиласи (таржимаси «Ўзбекистон маданияти»рўзномасининг ўша йилги биринчи октябр сонида босилади). Қуйида ўша сұхбатнинг хотира билан боғлиқ ўринларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқчимиз:

«Савол. Сиз ҳозиргача классик адабиётдан ўрганганингизни айтдингиз. Замондош ёзувчилардан ҳам бирортасининг таъсирини сездингизми?

Жавоб. ...Техникумнинг студенти эканлигимдаёқ муаллимларимиздан бири мени Абдулла Қодирий билан таништирди. Ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва баҳмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишидан дехқонларга ўхшаган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринган бу киши ўша пантлардаёқ машхур ёзувчи, ҳаммамиз кўлдан кўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романинг муаллифи эди. Мени ниҳоятда у одамнинг салобати босиб қолганидан, зўрға нималарнидир фўлдирадим, ўшанда унинг менга нималар дегани эсимда йўқ. Кейинчалик мен у билан тез-тез учрашиб турдим, бироқ уни фақат ўттизинчи йилларнинг бошларида, Ленинграддан қайтиб келганимдан кейингина дурустров ғарбий олдим.

Абдулла Қодирий истеъоддли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди. Сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринар, чунки у ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрап, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермас, секин ва гапи худди ўзига халал бераётгандек, ёқинқирамай гап бошларди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнаттага ўч киши эди. Жисмоний меҳнаттага чалғиб унинг қандайлигини ўзида синаб кўриш ҳар бир зиёлининг зарур эҳтиёжи эмас. Қодирийнинг меҳнаттага ўчлиги — дехқондан чиққанлигига бўлса керак. Узи ҳам худди дехқонлардан тиним билмасдан, қаттиқ меҳнат қиласи эди. У Самарқанд дарвозаси яқинида турар, каттагина боғи бўлиб унда шафтоли, олма, тоғолчаларнинг кўп нави бор эди. Уларни ўзи парвариш қиласи. Айтмоқчи, унинг адабий асарларидан келадиган даромад ҳар доим ҳам қозонини қайнатавермасди, шунинг учун гоҳо болачақасини боғи боқарди. Бофнинг ичкарисида бир неча қути асалариси бўларди. Ўттизинчи йилларнинг бошларида уни тақсимот дўконида кўриб (маҳсулот ва

моллар карточкаю талонларга қараб бериладиган дўконда) қолганимда, рафиқамга:

— Бу ерда менга асал ҳам тегади, хўп десанглар, улушимни олақолинглар — уйда асал ўзимиздан чиқади. — дегани эсимда.

Ўзининг айтишига қараганда. у шундай ёзарди: аввалига кўчада, кўпинча кечқурунлари хувиллаб қолган нантда, узоқ вакт айланиб юриб, янги асарининг бўлажак қаҳрамонлари ва сюжет йўллаонгача ўйлаб, роса пишитардп...

Абдулла Қодирий мадрасада ўқиган, ёшлигнда ўрис адабпёти ва ўрис тилини билмасди. У етук ёзувчи бўлиб шаклланган пайтларда ўрис адабиётини ўзига кашф этганидан худди мактаб ўкувчисидай терисига сифмай фахрланиб қўярди.

Кейинги пайтларда танқидчилар унга тез-тез хужум қилиб турдилар. У иложи борича бунга эътибор бермасликка тиришса ҳам, танқид тошлари иззат-нафсига тегиб, қалбини яраларди.

— Манавини каранг-а! — деди у бир куни кескин ёзилган бир мақоланинг муаллифи ҳақида. — Бу гўдакни ёзишга ўзим ўргатувдим-ку! Ҳаммасидан ҳам шуниси ажабки, мен ҳакимда ёзганларини ўзимдан эшитиб олганди. фақат оёғини осмондан қилибди, холос.— Абдулла Қодирийнинг кўзлари истеҳзо ўтида ёнса ҳам, товушидан пинҳоний алам сезиларди.— Мени миллатчиликда айблаш ғирт бемаънилиқ эмасми? — деди у менга бошқа бир сафар. — Нимага миллатчн дейишяпти, денг?..

У маълум нуқсонлардан қатъи назар, туғма ёзувчи, кенг жўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди».

Кўриниб турибдики, Ойбек бу сухбатида бошқа бир муҳим жиҳатни «унутади». Яъни, ўзи ҳақида ҳам учинчи шахс тилидан гапиради: 1936 йилда «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли ёзувчини кунпаякун қиласидиган рисола ёзиб қўяди-ю, «кейинги пайтларда танқидчилар унга тез-тез хужум қилиб турдилар», дейди ўзини гўлликка солиб.

«Устоз Ойбек», деб эслайдилар шогирдлар. Академик Ойбек», деб гап бошлайдилар илмий ходимлар. «Давлат мукофотининг лауреати Ойбек», деб алоҳида таъкидлайдилар ҳукумат вакиллари. Дарҳақиқат, Ойбек Шўро ҳукуматининг барча унвон ва мукофотига сазовар бўлди, шогирдлари меҳрини қозонди. Унга ҳам-ма нарсани беришди-ю, аммо ширин забонидан жудо эт-дилар. Ваҳоланки, ёзувчининг бебаҳо бойлиги — унинг тилидир. Демак, Ойбекнн алдашиб, ундан бебаҳо бой-лигини тортиб олдилар-да, бунинг эвазига темир-тер-сак бердилар. Унга «Абдулла Қодирийнинг ижодпий йў-ли»ни ёздиришди ва ўлимдан сақлаб қолиши. Бироқ, унинг юзига ҳам, ўн йиллар ўтгандан сўнг асл моҳия-тини намоён қиласидиган заҳар суртишди. Бу заҳарнинг номи ФОЯ эди, «снинфий кураш», «беш йиллик» ва ҳоказо эди. «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл», «Қуёш қоранмас» каби ижтимоий буюртмалар — Ғоянинг бадиий нусхаси эди.

Ойбекнинг ижодкор сифатидаги жасорати барibir сўнмади — у мозийга бош олиб кетди, савобли ишга қўл урди ва ҳазрат Навоий даргоҳидан паноҳ топди.

«Пирим менга ёздиким, «...Худонинг мулкида адолат билан иш тутгил, илло мамлакат қуфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди... Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиришини яхшилигидан деб била кўрма. Золим билан фосикларнинг узоқ яшашига сабаб шуки ўзларидаги боғ ёмонликларини юзага чиқариб тугатмагунларича худо уларга муҳлат беради. Вақтсоати етгач, Оллоҳнинг қудрати билан золимлар, фисқ фасод кимсалар бирданига зинданбанд бўладилар, мол-мулкидан ажрандилар, очарчиликка, қаҳатчиликка, вабога грифтор бўладилар — ажалидан беш кун бурун ўладилар. Гоҳида бегуноҳ бўлган яхши, тўғрисўз, тақводор кишилар ҳам ёмон кимсаларнинг шумликларн оқибатида оғату балога учрайдилар. Яъни, тўқайга ўт тушса, хўлу курук баравар ёнади. Хуллас, ...зулмдан, фисқ-фасоддан қайтиб, имонин-соғга кетмаган. ...Оллоҳга шукrona айтишни унукканлар... охир-оқибат Парвардигорнинг қаҳру ғазабига гирифтор бўладилар!» («Темур тузуклари»дан)

Биринчи бўлиб Абдулла Қодирийга маломат ёғдирган кимсани биласизми?.. Йўқ, у Ойбек эмас. Ойбек у пайтларда, хув, юксак чўққида маъюс чайқалаётган наъматак мисоли беғубор шоир эди, ошуфтақалб шоир эди. Қодирийга аталган маломат тошлари эса Бутун иттифоқ Қўммунистик (болшовойлар) фирмасининг Ўрта Осиё Бюроси фасодхонасида «муқбил тошотар»нинг йўлларига интизор бўлиб турарди. Чамаси, миллий фирмә ходимлари орасида Қодирийга лой чаплайдиган ярамас топилмайди. Ва марказдан «инқилоб нафаси»— ни олиб келган садоқатли фирмә аскари Михаил Иванович ШЕВЕРДИН қўйнига дарҳол маломат тошлари-солиб қўйишади: «Марҳамат, ўзингизни кўрсатинг! Кейин Сизни масъулиятли лавозимга тавсия этамиз», дейишади. Михаил Иванович дарҳол рози бўладими-йўқми ёки бирпас қайси мансабга ўтқазишларини сўраб савдолашадими — билмаймиз: уёғи бизга қоронги, ўзлари билишади. Оббо, Михаил Иванович-эй! Сиз эканда ўша «муқбил тошотар»-а?! Кечирасиз, кимсиз ўзи? Кўзимга иссиқ учраяпсиз-у, аммо қаерда кўрганимни сира эслолмаяпман?.. Ҳа, башарангиз танишга ўхшаяпти. Э-э, ҳа-я, эсим курсин, ҳаммангизнинг палагингиз битта-ку! Майли, энди ўзингиз айта қолинг: ким-сиз?.. Бўпти, ана, шаҳар бердик!.. Пойтахтни ҳам берайликми?.. Ана, пойтахт ҳам Сизники! Айтинг энди?!

— Ёзувчиман!

— Йўғ-э, ёзувчи ҳам шунақа... кечирасиз-у, сурбет бўладими? Ота-касб, денг. Туркистонга ўйнаб келганмисиз?

— Муҳим топшириқ билан келганман: ижодкорларни тўғри йўлга соламан.

— Усмонхўжаевнинг XXVII фирмә курултойидаги даъватидан руҳланиб келибсиз-да?

— Гўрдами, болам!.. У пайтларда Акмал, Файзулла деганлари бўларди... Усмон дегани кейин пайдо бўлди. Лекин униси қорасуяк эди, хўжалардан эмасди — папирос чекарди, юрарди, номоз ўқимасди...

— Михаил Иванович, Абдулла Қодирийни танийсизми?

— Бўлмасам-чи! Мен Қодирийни чўқинтирган... отасиман.

— йўлдан оздирганман, денг!

— Йўлга солганман, шашпак!.. Ҳозирги замон танқидчиси айтганидек: «Адашган шоир ёмон эмас, ўз хатоларинн тузатишни истамаган, ўжарлик билан боши берк кўчадан чиқишини хоҳламайдиган, хатоларини чуқурлаштириш йўлидан борадиган шоир ёмон! («Ёшлик» жаридаси, 1987 й. 10-сон, 49-бет). Кўчирма тамом.

— Яна нима дейсиз?

— Бошқа гапим йўқ. Ҳамма гапимни 1956 йил 26 май куни Туркистон Ҳарбий Ўлкасининг прокурорига ёзиб берганман. Всё!

«Всё! бўлса, «омин» экан-да, майли, энди биз кўчирма келтирамиз.

## «ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАГА

Ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ва унинг асарлари ҳакида нималарни биласиз, деган саволингизга қуйидагича жавоб бераман:

1. 1925—1926 йилларда, мен биринчи марта Абдулла Қодирий билан учрашган кезларимда, у тарихий мавзуда ёзилган «Ўткан қунлар» романининг муаллифи бўлиб,

китобхонлар ўртасида ниҳоятда машҳур эди. Лекин унинг ўқувчилари давраси унчалик катта эмасди, чунки роман араб имлосида чоп этилган эди. Аҳолининг кўпчилик қисми эндиғина савод чиқарарди. Абдулла Қодирийнинг романи ўзбек адабиёти тарихида яратилган түнғич (агар Ҳамзанинг «Миллий роман» уни ҳисобга олмасак) роман бўлгани учун мен унга қизиқиб қолдим: ўқидиму ўша пайтларда Тошкентда нашр этилаётган ВҚП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё Бюросининг фикр тарқатувчиси бўлмиш «Фирқа учун» («За партню») жаридасига тақриз ёза бошладим. Ўшанда Абдулла Қодирий олдин боғбоннинг ўғли эканини, Тошкент шаҳрн чеккасидаги Самарқанд дарвозаси мавзеида томорқаси борлигини, ўзи Шўро мактабида муаллим эканини, муаллимлик маоши эвазига камтарона турмуш кечираётганини аниқлаган эдим.

Абдулла Қодирий билан хизмат юзасидан «Шарқ ҳақиқати» рўзномаси идорасида учтўрт марта учрашганман. Бир марта ўртоқ Соцердотова билан Қодирийнинг уйига ҳам борганмиз: ўша кезлар ҳамроҳим «Ўткан кунлар»ни ўрис тилига таржима қилаётган эди; сал олдинроқ у «Обид кетмон» қиссасини ўрисчага ўғирганди. Биз ўша асарларга бирталай ўзгартиришлар киритиш хусусида сұхбатлашганмиз. Назаримда, бу мавзудаги сұхбат анча кейин, аниқроғи, ўттизинчи йилларнинг бошларида бўлган, шекилли.

Сұхбат давомида иқрор бўлдимки, Абдулла Қодирий бениҳоя камсукум инсон экан; у ўрис мумтоз адабиёти тўғрисида иззат-хурмат билан гапиради. «Мен Л. Толстой, Н. Гогол, А. М. Горькийларга шогирдман», деган эди. Ўзбек ёшлари чаласавод бўлганликлари ту-файли ўрис ёзувчиларини яхши билмайдилар, деб афсусланарди боёқиши. Ушанда Абдулла Қодирий Шўро ёзувчиларидан Гладков, Шолохов, А. Толстой ва бошқаларнинг номларини тилга олган эди.

«Мен вақтинча тарихин мавзууни бир четга қўйиб, Шўро қишлоқлари ҳақида катта роман ёзиш ниятида юрнбман. «Обид кетмон» ҳали қиёмига етмаган асар», деган эди ўшанда Абдулла Қодирий.

Кўп ўтмасдан, Абдулла Қодирий ўзининг янги романини — Кўқон хонлиги ҳукмрон бўлган сўнгги йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи «Мехробдан чаён»ни ёзиб тамомлади.

Мен Абдулла Қодирийни ўз асарларида феодал тартибини, қолоқликни фош этишга ҳаракат қилаётган ва янги Шўро тузуми муваффақиятларини қўйлаётган Шўро вакили сифатнда билардим.

Абдулла Қодирийнинг ҳибсга олинишига сабаб бўлган тафсилотлар менга номаълум, чунки камина ёзувчилар йиғилишида иштирок этмаганман. У пайтларда Шўро ёзувчилари уюшмаснинг аъзоси эмасдим, уюшманинг ички ҳаётини мутлақо билмасдим.

Бундан ташқари, мен яна шуларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: биринчидан, ёзувчи Абдулла Қодирийга муносабатимни «Фирқа учун» жаридасида чоп этилган «Ўткан кунлар» ҳақидаги тақризимда атрофлича баён қилганман (янглишмасам, ўша тақриз 1927 йили босилган эди). Қолаверса, маҳаллий нашриётда ўрис тилида чоп этилган «Обид кетмон»га ёзган сўзбошймда ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирганман.

2. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи жиддий камчиликлардан холи бўлмаса-да, дастлаб нашр этилган пайтдан бошлаб ўқувчиларда жуда катта қизиқишиятотган эди ва ҳозирги кунларга қадар ўша қизиқиш сўнгани нўқ. Ниҳоятда бой далолат асосида, ҳаққоний ёзилган бу роман китобхон кўз ўнгидага бутун бошли жонлн ҳаётни

намоён қиласи; ўрис подшолиги томонидан забт этилиши арафасидаги Кўқон хонлигининг охирги йиллари ҳақида гап кетади. Тошкент билан Кўқон ҳаёти, халқнинг турмуш тарзи зўр маҳорат билан акс эттирилади. Абдулла Қодирий хонлиқдаги жирканч тартибларни, хон амалдорларининг бебошлигию ваҳшийликларини, беклару уруғбошларнинг ўзаро қонли тўқнашувларини, жаҳолат қўйнидаги чиркин ҳа-ётпп тўғри тасвирлайди.

Романдаги айрим ғоявий хатолар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Лекин, фақат бир нарсанинг ўзиёқ, яъни Абдулла Қодирий ўз ватанининг феодал ўтмишини аёвсиз фош этгани, таъбир жоиз бўлса, «олижаноб қадим замон» юзидан кишида завқ уйғотадиган сирли пардани очиб ташлагани учун ҳам таҳсинга лойиқdir. Аб-дулла Қодирий романида эски турмушга, динга қатъиян хужум қиласи, ўзбек хотин-қизларининг топталган ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиб чиқади. Шубҳасизки, буларнинг бари «Ўткан кунлар» романининг ютуғи ҳисобланади. Қодирий романида ўша «Ўткан кунлар» мобайнида Кўқон хонлигига ҳар қандай жонли фикр, ҳар қан-дай дунёвий ҳис-туйғу, йилт этган ҳар қандай ҳур фикр қандай қилиб бўғиб ташланганини кўрсатиб беради. Роман қаҳрамони бўлмиш Отабек ўзининг илғор дунёқараши, бир қизни бениҳоя яхши кўриши билан дарров ўқувчи меҳрини қозонади. У минглаб тўсиққа дуч келади, хонлиқдаги бошбошдоқлик жабрини тортади, бир ўлимдан қолади. Охири муроду мақсадига етади, асло баҳтли бўлолмайди. Отабек суюклисига упланади, лекин ёш келин-куёв баҳтига одат ва шариат, хурофий удумлар ва ислом ақидаларн чанг солади. Отабекнингоиласида фожиа содир бўлади. У нечоғли матонатли бўлмасин, барибир мағлубиятга учрайди — баҳтидан айрилади. Отабек Шимол томонга йўл оладио «жиҳод» пайтида ҳаётдан кўз юмади, яъни босқинчиларга қарши урушда қурбон бўлади (муаллиф «ўрисларга» деган сўзнинг устига чизиқ тортиб ўчирган ва ўша сўзнинг устидан «босқинчиларга» деб дастхатда ёзиб қўйган экан: *изоҳ бизники —Н. Б.*).

Роман қаҳрамони ҳали оддий халққа яқинлашмайди, унинг дунёқараши мавҳум, чалкаш, у баҳтиқарс» халқнинг истикболини аниқ-равшан тасаввур этолмайди. Отабек бир неча марта ҳур (либерал) фикр баён қиласи; мустабид подшони ағдариб ташлаш, маърифат ҳақида орзу қиласи, ҳатто хурриятни қўмсайди, аммо унинг орзулари хомхаёл бўлиб қолаверади: у амалий фаолият билан шуғулланмайди. Қаҳрамон шунчаки ҳаёлпараст, сафсатабоз бўлиб қолади, холос. Эскилик сарқитию диний ақидага илк бора тўқнаш келган пайтдаёқ дархол паст келади: у бирор-бир инқилобий хаттиҳаракатга крдир эмас. Ҳаттоқи эътиroz (протест) билдиришга ҳам ярамайди.

Романинг асосий қиммати шундаки, у ўқувчи тасаввурини бойитади. Унда давр аниқ тасвирланган, хон хукмронлиги остида эзилиб ётган халқнинг азоб-уқубатлари ҳаққоний аксини топган. Роман ёшлар қалбида? хону бекларга, одату шариатга нисбатан нафрат уйғо-тади.

Бош масалани ҳал этиш ваколати каминага боғлиқ эмаслигини эътироф этганнм ҳолда Қодирининг «Ўткан кунлар» романи лозим бўлган айрим таҳrir ва зарурий сўзбоши билан ҳозир ҳам ўзбек ва ўрис тилларида нашр этилса, ўқувчилар уни жуда катта қизи-қиш билан кутиб оладилар, деб ҳисоблайман.

3. Абдулла Қодирийнинг иккинчи йирик романида—«Мехробдан чаён»да хон замонларн янада ёрқин акс эттирилади. Абдулла Қодирий ўз асарида ўткир ҳажв тигини Кўқон хонлигнинг ярамас тартибларию саройдаги ахлоқсизликка, айниқса, мусулмон

руҳонийларига қарши йўналтиради. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «...дунёда мавжуд бўлган энг чиркин таълимотлардан бири бўлмиш дин»ни Абдулла Қодирий аёвсиз фош этади. Табиийки, Қодирий янги романида кўхна Шарқ адабиёти анъаналаридан чекинади: энди унинг қаҳрамонлари йиғлоқи кайфиятдан холи, заминдан ажралмайдилар, уларда эътизор кайфияти мустаҳкамланган.

Абдулла Қодирий «Мехробдан чаён» романида гоявип жиҳатдан улғаяди: чиркинлик, эскилик сарқитларини фош этиш масаласини кескин тарзда кўяди. Роман сўсалистик реализм вазиятида туриб ёзилган. Агар «Ўткан кунлар»да биз қисман ўтмиш улуғланган ўринларни, аникроғи, қаҳрамонлар табиатида ва турмушнинг айрим қирраларида баъзи бир фазилатни учратган бўлсак, ёзувчи «Мехробдан чаён»да ўз халқининг ўтмишидан олинган барча ҳаётий-ашёвий далолатга танқидий кўз билан ёндошади ва баркамол санъаткор сифатида қалам тебратади.

«Мехробдан чаён» романни ҳозирги кунларда ҳам нашр этишга арзийдиган асар. Тегишли тузатишлардан сўнг нашр этилиши лозим, албатта.

4. Абдулла Қодирийшинг «Обид кетмон» қиссаси — бу пстеъдодли ёзувчининг замонавий Шўро ҳаёти томон юз бурганинп кўрсатадиган ёрқин мисолдир. Қодирий «Обид кетмон»да жамоа хўжалик аъзолари, Шўро кишиларининг далалардаги фидокорона меҳнати ҳақида ҳикоя қиласи.

Қисса бир маромда ёзилмаган; муаллиф яратган барча тимсол зўр чиқсан, деб бўлманди. Аммо, ҳартугул, «Обид кетмон»да ёзувчи мамлакатимиздаги сўсалистик тузумни очиқ чехра билан кутиб олгани яққол кўринади. «Обид кетмон» Ўзбекистонда жамоа хўжаликлари ва Шўро ҳокимияти шарофати билан ўзбек қишлоқларида рўй берадиган улуғ ўзгаришлар тўғрисида яратилган дастлабки йирик асардир.

Шубҳасизки, бу қисса ҳам Абдулла Қодирийнинг бошқа асарлари (юқорида эслатиб ўтилган «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари назарда тутиляпти) каби бизнинг ўқувчилар учун қадр-қимматини йўқотган эмас.

\* \* \*

Хулласи калом, Абдулла Қодирий ва унинг асарлари тўғрисида айтадиган гапларим мана шулардан иборат. Мен ўз вақтида «Фирқа учун» жаридасига ёзган тақризимда ва алоҳида китоб ҳолида чоп этилган «Обид кетмон»га ёзган сўзбошимда ҳам ана шу масалаларга атрофлича тўхталганман. Афсуски, ҳозир қўлимда ўша тақриз ҳам, сўзбоши ҳам йўқ. Шунинг учун батафсил холоса ёзив бериш имкониятига эга эмасман. Умуман яйтганда, баъзи арзимас таърифларни ҳисобга олмагандан, йигирма-ўттиз йил муқаддам Абдулла Қодирий ижоди ҳақида айтган гапларим ҳам шу бугун баён этаётган фикр-мулоҳазаларимдан деярли фарқ қилмайди. Менинг баҳоим, асосан, ижобийдир.

Абдулла Қодирийнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларга ва ўзим таниш бўлган асарларига асосланиб айтишим мумкинки, у айрим камчиликларидан қатъи назар, сўсалистик реализм вазиятида турган истеъдодли ёзуввидир. Қодирий ўзбек Шўро адабиётининг ташкил топишига, тараққиётига муносаб ҳисса қўшган.

1956 й. 26 май  
Тошкент ш.  
M. Шевердин (имзо)

Михаил Иванович ШЕВЕРДИН. 1899 йил тугилган. ШИҚФ аъзоси. Ёзувчи.  
Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси президиумининг аъзоси».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 87—91-саҳифалар)

\* \* \*

Қадрли Михаил Иванович, Сиз ислом дини, Ватан тарихи масаласида устоз Қодирийга маломат қилибсиз: наинкн, «Ўткан кунлар» билан «Мехробдан чаён»да ёзувчи «ўз ватанпнинг феодал ўтмиши»ю «чиркии... дин»ни аёвсиз фош этган бўлса?! Раббим, денг, Михаил Пванович, акс ҳолда, икковимизнинг ҳам оғзимиз қийшайиб, кўзимиз ғилайи-пб қоладн! Қолаверса, ФОЯДОР киши қаланги-қасанғи кўчирмаларни ўзлаштириб олгандан кўра, Ватан ўтмпши билан шартлн бадиий тўқиманинг ва дин билан диндорнинг фарқини билиб олса чакки бўлмасди. Яна қайдам, ўзингиз биласиз — бу масалаларда Сизга кўрсатма берадиган кимсалар бор бўлса ксррак.

Биласизми, бизни таажжублантирган нарса нима? Негадир Сиз ўз ўтмншига ва ўз динига туфурган кимсаларни алоҳида қадрлар экансиз-а? Қизик, жуда ҳам қизиқ мезон топибсиз-ку! Бу «фирқа адабиёти ва фирмка ташкилоти»нинг хиёнатга, Павлик Мороз ўғлидан ўрнак олишга даъват этгувчи чақириғи эмасми?.. Битта дараҳтнинг меваси бир-биридан узоққа тўкилмапди, деганлари шу бўлса керак, ҳойнаҳой.

Айтмоқчи, ТуркҲЎ прокурорига ёзиб берган кўргазмангизда «ўрисларга» деган сўзни учириб, унинг устидан ўз қўлингиз билан «БОСҚИНЧИЛАРГА» деб ёзиб қўйибсиз. Уялмадингизми? Наҳоткн, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиласиган мана шу пкки турдош отни тўғридан-тўғри айирбошлиш мумкин бўлса?.. Умуман, тафовут бобида Сиз «калтак»ни «алиф» деёлмас экансиз, бобоп!

Бундан ташқари, қув экансиз, Пванич! «Умуман айтганда, баъзи арзимас таърифларни ҳисобга олмаганда, йигирма-ўттнз йил муқаддам Абдулла Қодирий нжоди ҳақида айтган гапларим ҳам шу бугун баён этаётган фикр-мулоҳазаларпмдан деярли фарқ қил-мапди», дейсиз-у, лекин Қодирий айнан Сиз қолипини яратиб берган сиёсий андозаларга сифмагани учун бадном қилингани ва отиб ташлангани тўғрисида миқ этмансиз. Нима бало, хотира чатоқми? Даволансангиз бўлармиди... Майли, Сиз бамайлихотир ҳордик чиқаринг, итингиз билан Ниқилоб хиёбонида сайр қилинг. Гапнинг чаласини эса ўзимиз поёнига етказамиз.

Михаил Иванович ТуркҲЎ прокуроридан қаттиқ илтимос қилганмикан ёки бошқа биз билмайдиган сабаб бонсми, ишқилиб, «Тафтиш ашёлари» жамғармасига 1935 йили «Обид кетмон»га ёзилган сўзбоши сифнбди-ю, аммо «Фирқа учун» жаридасида эълон қилинган тақриз сифмай қолибди. Устига устак, сўзбоши ҳам қисқарган ҳолда кўчирилган. Мана:

ЎзСШЖ Давлат нашириётида, Тошкент шаҳрида 1935 йили чоп этилган Абдулла  
Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссасига ёзилган

СУЗБОШИДАН

Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссаси Ўзбекистонда жамоа хўжаликлари барпо этиш мавзусига бағишлиланган йирик асарлардан бири. Қиссада кўтарилиган масала — жамоа хўжалигига ўртаҳол дехқонни жалб қилишидир; унинг онгида рўй бераётган ўзгаришлар жараённ ўқувчида қизиқиш уйғотади.

«Обид кетмон» яна шу жиҳати билан ҳам дикқатга сазоворки, бу Абдулла Қодирийдек йирик санъаткор ижодида олға ташланган қадам, албатта.

Авваламбор, «Обид кетмон» қиссаси жадал суръат билан тўкин-сочин турмуш сари дадил бораётган тиришқоқ, ғайратлн ўзбек жамоа хўжаликларидан биттаси ҳақидаги бадиий асар ҳисобланади.

Мих. ШЕВЕРДИН

*Кўчирма аслига тўғри: ТуркҲЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги  
ГРИШЧЕНКО (имзо) 1956 й. 22 июн».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 125-саҳифа)

Мана, қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида «сўзланган» нутқ! Майли, ўтган ишга саловат. С—1153

«Ўткан кунлар»дан олинган айрим парчаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмасак инсофдан бўлмас, деган хаёлда тубандаги кўчирмани олдик. Марҳамат, танишинг!

### «ЎЗБЕКЛАРНИНГ БИРИНЧИ РОМАНИ

(А. Қодирий. «Ўткан кунлар»)

Мусулмонқулнинг халқقا (аслида, «аҳолига» — бундан кейинги изоҳлар ҳам бизники: *H. Б.*) бўлган жабру зулми ҳаддан ташқари кетди. Агар унинг истнб-доди шаҳарларга («ўзга» сўзи таржима қилинмаган) унча сезилмаса ҳам, аммо халқни (аслида, «марказ — Кўқон одамларини») жуда тўйдирди. Унинг ўз кайфича («ойда эмас» бирикмаси тушиб қолган) ҳафтада солиб турган солиқлари халқнинг (аслида, «фуқаронинг») терисини шилса, бекларни остирди, кестириди (аслида, «арзимаган сабаблар билан қорачопонларни остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди»).

...магар уламо халқи ундан жуда рози, зероки, унинг суюнчиғи эди. Иккинчи суюнчиқ «қипчоқлар» эди (аслида, «биринчн суюнчиғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчисн уламолар эди»).

У, уламо орқали ўз зулмини машруъ бир тусга қўйган, ўзи учун зарарли унсурларни йўқотишда уламолардан фатво (аслида, «улулъамирга боғийлик») олишни унутмаган эди.

Уламонинг бу янглиғ истибодни «фатво» ранги билан бўяб бериши мукофоти учун Кўқон ва Андижон («каби») шаҳарларга маълум мадрасалар бино қилган...

Бу ҳақиқий мусулмон маданияти эди (афсуски, ҳо-зир биз фойдаланаётган «Ўткан кунлар» романи Сарвар АЗИМОВ таҳрири остида — 1974 й. Тошкент шаҳрида — босилгани учунмикан, ундан Михаил Иванович 1928 йили кўчирма келтирган парчалар олиб ташланган экан: *изоҳ бизники — H. Б.*). Бу ерда хон мусулмон эди, беклар мусулмон эдилар ва қозилар мусулмон эдилар. Ўғриларнинг қўлини кесишарди... аёлларни эса миноралардан ташлаб юборишарди («Ўткан кунлар»нинг С.Азимов «таҳрири»га учрамаган нусхасида: «Фоҳишалар қопга солиниб, минорадан ташланарди», дейилади).

Пиёнисталар қирқ дарра уриларди. Раис афанди ўз аъёнлари билан кўча айланарди ва калима қайтаришни билмайдиган кишиларни калтаклатарди.

(Мих. Шевердин романдан олинган ушбу парчаларни ўрисча матнда асл маъкога тескари талқин қиласи: *изоҳ бизники — Н. Б.*).

«Одамлар ажали етгани учун эмас, хон одамлари қонсираб қолгани учун ўладилар», дерди фуқаро беклар тўғрисида.

«Оқ от бўлмаса, қора ит ялоқ ялайди».

(Кўчирма тамом)

Қодирийнинг «Ўткан қунлар» романидаги воқеалар мана шу жойдан бошланиши лозим эди. Аслини олганда, романдаги воқеалар замон ва макондан ташқарида рўй берадп. Талқпн қилннаётган тарихий воқеалар Отабек, Юсуф ҳожи ва бошқа қаҳрамонларга деярли таъсир кўрсатмайди. Ҳодисалар, ўрта асрлар даражасидаги Қўқон хонлигига ҳукм сурган жаҳолат шунчаки намойиш (декорация), холос: қаҳрамонлар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар ҳаётига дахл қилмайди...

Қодирий Отабекни илғор фикрли киши, ҳатто салкам инқилобчи сифатида тақдим этишга уринади. Қаҳрамон Урисиянинг қайсндрп шахрнда бўладн, хусусан, Шамапдан қандайдир йўллар билан янги ғоялар олиб келади.

Кейин Отабек мавжуд тузум ҳақида қатъий бир фикрга келади...

Отабек кураш йўлини такліф этади: «—Модомики, ўз ғарази йўлида истибодод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар йўқотилмас эканлар — нажот нўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазиш нажотимизнинг йўлидир!»

(Шу ўринда зарурий эскартиш: Михаил Иванович тақриз бошпда «Ўткан қунлар»ни Учинчи бўлимнинг биринчи фаслидан бошлаш керак эди, деб «маслаҳат» беради-ю, лекин ўзи Биринчи бўлмнинг иккинчи фаслидан кўчирма келтириб, муаллифни мулзам қилмоқчи бўлади. Яъни, танқидчи ўз фикрпда муқнм турмайди — мунофиқлик қиласи: *изоҳ бизники — Н. Б.*)

Отабек эндини ростлаб, ўзига йўл очаётган савдогарларнинг вакнли. Табиийки, у хон амалдорларидан норози бўлади... Бироқ, Қодирий тижоратчи буржуайлар қиёфасини фавқулодда улуғвор тарзда акс эттиради. Қаҳрамонлари ҳаёт ҳақиқатидан узок. «Ин-қилобчи» Отабек ҳар жойга бурнини тиқаверади. У фақат ёмон ҳукмдорлар ҳақида эмас, умуман тузумнинг ярамаслиги тўғрисида ҳам гапираверади. Ажабланарли жойи шундаки, тпнгловчилар Отабекнинг гапларини жўялик деб биладилар, маъқуллайдилар, қўллаб-қув-ватлайдилар. Кишида шундай таассурот қоладики, гўё Отабек ўтган асрнинг қирқинчи йилларида эмас, яқинда ўн беш-йпгирма йил муқаддам, биринчи ўрис ва форс инқилоби даврпда яшаб ўтгандек!..

Афтидан, муаллиф ҳам қаҳрамон дунёқарашидаги мантнқизликни пайқаб қолади ю сўнг хатосини тузатишга уриниб кўради. Отабек «инқилобий» назариясини ҳеч қаерда ҳаётга татбиқ этолмайди.

«— Мамлакат мозористонга ўхшайди: менинг чақи-риқларимни ким ҳам эшитарди!» — денди Отабек ҳафсаласи пир бўлиб.

(Яна бир зарурий эскартиш: аслида, «Дарҳақиқат, мозористонда «ҳап-ю алал фалоҳ» хитобини ким эши-тардн!» дейиладп. Михаил Иванович таржима жараёнида муаллиф

ҳақига бир марта хиёнат қилган бўлса, кўчирмани Отабекнинг аввалги «монологи»дан кейин келтириб пкки марта хиёнат қилади: романда бу парча 19-саҳифада, «аввалгиси» эса 20-саҳифада келади ва зинҳор-базинҳор «муаллиф ҳам қаҳрамон дунёқарашидаги мантиқсизликни пайқаб қолади ю сўнг ўз хатосини тузатишга уриниб кўради», деб маломат қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Хуллас, бу ўринда ҳам Мих. Шевердин қувлик қиляпти, холос: *изоҳ биздан — Н. Б.*)

Шунинг учун бўлса керакки, бутун роман давомида Отабек ижтимоий масалаларга қизиқмайди, ўз қарашларини амалга ошириш учун ҳаракат қилмайди. Ўқувчи эса. мана шундай дабдабали нутқлару жимжимадор сўзлардан кейин инқилобий ҳаракат бошланишига умид қилади ва умид қилишга ҳақлидир. Афсус...

Ҳаёт синовига ростакамига дуч келган пайтдаёқ Отабек енгилади. У ҳибсга олингач, қушбеги хузурида айтган сўзлари муросасозлик оҳангидага янграйди... Ўша давр шароитида, яъни хон ва беклар ҳокимииятига қарши айтилган бир оғиз сўз учун ҳам одамлар қатл этилган кезларда Отабек «инқилобий» ҳаракат қилади, албатта. Бироқ, кейинги воқеалар биз хийла шошганимизни кўрсатади ю дарҳол фикримизни ўзгартиришга мажбур бўламиз.

Кўп ўтмасдан Отабек шахсий ҳаёт ташвишларига ўралашиб қолади. Кумушга бўлган ишқи туфайли у халқни ҳам, баландпарвоздар гапларини ҳам унутиб юборади.

Ҳатто Тошкентдаги қонли воқеларга, отаси билан оиласи бошидан кечираётган мусибатларгода парво қилмайди.

(*Эскартии:* Мих. Шевердин яна қувлик қиляпти Отабек тугул, ҳатто Кўқон хони ҳам Тошкентдаги воқелардан бехабар эканини, ўша воқеалар ҳақида Марғилонга кечикиб хабар берилганини инобатга олмаяпти ва атайлаб боз қаҳрамон устига мағзава ағдаряпти: *изоҳ бизники — Н. Б.*)

Тошкент қамали авжига чиққан бир пайтда унинг тўйи бўлади (Марғилон билан Тошкент ўртасида қанча масофа бор? *Н. Б.*).

Сўнгра Отабек ақл бовар қилмайдиган саргузаштларни бошидан кечиради. Қодирийнинг тасвирлашича, «қатъиятли ва хийла ғанратли» бу йигит арзимас «тақдир зарбаси» натижасида ўзини йўқотиб қўяди... У худди «Минг бир кеча» қаҳрамонлари каби жонидан тўяди, юм-юм йиғлайди. Ўша араб эртаклари қаҳрамонларидан фарқи шундаки, у «художўй» бўлишига қарамасдан ичкликтозликка муккасидан кетади.

Отабек куч-ғайратини, инқилоби жўшқинлигини ўзи жудаям яхши кўрадиган халқи учун курашга (*таъкид бизники: Н. Б.*) йўналтирмайди. Отабек давлатни янгилаш йўлидаги чинакам кураш жабҳасида эмас, хийла бачканা зиддиятларда ҳақиқий қаҳрамон сифатида гавдаланади. У қайнотаси оиласинн ёвуз кишилардан ҳимоя қилиш паптида «кўркув, юз-хотир нималигини билмайдиган фидокор»дек курашади.

Айтиш мумкинки, ўша кураш манзаралари тасвирланган саҳифалар романнинг энг бўш ўринларидир. Муболага бплан айтганда, қаҳрамон бнта қўли бплан қароқчилардан қасос олади, душманларини қўйдек сўйиб ташлайди ва бу орада Ҳомидга қаратади узундан-узун аччиқ-тирсиқ ваъз ўқишига ҳам улгуради. Хуллас, қаҳрамоннинг ҳар қадамида саргузашт ва олди-қочди рўн бераверади.

Отабек ҳақида яна нима дейиш мумкин?

Тошкентга қайтгач, қипчоқлар ваҳшиёна тарзда қириб ташланаётганига эътиroz билдириб кўради. Аммо у ўз уйида, оиласида, ягона гувоҳ — отасининг олдида

сўзамоллик қилгани учун ҳам бу эътиrozning ҳеч қандай ижтимоий қиммати йўқдир.

(Отабек ҳам Павел Власов каби катта майдонга оломонни тўплаб олиб, кейин нутқ сўзлаганда маъқул бўларди-а, Михаил Иванович? — *пичинг бизники: Н.Б.*).

Романнинг бошқа қаҳрамонлари ҳам ясама, ғайри-табиий. Лекин улар хийла ўзига хос. Хусусан, Отабекнинг отаси Юсуф хожи анча жонли шахс. У хур фикрли инсон, аммо унинг хур фикри ислом ақидалари доирасидан ташқарига чиқмайди ва мутаассинб диндор бўлиши учун халақит бермайди. У тинч-тотув яшашни истапди, алғовдалғовлардан қўрқади; ҳар қандай қўзғолон ва ғалаёнга қарши туради...

Отабекнинг дўсти уста Олим жозибадор қаҳрамон. У ҳақиқатан ҳам жонли одам. Кетма-кет зарбалардан сўнг унинг ҳаётдан кўнгли совийди. Охирн бир оз бўлсада, ҳур фикрли бўлпб қолади. Бироқ, унинг хур фикри одат ва шариат қоидаларини бузишдан на-рига ўтмайди. Ижтимоий масалалар уни мутлақо қи-зиқтнрмайди.

Қодирий аёллар қисматини, оиласидаги аҳволини ни-ҳоятда майин бўёқларда таевирлайди. Агар оила бошлиғи ақлидрокли, оғир-вазмин киши бўлса, бундай онлада аёллар яхш яшайдилар; шундай шароитда баҳтли бўлиш, асосан, аёлларнинг ўзларига боғлиқ... Романда акс эттирилган оилалар ҳақида ана шунаقا фикр юритиш мумкин. Сир эмаскин, ўзбек оилаларининг ҳаммаси ҳам фаровон турмуш кечирмайди. Лекин азбаройи қонунлар ёмонлиги, айтайлик, кўп хотин олиш йўл қўйилгани учун бундан бўлмаган. Балки, кишилар табнатндаги қусурлар кулфат келтиради, холос...

Қодирий оиласидан турмушни ана шундай тасвирлайди.

Қодирий керакли ўринларда муносабатини бўрттнриб кўрсатмайди; нобопликларни хаспўшлашга уринади, мапшип турмушни, айниқса, оиласидан муносабатларни ҳаддан зиёд илоҳийлаштиради. Шунга қарамай, роман урф-одатларни ўрганиш маъносида муҳим аҳамиятга эга...

\* \* \*

Роман тарихий мавзуда ёзилган. Бу дегани, авваламбор, даврни акс эттириш, айрим табақаларнинг ўзаро алоқаспни ижтимоий негизда кўрсатиш лозим, демакдир. Бошқа воқеа-ҳодисалар ана шу асосда рўй бериши керак. Романда мутаносиблиқ, яхлитлик етиш-майди.

Қодирий давр манзарасини акс эттирадиган тарихий роман ёза олмаган; у энди пайдо бўлаётган тижоратчиларни улуғлаб кўрсатган, холос.

Романи ўқиётган пайтингда, муаллиф ўтмишни оқлашни, ўтмишни ҳақиқатда бўлганидан кўра яхшироқ тасвирлашни ўз олдига маҳсус вазифа қилиб қўймаганмикан, деган тасаввур мудом хаёлингни тарқ этмайди. Маиший турмуш, ахлоқ, ижтимоий муносабатлар тимсол даражасига кўтарилиган.

Шунингдек, муаллиф Тошкентни Кўқондан ажralиб чиқиши ҳодисасига ижтимоий баҳо беришга ожизлик қилади. Уйлаш мумкинки, гўё Азизбек кўнглини шод этиш мақсадида Тошкентни мустақилу ўзини хон деб эълон қилгандек! Аслида, ўша даврга келиб Тошкент қулай жуғрофий минтақага жойлашгани туфайли иқтисодий жихатдан мустақил бўлади, Фарғона билан юзаки алоқа қилиб туради, холос. Бу ҳол муаллиф эътиборидан четда қолган...

У сўзидан равшанки, Қодирий тарихий шароитни идрок этолмаганп учун романда

Тошкент ғалаёни жуда ишонарсиз тасвиранади. Романда бу ғалаён баландпарвоз ибора билан «инқилоб» деб аталади...

\* \* \*

Романда қаҳрамонларнинг ислом дннига муносабати ҳам яхши ёритилмаган. Бу дин ҳоким синф бўлмиш тиҷоратчилар манфаатига мос тушади. Устнга устак, Қуръон дехқонлар манфаатини эмас, савдогарлару энди оёққа тураётган капитализм манфаатини ҳимоя қи-лади.

(Эскартиш: Мих. Шевердин нафақат Қодирийга, ҳатто ислом дннига ҳам тухмат қилаётибди, албатта: изоҳ бизники — Н. Б.)

Айни пайтида романда ислом дини унчалик сезилмайди. Бир томондан олиб қаралса, бу ҳол ижобий ҳодисадек туюлади. Гўё романда тасвиранаётган ўзбекларнинг ҳаммаси даҳрийларга ўхшанди улар динга лоқанд қарайдилар. Лекин, иккинчи томондан, романда «Оллоҳ» каби ундалмалару таҳорат, номоз сингари диний расм-руsumлар жуда кўп бора эслатилади. Ҳатто ҳур фикрли Отабек ҳам ҳар қандай ишга қўл уришдан аввал албатта «Оллоҳ» номини зикр этади. Ниҳоятда муҳим масалага муаллифнинг бундай муносабати хавфли, омонат. Агар ишлов берилмаган китобхон бу асарин ўқиса борми, дарров мусулмон қаҳрамонлардан ўrnak оладиyo:

Оллоҳу акбар деб хитоб қиласи.

Ҳатто ислом дини қонунларида хийла бўш, муваффақиятсиз талқин этилган қўйдичиқди масаласи на муаллифни, на қаҳрамонларни ғазаблантиради. Романда «талоқ» — гуноҳга ботган хотин учун энг адолатли жазо ҳисобланади. Қўйдичиқди осонликча содир бў-лади.

«Кет, жалаб! Талоқсан, талоқ!» деб қичқиради Отабек. Бу ўринда қаҳрамон дин ўз синфи манфаатига нечоғли мос эканини беихтиёр фош этиб қўяди...

(Эскартиш: наинки, тиҷорат аҳли «Хотинимнинг талоғини бераман!» деган ғаразли мақсадни кўзлаб... мусулмон бўл-а?! Иванич, даъволарингиз сира ҳам ку-ракда турмайди-ку! — Н. Б.)

Ўзбекларнинг биринчи романи Қодирпийнинг романи ғоявий жиҳатдан бизга ётдир. Эҳтимол, дафъатан кўзга яққол ташланмас-у, лекин бунда одат, Қуръон, ўтмиш, «олижаноб қадим замонлар» тарғиб қилинади.

«Агар урфодатларимизга оғишмай амал қилсангизлар, ҳаммаси яхши бўлади». Албатта, муаллиф айнан шундай демайдп. Лекин бутун романдан ана шу мазмун балқиб туради...

«Ўткан кунлар»нинг салбий томонларини ҳатто унинг жуда катта бадипн қимматга эга экани билан ҳам оқлаб бўлмайди...

\* \* \*

Шубҳасизки, Қодирийнинг романи ёш ўзбек адабиётида йирик ҳодиса ҳисобланади. Бу дастлабки роман, демак у танқидий таҳлил этилиши, унга алоҳида эътибор берилиши лозим. Роман мароқ билан ўқилади. Эски нашрнинг биринчи китоби қайта чоп этилди. Нисбатан қиммат бўлсада (учта китобнинг нархи 3 с. 40 т.), лекин биринчи китоб (10000

нусха) бирпасда тарқалиб кетди. Шунинг учун ҳам романга жиддий эътибор беришимиз керак бўлади. Ҳозиргача биз унга панжа орасидан қараб келдик.

Ажабланарли жойи шундаки, шу кунгача «Мариф ва ўқитувчи» жаридасидан бошқа миллий матбуот роман ҳақида ломмим демаяпти. Вақтли матбуот сукут сақляяпти: гўё романдаги ғоявий хатоликларни маъқуллаяпти, романдаги мавжуд нотўғри, ҳатто заарли ғояларни, ўтмишни бўяб кўрсатишга уринишни, савдогарлар тоифасини қаҳрамон даражасига кўтариб, уларни ўзбек ҳалқининг ҳақиқий вакили сифатида талқин этилишини қўллаб-қувватлаяпти.

Матбуот шу пайтгача ўз олдида турган вазифани бажармади: тарихий даврга тўғри баҳо бериш, бадиий тўқима билан сохталаштирилган ўтмишни ажратиб олиш масаласида ўқувчиларга ёрдам бермади...

Хўш, романни нашр этиш шартми? Шубҳасиз. Бироқ, роман нашр этилиши билан дарҳол ўқувчиларни уюштириш, муаллиф тақдим этаётган нарсалардан нималарни қабул қилиш ва нималарни рад этиш лозим-лигини кўрсатиб бермок даркор эди. Матбуотда чоп этилган танқидий мақолалар факат ўқувчиларга эмас, балки ёш ёзувчиларимизга, шу жумладан, Қодирийнинг ўзига ҳам ниҳоятда фойдали бўларди.

Хўш, йўл қўйилган хатони тузатиш мумкинми? Нафақат мумкин, балки тузатиш зарурдир. Қодирий романи муносабати билан ташкнл этиладиган қамровдор мунозара ҳозирги замонни ва ўтмишни акс эттириш учун қўлига қалам олган ёзувчи олдига қўядиган талабларимизни аниқлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Хўш, Қодирий романини ўрис тилида нашр этиш ке-ракми? Бизнингча, нашр этиш керак. Ҳамма гап — уни қай ҳолатда нашр этишда... Унга тарихий даврни тўғри кўрсатиб берадиган, савдо капиталининг аҳамияти ва муаллиф томонидан ўтмншнинг улуғланиши нотўғрн экани ҳақидаги мақола илова қилиниши лозим. Романнинг баъзи ўринларига алоҳида изоҳ берилиши даркор. Муаллифнинг ғоявий хатолари бирмунча заарсизлантирилгандан кейингина романни ўрис китобхонига тавсия этиш мумкин.

«М. ШЕВЕРДИН».

(«Фирқа учун» жаридаси, ўрис тилида, 1928 йил 3-сони, Тошкент шаҳри, 88—96-бетлар.)

Кўриниб турибдики, 1928 йилда М. И. Шевердин биринчи бўлиб, «Ўзбекларнинг биринчи романи Қодирийнинг романи ҒОЯВИЙ ЖИҲАТДАН БИЗГА ЁТДИР», деб эълон қиласи ва ваколатли ФИРҚА ташкилотининг вакили сифатида вақтли матбуотни «Ўткан кунлар»ни «тошбўрон» қилишга сафарбар этади.

Албатта, ўқувчига бизнинг даъвомиз эриш туюлади: «Ким бўпти ўша Шевердин?! Вақтли матбуотни «тошбўрон»га сафарбар этган эмиш, туфэ! Лофт бўлсину, лекин меъёрида бўлсинда!»

Айн момент, афандим!

Биринчидан. М. И. Шевердин қатли ом давригача жумхуриятимизда ҒОЯДОР сифатида камол топган кимса: у энг қудратли ташкилот ВКП(б) МҚ, Ўрта Осиё Бюросининг шунчаки фикр тарқатувчиси. эмас, айни чокда ҚУРСАТМА берувчи ва берилган КУРСАТМАнинг бажарилишини назорат қилувчи «Фирқа учун» жаридасининг ЯЛОВБАРДОРИ эди. Шунинг учун у ўзидан беш-олтита кўйлакни ортиқ йиртган Абдулла Қодирийга бемалол «оталарча» маслаҳат берадп, «Ўткан кунлар»ни ўзбек ва

ўрис тилларида нашрқилиш ёкп нашр қиласлик масаласида ҳукм чикаради Ваҳоланки, кўлида ҳеч қандай ваколати бўлмаган ким-са ҳукм чикармайди, балки қудуқдан сув олгани келган хотин-халажларга: «Пақирни тушир!.. Торт пакирни!» деб буйруқ бериб, ўзини ўзи калака қилиб турди,. холос.

Иккинчидан. Михаил Иванович «Ўткан кунлар» ҳақида азбаройи қизиқувчанлиги туфайли эмас, балки ФИРҚАНИНГ топшириғига кўра ТАҚРИЗ задиг. маълумки, фирмә ташкилоти адабиётга раҳбарлик қилиб туриши лозим экани ҳақидаги кўрсатма биринчи ўрис инқилоби даврида «бутун дунё йўқсулларининг доҳийси» томонидан берилган эди. Ҳай, биз ҳозир Ленинга тил теккизмайлик — мавриди эмас. Маҳаллпй матбуот мўъжаз мавзуларни кўтариб чиқса ҳам катта гап!.. Қисқаси, Шевердин ўша «Фирқа учун» жаридасининг 1928 йил 4-сонида Садриддин Айнийнинг «Одина» қиссади ҳақида «ШАРҚОНА ИЖТИМОЙ ҚИССА» номли яна битта тақриз эълон қилади ва яна-тағин: «Жиддий камчилик Айний қиссадини сўзсиз ўзимизники дейишимизга имкон бермаяпти... Қишлоқда синфий табақаланнш жараёни кўрсатилган-у, аммо бу жараёндаги ишчиларнинг етакчи ўрни қисман акс эттирилган, холос. Боз устига, қиссада бу жараён охирига етказилмайди» («Фирқа учун» жаридаси, 1928 йил, 4-сон, 116-бет), деб ҲУКМ чиқаради. Мана, энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бадиий асар ўқишга қизиқадиган шунчаки ҳаваскорнинг тақризларини ўта жиддий жарida ходимлари кетма-кет чоп этиши мумкинми? Асло. Ажабланарли жойи шундаки, Мих. Шевердин тақри-зида, 1928 йилда, «учирма» қилинган палопонлар қанот қоқиб келадио Ойбек 1936 нилда ёзган рисолага қўнади — бола очади, сўнгра 1938 йили ҚОДИРИЙнинг Давлат Хавфсизлиги Бошқармасидаги терговчиси Тригулов тузган Айбномага қўнади ва яна бола очади; кейин СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати томонидан чиқарилган ҳукмномада ҳам айнан ШЕВЕРДИНнинг «палопонлари» номма-ном санаб кўрсатилади. Қалай! Бизнингча, бу бежиз эмас. Бизнингча, ўн йил мобайнида юқори фирмә ташкилоти Қодирийга қарши суиқасд тайёрлайди ва ўзининг гаразли мақсадини амалга ошириш учун шевердинлардан қурол сифатида фойдаланади.

Учинчидан. Истеъдодли ўзбек ёзувчиларининг инқилобдан кейинги тўнгич авлоди ёппасига қатл этил-гач, М. И. Шевердин бирданига ёзувчи бўлиб кетади: «Санжар ботир», «Бўри изидан» каби «инқилобий» мав-зуда романлар ёзади; ўзбек тилида иккп жилд, ўрис тилида олти жилд «танланган асарлар»ини эълон қилади... «Отнинг ўлими — итнинг байрами», деганлари шу бўлса керак, албатта.

Тўртинчидан. Келинг, ҳадеб бошингизн қотиравермайликда, жайдари «фалсафа»мизга «Фирқа учун» жаридасининг 1930 йилги қўшма сонида (биринчп ва иккинчи) чоп этилган «доҳиймиз» П. В. Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» мақоласидап олинган кўчама билан «жило» берайлик:

«Раҳбарлик санъати жиддий ишдир. Ҳаракатдан ортда қолиш мумкин эмас, чунки ортда қолган киши оммадан ажралиб қолади. Лекин илгарилаб кетиш ҳам мумкин эмас, чунки илгарплаб кетган кишининг омма билан алоқаси узилади. Кимки ҳаракатга раҳбарлик қилишни ва айни пайтда милёнлаб омма билан алоқасини сақлаб қолишни истаса, у жанггоҳда ҳам қолоқларга қарши, ҳам илғорларга қарши кураш олиб бормоғи лозим».

Доҳиёна гап! Бунинг ўзбекча мазмуни шундан иборатки, қозиқнинг учи ҳам, боши

ҳам бўлма — ўртаси бўл: шунда на ерга кирасан, на бошингга гурзи ейсан. «Дохий» маслаҳатининг ижтимоий маъносига эса бундай: ҳалқни пода-пода қилиб жамоа хўжаликлариға ҳайдаб кириши лозим; ҳартугул, подани бошқариш осон — битта чўпон (раҳбар) бўлса, орқада қолган ёки илга-рилаб кетган ҳайвонларни калтаклаб-калтаклаб подага қўшиб туради, вассалом... Иннайкейин, бирпасда КОММУНИЗМ қуриб оламизу соя-салқин жойларда қорнимизни қаппайтири-иб ётамиз. Қалай! Коммунизмда яшашни истайсизми?..

\* \* \*

Абдулла Қодирий асарлари ҳақидаги танқидий ма-қолалар, ёзувчини миллатчиликда айблайдиган ранг-баранг тухматлар битта ИНСОНни қатл этиш учун» асос бўлмайди, деб ўйлаш мумкин. Бироқ, «Абдулла Қодирий миллатчи, ҳалқ душмани!» деган уйдирмага жамоатчилик ишонтирилади, тирик кишига гўр қазилади, мотам маросимига ҳозирлик кўрилади; рўзномаю ойнома сахифаларида овоза қилинган миш-мишлар натижасида жанозага одам тўпланади ва Давлат Хавфсизлиги Бошқармасига пинҳона жўнатилган маълу-мотлар, хулосалар жонолғич вазифасинн бажаради: Қодирийнинг боши узра чирчир айланишиб, «Қон!» дея, «Қон!» дея айюҳаннос солишади. Жумҳуриятнинг етакчи рўзномаларида жазавадор бош мақолалар бо-сплади, уларга тубандагидек «қош» қўйилади:

«ЎЗБЕК ХАЛҚИНинг ДУШМАНЛАРИ» («Правда Востока», 1937 й. 4.Х1).

«ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ АШАДДИЙ ХАЛҚ ДУШМАНЛАРИНИ ОТИБ УЛДИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР!» («Правда Востока», 1938 й.5.Ш).

«ХОИНЛАРГА ЎЛИМ!» (Ўша рўзноманинг ўша сони).

Таассуфки, «Халқ, артисткаси», орденли Сора Эшонтўраева имзоси билан 1938 йил 6 март куни «Правда Востока» рўзномасида эълон қилинган мақола «ЯРАМАСЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!» деб номланади... Афтидан, бу мақолани АЁЛ киши эмас, ЯЛМОФИЗ ёзганга ўхшайди.

Маколаларнинг яна бири «ШЎРО СУДИ ХАЛҚ ХОҲИШИНИ АДО ЭТАДИ» деб номланса, бошқаси «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОЛИЙ СУДНИНГ ҲУКМИ БИЛАН БИРДАМ ЭКАНИНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА» деб номланади: Тошкент шаҳар, Ўктабр депарасининг ПУШКИН номидаги ўйингоҳида 13 март куни кўпминг-кишилик митинг бўлиб ўтгани, унда «жумҳурият оқсоқоли» ЙУЛДОШ ОХУНБОБОЕВ оташин нутқ сўзлагани ҳақида хабар берилади; хайҳот, митинг катнашчилари Ақмал ИКРОМОВ билан Файзулла ХУЖАЕВ СЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан олий жазога — ОТУВга ҳукм этилгани тўғрисидаги шумхабарни... гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар!

Халқнинг жазаваси тутиб, «халқ душманлари»га шафқатсизларча жазо берилишини талаб қилаётган кезларда шу халқнинг асл фарзандларн Хавфсизлик Бошқармасининг рутубатли қамоқхоналарида жон бериб-жон олишарди — қон қусишарди; улар оғзидан кўйик сачратиб қичқираётган оломондан эмас, Оллоҳдан мадад сўрашарди.

«Махфий  
ЎзСШЖ Адабиёт ва Нашиёт ишларининг Бош идораси  
«УЗГЛАВЛИТ»

287-сон

1938 й. 15.IV.

ЎзСШЖ ИИХК Давлат Хавсизлиги Бошқармасининг IV бўлимига — ўрт.  
ТРИФУЛОВга.

Халқ душмани сифатида фош этилган Абдулла ҚОДИРИЙнинг барча китоблари ва  
китобчалари 1937 йил рўйхатига биноан йиғиштириб олинганини маълум қиласиз.

«Узглавлит» бошлиги ЛОПУХОВ (имзо)»

Холмат ҚУРБОНОВ — Абдулла Қодирийнинг асарлари тўғрисидаги учта  
чақувноманинг ҳаммасига бехато имзо чеккан ягона кимса ҳисобланади. Унинг исм-  
фамилияси «Ўзбекистон йўқсул Шўро ёзувчилари уюшмаси Ташкилий қўмитасининг  
раиси» сифатида доимо биринчи навбатда қайд этиларди. Лавозим жиҳатидан  
«хашарчилар»га қараганда юқори поғонада тургани учун ҳам ўша хуносаларнинг  
«бисмилло»си X. Қурбонов хоҳиш-иродасини тўла-тўқис ифодалаган бўлса ажаб эмас.

«Абдулла Қодирийнинг «тариҳий роман» деб аталадиган асари ўзининг сиёсий  
йўналишига кўра чинакам акслашуравий, буржуйча миллатчилик руҳидаги асардир. А.  
Қодирийнинг замонавий мавзулардан «чекиниши», аслида, замонга муносабатнинг ўзига  
хос ниқбланган кўриниши, холос. У ўз романида Туркистон ўтмишини — феодал-  
помешчиклар, буржуйлар тузумини улуғлади ва Ўзбекистондаги Шўро тузумига  
ўзининг аксилиңқилобий, аксишуравий, буржуйча миллатчилик ғояларини қаршн  
қўяди».

(«Абдулла Қодирийнинг (Жудқунбой) буржуйча миллатчилик руҳидаги  
аксилиңқилобий «Ўткан қунлар» романи ҳақида».)

\* \* \*

«Муаллиф ўз қиссасида Шўро ёзувчилари тўғрисида bemavrнда мунозара бошлайди.  
Боз устига, бу масала қисса воқеаларига асло алоқадор эмас. Қодирий уларни калака  
қиласди, устидан кулади ва ҳақорат қиласди».

(«Обид кетмон» (қисқача мазмуни) ҳақида».)

\* \* \*

«А. Қодирий (Жулқунбой) Ўқтабр инқилобигача ўзининг буржуйча миллатчилик  
руҳидаги асарларини эълон қиласди. Ўқтабр ғалабасидан сўнг очик-ойдин  
болжовойларга, Шўро хукуматига қарши курашди ва асарларида аксилиңқилобий,  
миллатчилик ғояларини тарғиб қиласди. А. Қодирий буржуй миллатчilarinинг етук,  
мақтовга сазовор маддоҳи («писак») эди: улар мана шу маддоҳи бплан ғуурланиб  
юришарди. А. Қодирий ўз буржуп синфининг ишонган, садоқатли хизматкори эди».

(«А. Қодирийнинг тескаричн асарлари».)

Хуллас, учала чақувномага ҳам биринчи бўлиб X. Қурбонов — Ўзбекистон Йўқсул Шўро ёзувчилари уюшмаси Ташкилий қўмитасининг раиси имзо чекади. Бу кимса аслида ким эди? X. Қурбонов ёзувчи эдими ёки йўқсулми? Балки, у Шўродир? Шўронинг жосуси, чақимчисими?.. Нима бўлганда ҳам, йўқсуллар диктатурасню Шўролар етовида «порлоқ келажак сари, олға!» кетаётган ёзувчилар ҳолига маймунлар йиғлар экан. Ҳартугул, «қўй кўмондан бўлган арслон галасидан кўра, арслон қўмондан бўлган қўй пода афзал» (Наполеон). Ахир, арслоннинг ўлиги ҳам арслон-да!

Қинғир ишнинг қийифи қирқ йилдан кейин ҳам очилади. Эҳтимол, шундайдир. Аммо ўн саккиз йилдан кейин қинғир ишнинг қийифи ёпилади, холос.

1956 йил 28 май. ТуркХЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Гришченко тегишли расм-русларни бажо келтиргач, X. Қурбоновни гувоҳ сифатида сўроқ қиласди.

Гувоҳлик варақасида қайд этилишича, X. Қурбонов 1907 йили Жиззах шаҳрида туғилган, ўзбек, оилали, Ўзбекистон Кўммунистик фирмаси ҳузуридаги Фирқа институти директорининг ўрииbosари (қаранг-а, қатли ом даврида алоҳида хизмат кўрсатган ходимини ФИРҚА ЎЗ ПАНОҲИДА асрар қолган экан!), олий маълумотли, филология фанлари номзоди, доцент, судланматан, 1931 йилдан бери СШЖИ қўммунистик фирмасининг аъзоси; Тошкент шаҳар, Сталин кўчасидаги 7-йуда яшайди.

Гувоҳ қуйидагича кўргазма беради:

«Мен 1937 йилнинг сентябр ойидан то 1938 йилнинг ноябр ойига қадар Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси ташкилотига раис бўлганман.

Ёзувчи Абдулла Қодирийни (Жулқунбой) унииг шов-шув бўлган асарлари «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари ва «Обид кетмон» қиссаси орқали билардим. Абдулла Қодирий билан шахсан таниш эмасдим.

Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида шуни айтишим мумкинки, у ўзбек адабиётидаги энг истесьодли ёзувчилардан бири эди. Унинг тили содда бўлиб, кенг китобхонлар оммасига тушунарли эди. Шунинг учун асарларини жуда яхши кўришарди. А. Қодирий ўз асарларида ҳалқ маталлари билан мақолларини кўрсатиб берган. Ўзининг «Ўткан кунлар» романида хон замонидаги жирканч феодал тартибларни ҳаққоний акс эттиради: хон амалдорларининг ўзбошимчалигини, золимлигини фош этади. Шунингдек, эски турмушга ва динга қарши чиқади. Бир нарсани алоҳида таъкидлашим лозимки, Абдулла Қодирий бу асарида ўзбек хотин-қизлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқади. Романинг қиммати — унинг тарбиявий аҳамиятидадир. Унда тарихий давр ҳаққоний кўрсатилган. «Ўткан кунлар» романини лозим бўлган тузатишлар билан ўзбек ва ўрис тилларида бизнинг замонамиизда ҳам нашр этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Абдулла Қодирий «Мехробдан чаён» романида динга, хон саройидаги расм-русларга, мусулмон рухонийларига қарши хуруж қиласди. Роман бадиий жиҳатдан ниҳоятда қимматли бўлиб, унда тарихий давр ҳам, од-дий ҳалқнинг хон тузумига қарши кураши ҳам ҳаққоний акс эттирилган.

«Обид кетмон» қиссаси жамоа хўжалиги қурилиши мавзусида ёзилган, ўз вақтида — 1935 йилда бениҳоя қимматли, мавзу жиҳатидан долзарб ҳисобланарди. Бу жамоа хўжалиги қурилиши ҳақидаги биринчи қиссз эди.

Абдулла Қодирий ўз асарларини жуда катта ҳаётий тажрибага суюнган ҳолда ёзган.

Савол. Айтинг-чи, 1937-38 йилларда Абдулла Қодирийнинг асарлари тўғрисида хulosса ёзганмисиз?

Жавоб. Йўқ, мен ҳеч қачон Абдулла Қодирийнинг асарлари тўғрисида хulosса ёзмаганман.

Савол. Ҳозир Сизга жиноятноманинг 56—61-саҳифаларидан ўрин олган, Абдулла Қодирийнинг асарлари тўғрисидаги хulosалар таништирилади... Хўш, Сиз ана шу хulosаларни тасдиқлайсизми?

Жавоб. Жиноятноманинг 56—61-саҳифаларидан ўрин олган, Абдулла Қодирийнинг асарлари тўғрисидаги хulosалар билан танишиб кўрганимдан сўнг, мен қуидагиларни баён этмоғим лозим: бу хulosалар матнини мен ёзмаганман ва улар ким томонидан ёзилгани ҳам менга номаълум. Айни чоқда, ушбу хulosалар қандай мақсадни кўзлаб, қачон ёзилганини ҳам аниқ айтольмапмаи. Фақат бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, дастлабки икки хulosса остига мен имзо чекканман. Лекин, назаримда, жипоятноманинг 61-саҳифасидаги имзо меникига ўхшамаяпти: бу менинг имзоим эмас ва менинг номимдан буни ким қўйгани ҳам менга номаълум.

Хulosаларнинг мазмуни тўғрисида ўз фикримни баён этмоқчиман: хulosалар ҳақиқатга тўғри келмайди — мен ҳозир бу хulosаларни тасдиқламайман. Абдулла Қодирий қамоқقا олингач, у «халқ душмани» экан, деган гап тарқалди. Бироқ, шахсан менинг ўзимга Абдулла Қодирийнинг жиноий ишлари хусусида ҳеч нарса маълум эмас.

Бу иш юзасидан бошқа ҳеч қандай кўргазма бера олмайман.

*Тасдиқномага менинг сўзларим тўғри ёзилган, ўқиб кўрдим.*

*Курбонов (имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари»бўлими, 85—86-саҳифалар.)

Кўриниб турибдики, X. Курбонов Қодирий устидан ёзилган чақувномаларнинг ҳаммасига фақат битта ўзи имзо чекканига амин бўладио бирдан қўрқиб кетади ва учинчи имзосидан тонади. Бироқ, қонун бўйича бундай ҳолатда имзо дарҳол мутахассислар томонидан текширилиши лозим эди: терговчи зса мунозарали масалага ҳеч қандай аҳамият бермайди — Курбоновнинг муайян кўргазмаси на тасдиқланади, на инкор этилади. Ваҳоланки, тергов бошланишидан аввал терговчн гувоҳдан: «Агар ёлғон кўргазма берсам, ЎзСШЖ Жиноят Мажмуасининг 224-, 225-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилажагим ҳақида огохлантирилдим», деб тилхат олади. Аммо крунуга терговчининг ўзи амал қилмайди...

Шунга ҳам ота гўри — қозихонамн, дейишингиз мумкин, азиз ўқувчи. Бундан кимга фойдаю кимга зарар? Тўғри, бундан терговчига ҳам, гувоҳга ҳам ёки спзу бизга ҳам ҳеч қандай фойда-зарар йўқ — ўша машъум хulosалар жабрини Қодирий тортган, отилган!

### «ТАСДИҚНОМА» Тергов тамом бўлгани ҳақидаи эълон

1938 йил Март ойининг 15-куни

Савол. Тергов тамом бўлгани ҳақида Сиз огоҳ этилдингиз. Айтинг-чи, терговга қандай шикоятнингиз бор? Тергов пайтида берган кўргазмаларингизни тўлдиришни истайсизми?

Жавоб. Тергов тамом бўлгани ҳақида менга эълон қилинди. Тергов хужжатлари билан танишдим. Терговга ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен, ҳақиқатан ҳам, 1932 йилгача буржуй миллатчиси сифатида аксилшўравий, миллатчилик ишлари билан машғул бўлганимни инкор этмайман: ўзимни қисман айбдор деб ҳисоблайман. Бироқ, мен Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилшўравий ташкилотга аъзо бўлмаганман шунинг учун ҳам ўзимни бу борада айбдор деб ҳисобламайман.

Абдулла ҚОДИРИЙ (имзо).

*Терговчи: ЎзСШЖ ИИХК Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси IV бўлимининг бошлиги  
(имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 75-саҳифа.)

Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, нима учун Абдулла Қодирий «1932 йилгача буржун миллатчиси сифатида аксилшўравий, миллатчилик ишлари билан машғул бўлгани»ни инкор этмаяпти ва ўзини «қисман айбдор» деб тан оляпти? Чунки қатли ом йилларида ҳам фақат Жиноят Мажмуасигина эмас, айни замонда ЖМни «йўлга солиб турадиган» Жиноий Жараён Мажмуаси ҳам мавжуд зди: ЖЖМнинг маҳсус моддасига асосан «агар жиноят содир этилгандан сўнг муайян муддат ўтиб кетган бўлса, шахс устидан жиноий иш қўзғатиш мумкин эмас»ди. Хусусан, Жиноий Жараён Мажмуасининг 21-моддасида бундай дейилади:

«Қўйидаги ҳолатларда жиноий иш қўзғатиш мумкин эмас:

...б) жиноят учун суд томонидан беш йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилиши мумкин бўлган жиноят содир этилгандан сўнг, орадан беш йил мухлат ўтиб кетган бўлса, шахс устидан жиноий иш чўзғатиш мумкин эмас».

Абдулла Қодирий қисман бўйнига олаётган жиноят эса... ҳакам муттаҳам бўлган тақдирда ҳам, шахснн беш йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга учма-уч «тарди, холос. Дарҳақиқат, 1932 йилгача Абдулла Қо-дирий Шўро хукумати билан Фирқанинг муттаҳамлигини ҳажвий асарларида фош этган эди... Лекин, ҳозир гап бунда эмас. Гап шундаки, ўрт. Қурбонов, Абдулла Қодирий ҳам яшашни жуда-жуда истарди, у ҳам шу қа-дим хаётни севарди, ўз ажали билан ўлишни истарди: ўн, йигирма, ўттиз ва сўнгсиз йиллардан кейин жафокаш Туркистон тупроғида рўй берадиган чинакам ИНҚИЛОБни ўз кўзи билан кўришни истарди. Шунинг учун ҳам ўша лаънати мажмуалардан нажот изларди; ҳасга бўлсада осилиб қирғоқча чиқиб олишни хоҳлар-ди: агар у қирғоқча чиқиб олиш учун Маркс ё Лениннинг этагидан тутган бўлса, билингки, бу ҳол унинг дахрийлигидан нишона эмас, балки «доҳийлар»ни уммон ўртасидаги хас ўрнида тасаввур этганидан нишонадир!

Ахир, ўзингиз ҳам, ўрт. Қурбонов, сувдан қуруқ чиқиш илинжида ўн саккиз йил муқаддам «уч қўллаб» тасдиқлаган даъвонгиздан осонгина тондингиз-ку! Мардона туриб гуноҳингизни бўйнингизга олмадингиз-ку! Хўш, ўз лафзидан қайтган кимса пок ҳисобланадими? Ундей бўлса, ўринсиз тўкилган қонлар хунини ким тўлайди?

\* \* \*

«Сўсалистик реализм методи» асосини ўрта мактабнинг бошланғич синфларидаёқ

«аъло» баҳоларга ўзлаштириб олган Шўро зиёлиси дарҳол: «Ушбу қэтлноманинг салбий қаҳрамонлари бўш экан, уларга кўпроқ қора бўёқ чаплаш лозим. Ижобий қаҳрамонларга эса, ҳеч бўлмаса, биттадан ов милтиғи улашиб чиқиш зарур; зеро, А. П. Чехов таъбири билан айтганда, «деворда осиғлиқ турган милтиқ охири отилиши керак», деб танбех берса ажаб эмас. Ҳм-м, ўринли танбех, деймиз ноилож. Хийла кечикиб бўлса-да, хаёлингизнинг қара-ма-қарши «қутби» да доим икки «қаҳрамон» номи турсин: бири — Абдулла Қодирий, иккинчиси Нурлин ТРИҒУЛОВ. Мавзу хийла ёйилиб, кўчирмалар кўпайнб кетса ҳам, лекин дилимизда мудом ё Қодирийга ёки Триғуловга тегишли бирор ҳақиқатни исботлаш ва шу ҳақнқатга Сизни, азиз ўқувчи, ишонтириш ниятимиз яшприн бўлади. Агар Сизни ишонтира олмасак, кўнглингизда иштибоҳ уйғонса, демак, биз ўз олдимизда турган вазфани уddeлай олмаган бўламиз ва янада ишончлироқ далил-исбот қндира бошлаймиз: баъзан олис-олисларга «ўтлаб» кетишимизнинг асл сабаби ҳам шундан.

Хуллас, шу пайтгача «парда орқасида» фурсат кутиб турган асосий қаҳрамонлардан биттаси ТРИҒУЛОВдир.

Нурлин Исҳоқович Триғулов қатли ом кунларида Абдулла Қодирийни тергов қилган киши. У ЎзСШЖ ИИХК Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг ходими. Н. Триғулов 1937 йил 31 декабр куни Абдулла Қодирий ўзининг Қубиариқ кўчасидаги 121-уйида қамоққа олиниб, уй бошқарувчpsi Раҳматулла ТОШПЎЛАТОВ иштирокида хонадони тинтув қилингандан то ёзувчи 1938 йилнинг 4 (?) октябр куни отиб ташлангунча бўлган фожиавий жараёнда бевосита қатнашган гувоҳ, ҳам асосий ижроҳи ҳисобланади. Ҳа, Н. Триғуловни ижроҳи дейиш мумкин, аммо у отув ҳукмини ижро этгани йўқ. Бироқ, уни «ўйиндан ташқари ҳолатда» турган десак инсофдан бўлмайди.

Хўш, Абдулла Қодирий тергов натижасига кура фожиага йўлиқдими ёки тергов бошлангунча ўлим жазосига хукм қилинганмиди?..

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати 1938 йил 4 октябр куни ўзининг сайёр мажлисининг «маслаҳат оши»га тўпланади ва:

«1. Айбномага рози бўлсин. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинсин.

2. Абдулла Қодирий ЎзСШЖ Жиноят Мажмуасининг 58-, 64-, 67-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилсин, суд қилинсин.

3. Ушбу иш СШЖИ Марказий Ижроия Қўмитаснинг 1934 йил биринчи декабр кунги қарорига мувоғиқ ёпиқ суд мажлисида, қораловчи ва оқловчилар иштирокисиз, гувоҳлар чакирилмасдан кўриб чиқилсин.

4. Айбланувчи судгача эҳтиёт шарт тутқунликда сақлансан»,

деб қарор қабул қиласи. Демак, қораловчию оқловчию гувоҳ вазифасини терговчи томонидан тузилган ва Ҳарбий Ҳайъатга тавсия этилган АЙБНОМА бажаради. Айбномани эса Триғулов ёзган, бошқалар тузатган. Триғулов — калаванинг битта учи, энг керакли учи.

Абдулла Қодирийни қамоққа олиш ва уйини тинтув қилиш ҳақидағи ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссари, давлат хавфсизлиги майори АПРЕСЯН томонидан берилган 27/26-сонли фармон (ордер) «ўрт. Триғуловга» ижро этиш учун топширилади. Таасиқномада қайд этилишича, «ЎзСШЖ Жиноий Жараён Мажмуасининг 20-, 33-, 36-моддаларида кўзда тутилган тартиб бўйича Тошкент шаҳар, Қубиариқ кўчаси, 121-уйда

истиқомат қиладиган фуқаро Абдулла Қодирий хонадони тинтуб қилинади.

«Тинтуб пайтида мусодара қилинган ашёлар қуйидагилар:

1. Абдулла Қодирий номига берилган 018448-сонли бошпурт.
2. Мактублар, фотосуратлар, муайян жомадондаги адабиётлар. Махбуснинг юқорида қайд этилган буюмлари ишга алоқадор далил сифатида мусодара қилинди.

*Тинтубни IV бўлим ходимлари: ТРИГУЛОВ ва МАВРИН амалга оширилар.*

*Даъвогарнинг фикрича, тинтуб пайтида қонун бузилмаган.*

*Шундан сўнг, уй бошқарувчиси Р. Тошпўлатов тасдиқномага имзо чекади».*

Қизиғи шундаки, Тригулов 1938 йил 8 январ куни ЎзСШЖ ИИХҚ расмий қофозига ёзилган квитанциянинг асл нусхасини Абдулла Қодирийга топширади. Унда айтилишича,

«Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг IV бўлимидан ЎзСШЖ ИИХКнинг Маъмурий-хўжалик бўлими 79756-рақамли бир қувур-ли, 20 калибрли ов милтиғини (патронлари йўқ) қабул қилиб олади

Демак, тинтуб пайтида мусодара қилинган ҳамма ашёвий далиллар рўйхатга олинмаган экан-да?

Қодирий қамоққа олинади, хонадони тинтуб қилинади, бола-чақаси қон-қора қақшаб қолади. Қодирийнинг ҳолини бирор сўрамайди. Уч ой мобайнида судсиз-сўроқсиз авахтада ётади, уч ой мобайнида Қодирий ит кўрмаган азобни кўради.

Ниҳоят, март ойининг, қўштириноқ ичида, уч нуқта билан ифодаланган, қайсиdir бир куни (афтидан, терговчи қонунга мувофиқ бирор кун санасини кейин ёзиб қўймоқчи бўлган-у, хаёли фаромуш бўлиб, число ёзишни эсидан чиқариб юборган, шекилли) ЎзСШЖ ИИХҚ ДХБ IV бўлими бошлиғининг ўринбосари, давлат хавфсизлиги лейтенанти МАТВЕЕВ томонидан тасдиқланган «Қарор (айб кўрсатиш тўғрисида)» тайёрланади. Қарор муаллифи давлат хафсизлиги сержантни Тrimasov. У Қодирийга тўрт қисмдан иборат айб қўяди:

«1. Ўзбекистонда фаолият кўрсатган, троцкийчилар билан ҳамкорлик қилган аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотига аъзо бўлгани ва Шўро ҳукумати билан фирмага қарши акснлиниқилобий, миллатчилик руҳида фаол курашгани;

2. фирма билан ҳукумат сиёсатига қарши матбуотда бир неча марта кескин аксплиниқилобин, миллатчилик кайфиятида мақолалар эълон қилгани учун;

3. юқорида зиқр этилган ташкилотнинг раҳбарларн бўлмиш-А. Икромов ҳамда Ф. Хўжаев билан бевосита алоқада бўлганива хорижий мамлакатлар билан алоқаси борлнги учун;

4. ўз атрофига аксилинқилобий унсурларни уюштиргани, йиғилишларда мунтазам суръатда акснлшўравий, миллатчилик руҳида гапиргани, яънн ЎзСШЖ ЖМкннг 66-моддасининг 1 қисмидава 67-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этгани учун

### Қарор қилдим

Абдулла Қодирип ушбу иш бўйича айбланувчи сифатида жи-ноий жавобгарликка тортилсин, ЎзСШЖ ЖМннг 57-67-моддаларига (*таъкид бизники: Н. Б.*) биноан айблансин. Эҳтиёт чорас» аввалги ҳолатда қолдирилсин. ЎзСШЖ ИИХҚнинг ички қамоқхонасида тутқунликда сақлансин».

Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси IV бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, давлат

хавфсизлиги сержантини (?) Н. Триғулов юқоридаги қарорга «розиман» деб имзо» чекади.

Абдулла Қодирий дастлаб ЖМнинг 66-моддасининг 1-қисмида ва 67-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этганликда айбланади-ю, қарор «57-модда билан 67-модда бўйича айблансин!» деб расмийлаштирилади-Битта модда ўрнига бутунлай бошқа модда кўйилади. Терговчи эса лом-мим демасдан «розилик» беради — имзо чекади. Хўш, бу моддалар ўртасида тафовут бор-ми ёки бари бир гўрми?

1930 йили чоп этилган ЎзСШЖ Жиноят Мажмуасида 66-модданинг 1-қисми қуидагича:

«Шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашга, қўпоришга, кучсизлантиришга даъват қилинса, тарғибот ёки ташвиқот юритилса ёхуд (ушбу Мажмуанинг 58—65-моддаларида кўзда тутилган) айрим аксилинқилобий ҳаракатлар қилинса, ана шу мазмундаги адабиётлар тай-ёрланса ёки сақланса —беш ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиладилар».

Ўша Мажмуанинг 57-моддаси хийла мавҳум, жазо муддати аниқ кўрсатилмаган, лекин ундан «олий жазо»нинг ҳиди келади. Мана, у:

«Шўро Иттифоқи Конституциясини ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг конституцияларини, Шўро Иттифоқи ва иттифоқдош, муҳтор жумҳуриятларнинг ишчи-дехқон ҳокимиятини ағдариб ташлашга, қўпоришга ёки кучсизлантиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат ҳамда Шўро Иттифоқининг, асосий хўжаликнинг, йўксуллар инқилоби қўлга киритган мпллий ғалабаларни қўпоришга, кучсизлантиришга қаратилган уринишлар аксилинқилобий деб топилади.

Агар Шўро Иттифоқи таркибига кирмайдиган бошқа бир меҳнаткашларнинг давлатига қарши қаратилган ҳаракатлар қилинса ҳам, барча меҳнаткашларнинг манфаатини халқаро бирдамликни ҳимоя қилиш мақсадида бундай ҳаракатлар аксилинқилобий деб топилади».

Бу модда бўйича жазо муддати, даражаси аниқ кўрсатилмаган.

ЖМнинг 67-моддасида бундай дейилган:

«Аксилинқилобий мақсадда қилинган ҳар қандай ташкилий фаолият, шу йўналишдаги тайёргарлик айни чоқда юқорида қайд этилган бирорта жиноятни содир қилишда иштирок этган шахслар —ушбу бўлимнинг аксилинқилобий жиноятлар борасида кўзда тутилган моддаларига мувофиқ жавобгар-ликка тортиладилар».

Ана шундай мавҳум — номи бор-у, ўзи кўринмайдиган айблар тақилаётган Абдулла Қодирий «ички қамоқхонада» салкам уч ой судсиз-сўроқсиз ётади. Сўнгра,

1938 йил март ойининг уч нуқта билан ифодаланган? қайсиdir бир куни давлат хавфсизлиги лейтенанти (?) ТРИГУЛОВ, IV бўлим ходими бўлмиш д/х сержант» Тримасов ҳамкорлигига Абдулла Қодирийни тергов қи-лади. Афсуски, ҳужжатларда тергов неча кун давом этгани аниқ кўрсатилмаган. Тергов қай йўсинда олиб-борилганини бевосита билиб бўлмайди. Бевосита далил-исбот йўқ, аммо бавосита далил-исбот бор: чунончи, тергов тасдиқномаси билан юзма-юз бўлгандан сўнг, салкам бир йил давомида савол-жавобларни, кейин саволлару жавобларни алоҳида-алоҳида ўқийвериб, деярли ёд этиб юборган кишининг қулоғига тилсиз гувоҳнинг — саволларнинг дағдағаси, ҳокимона оҳангую жавоблар мантиғидан отилиб чиқаётган ФАРЕД эшитила бошлайди. Қодирийнинг тергов тасдиқномасида қайд этилган саволлар ва айрим жавоблар

қўйидагича:

«Савол. Айтинг-чи, 1926 йилда нима учун қамалгансиз ва ҳукм этилгансиз?

Савол. 1926 йили қамоққа олиндингиз, хўш, унгача ўзингиз машғул бўлган аксилшўравий ишлар матбуот соҳасида қандай амалга ошириларди?

Савол. Ўзингизнинг аксилшўравий, миллатчилик. йўналишидаги ишларингиз кўламини «Муштум» жаридаси доирасида чегаралаб, бошқаларини хаспўшлаб кетмоқчимисиз?! Огоҳлантириб қўяйлик, бекорга овора бўласиз! Бизга маълумки, сиз буржуй миллатчиси сифатида адабпёт соҳасида ҳам фаол ишлагансиз. Бу борада батафсил кўргазма беринг!

Савол. Сиз миллатчи сифатида айнан қайси ак-силшўравий ташкилот фойдасига хизмат қилгансиз?

Савол. Айтинг-чи, Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилинқилобий, миллатчилар ташкилотига қачон, ким томонидан ва қандай вазиятда ёллангансиз?

Савол. Сиз ёлғон гапирайпсиз! Миллатчиларнинг аксплшўравий «Миллати иттиҳод» — кейинчалик эса «Миллий истиқлол» ташкилотига аъзо бўлганингизни инкор этиб бўлмайдиган — тасдиқлайдиган далиллар терговга маълум. Сиз буни қандай қилиб рад этишингиз мумкин?

Савол. Яна ёлғон гапирайпсиз!! Миллатчиларнинг аксилшўравий «Миллати иттиҳод» ташкилотининг кўзга кўринган арбоби — маҳбус Ғанихон ҲАМИДХОНОВнинг кўргазма беришича, шахсан унинг ўзи сизни ўша ташкилотга ёллаган экан (Ҳамидхонов кўргазмасидан бир парча ўқиб эшиттирилади).

Миллатчиларнинг аксилшўравий «Миллий истиқлол» ташкилотининг фаол аъзоси — маҳбус Назрулла Иноятовнинг кўргазма беришнча, сиз «Миллий истиқлол» ташкилотига аъзо бўлган экансиз: у сиз билан юзлаштирилган пайтда ҳам ўша кўргазмасини тасдиқлади.

Ўша ташкилотнинг йирик вакили бўлган маҳбус Саъдулла ТУРСУНХУЖАЕВ шу ҳақдаги кўргазмасини тасдиқлади. Назаримда, сиз шундан кепин ҳам ўз айбингизни бўйнингизга олишни истамайсиз, шекилли?

Савол. Сиз яна-тағин ёлғонни ямламай ютяпсиз! Миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотининг аъзолари — маҳбуслар Қурбон Берегин, Ғози Олим Юнусов, Назрулла Иноятов, Мўмин Усмоновларга юзлаштирилган пайтингизда Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган миллатчилар ташкилотининг аксилинқилобий ишларида бевосита қатнашганингиз фош этилган эди. Хўш, ҳақиқатни гапириш нияtingиз борми ўзи?!

Савол. Ҳозир сизга Фапзулла Хўжаев ўз қўли билан ёзган хат кўрсатнлади... Маълум бўлдики, миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотининг аъзоси бўлмиш Қурбон Берегинга сизнинг розилигинги олиб, чет элга жўнатиш учун аксилшўравий, миллатчилик руҳидаги асарларингизни қайта нашр эттприш вазифа-си топширилган экан. Сиз шуни тасдиклайсизмн?

Савол. Шу масала юзасидан батафсил кўргазма берингчи!

Савол. Сиз чет давлатларнинг жосуслик маҳқа-малари билан алоқангиз борлигини яширяпсиз! Уйингизда «мехмон» бўлган қошғарлик савдогарнинг фамилиясини антинг! Унинг топшириғига биноан қандай жосуслик ишларини амалга оширганингиз тўғрисида

гапириб беринг!

Савол. Чет давлатларнинг жосуслик маҳкамалари билан сизнинг алоқангиз қандай бўлгани масаласига яна қайтамиз. Энди Олимжон Фозилжонов билан қанидай алоқада бўлганингиз ҳақида сўзлаб беринг-чи!

Савол. Англиё жосуслик маҳкамасининг гумаштаси бўлган, кўзга кўринган руҳоний Зоҳириддин АЪЛАМ билан яқин алоқада бўлгансиз. Хўш, нимага асосан шу алоқани мустаҳкамлаганингиз хусусида гапиринг-чи!

Савол. Сизнинг мусулмон динига «ўзига хос» қа-рашларингиз нималардан иборат?

Жавоб. Зоҳириддин Аълам каби эски мусулмон руҳонийларига нисбатан мен ислоҳотчиман — янгила-ниш тарафдориман. Ислом динида фақат Оллоҳи каримга энг олий Ҳақиқатга имон келтиришни тан оламан; бошқа бидъатларни эса тескаричи мусулмон руҳонийлари ўйлаб топган уйдирмалар, деб биламан.)

Савол. Сиз бу ўринда ҳам яна ёлғон гапирипсиз! Бизга маълумки, сиз яширин диний мазҳабнинг аъзоси бўлгансиз! Айтинг-чи, сизни ўша мазҳабга ким ёллаган эди?

Савол. 1936 йнли Шўро ҳукуматнинг сиёсати аксилинқилобий руҳда муҳокама этилган аксилишуравий руҳонийлар мажлисида иштирок этгансиз. Сиз шуни тасдиқлансизми?

Тергов вақтинча тўхтатилади.

Терговчилар: ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV булими бўлинма бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти

ТРИГУЛОВ (имзо), ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV булимининг ходими, д/х сержанти ТРИМАСОВ (имзо чекилмаган)».

(А. Қодирийнинг жиноюятномаси 9 сахифалар).

Унвону мансаб жиҳатидан ҳамкор касбдошидан катта бўлгани учун ушбу тергов Н. Тригулов раҳбарлигига олиб борилган, албатта. Дарвоқе, эътибор берган бўлсангиз, Ғафур ҒУЛОМ чакувидаги руҳонийлар йигилиши хусусида айтилган маълумот терговчи тилига кўчади ва расмона айб сифатида тасдиқномага қайд қилинади...

Абдулла Қодирийнинг айбларини исботлаш учун F. Ҳамидхоиров, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Каюм Рамазонов, Рустам Исломов, Гози Олим Юнусов, Анқабой Худойвоҳидов, Қурбон Берегин, Аъзам Аюпов, Мўмин Усмонов, Қосим Сороқин, Абдулҳамид Сулаймоновларнинг (қайтатдан) тергов тасдиқномаларидан нусхалар кўтарилади ва Қодирий жиноятномасига тиркаб қўйилади. Барча кўчирмалар муаллифи ҳам Н.Тригулов, албатта.

\* \* \*

1938 Йил 10 март куни Тригулов астойдил бўлиб айланувчиларни юзлаштира бошлайди. Абдулла Қодирий дастлаб Мўмин Усмонов билан юзлаштириладн. Терговчининг Мўмин Усмоновга берган «саволлари» аниқроғи, терговчининг қонуний тухматлари кейинчалик ҳар икки айланувчининг тақдири ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этгани учун қўйида Тригулов саволларининг тўлиқ таржимасини келтирамиз.

«Айбланувчилар Мўмин Усмонов билан Абдулла Қодирийнинг юзлаштириш  
ТАСДИҚНОМАСИ

1938 йил 10 марта ўтказилган

*Айбланувчилар бир-бирларини таниганликларига иқрор бўлганларидан сўнг, жиноий иши моҳиятига алоқадор саволларга юзлаштириши пайтида тубандагича кўргазма бердилар.*

Усмоновга савол. Ўзбекистонда троцкийчи-ўнгчилар билан ҳамкорликда ҳаракат қилган ўзбек миллатчиларининг аксилинқилобни ташкилотига аъзо эканингиз ҳақида илгари берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

Усмоновга савол. Абдулла Қодирийни яхши биласизми?

(Усмоновнинг жавоби. Мен Абдулла Қодирийни аксишурравий кайфиятдаги эътиқоди мустаҳкам миллатчи сифатида яхши биламан. У сўнгги дамларгача ўзини буржуй миллатчилиги эътиқодидан воз кечган кимса сифатида кўрсатишга уриниб келди — иккиюзламачилик қилиб, Шўро ҳукуматини алдади.)

Қодирийга савол. Айтинг-чи, айбланувчи Мўмин Усмонов рост гапиряптими?

(Қодирийнинг жавоби. Унинг гапи қисман тўғри, холос. Мен 1932 йилгача миллатчи бўлганман, шунингдек, аксишурравий руҳда юрганман. Бпроқ, ҳеч қачон иккиюзламачилик қилган эмасман. Шўро ҳукуматини ҳеч қачон алдамаганман.).

Усмоновга савол. Абдулла Қодирийнинг мана шу кўргазмаси сизни қониқтирадими?

(Усмоновнинг жавоби. Йўқ, қониқтирмайди. Абдулла Қодирий ёлғон гапиряпти...)

Қодирийга савол. Айбланувчи Абдулла Қодирий, сиз ўз айбингизга икромисиз?

Тасдиқнома тўғри ёзилган, ўқидик.

Усмонов (имзо)

А. Қодирий (имзо)

*Терговчилар: ДХБ IV бўлими бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти Тригулов (имзо).*

*ДХБ шошилинч вазифалар бўйича ходим, д/х сержанти Тримасов (имзо).*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 35—38-саҳифалар)

Ушбу тасдиқнома кўк рангли сиёҳда ёзилган, Усмонов билан Қодирий ҳам кўк рангли сиёҳда имзо чекканлар. Демак, савол-жавобларни қофозга тушираётсан котиб ҳам, айбланувчилар ҳам битта сиёҳдондан «фойдалангандар». Сиртдан қараганда, шундай туюлади. Аслида эса, савол-жавоблар «қиёми»га етгунча тузатиларди, ўзгартириларди; айбланувчилар юзлаштириш пайтида факат тасдиқнома остига имзо чекардилар, холос.

Соддадил ўқувчимиз, М. Усмонов Қодирийни «сотиб» ўз жонини асраб қолибди, деб ўйламасин: қатли ом даврида кемага тушганларнинг жони битта эди.

### АНГЛАТМА

Мўмин Усмоновнинг хужжатгоҳда сақланаётган 978066 ракамли жиноятномаси  
асосида тузилган

«Мўмин УСМОНОВ. 1903 йили Кўқон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон  
Кўммунистик (билишовийлар) фирмаси Марказий Кўмитаси Таргигбот ва

*ташивиқот бўлимининг собиқ мудири.*

1937 йил 3 сентябр куни Мўмин Усмонов миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксишурравий ташкилоти устидан қўзғатилган жиноий иш бўйича ҳисбса олинади ва жавобгарликка тортилади.

Усмонов дастлабки тергов пайтида берган кўргазмасида иқор бўладики, гўё у 1930 йилнинг сентябр ойида ЎзСШЖ Қ(б)Ф Марказкўмининг собиқ котиби Акмал Икромов томонидан миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилиниқилобий ташкилотига ёлланган экан: бу ташкилот Ўзбекистондаги Шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашни ва мустақил буржуй давлатини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмиш. Усмонов тергов пайтида ўзининг аксилиниқилобий фаолияти ҳақида икки марта батафсил кўргазма беради: вазифаси— гоявний жабҳада зааркундачилик ишлари олнб боришдан иборат эканини тасдиқлайди.

Судда Усмонов тергов пайти берган кўргазмаларини тўла-тўқис тасдиқлайди ва ўзининг айбдор эканига иқор бўлади.

1938 йил 4 октябр куни СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати ЎзСШЖ ЖМнинг 58, 64, 63, 67-моддалари бўйича уни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қиласиди.

Хукм ижро этилади.

РСФСР Жиноий Жараён Мажмуасининг 373—377-моддаларида кўзда тутилган тартибга кўра тафтиш қилингач, Мўмин Усмоновнинг жиноятномаси 1956 йил 16 май куни ЎзСШЖ Нозирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси томонидан 311003 рақами билан бош Ҳарбий Прокурорга юборилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 51-саҳифа).

\* \* \*

*1938 йилнинг худди ўша 10 март куни айбланувчи Қурбон Берегин билан Абдулла Қодирий юзлаштирилади.*

«Берегинга савол. Айтинг-чи, Ўзбекистонда Икромов раҳбарлиги остида ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотига аъзо эканингиз ҳақидаги аввал берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

(Берегиннинг жавоби. Ҳа, тўла-тўқис тасдиқлайман.)

Берегинга савол. Қаршингизда ўтирган айбланувчи Абдулла Қодирийни яхши биласизми?

(Берегиннинг жавоби. Менинг рўпарамда ёзувчи Абдулла Қодирий ўтирибди. Унинг адабий тахаллуси «Жулқунбой». Мен уни адабиётдаги буржуй-миллатчилик оқимининг кўзга кўринган намояндаси сифатида биламан. У аксишурравий, миллатчилик ру-ҳида йирик асарлар ёзган ва шу йўсинда ташкилотимизга миллий кадрлар тайёрлаш учун ёрдам берган. Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳеч қачон миллатчиликдан воз кечмаган.)

Қодирийга савол. Сиз айбланувчи Берегин кўргазмасининг шу қисмини тасдиқлайсизми?

(Қодирийнинг жавоби. Ҳа, тасдиқлайман.)

Берегинга савол. Айтинг-чи, айбланувчи Абдулла Қодирий сизларнинг

аксилшўравий, миллатчилик ташкилотингизга аъзо эдими?

(Берегиннинг жавоби. Ҳа, Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган бизнинг аксилшўравий, миллатчилик ташкилотимизга Абдулла Қодирий аъзо эди.)

Қодирийга савол. Анбланувчи Қодирий, сиз шуни тан оласизми?

(Қодирийнинг жавоби. Берегин кўргазмасининг бу қисмини мен инкор этаман. Мен миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлмаганман.)

Берегинга савол. Айбланувчи Абдулла Қоди-рий кўргазмангизни инкор этяпти. Айтинг-чи, Абдулла Қодирий миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлганини тасдиқладиган далил келтиришингиз мумкинми?

(Берегиннинг жавоби. 1932 йили Файзулла Хўжаев менга Абдулла Қодирий билан аксилшўравий, миллатчилик руҳидаги асарларини қайта нашр эттириш масаласида маслаҳатлашиб кўриш вазифасини топширди. Хусусан, Файзулла Хўжаев унинг «Ўткан кунлар» романи ҳақида гапирди. Сўнгра, Абдулла Қодирий билан шартнома тузиш ва асарларини қайта нашр эттириб, чет элга жўнагиши вазифасини зиммамга юклади. Ташкилотимизга аъзо бўлмаган бегона киши ҳузурига Файзулла Хўжаев мени юбориши мумкин эмасди...)

Қодирийга савол. Ҳўш, Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлганингизни яна инкор этаверасизми?

(Қодирийнинг жавоби. Мен ҳеч қачон миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлмаганман.)

*Тасдиқномага бизнинг сўзларимиз тўғри ёзилган, ўқидик.*

*Берегин (имзо)*

*А. Қодирий (имзо)*

*Терговчилар: д/х лейтенанти Триғулов (имзо)*

*д/х сержанти... (имзо йўқ)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 39—42-саҳифалар).

Тасдиқномадан кўриниб турибдики, Қодирийга қўйилаётган айблар, асосан, аввал бошда Триғулов томонидан ёзилган ва бошқарманинг масъул ходимлари. имзоси билан тасдиқланган АЙНОМАда баён этилган. Тафовут шундан иборатки, энди ўша уйдирма гаплар, тескарн талқинлар бечора Қурбон Берегин «тили»дан айтиляпти. Аслида, сатрлар остидан бадбашара Триғулов мўралаб турпбди. Лекин, дўқпўписалар, қийноқлар Қодирий иродасини синдиргани пўк ҳали — у бўхтонларни инкор этади, бўйнига олмайди.

## АНГЛАТМА

*Курбон Берегиннинг ҳужжатгоҳда сақланаётган 978084 рақами жиноятномаси асосида тузилган.*

*«Курбон Берегин. 1904 йили Хева шаҳрида туғилган. Ўзбек. 1924 йилдан бери Бутуниттифоқ Кўммунистик (беливойлар) фирмасининг аъзоси. ЎзСШЖ Қ(б)Ф Марказий Кўмитаси Маданий-оқартирув шилари бўлимининг собиқ мудири. Ўзбекистон Қ(б)Ф Марказий Кўмитасининг собиқ аъзоси.*

1937 йил 3 сентябр куни Қ. Берегин миллатчилар ташкилотига гўё алоқадор бўлгани учун ЎзСШЖ ИПХК Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси ходимлари. томонидан ҳисбга олинади.

Берегин дастлабки тергов пантидаёқ ўзига тақилаётган анбларга икрор бўлади ва ўз олдига Ўзбекистонда халқ бошқарадиган мустақил буржуй давлати барпо-етишни мақсад қилиб қўйган миллатчилар ташкилотига Мўмин Усмонов томонидан ёллангани ҳақида кўргазма беради.

Усмонов билан Турсунхўжаев ҳам Берегин миллатчилар ташкилотига аъзо экани тўғрисида кўргазма беришади. Аммо улар юзлаштирилган пайтда Берегин айбини бўйнига олмапди: Усмонов билан Турсунхўжаев менга бўхтон қилишяпти, дейди ва ўзи аввалги тер-гов пайтида берган кўргазмасидан ҳам воз кечади.

Берегиннинг жиноятномасида у 1937 йил 3 октябр куни фақат бир марта тергов қилингани ҳақида тасдиқнома бор, холос.

1938 йил октябр куни СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг суд мажлисида Берегин мутлақо айбдор эмаслиги тўғрисида баёнот беради ва дастлабкп тергов жараёнида берган ҳамма кўргазмаларини инкор этади:

у ҳеч қачон миллатчи ҳам, миллатчилар ташкилотига аъзо ҳам бўлмаганини қайта-қайта таъкидлайди. Каримов, Шермуҳамедов, Усмонов ва бошқаларнинг ўқиб эшилтирилган кўргазмаларин бўхтон деб атайди.

1938 йил 4 октябр куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати ЎзСШЖ ЖМнинг 58, 63, 64, 67-моддалари бўйича Қ. Берегинни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қиласиди.

Ҳукм ижро этилади.

РСФСР ЖЖМнинг 373—377-моддаларида кўзда тутилган тартибга кўра тафтиш ниҳоясига етказилгач, 1956 йил 16 май куни Қ. Берегиннинг жиноятномаси ЎзСШЖ НК хузуридаги ДҲҚ томонидан 311003 рақа-ми билан Бош ҳарбий прокурорга юборилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 50-саҳифа).

\* \* \*

Абдулла Қодирий жиноятномасининг навбатдаги саҳифасида Саъдулла Турсунхўжаев билан юзлаштириш тасдиқномаси ўрин олган. Юзлаштириш жараёпи 1938 йил 20 март куни ўтказилган.

«Турсунхўжаевга савол. Айтинг-чи, рўпарангизда ўтирган айбланувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан яхши танишмисиз?

(Турсунхўжаевнинг жавоби. Мен Абдулла Қодирийни 1919 йилдан бери ўзбек миллатчиларининг аксилшўравий ҳаракатида фаол қатнашаётган киши сифатида биламан. У миллатчиларнинг «Миллати иттиҳод» (кейинчалик «Миллий истиқлол» деб номи ўзгартирилган) аксилшўравий ташкилотига аъзо эди. Уша ташкилотнинг амалий ишларида фаол иштирок этарди.)

Қодирийга савол. Сиз шуни тасдиқлайсизми?

(Қодирийнинг жавоби. Миллатчиларнинг аксилшўравий ҳаракатида 1932 йилгача иштирок этганман, холос. Кейин Шўро ҳокимияти томонига ўтганман. Мен

миллатчиларнинг «Миллати иттиҳод» (кейинчалик «Миллий истиқлол» деб номи ўзгартирилган) аксилшўравий ташкилотига аъзо эканим ҳақидаги кўргазмани инкор қиласман, чунки мен бу ташкилотга аъзо бўлмаганман.)

Турсунхўжаевга савол. Кўриб турибсизки, айбланувчи Абдулла Қодирий айбга бирёклама иқор бўляпти. У буржуй миллатчиси сифатида миллатчиларнинг аксилшўравий ҳаракатида иштирок этганини тан оляпти, кўргазмангизга қисман розп бўляпти: 1932 йил-

дан кейин у миллатчи бўлмаган экан; миллатчиларнинг «Миллати иттиҳод» — «Миллий истиқлол» аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлганини узил-кесил рад этмоқда. Айтинг-чи, Абдулла Қодирий рост гапиряптими?

(Турсунхўжаевнинг жавоби. Абдулла Қодирий миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо эканини яшириб, бекорга овора бўляпти. Мен уюшган миллатчиларнинг акеилшўравий ҳаракатига раҳбарлардан биттаси сифатпда жуда яхши биламанки, Абдулла Қодирий «Миллати иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотларининг аъзоси эди, бизнинг амалий ишларимизда фаол нштирок этарди. Абдулла Қодирийда буларнп инкор этпш учун ҳеч қандай асос йўқ...)

Қодирийга савол. Сиз Саъдулла Турсунхўжаевнинг ана шу кўргазмаси муносабати билан нима дейишингиз мумкин?

(Қодирийнинг жавоби. Мен миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлмаганман...)

*Тасдиқномага сўзларимиз тўғри ёзилган, ўқидик.*

*Турсунхўжаев (имзо)*

*А. Қодирий (имзо)*

*Терговчи д/х лейтенанти Тригулов (имзо).*

(А.Қодирийнинг жиноятномаси, 43—45-саҳифалар.)

Саволлардан қўриниб турибдики, терговчи олдиндан ўзи дасталаб қўйган айбларни Турсунхўжаев номидан тасдиқлатиб олишни истаяпти. Тергов давомида «Миллати иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотлари ҳақида қайта-қайта гап кетади-ю, ҳеч бир далил-исбот йўқ: агар бундай ташкилот мавжуд бўлса ва терговчининг қўлида шуни исботлайдиган асос бўлса, хўш, нега у «қартаси»ни очмайди? Қолаверса, бутун бошли БОЛШОВОЙЛАР тузумини ағдариб ташлашга бел боғлаган азamat ташкилотнинг Программаси, Устави йўқмикан? Ушандай ташкилот бор эканини тасдиқлай-диган бирорта ашёвий далил топилдими?.. Агар қўлингда ҳеч нарса йўқ бўлса, нега бирорнинг бошини қотирасан, қанжиқ!

## АНГЛАТМА

Саъдулла Турсунхўжаевнинг хужжатгоҳда сақланаётган 976591 рақами жиноятномаси асосида тузилган.

*«Саъдулла Турсунхўжаев. 1891 или Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек, оиласи, маълумоти қўйи, 1919 йилдан 1934 йилгача Бутуниттифоқ қўммунистик (болжовойлар) фирмасининг аъзоси бўлган. Қамоққа олингунча*

*Козогистон СШЖ Ер ишлари Халқ Комиссарлигига Сув хўжалиги бошқармасининг бошлиги лавозимида ишлаган.*

1937 йил 27 апрел куни ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан С. Турсунхўжаев Ўзбекистондаги яшприн аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири сифатида ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 67-моддалари бўйича айборликда гумон қилпниб ҳисга олинади.

1937 йил 19 май куни Турсунхўжаевга ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 60-, 67-моддалари бўйича айб тақилади.

Жиноятномада С. Турсунхўжаев 1937 ппл 1 август куни тергов қилингани ҳақида тасдиқнома бор (машинкада ёзилган, 19 сахифа); шундан кўриниб турибдики, Турсунхўжаев ўзини айбдор деб тан олади ва миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига раҳбар эканн тўғрисида кўргазма беради.

Турсунхўжаев терговининг 1937 йил 1 август кунги тасдиқномасига уни тергов қилган ходим — ЎзСШЖ Ичкн Ишлар Халқ Комиссари, д/х катта майори Загвоздин имзо чекмаган.

Жиноятномада С. Турсунхўжаев 1937 йилнинг 10 октабр куни ҳам тергов қилингани ҳақида тасдиқнома бор (машинкада ёзилган, 38 сахифа). Бу тасдиқномага терговчи — ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссари, д/х майори Апресян имзо чекмаган.

1937 йил 22 декабр куни С. Турсунхўжаевга ЎзСШЖ ЖМнинг 57—1-, 63-, 67-моддалари бўйича айбнома эълон қилинади. Худди шу куни Турсунхўжаевга тергов тамом бўлгани ҳам эълон қилинади.

Жиноятномада С. Турсунхўжаев 1938 йилнинг 2—3 март кунлари тергов қилингани тўғрисида тасдиқнома бор (машинкада ёзилган, 28 сахифа): унда қайд этилишича, айбланувчи 1922 йили Англиё жосуслик маҳкамаси томонидан ёллангани хусусида кўргазма беради. Бу тасдиқномага терговчилардан биттаси — ЎзСШЖ ИИХК ДХБ III бўлим бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти Затуранскй имзо чекмаган.

1938 йил 25 сентябр кунги тергов пайтида Турсунхўжаев ўзининг илгари берган кўргазмаларини тасдиқлайди.

ЎзСШЖ Жиноий Жараён Мажмуаси 60-моддасининг талаби 1938 ёшли такорий равишда адо этилмаган.

С. Турсунхўжаевнинг иши юзасидан якуний айбнома ЎзСШЖ ИИХК ДХБ III бўлимининг ходимлари Аб-рамянс билан Лисисин томонидан тузилган ва 1937 йилнинг 31 декабр куни ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарининг муовини Леонов томонидан тасдиқланган.

Турсунхўжаев судда айбига икрор бўлади.

1938 йил 4 октябр куни ЎзСШЖ терррториясида ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксилинқилобий, кўзғолончилик, одамкушлик, бузғунчилик, зааркунан-дачилик ташкилотининг аъзоси сифатида Турсунхўжаев СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинади.

1938 йил 4 октябр куни ҳукм ижро этилади.

С. Турсунхўжаевнинг 976591 рақамли жипоятномаси СШЖИ НК. хузуридаги Давлат Хавфсизлиги Кўмитаси хужжатгоҳида сақланмоқда».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 103—104-саҳифалар).

\* \* \*

1938 йил 13 март куни ТРИГУЛОВ Назрулла Иноятов билан Абдулла Қодирийни юзлаштиради. Айбланувчилар бир-бирларини таниганликларига иқрор бўлишгач, тергов бошланади.

«Иноятовга савол. Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлиги остида Ўзбекистонда ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо эканингиз тўғрисида илгари берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?»

(Иноятовнинг жавоби. Ҳа, бус-бутун ва тўла-тўқис тасдиқлайман. Мен ҳақиқатан ҳам Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев бошқарган миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига аъзо эдим...)

Иноятовга савол. Сиз айбланувчи Абдулла Қодирийни яхши биласизми?

(Иноятовнинг жавоби. Мен Абдулла Қодирийни ҳеч қачон Шўро ҳокимияти билан муроса қила олмайдиган, қайтмас миллатчи сифатида биламан. Бизнинг ташкилотимиз Абдулла Қодирийни ўзбек буржуй миллатчилигининг йирик намояндаси тарзида юксак қадрларди; чунки бошқаларга нисбатан ҳам унинг асарларида бизнинг ташкилотимиз манфаатлари кўпроқ химоя қилинарди. Ишончим комилки, Абдулла Қодирий ҳозир ҳам худди аввалгидек эски миллатчилик, аксилшўравий вазиятда муқим турибди.)

Қодирийга савол. Антинг-чи, сиз шуни тан оласизми?

(Қодириннинг жавоби. Қисман тан оламан, албатта. Мен ҳақиқатан ҳам 1932 йилгача буржуй миллатчиси эдим. Бундан ташқари, 1932 йилгача ёзган асарларим аксилшўравий, миллатчилик руҳида эканинида инкор этмайман. Бироқ, 1932 йилдан сўнг мен буржуй миллатчилигидан узоқлашдим ва Шўро ҳокимияти томонига ўтдим.)

Иноятовга савол. Антинг-чи, сиз миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига аъзо эдингизми?

(Иноятовнинг жавоби. Ҳа, аъзо эдим...)

Ипоятовга савол. Абдулла Қодирий ҳам «Миллий истиқлол» ташкилотинииг аъзоси эдими?

(Иноятовнинг жавоби. Уша ташкилотнинг раҳбарларидан биттаси бўлган Маҳмуд Ходиевнинг (БОТУ), айни пайтда мени ўша ташкилотга ёллаган Раҳим Иноғомовнинг сўзларидан менга маълумки, Абдулла Қодирий миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига аъзо эди.)

Қодирийга савол. Ҳўш, миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига аъзо эканингизни тан оласизми?

(Қодирийнинг жавоби. Йўқ, тан олмайман. Мен миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлмаганман. Тўғри, мен Боту ва Иноғомов билан таниш эдим, лекин улар билан иш юзасидан ҳеч қандай алоқа ўрнатмаганман.)

Иноятовга савол. Абдулла Қодирий «Миллий истиқлол» аксилинқилобин ташкилотга аъзо экани ҳақида сиз берган кўргазмани инкор этяпти. Бу ҳолни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

(Иноятовнинг жавоби. Менга мутлақо равшанки, Абдулла Қодирий ёлғон гапиряпти. Боту ҳам, Иноғомов ҳам Абдулла Қодирий «Миллий истиқлол» ташкилотига аъзо экани

тўғрисида очнқ-ойдин гапириб беришган эди. Мен ўша ташкилотга зиёлиларнинг муносабати масаласи билан қизиққан кезларим номлари зикр этилган шахслар, турли вақтларда, камнага шу тўғрнда маълумот беришган. Абдулла Қодирий, иш юзасидан Боту билан ҳеч қандай алоқа ўрнатмаганман, деяпти ва шу ўринда ҳам ёлғон гапиряпти. Шахсан менга маълумки, Боту Абдулла Қодирий билан яқин муносабатда бўлган ва худди ўзининг жонажон дўстидек у ҳақда доимо ижобий фикр билдирарди.)

*Тасдиқнома тўғри ёзилган. Ёзилганлар таржима қилиб берилди ва ўқилди.*

Иноятов (имзо)

А. Қодирий (имзо)

*Терговчилар: д/х лейтенанти Тригулов (имзо),  
д/х сержантни Тrimasov (имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 46—49-саҳифалар).

Нима учун Абдулла Қодирий «1932 йилгача буржуй миллатчиси» бўлганини ва «1932 йилгача ёзган асарлари аксилишуравий, миллатчилик рухида» эканини тан оляпти? Ахир, у «ЁЛГОН! ЁЛГОН!.. Ҳаммаси бўхтон!» деб тураверса бўларди-ку?! Биринчидан, ўзингиз инсоф билан ўйлаб кўринг: Париж коммунаси ҳам бор-йўғи етмиш икки кун ҳамма қийноқларга бардош бериб турган, холос. Акс ҳолда, ўтган асрдаёқ Фарангистонда сўсализм барпо этиларди. Лекин «бутун дунё йўқсулларининг доҳийлари Маркс билан Энгельс шахсан раҳ-барлик қилган» инқиlobчилар таслим бўладилар, азоб-укубатларга етмиш икки кундан сўнг дош беролмайдилар. Яъни, инсон иродасининг ҳам чегараси бор. Боз устига, шоир айтмоқчи, «инсон иродасини синаш учун яшамайди». Жумладан, Қодирийдек матонатли инсон ҳам ваҳшиёна (фашистларча) қийноқлару азоблар натижасида «таянч нуқтаси»дан — иродасидан маҳрум бўлади, синади. Инсон тирик жон, иссиқ жон бўлсаги-на — инсондир; тирик инсоннинг миллёнлаб хўжайраси ҳам тирик — у ҳар қандай қийноқни сезади, хис этади, қийналади ва охири қийноқлардан юраги зада бўлиб қолади: жилла курса, осонгина ўлишни истайди ва ўлганидан кейингина унга ҳеч қандай азоб таъсир қилмайди... Қолаверса, аввал таъкидлаганимиздек, Қодирийнинг озода қўнглининг бир четида, жаллодлар ўзла-ри чиқарган қонунга амал қилас-ку, Жиноий Жараён Мажмуасининг 4-моддасида кўзда тутилган — «жиноий жавобгарлик муддати ўтиб кетгани учун муайян шахс устидан жиноий иш қўзғатиш ман этилади», деган қо-нунга амал қилишар-ку, деган илинж пайдо бўлган бўлиши мумкин. Ҳамма яшашни истайди, ахир!

Юзлаштириш тасдиқномаларидан кўриниб турибди-ки, кўпчилик айбланувчилар терговчини қониқтирадиган жавоб берадилар: акс ҳолда, кечалари яна-тағин инсон боласи дош беролмайдиган азоб-укубатларга дучор этилишларини биладилар ва беихтиёр ўз тақдирларинн, ширин жонларини жонолғич қўлига топширадилар, ундан нажот кутадилар, ёлғон ваъдаларга ишонадилар... Инсон сифатида синадилар, инсоний қиёфаларини йўқо-таднлар; аниқроғи, терговчи шундай ярамас воситаларни қўллайдики (бу қандай восита эканини «Тафтиш ашёлари» ҳақида алоҳнда тўхталган пайтимизда батаф-сил баён қиласиз), оқибатда айбланувчи итоатгўй қулваччага айланади. Қодприй ҳам хўрланган ҲАҚИҚАТ мисоли эгилади, эговланади, қобирғалари синдирилади, жигар-бағри эзилади, бош чаноқлари мажақланади. Аммо, имон-эътиқодли бобомизнинг жойлари жаннатда бўлсинким, у киши яна қаддини ростлайверади ва «Йўқ, тан

олмайман!» деб такрор-такрор айтаверади... Қодирийнинг ЮРАГИ унинг жисмидан, бардошидан ҳам кучлироқ, қувватлироқ эди: агар у кпши ҳаётдан маҳ-рум этилмаганларида борми, падари бузрукворидек юз йилдан ортиқ умр кўрардилар ва ҳозир орамизда юрсалар ҳам ажаб эмасди...

## АНГЛАТМА

Назрулла Иноятовнинг хужжатгоҳда сақланётган 978073 рақамли жиноятномаси асосида тузилган.

*«Назрулла ИНОЯТОВ. 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Узбек. СШЖИ фуқароси. Олий маълумотли. Ҳибсга олингунча кечки Педагогика институтидаги ўқитувчи эди. Фирқа аъзоси эмас.*

1937 йил 9 август куни ЎзСШЖ ПИХК маҳкамаси ЎзСШЖ ЖМнинг 66-, 67-, 153-моддаларн бўйича жиноят қилган ва гўё миллатчиларнинг «Миллий истиқ-лол» аксилиниқилобий ташкилотининг аъзоси бўлган Назрулла Иноятовни ҳибсга олади. Иноятовни қамоққа олиш ҳақидаги фармонга ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарининг ўринбосари Леонов имзо чеккан.

1937 йил 9 август кунги тергов пайтида Иноятов: «Мен ҳеч қандай аксилиниқилобий ташкилотга аъзо эмасман ва бирорта яширин ташкилот борлигини ҳам билмайман», деб кўргазма беради.

1937 йил 4 сентябр куни ЎзСШЖ ЖМнинг 60-, 67-моддалари бўйича айбнома кўрсатилади: у миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилиниқилобий ташкилотига аъзо, шу ташкилот топшириғига кўра Маориф Халқ Комиссарлигига фаол аксилиниқилобий иш олиб борган, деб айбланади.

1937 йил 4 сентябр куни тергов пайтида Иноятов ўзига тақилаётган айблар ҳақида шундай кўргазма бе-ради: «Мен ҳеч қандай аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзоси эмасман, хуфя ходим сифатида ниқобланмаганман. Шунинг учун ўзимни айбдор деб хисобламайман...»

1937 йил 25 ноябр куни тергов пайтида Иноятов 1936 йилдан бери ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги маҳкамасп билан яширин ҳамкорлик қилаётгани тўғрисида кўргазма беради.

Жиноятномада Назир (?) Иноятов 1937 йил 28 ноябр куни тергов қилингани ҳақида тасдиқнома бор (машинкада ёзилган, 20 сахифа). Жумладан, унда шундай дейилади:

«Ҳа, мен ўзимни айбдор деб биламан — миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилишўравий ташкилотига аъзо эдим, қатор йиллар мобайнида изчиллик билан аксилиниқилобий, бузғунчилик ишлари билан шуғулландим».

Уша тергов пайтида Иноятов миллатчилар ташкилотининг аъзолари сифатида Чўлпон, Фитрат, Саъдулла Турсунхўжаев, Отажон Ҳошимов, ёзувчи Элбек, ёзувчи Фози Олим Юнусов, Ҳамидхонов, ёзувчи Садриддин Ай-ний, ёзувчи Фулом Зафарий, Қаюм Рамазонов, ёзувчи Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг, ҳаммаси бўлиб қирқ тўккиз кишининг номини санайди.

Айбнома ЎзСШЖ ИИХК ДХБ III бўлими ходимлари Рязанов ва Лисисин томонидан тузилган. Уни 1937 йил 26 декабр куни ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарининг

ўринбосари Леонов тасдиқлаган.

Назрулла Иноятов судда ўзини айбдор деб тан олади.

1938 йил 5 октябр куни СШЖИ Олий судининг

Ҳарбий Ҳайъати Назрулла Иноятовни жиноий жавоб-гарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қиласди.

Ҳукм Тошкент шахрида 1938 йилнинг 4 октябр куни нжро этилади.

Назрулла Иноятовнинг 978073 ракамли жиноятнома-си СШЖИ НК хузуридаги ДХҚ хужжатгоҳида сақланмоқда».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 96—97-саҳифалар).

\* \* \*

1938 йилнинг 13 март куни ТРИФУЛОВ қафасдан яна битта бечорани — Ғози Олим Юнусовни чиқариб келади ва уни Абдулла Қодирий билан юзлаштиради.

«Юнусовга савол. Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлиги остида Ўзбекистонда ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо эканингиз ҳақида илгари берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

(Юнусовнинг жавоби. Ҳа, миллатчиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо эканим ҳақида ўзим берган кўргазмани тўла-тўқис тасдиқлайман...)

Юнусовга савол. Сиз рўпарангизда ўтирган Абдулла Қодирийни яхши биласизми?

(Юнусовнинг жавоби. Мен Абдулла Қодирийни ўзининг адабий асарларида миллатчилик ғояларини изчилик билан тарғиб қилаётган, қайтмас миллатчи сифатида инқилобгача бўлган даврдан бери биламан...)

Қодирийга савол. Айтинг-чи, сиз айланувчи Ғози Олим Юнусовнинг кўргазмасини тасдиқлайсизми?

(Қодирийнинг жавоби. Ҳа, тасдиқлайман. Ҳақиқатан ҳам, буржуй миллатчиси эдим. Лекин 1932 йилдан кейин ўзимнинг аксилшўравий, миллатчилик эътиқодимдан воз кечдим ва Шўро ҳокимияти томонига ўтдим.)

Қодирийга савол. Сиз ёлғон гапиряпсиз! 1935 йили «Обид кетмон» романингизни ёзib тугатдингиз, нашр эттирдингиз: унда ҳам миллатчилик ғоясини илгари сургансиз! Айтинг-чи, сиз шуни тан оласизми?!

(Қодирийнинг жавоби. Мен 1935 йили ёзган «Обид кетмон» романинни аксилшўравий, миллатчилик руҳидаги асар деб ҳисобламайман...)

Юнусовга савол. Айтинг-чи, Абдулла Қодирий миллатчиларнинг қандай аксилшўравий ташкилотига аъзо эди?

(Юнусовнинг жавоби. Абдулла Қодирий мен билан биргаликда миллатчилариинг «ТУРОН» жамиятияга аъзо бўлган эди. У ўша жамиятнинг амалий ишларида фаол қатнашарди, жамият томонидан ташкил этилган йиғилишларда иштирок этарди.)

Қодирийга савол. Сиз шуни тан оласизми?

(Қодирийнинг жавоби. Йўқ, тан олмайман!)

*Тасдиқномага сўзларимиз тўғри ёзилган, ёзилганлар таржима асосида ўқилди.*

*Ғози Олим Юнусов (имзо)*

*Абдулла Қодирий (имзо)*

Терговчилар: д/х лейтенанти ТРИФУЛОВ (имзо)  
д/х сержантни Тримасов (имзо)».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 50—54-саҳифалар).

## АНГЛАТМА

*Ғози Олим Юнусовнинг ҳужжатгоҳда сақлананаётган 976527 рақамли жиноятномаси асосида тузилган*

«1937 йил 3 июл куни ЎзСШЖ ИИХҚ Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси IV бўлимининг бошлиғи д/х лейтенанти Оғабековнинг қарорига ва ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссари, д/х майори Загвоздин имзолаган фармонга мувофиқ, 1893 йилда туғилган, Тил ва адабиёт педагогика институтининг профессори Ғози Олим Юнусов хибсга олннадп. Ғози Олим Юнусовни қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ (ордер) Леонов томонидан имзоланган.

1937 йил 17 нюл куни ЎзСШЖ ЖМнинг 57—1-, 67-моддалари бўйича Ғози Олим Юнусовга айб тақилади. Айнома ёзилган расмий қоғозга Ғози Олим Юнусов ўз қўли билан ушбу сўзларни битиб қўйган: «Қарор менга эълон қилинди, мен ўзимни айбор деб ҳисоб-ламайман».

1937 йил 17 июл куни Ғози Олим Юнусов бўйнига тақилаётган айб бўйича тергов қилинмаган.

Жиноятномага 1937 йилнинг август ойида тергов қилинган маҳбуслар — Абдулҳамид Сулаймонов, Отажон Ҳошимов, Шаҳидэсон Мусаев, Каюм Рамазоновларнинг тасдиқномаларидан олинган мухтасар кўчирмалар тиркаб қўйилган.

Жиноятномада 1937 йилнинг 5 октябр куни ЎзСШЖ ИИХҚ ДХБ V бўлимининг IV бўлинмасн бошлиғининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти ТРИФУЛОВ тузган Ғози Олим Юнусовнинг тергов тасдиқномаси бор. Ф. О. Юнусовнинг ушбу тасдиқномаси қуидаги сўзлар билан бошланади:

«Авваламбор, узоқ вақт мобайнида терговдан ўзим қилган жиноят изларинн яширишга уринганим учун узр сўрамоқчиман».

Кейин у ўша кунги терговда:

«Шахсан ўзим тилшунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган олим никоби остида буржуй миллатчилиги ғоясини изчиллик билан тарғиб қилардим», дейди.

Бундан ташқари, Ғози Олим Юнусов 1935 йилнинг феврал ойида Тошкентдаги кечки Педагогика институти Инглиз тили кафедрасининг мудири Машковский томонидан Англиё жосуслик маҳкамаси хизматига ёлланганлиги тўғрисида ҳам кўргазма беради...

1937 йил 15 декабр куни тергов тамом бўлгани эълон килинаётган пайтда Ғози Олим Юнусов тасдиқномага имзо чекишдан бош тортади. Шундан сўнг, 1938 йилнинг март ойидан бошлаб Ф. О. Юнусов ушбу иш бўйича яна тергов қилинади ва бошқа маҳбуслар билан юзлаштирилади. Юзлаштириш тасдиқномаларидан кўтарилиган нусхалар ҳам Ф. О. Юнусовнинг жиноятномасига тиркаб қўйилган. Жиноятномада қуидаги шахслар билан Ф. О. Юнусов юзлаштирилгани тўғрисида тасдиқнома нусхалари бор: Абдулла Қодирий, Рауф Раҳимович Фитрат, Аъзам Аюпов, Отажон Ҳошимов, Абдулҳамид Сулаймонов.

1938 йил 24 сентябр куни тергов пайтида Ғози Олим Юнусов:

«Қамоққа олинган кунимга қадар мен аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлганим

тўғрисида терговда берган кўргазмамни тўла-тўкис тасдиқлайман», дейди.

Ғози Олим Юнусовни тергов қилиш жараёнида Ўз-СШЖ ЖМИИНГ 60-моддаси талаби бажарилмаган.

ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, д/х катта лейтенанти Копосов ва ЎзСШЖ ИНХК ДХБ IV бўлимининг вақтинчалик бошлиғи, д/х лейтенанти Матвеев томонидан Ғози Олим Юнусовнинг жиной иши юзасидан айбнома тузилган. Айбнома ту-зилган кун аниқ кўрсатилмаган. 1938 йилнинг 16 декабр куни ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссари, д/х майори Апресян айбномани тасдиқлаган. .

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати сайёр суд мажлисининг тасдиқномасида қайд этилишича, Ғози Олим\* Юнусов «ўз айбига иқор бўлади, тергов жараёнида берган кўргазмаларини тасдиқдайди, фақат жосуслик фаолиятини тан олмайди: Фитрат билан Машковский уни Англиё жосуслик маҳкамасига ёллашмаган, уларнииг кўргазмаларини бўхтон деб ҳисоблайди».

Ғози Олим Юнусовнинг жиной иши юзасидан ўтказилган суд мажлиси бор-йўғи ўн беш дақиқа давом этади, холос.

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати 1938 йил 5 октябр куни Ғози Олим Юнусовни ЎзСШЖ ЖМНИНГ 58-, 62-, 64-, 67-моддалари бўйича жиной жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қиласди.

Жиноятномадаги англатмага кўра, Ғози Олим Юнусов устидан чиқарилган хукм 1938 йилнинг 4 октябр куни ижро этилган.

Ғози Олим Юнусовнинг хужжатгоҳда сақланаётган 976527 рақамли жиноятномасида 1937 йил 10 июл кунги тергов тасдиқномасининг асл нусхаси йўқ.

РСФСР ЖЖМНИНГ 373—377-моддаларига мувофиқ ўтказилган тафтишдан сўнг, Ғози Олим Юнусовнинг жиноятномаси қайта кўриб чиқиш учун 1956 йилнинг 1 июн куни Бош ҳарбий прокурорга жўнатилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 14—16-саҳифалар).

\* \* \*

Юзлаштириш тасдиқномалари, англатмалар билан танишган ўқувчи, нега Қодирийнинг тақдирдошлари «айб»ларини дарров бўйниларига оладилар, нима учун ҳаммаси Абдулла Қодирийга ҳам ўзларига бўхтон қи-ладилар. деб сўрайди. Кимдир: «Оббо ярамасдар-эй, ҳаммаси Қодирийни беармон сотган экан-ку!» деб ху-лоса чиқариши мумкин. йўқ, асло ундей эмас. Хўш, Қодирийни «сотган» шахслар қандай манфаат кўриш-ди?.. Англатмалардан маълум бўлдики, кўпчилик тўртингчи октябр куниёқ — ҳали қўғирчок суд хукм чи-қармасдан бурун отиб ташланади!.. Икрорномаларнинг сири шундаки, Қодирий билан юзлаштирилган айбла-нувчиларнинг аксарияти 1937 йилнинг июл-август-сентябр ойида — Қодирийдан тўрт-беш ой олдин қамоққа олинадилар; тўрт-беш ой мобайнида ҳар куни жон олиб-жон берганлар, ҳар куни жаллод кундасига бош

кўйганлар. Боз устига, уларга ширин-ширин ёлғон вაъдалар берилган. Ҳуллас, не-не метин иродалар ваҳ-шийлик зарбасидан чил-чил синдирилади. Не-не азamat эрлар, ўзбек ҳалқининг не-не паҳлавон ўғлонлари қатл этилмаган, дейсиз!.. Биз уларнинг номларини ҳам унтиб юборганмиз, номларини хотирамиздан ўчириб ташлаганлар. Шу боис, ҳеч

бўлмаса, битта терговчи, яъни Н. И. Триғулов томонидан ёстиғи қуритилган шаҳид зотлар номини ёд этиб қўйсак, шоядки, кўнгил кўзимиз равшан тортса!

Кўйида Н. И. Триғулов «ижодидан айрим намўналар» келтироқчимиз.

## АНГЛАТМА

*Абдулҳамид Сулаймоновнинг (Чўлпон) ҳужжатгоҳда сақланаётган 978050 рақамли жиноятномаси асосида тузилган*

«1897 йили (?) Андижон шаҳрида туғилган, фирмасиз, ўзбек, шоир-ёзувчи Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) ЎзСШЖ ЖМнинг 66—1-, 67-моддалари бўйича жиноят содир этганликда гумон қилинади УзСЖИ ИИХҚ маҳкамаси томонидан 1937 йил 14 июл куни ҳибсга олинади. У нашр этилган асарларида ва оғзаки маърузаларида миллатчиларнинг аксилиниқилобий «Миллати иттиҳод» ташкилотининг аъзоси сифатида аксилиниқилобий ташвиқот юргазганликда айбланади.

1937 йил 23 июл кунги тергов пайтида Абдулҳамид Сулаймонов, ўзбек адабиётида аксилиниқилобий миллатчиларпинг ғоявий раҳбарларидан бири экани, Ўктабр инқилобининг дастлабки кунидан эътиборан ана шу йўлни танлагани хусусида кўргазма беради (жиноят-номанинг 19-24-саҳифалари).

1937 йил 10 август куни А. Сулаймонов бундай кўргазма беради:

«Терговчи менинг қилмишмни фош этадиган маълумотга эга эканига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг, бундан буён ҳам ўжарлик қиласверсан, шарманда бўлишим мумкинлигини эътироф этганим ҳолда энди ҳақиқатни гапиришга қарор қилдим... Ўзбекистонда Шўро ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, мен душман томонига ўтиб кетдим, Шўро ҳокимиятига қарши фаол курашдим» (жиноятноманинг 25-саҳифаси).

Ўша тергов пайтида Сулаймонов аксилиниқилобий туркпарастлар ташкилотининг аъзолари сифатида қўйидаги шахсларни санаб кўрсатади:

«Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов (профессор), Бўлат Солиев, Шаҳидэсон Мусаев, Миёнбузрук Солиҳов, Ашурали Зоҳирий, Зиё Сайдов, Санжар Сиддиқов, Ғулом Зафарий, Муталиб Кароматов, Убайдулла Суланмонхўжаев, Абдулла Раҳматов, Юсуфжон Оғалиқов, Хожимўмин Шукруллаев, Тожи Раҳмонов, Аъзам Аю-пов, Отажон Ҳошимов, Қаюм Рамазонов» (жиноятноманинг 25—38-саҳифалари).

1937 йилнинг август ойида (число аниқ кўрсатилмаган) А. Сулаймоновга ЎзСШЖ ЖМнинг 66-модда 1-банди ва 67-моддалари бўйича айбнома эълон қилинади.

1937 йил 25 сентябр куни тергов қилинган А. Сулаймонов Узбек Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида Отажон Ҳошимов, Фитрат, Ғози Олим Юнусовлар аксилиниқилобий ишлар билан машғул бўлганликлари тўғрисида кўргазма беради...

Сулаймоновнинг жиноятномасига қўйидаги маҳбусларпинг тергов тасдиқномаларидан олинган нусхалар ҳам тиркаб қўйилган: Қ. Рамазонов, Анқабой Худойвоҳидов, Восит Кориев, Зиё Гимадиевич Гимадиев, Рус-там Исломов, Ғози Олим Юнусов, Мухаммад Фаттоҳович Ҳасанов.

1937 йил 16 декабр куни жиноятнома бўнича тузилган айбнома тасдиқланади.

Жиноий иш бўйича тергов ншларини ЎзСШЖ ИИХҚ ДХБ IV бўлимининг бошлиғи (?) д/х лейтенанти ТРИҒУЛОВ билан ЎзСШЖ ИИХҚ ДХБ IV бўлими бошлиғининг

ўринбосари, д/х лейтенанти Матвеевлар олиб боришган.

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 5 октябр кунги сайёр суди мажлисида А. Сулаймонов айбига иқрор бўлади.

Суд мажлиси бор-йўғи ўн беш дақиқа давом этади, холос (соат 13 дан 55 дақиқа ўтганда бошланадио соат 14 дан 10 дақиқа ўтганда тамом бўлади).

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлиси томонидан Абдулҳамид Сулаймонов ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 64-, 67-моддалари бўйича аксилшўравий, буржуй-миллатчплик, қўзғолончилик, одамкушлик ташкилотининг аъзоси сифатида 1938 йилнинг 5 октябр куни жиноий жавобгарликнинг олпий жазосига — отувга хукм қилинади (жиноятноманинг 102-саҳифаси).

СШЖИ Ички Ишлар Нозирлигининг 1-махсус бўлими томонидан тайёрланган англатмада қайд этилишича, Абдулҳамид Сулаймоновни отиш ҳақидаги хукм 1938 йилнинг 4 октябр куни Тошкент шаҳрида ижро этилади».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 42—44-саҳифалар).

## АНГЛАТМА

*Абдурауф Фитратнинг ҳужжатгоҳда сақланаётган 976524 рақамли жиноятномаси асосида тузилган*

«1886 йили Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, фирмасиз, Ўзбек Тил ва адабиёт институтиннинг профессори Абдурауф Фитрат 1937 йилнинг 22 июл куни ЎзСШЖ ИИХК маҳкамасн томонидан миллатчиларнинг «Миллати иттиҳод» аксилиниқилобий ташкилотининг аъзоси сифатнда ҳибсга олинади.

Фитрат қамоққа олингандан сўнг биринчи марта фақат 1937 йилнинг 25 октябр куни сўроқ қилинади.

Сўроқ тасдиқномаси машинкада ёзилган (24 сахифа) бўлиб, уни ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, д/х лентенанти ТРИФУЛОВ билан ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлимида шошилинч вазифаларни бажарувчи ходим, д/х кичик лейтенанти Шарипов имзолашган.

1937 йил 30 ноябр куни Фитратга ЎзСШЖ ЖМнинг 57-моддасининг 1-банди бўйича айб тақилади. Айблов ёзилган расмий қоғозга Фитрат ўз қўли билан: «Ўқидим, қисман рози эмасман», деб ёзиб қўйган.

1937 йил 16 декабр куни Абдурауф Фитратпинг жиноий иши юзасидан тузилган айбнома тасдиқланади.

Тергов расман тамом бўлгандан кейин ҳам, 1938 йилнинг 4 апрелидан то 2 октябрга қадар бу иш бўйича тергов жараёни давом этаверади: Фитратнинг ўзи сўроқ қилинади, бошқа айбланувчилар билан юзлашти-рилади. 1938 йилнинг 20—23 май кунлари яна-тағин Фитрат сўроқ қилинган. Тергов тасдиқномаси машинкада. ёзилган (20 сахифа) ягона нусхада расмийлаштирилган, холос.

1938 йил 23 сентябр кунги тергов пайтида Фитрат 1921 йилдан бери миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотига аъзо экани тўғрисида кўргазма беради (жиноятноманинг 173-саҳифаси).

Фитрат судда айбига иқрор бўлади.

Суд мажлиси фақат ўн беш дақиқа давом этади.

СШЖИ Олий суди Ҳарбнн Ҳайъатининг сайёр мажлиси томонидан Фитрат миллатчиларнинг аксишурравий, қўзғолончилик, одамкушлик, бузғунчилик, зараркунандачилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида 1938 йил 5 октябр куни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қилинади.

СШЖИ Пчки Ишлар Нозирлигининг 1-максус бўлими томонидан тайёрланган англатмада кўрсатилишича, Абдурауф Фитратни отиш ҳақидаги хукм 193\$ йилнинг тўртинчи октябр куни Тошкент шаҳрида ижро этилади».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 39—40-саҳифалар).

## АНГЛАТМА

*Қаюм РАМАЗОНОВнинг ҳужжатгоҳда сақланаётган. 976523 рақами  
жиноятномаси асосида тузилган*

«1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, фирмасиз, Ўзбек тил ва адабиёт илмийтадқиқот институтининг илмий ходими, доцент Қаюм Рамазонов ЎзСШЖ ЖМнинг 66-моддаси 1-банди, 67-моддаси бўйича жиноят содпр этганликда шубҳаланадиу ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан 1937 йилнинг 12 июл куни қамоққа олинади.

1937 йилнинг август оннда (числоси аниқ кўрсатилмаган) Қ. Рамазоновга қўйидагича айб тақилади:

«1. 1919 йили миллатчиларнинг «Миллий иттиҳод» аксилиниқилобий ташкилотига аъзо бўлади; Фитрат билан ҳамкорликда туркпараст миллатчиларнинг «Чигатой гурунги» аксилиниқилобий ташкилотини тузишда фаол қатнашади, сўнгра ана шу ташкилотга бевосита раҳбарлик қиласди, унга янги аъзолар ёллади.

1934 йили Маҳмуд Аббосов ва Ғафур Ҳамроқулов билан биргаликда туркпараст миллатчиларнинг ячейкаси бўлими аксилиниқилобий гурӯҳ тузади. Кейинги пайтларда ўзи ана шу ташкилотнинг аъзоси эди.

2. Миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотининг етакчиси, фаол аъзоси бўлган Қаюм Рамазонов ўзбек илмий ходимлари ўртасида, тилшунослик ва атамашунослик соҳасида аксишурравий, туркпарастлик ишлари бллан машғул бўлади.

3. Ўзбек зиёлилари ўртасида шахсан ўзи таслимчилик ҳақида миш-миш тарқатарди...

4. Дуч келган жойда аксилиниқилобий, миллатчилик ғояларини тарқатиб юради, миллатчиларнинг аксилиниқилобий руҳдаги раҳбарларини кўкларга кўтаради; аксилиниқилобий туркпарастлик ташкилотининг аъзолари бўлмиш Ғози Олим Юнусов, Абдурауф Фитрат, Отажон Ҳошимов, Шокиржон Раҳимий ва бошқалар билан яқин алоқа урнатади» (жиноятноманинг 6-саҳифаси).

1937 йил 30 ноябр куни Қ. Рамазоновга ЎзСШЖ ЖМнинг 57-моддасининг 1-банди бўйича қўшимча айб тақилади, бунинг мазмуни қўйидагича:

«Шўро ҳокимиятига қарши курашда Англиядан ёрдам олиш учун 1933 йили чет эллар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қиласидиган миллатчиларпинг аксилиниқилобий ташкилотини тузади. Миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотининг фаол аъзоси бўлади. Ўз-бекистонни зўрлик билан Шўро Иттифоқидан ажратиб олишга уринади, бу масалада чет давлатларнинг қуролли ёрдамидан умид қиласди. Сўнгги пайтгача

Озарбойжон билан Туркманистонинг аксилиниқилобий миллатчилари билан алоқада бўлди. Тил қурилиши соҳасида аксилиниқилобий, зааркунандачилик ишлари билан шуғулланди: ғоявий жиҳатдан ёт бўлган зааркунандачи дарсликлар ёзди. Ватан хоинлари, жосуслар — Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Абдулҳамид Сулаймонов, Шаҳид-эсон Мусаевлар билан яқиндан алоқа ўрнатди» (жиноятноманинг 10-саҳифаси).

1937 йил 5 декабр куни Қаюм Рамазоновга ЎзСШЖ ЖМнинг 63-моддаси бўйича яна битта айб тақилади.

Айб тақиш бўйича чиқарилган ҳамма қарорда Қ. Рамазоновнинг имзоси бор.

1937 йилнинг 29 июлидан бошланган жамики тергов пайтида терговчининг биринчи саволига Рамазонов бир хил жавоб беради:

«Аксилиниқилобий, аксилшўравий ишлар билан шуғулланган бўлсамда, лекин мен аксилиниқилобий ташкилотга аъзо бўлган эмасман».

Терговчи томонидан доимо қайтадан бериладиган иккинчи саволга, яъни: «Сиз туркпастларнинг акси--линқилобий ташкилотига аъзо бўлганингизни инкор беришни истайсизми?» деган сўровга, одатда, Қаюм Рамазонов шундай жавоб берарди:

«Ҳа, чиндан ҳам, мен тўғри кўргазма беришни истайман. Дарҳақиқат, мен туркпастларнинг Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилиниқилобий ташкилотига аъза эдим. Туркпастларнинг «Миллати иттиҳод» аксилиниқилобий ташкилотига мен 1919 йили Тошкент шаҳрида Башруллахон Асадуллахўжаев томонидан ёлланганман; ўшандан бери аксилиниқилобий ташкилот аъзосиман, мудом Шўро ҳокимиятига қарши курашиб келдим» (жиноятноманинг 11—12-саҳифалари).

Ўша тергов пайтида Қаюм Рамазонов аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзолари сифатида бир қатор шахсларни кўрсатади...

Жиноятноманинг 90-саҳифасида тергов тамом бўлгани тўғрисида тасдиқнома бор. Лекин тасдиқнома тузилган сана аниқ кўрсатилмаган.

Қ. Рамазоновнинг жиноий иши юзасидан тузилган айбнома 1937 йилнинг 16 декабр куни тасдиқланган.

Тергов тугагандан сўнг жиноятномага бирталай ҳужжатлар тиркаб қўшилган, хусусан, қўйидагилар:

1. Санжар Сиддиқов билан Қаюм Рамазонов 1938 йилнинг 20 феврал куни юзлаштирилгани тўғрисинда тасдиқнома нусхаси.

2: Абдурауф Фитрат билан Қаюм Рамазонов юзлаш-тприлгани ҳақида тасдиқнома нусхаси (сана кўрсатилмаган).

3. Айбланувчи Қ. Рамазонов 1938 йилнинг 30 сен-тябр куни тергов қилингани тўғрисида тасдиқнома.

Номлари қайд этнлган ҳужжатлар жиноятномага қўшилгач, ЎзСШЖ ЖЖМнинг 60-моддаси талаби бажарилмаган.

Қ. Рамазоновни ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлими бўлинмасининг бошлиғи, д/х лейтенанти ТРИГУЛОВ билан ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлимининг вақтинчалик бошлиғи, д/х лейтенанти Матвеев тергов қилишган.

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъати 1938 йил 5 ок-тябр куни ўтказган ёпиқ мажлис тасдиқномасида қайд этилишича, Қаюм Рамазонов «фақат 1920 йилгacha ашаддий буржуй миллатчиси бўлганини, Шўро ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борганини тан олади, холос. У тергов жараёнида берган қўргазмаларини тасдиқлашдан бош тортади:

1920 йилдан кейин бирорта ҳам аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлмаганман, ҳеч қандай аксилинқилобий иш билан шуғулланмаганман, дейди. У ўз қилмишини фош этадиган барча кўргазмалар билан танишади ва уларни бўхтон деб ҳисоблади» (жиноятноманинг 107-саҳифаси).

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр маж-лпси томонидан Қаюм Рамазонов 1938 йил 5 октябр куни миљлатчиларнинг аксилшўравий, одамкушлик, буз-ғунчилик, заараркунандачилик ташкилотининг аъзоси сифатида ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 63-, 64-, 67-моддаларига асосан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинади (жиноятноманинг 108-саҳифаси).

СШ/КИ Ички Пшлар Нозирлигининг 1-махсус бўлими томонидан тайёрланган англатмада кўрсатилишича, Қаюм Рамазоновни отиш ҳақидаги ҳукм 1938 йилнинг 4 октябр куни Тошкент шахрида ижро этилган (жиноятноманинг 109-саҳифаси)».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 33—38-саҳифалар).

\* \* \*

Н. Триғулов «ижоди»дан айрим намуналар ана шулардпр.

Эътибор берган бўлсангиз, учала жиноий иш бўйича тузилган айбнома ҳам айнан бир куни — 1937 йил 16 декабр куни тасдиқланади. Демак, Триғулов учала жиноий ишни ҳам бир вақтнинг ўзида, «конвойер усулида» олиб борган. Қолаверса, учала айбланувчи ҳам дастлаб ўта енгил айб қилганликда шубҳаланиб ҳибсга олинишади-ю. сўнг терговчининг ғайрати туфайли ҳаммаси олий жазога ҳукм қилинадилар. Устига-устак, ДХБнинг IV бўлими «контрразведка» билан шуғулланмаса ҳам, лекин Триғулов Қ. Рамазонов бўйнига «Англия жосуси» айбини тақиб қўяди: вахрланки, «меҳнат тақсимоти» бўйича Триғуловга чет эл жосуси билан шуғулланиш ваколати берилмаган эди. Бу нарса ўша йилларда Давлат Хавфсизлиги Бошқармасида ўзбо-шимчалик, тартибсизлик ҳукм сурганини кўрсатади, холос.

\* \* \*

Ниҳоят, Абдулла Қодирийнинг иши юзасидан айбнома тузилади. Муаллиф Н. ТРИҒУЛОВ, д/х лейтенанти Богомолов деган кимса унга ҳамкорлик қилган (чой-пой дамлаб бернб турган бўлса керак). 1938 йилнинг 11 апрел куни ёқ айбнома ЎзСШЖ Ички Ишлар комиссари, д/х майори АПРЕСЯН томонидан тасдиқланади. Лекин, СШЖИнинг Бош прокурори ВИШИНСКИЙ айбномани фақат 1938 йилнинг 3 октябр куни тасдиқлади. Жумҳурият Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси IV бўлими бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти МАТВЕЕВ ҳам «РОЗИМАН» деб қатлномага ўз улушкини кўшади.

Н. Триғуловнинг тўрт ойлик меҳнати самараси эл-лик икки йилдан бери ҳужжатгоҳда чанг босиб ётганини ҳисобга олиб, тубанда қатлноманинг тўлиқ (таржима) нусхасини юзага чиқармоқчимиз.

«АЙБНОМА»

Ўз СШЖ ЖМнинг 58-, 64-«а», 57-моддаларида кўзда тутилган жиноят содир этганикда айбланаётган Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) шии юзасидан

Ўзбекистонда троцкийчи-ўнгчилар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксишшўравий ташкилотининг жинояти бўйича олиб борилган тергов жараёнида маълум бўлдики, айбланувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ўша ташкилотнинг фаол аъзоси экан. Шунга кўра, 1938 йилнинг 1 январ (?) куни Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳисбса олинди ва айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилди.

Кейинги тергов натижасида маълум бўлдики, Шўро ҳокимиятининг ашаддий душмани бўлган Абдулла Қодирий Ўктабр инқилобининг биринчи куниданоқ миллатчиларнинг уюшган аксилиниқилобий ҳаракатига ёндошади ва сўнгги пайтгача буржуй миллатчиси сифатида изчиллик билан аксишшўравий, миллатчилик ишлари олиб боради. У миллатчиларнинг аксилиниқилобий «Миллати иттиҳод», кейинчалик «Миллий истиқлол» деб аталган ташкилотнинг аъзоси эди; шу ташкилотнинг амалий ишларида бевосита фаол иштирок этади.

«Муштум» жаридаси идорасига ишга жойлаштирилгач, 1923 йилдан 1926 йилгача ана шу жарida сахифаларида Шўро ҳокимияти билан фирмә сиёсатига қарши фаол чиқишлар қилади, махсус ёзилган мақолала-рида Шўро тартиботини ва давлат тузумини обрўсизлантиради. Ўрис халқига қарши йўналтирилган миллатчилик руҳидаги асарлар ёзади.

Худди шу даврда аксишшўравий, миллатчилик ғоялари яққол кўриниб турган «Ўткан кунлар» романини яратади, унда инқилобгача бўлган тузумни ва ўзбек миллатчилигини очиқ-ойдин кўкларга кўтаради. Ҳар хил йўллар билан оммани Шўро ҳокимиятига қарши оёққа турғазишига уринади; Шўро Иттифоқини мустамлакачилик давлати сифатида тасвирлайди. Шўро сўсалистик жумхурнятини эса гўё ўрисларнинг ҳукмронлигв остидаги мустамлака Туркистондек акс эттиради. Аксилшшўравий, миллатчилик ташкилотининг раҳбарлари Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев томонидан маъқулланган бу роман миллий жумхуриятлар аҳолиси ўртасида кенг тарқатилди; айни замонда Файзулла Хў-жаевнинг топшириғига биноан қўшни Шарқ давлатларига жўнатилди.

Абдулла Қодирий томонидан кейинги йилларда ёзилган «Мехробдан чаён» (1928 й.), «Обид кетмон» (1935 й.) асарларида Шўро ҳокимиятига қарши бўлган буржун-миллатчилик ғоялари илгари сурилади. Ана шу асарларда («Обид кетмон») Бутуниттифоқ қўммунистик (болжовойлар) фирмәси устидан аксилиниқилобий бўхтон ағдарилади.

Қамоққа олинган пайтга қадар ўз атрофига аксиш-инқилобий унсурларни уюштириди ва улар орасида аксишшўравип ишлар олиб борди (Шўро ҳокимиятининг тадбирлариға қарши ташвиқот юритади). Чет эл билан алоқада бўлди.

Айбланувчи сифатида тергов қилинган Абдулла Қодирий ўзига тақилаётган айбларга икror бўлди; айни пайтда миллатчиларнинг аксишшўравий ташкилотига расман аъзо зканини инкор этяпти. Лекин ўша ташкилотнинг ҳисбса олинган аъзоларининг — Саъдулла Тур-сунхужаев, Салимхон Тиллахонов, Назрулла Иноятов, Ғанпхон Хамидхўжаев (?), Курбон Берегин, Мўмин Усмонов, Ғози Олим Юнусов ва бошқаларнинг, ҳаммаси бўлиб 15 кишининг қўргазмалари асосида фош этилди.

Юқорида рақам этилган далил-исботлар асосида: 1897 йили (?) Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, фирмасиз, боғбон оиласидан чиққан, хизматчи-адабиётчи, кейинги 10 йил мобайнида ҳеч қаерда ишламаган, матбуотдаги аксилшўравий чиқишилари учун илгари судланган Абдулла Қодирий ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 64-, 67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган жиноятчи сифатида фош этилди; шунинг учун Абдулла Қодирийни (Жулқунбой) айблаш бўйича тузилган ушбу жиноятнома СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъатида кўриб чиқишига тавсия этилмоғи лозим.

*Ўзбекистон ИИХК ДХБ III бўлими IV бўлинмаси бошлигининг ёрдамчиси, д/х  
лейтенанти ТРИФУЛОВ (имзо).  
д/х лейтенанти БОГОМОЛОВ (имзо).*

*«Розиман»: IV бўлинма бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти Матвеев (имзо).*

Англатма: айбланувчи Абдулла Қодирий 1938 йил 1 январдан бери Ўзбекистон ИИХК қошидаги ички қамоқхонада (ДПЗ) сақланмоқда. Жиноий ишга алоқадор ашёвий далил йўқ.

IV бўлинма бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти ТРИФУЛОВ (имзо)».

(А. Қодирийнинг жинпоятномаси, 78—79-саҳифалар).

Хуллас, ТРИФУЛОВнинг «умр китоби» — бу Абдулла Қодирийнинг жиноий иши юзасидан тузган АЙБНОМАдир. Натижаси эса...

\* \* \*

### «ТИЛХАТ

Менким, қуйида имзо чекувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой), жиноий ишим юзасидан тузилган айбнома нусхасини олдим ва жинойтномам кўриб чиқиш учун СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъатига топширилгани ҳақида огоҳлантирилдим.

*Судланувчи: Абдулла Қодирий (имзо)*

*Топширувчи: СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг котиби, ҳарбий ҳуқуқшунос...  
(имзо)».*

\* \* \*

«Сўалистик Шўро Жумхуриятлари Иттифоқи Олий суди Ҳарбий Ҳайъати сайёр мажлисининг

### ТАСДИҚНОМАСИ

Тошкент шаҳри, 1938 йил 5 октябр

*Раислик қилувчи: ҳарбий ҳуқуқшунос-бригадир АЛЕКСЕЕВ.*

*Аъзолари: ҳарбий ҳуқуқшунос-бригадир Зайцев, I ранг ҳарбий ҳуқуқшунос БОЛДИРЁВ.*

*Котиб: I ранг ҳарбий ҳуқуқшунос БАТНЕР.*

Соат 12 дан 45 дақиқа ўтганда мажлис бошланди.

Раислик қилувчи ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 64-, 67-моддалари бўйича жиноят содир

этганликда айбланаётган Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) иши кўриб чиқилиши лозимлигини эълон қилди.

Котиб эса айбланувчи суд залида экани ва судга гувоҳлар чақирилмагани ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи судланувчи шахсини аниқлагач, ундан айбноманинг нусхаси топширилганми, деб сўради ва саволига судланувчидан қониқарли жавоб олди Судланувчига унинг суддаги хуқуқи ҳақида тушунтирилди ва суд таркиби эълон қилинди.

Судланувчининг ҳеч қандай илтимоси йўқ экан, у суд таркибига эътиroz билдирамади.

Раислик қилувчининг таклифига кўра, котиб айбномани ўқиб эшиттириди.

Раислик қилувчи судланувчига қўйилаётган айбнинг моҳиятини тушунтириди ва ундан, сиз ўзингизни айбдор деб биласизми, деб сўради; бу саволга судланувчи, 1917 йилдан 1932 йилгacha буржуй миллатчиси бўлганимга, адабиёт соҳасида аксилшўравий ишлар олиб борганимга иқрорман, шу маънода ўзимни айбдор деб биламан, деб жавоб берди. Тергов пайти берган ўз кўргазмасини тўлалигича (?) тасдиқлади. 1936 йили аксилшўравий йиғинда иштирок этганини инкор этмади.

Суд тергови тугади.

Судланувчи ўзининг сўнгги сўзида сўсалистик ватан фойдасига ишлаши учун имкон берилишини сўради.

Суд маслаҳатлашгани кетди.

Соат 13<sup>00</sup> да ҳукм эълон қилинди ва мажлис ёпилди...

Раислик қилувчи: (*имзо*)

Котиб:

(*имзб*)

## ҲУКМ

Сўсалистик Шўро Жумҳуриятлари Иттифоқи номи билан СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлиси қўйидаги таркибда...

Абдулла Қодирийни (Жулқунбой) жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга, унга тегишли мол-мулкни мусодара этишга ҳукм қиласи.

СШЖИ Марказий Ижроия Кўмитасининг 1934 йил 1 декабр кунги қарорига мувофиқ ҳукм тўхтовсиз ижро этилиши лозим.

Раислик қилувчи: (*имзо*)

Аъзолари: (*имзо*)

(*имзо*).».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 86—87-саҳифалар).

## «МУТЛАҚО МАХФИЙ» АНГЛАТМА

Абдулла Қодирийни (Жулқунбой) отиш ҳақидаги ҳукм 1938 йил 4 октябр куни Тошкент шаҳрида ижро этилган. Ҳукм ижро этилгани ҳақидаги тузилма СШЖИ ички ишлар Нозирлигининг 1-максус бўлимининг алоҳида ҳужжатгоҳида сақланмоқда: жилд рақами—10, 531-саҳифа.

*СШЖИ ИИВ 1-максус бўлимининг 10-бўлинмаси бошлигининг ўринбосари, майор  
Михайлёв (имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 88-саҳифа).

\* \* \*

*Марсия ўрнида*

...Буюк бошни кесди қилич ярақлаб.  
Турқда бош қолмади, қолмади довлар,  
хотин-халаж қолди мотам кўтариб,  
«Бизга тик қарама!» — буюрди ёвлар,  
ёвларга терс қараб яшади бари.  
Таланди самовий тулпор уюри,  
таланди зарлари, зеру забари,  
терс қараб ўлинг деб, ёвлар буюрди,  
ёвларга терс қараб жон берди бари.  
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,  
қолмади арабий, туркий хатлари.  
Туғингиз, деди ёв, таскари қараб —  
ёвларга терс қараб туғилди бари.  
Туғилди, туғилди —туғилди қуллар,  
қирқида қирилган — имдодга муҳтож,  
ёвларга терс қараб, итлардай хурап,  
бир-бирига душман, бир-бирига кож.  
Жўмардлар қирилган Туронзамиnda  
дўзахий тажриба палласин кўрдим:  
эшшак суврати бор қай бир қавмда,  
қай бирида тўнғиз калласин қўрдим.  
Бу ҳолдан буваклар бўғилиб ўлар,  
қул Билол эзилиб йиғлар фалакда.  
Ўзларин ёндирап борлиқдан тўйган  
Бадаҳшон лаълидай асл малаклар.  
Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар,  
саждага бош қўйиб жаллод тошига,  
ўгрилиб сал ортга қарайин деса,  
бошига урарлар, фақат бошига!  
Борми эр йигитлар, борми эр қизлар,  
борми гул бағрингда жўмард нолалар.  
борми гул туфроқда ўзлигин излаб,  
осмони фалакка етган болалар?  
Бор бўлса, аларга етказиб қўйинг,  
бир бошга бир ўлим, демаган эрмас!  
Шаҳидлар ўлмайди, бир қараб тўйинг:

ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Евга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!

(Шавкат РАҲМОНдан)

\* \* \*

Орадан яна юз йил ўтади ва чин маънода озод ўзбек хотин-қизлари дунёга келадилар, улар муроду мақсадлариға етадилар — ёшларини яшайдилар, ошларини ошайдилар. Сўнгра, тишлари тўкилиб бийрон кампир бўладилар; бир этак ширин-шакар невараларини сандал теварагига тўплаб оладилар-да, уларга XX асрнинг 30-, 40-, 50-йиллари ҳақида сиёсий эртак сўйлайдилар: «Ширин болажонларим, бу оқшом эртак мавзусини мозийдан белгиладим», дейдилар... Майли, қитмирик қилмайлик, ростини айтиб қўя қолайлик: агар эллик йилдан сўнг бизга эртак айтиб бериш насиб этса, тубандагича чўпчак тўқир эдик.

...Ҳокимият ўз халқидан, халқ эса ўз ҳокимиятидан қўрқадиган замонлар эди; жумлаи жаҳонда қўммунистлар ҳукмронлик қиласди. «доҳиймиз В. И. Лениннинг содик сафдоши, шогирди ўртоқ Иосиф Сталин йўлбошли» — серка эди: у бўйнига қўнфироқ осиб юрарди, ор-қасидан пода-пода оломон эргашарди. Оломон эрташарди-ю, аммо бирорта ҳам аёл зоти эргашмасди — ҳеч ким «бутун дунё йўқсулларининг чечаси» бўлишни истамасди. Охири қофқозлик битта азопимхон унинг қўйнига Масков жинкўчасида думалаб ётган ажинани келтириб солади.

«— Яшасин, фирмамизнинг саркотиби!.. Яшасин, хукуматимиз бошлиғи!.. Яшасин, Кизил Қўшин қўмондони!» деб хитоб қилаётган экан, — дейди у тилёғламалик билан.

Доҳий шуҳратпараст эди, тилёғлама кимсаларни яхши қўрарди — унга ажина ёқиб қолади.

—Қамтар ажина экан. Майли, шуни синаб кўриш шарти билан никоҳимга оламан, — дейди доҳий мийигида кулганча. — Ҳозир зовут-фабриқда ҳам янги мутахассисларни аввал синаб кўришади, маъқул келса, кейин ишга олишади: СШЖИда қонун ҳамма учун биттадир, ха!

—Туври, туври! — деб доҳийнинг гапларини тасдиқлайди азойимхон.

—Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қиласди, — дейди доҳий салмоқли оҳангда. — Хўш, сен шунга розимисан? — деб сўрайди ажинадан.

—Мен рози... Мен кўндим... — дейди ажина. Деразадан зим-зиё тунга боқиб, оғзидан паға-паға тутун буруқситаётган доҳий орқасига ўгирилиб ажинага қарайди, қошларини чимиради.

—Сен рози?! Сен кўндинг?! — деб сўрайди ажабланиб. — Нечун?

—Ха, нечун?.. Жавоб бер! — деб гап сўқади азойимхон.

—Сен... жуфтлаб ўтири! Узи айтсин, — дейди доҳий азойимхонга ёвқарашиб қилиб.

—Туғри, ўзи айтади.

—Чунки мен Сизга ишондим, — дейди ажина ерга қараб.

—Ишондинг?!

— Ишондим... Кўнглингиз фаришталар кўнглидек,—дейди ажина қулт ютиниб.  
— Ҳай, менга қара, ўйлаб гапиряпсанми?  
— Бегим! — дейди ажина энтикиб.  
— Сеп, кет мундан! — дейди доҳий азойимхонга,— Муни менга айтадиган жиддин гапи борга ўхшайди.

Азойимхон шарпадек ғойиб бўлади. Хонада «келин-куёв» ёлғиз қоладилар.  
— Бегим, мени унутмайсизми? — деб сўрайди ажина доҳийга мушукдек суйкалиб.  
— Суйкалма, — дейди доҳий. — Хўш, айтчи, бутун дунё йўқсулларининг чечаси бўлишни истайсанми?

— Мен сизга паҳловон ўғил ато этаман, исмини Йўлбарс қўясиз.  
— Туркийлар итларига Йўлбарс деб исм қўядилар— мен ўз пушти камаримдан бино бўлган бачага итваччанинг исмнни қўймайман.

— Ихтиёр ўзингизда, бегим.  
— Исмини Шўта деб қўямнз, гуржнча ном, — дейди доҳий мамнун қиёфада.  
— Лекин ўзингизнинг исмингизга қофиядош бўлса...  
— Менимг исмим қофияга тушмайдп; ўзи биттаю битта.  
— Бегим! Бир қошиқ қонимдан кечингиз!  
— Ҳой, энди ўйлаб гапиргин; бўлмаса, тилингни суғуриб оламан!  
— Бегим!  
— Мунда кел! — Доҳий юмшоқ қора креслога ястаниб ётади. — Қани, этигимни тортиб, ечиб қўй-чи!

Ажина доҳий пойига тиз чўккан кўйи бирин-кетин этикларини ечади ва пайтавасини этик оғзига тиқиб Кўяди-да:

— Энди нима қилай? — деб сўрайди.  
— Илиқ сув билан оёқларимни ювиб қўйгин. Тоғорада илиқ сув пайдо бўлади. Ажина доҳийнинг юнгдор оёқларини ювиб, қордай оппоқ сочиқ билан артиб қўяди.  
— Бизнида бундай оппоқ сочиқ меҳмон келса ишлатиларди, холос.  
— Мен эсам... хоҳласам, кетимни арттираман-да, кейин кимошди савдосига қўяман:  
энг камида милён сўм беришиб сотиб олишади.  
— Бегим, кўнглингиз фаришталар кўнглидек оқ экан!  
— Мундай дема, хотиним хушомад қилса, жиним қўзийди.  
— Энди нима қилай, бегим?  
— Оёқларимни уқала!

Хосхонада юзига парда тутилган икки аёл пайдо бўлди ва доҳийнинг оёқларини обдан уқалашди-да, ғойиб бўлишди. Ажина уларнинг бежирим қадди-коматига сукланиб қараб турди, орқаларидан ҳанрат нигоҳи билан кузатиб қолдп.

— Бегим, мендан бошқа хотинларингиз ҳам кўп экан-ку, — деди ўпкаланиб.  
— Хотинларим эмас, оқсоchlарим: доҳнннинг бош қашлашга вақти етмайди-ю, оёғини ўзи уқалармиди!

— Энди нима қилай, бегим?  
— Рисоладаги эр-хотинлар бемахалда нима қилишади?  
— Ҳе, ўлинг! — деди ажина илк бора чиройи очилиб.  
Доҳийнинг кўзлари чақнади.  
— Лекин бир оз сабр қилишимиз лозим. Чунки муҳим давлат ишлари қолиб кетяпти...

Қани, менга ҳув анави қора телефонни келтир-чи! — Ажина қора телефонни кўтариб келади. Доҳий телефонни креслонинг ён суюнчиғига қўядио трубкани кўтаради. — Алё? — дейди. — Сен бекор турма: ўнг этикдаги пайтавамни чап этикка, чап этикдаги пайтавамни ўнг этикка, хуллас, унисини — бунисига, бунисини — унисига солиб... ўйнаб ўтириш. Ўзим «бўлди» десам, кейин бошқа иш билан шуғулланасан... Алё?

— Лаббай, тақсир!

— Дзер, ҳалиям ўтирибсанми? — деди доҳий тусмолдан.

— Мен Дзер эмасман — у ўзини отиб қўйган-ку!

— Аҳмоқ!

— Эшитаман, фюрерим!

— Ягода қаерда?.. Унга айт, бизга мева-чева олиб келсин! — деди доҳий зардали товушда. Сўнг трубка «оғзи»ни қўли билан тўсганча ажинадан сўради: — Сен ҳам бирор нима ейсанми, МОМОХОН (ЕВА)?

— Ҳеч, — деди ажина. — Қўнглим тусамаяпти, айнияпти, холос.

— Кремл таомномасини ҳам ола келсин, — деди доҳий трубкага.

— Фюрерим, Ягода ўрмонга қўзиқорин тергани кетиб эди.

— Аҳмоқ! Кузда қўзиқорин бўлар эканми?!

— Олдириб келайми?

— Кўй уни, падарига лаънат! Типратиконни чақир!

— Фақирни маоф этгайсиз, фюрерим, кимдир устига чоптириб юбориб экан, ҳозир тўнтарилиб ётиби!

— Ҳе-ҳе-ҳе! — деб эчкикулиш қилди доҳий. Ажина юмушидан бош кўтариб жилмайди. Доҳийнинг қўлидаги трубканинг оғзи ҳам жилмайди. — Бу қизиталоқларнинг биттаси ҳам жойида ўтнрмас эканда!... Поскреб, хўш, Тегирмон юряптими?

— Юряпти, тақсир!

— Жадал суръатда юрсин, хўпми! Мана, чечангҳам шунаقا деяпти. — Доҳий ўхчиб ўтирган ажинага кўз қири билан қараб қўйди. — Лекин ҳозир қўнгли айниб турибди — бошқоронғи, шекнллп. Эҳтимол, пайтавамнинг сассиғи қўнглини гумуриб юборгандир... қайдам. Умуман, хотин зотига ишониб бўлмайди... сўсализм ривожланиб боргани сари... синфий кураш ҳам кескинлашаверади. Илгари тўққиз ою тўққиз куну тўққиз соату тўққиз дақиқаю тўққиз сония деганда қўзёрадилар, энди улар эркак кишининг пайтавасини ҳидлаб... ўхчиб ўтиришади; қўйиб берсак, то тонггача туғиб қўйишдан ҳам қайтишмайди... Хуллас, Поскреб, чечангнин Тегирмон томонларда бир шамоллатиб келасан, чоғи. — Доҳий пайтаваларни тиззасида текислаётган ажинагат назар ташлади.

— Ана, ўзи ҳам зерикиб ўтирибди. Тезроқ кел! — Доҳий трубкани жойига қўйиб: — Элтиб ташла, — дедиу телефонни ажинага узатди.

Ажина телефонни столга элтиб қўйди. Кўп ўтмай оstonада ҳарбий киши пайдо бўлди.

— Танишиб қўйинглар, — деди доҳий.

— Поскреб, — деди ҳарбий киши.

— Ажинахон, — деди аёл қимтиниб.

— Бўпти, Ажинахонга Тегирмонимизни кўрсатиб келгин,— деди доҳий.

— Эшитаман! — деди товоонларини бир-бирига уриштириб Поскреб.

Ажинахон эътиroz билдиримади.

— Қани, кетдик, — деди ҳарбий киши.

Ажина итоаткорлик билан унга эргашди, бирин-кетин хонадан чиқдилар.

Алламаҳалда Тегирмонбошндан ўқ товуши эшитил-дию дохий енгил тин олиб, креслога ястанган кўйи уйқуга кетди.

— Ширин тушлар кўринг! — деди ғойибдан келган товуш.

Хулласи калом, юз йилдан кейин XX асрнинг 30-, 40-, 50-йиллари ҳакида фақат эртак айтадилар, холос. Чунки ўша даврдаги ҳодисалар ғаройиб эртаклардагина рўй бериши мумкин. Шу қадар ғаройибки, асти қўяверасиз!

Ишонмаяпсиз-а? «Бўри эмас дейсиз, одам одамга...»

## АНГЛАТМА

*Леон Андреевич ОГАБЕКОВнинг ҳужжатгоҳда сақланаётган 983122 ракамли жиноятномаси асосида тузилган*

«Л. А. Оғабеков. 1903 йили Ашхобод шаҳрида туғилган. Арман. 1930 йилдан Бутуниттифоқ қўммунистик (боловойлар) фирмасининг аъзоси. Оилали. ЎзСШЖ ИПХК ДХБ IV бўлимининг собиқ бошлифи. 1939 йил 21 январ куни ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан ҳибсга олинган.

Жиноятномадаги ашёлар бўйича Л. А. Оғабеков ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг собиқ комиссари Апресян (олий жазога ҳукм қилинган) томонидан фитначиларнинг аксишурравий ташкилотига ёлланганликда айбланади. Аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғига кўра, Оғабеков тергов ишларини сохталаштиради ва асосиз равишда кишиларни қамоқقا олишдан иборат душманлик йўналишидаги тадбирларни амалга оширади.

Мана шу масала юзасидан Тошкент вилояти Ички Ишлар Халқ комиссарлиги Бошқармасининг бошлифи В. М. БРИЛ қуидагича кўргазма берган:

«Оғабековнинг душманлик иши асосан шундан иборатки, у 1937 йили бир неча марта оммавий тадбир ўтказади: ўша пайтда оммавий ишлар вазифаси IV бўлим зиммасига юклатилган бўлиб, тадбир жараёнida Тошкент вилояти бўйича мингтагача (1000) киши ҳеч қандай далил-исботсиз қамоқقا олинарди. Оғабеков Тошкент вилоятининг барча депараларида ана шундай тадбир ўтказарди. Жиноятга мутлақо алоқаси йўқ кишилар ҳам ҳибсга олинаверарди: бундай вазиятда жиноятномалар англатмалардан иборат бўларди, холос. Англатмада «жосус», «ташкилот аъзоси» деб ёзиларди-ю, аммо буни тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил бўлмасди. Натижада сохталаштирилган жиноий ишлар вужудга келарди».

Оғабеков кундалик иш жараёнida душман топшириқларини бажаарди, маҳбусларни жисмоний куч ишлатиш йўли билан қўрқитарди: алдаб, товламачилик воситасида улардан сохта, ёлғон кўргазмалар оларди. Тергов пайтидаги ана шундай ҳолатлар исботланади, буни Иброҳим Худойқулов, Тожи Расулов, Н. И. ТРИФУЛОВ ўз кўргазмаларида тасдиқлайдилар.

Т. Расулов 1940 йил 4 март кунги тергов пайтида қуидагича кўргазма беради:

«Мени 1938 йил 11 июл куни қамоқقا олишди. Шу куни кечасиёқ Оғабеков менга,

Икромов билан Хўжаев уюшмасига ёндош ҳолда ҳаракат қилган миллатчилариинг аксилиниқилобий ташкилотига аъзо бўлганинг учун қамоққа олингансан, деди. Сўнгра, Оғабеков менга аслида йўқ ташкилот тўғрисида кўргазма беришимни таклиф этди. Агар у айтгандек кўргазма беришдан бош тортсам борми, менга нисбатан тергов пайти қатъий чоралар кўрилар экан: ўзимни калтаклайдилар, кейин хотинимни ҳам қамайдилар. Охиригача у айтгандек кўргазма беришни истамасам, барибир мени судсиз-сўроқсиз отиб ташлайдилар.

...Мени Филимонов терговга чақирди, саккиз кеча-кундуз мобайнида камерага қайтариб юбормади. Мени кабинетдан ташқарига чиқаришмади, ухлатишмади... ТРИФУЛОВ мудом мени бўралаб сўкарди, ҳар куни канда қилмасдан калтакларди, урар эди. Уша кунларда Оғабеков билан ТРИФУЛОВ менинг номимдан ай-тиб туришиб, Филимоновга ЕЖОВ номига ариза ёздиришди. Мана шу аризада гўё мен аксилиниқилобий ташкилотга аъзо эканимни кўрсатган эдим...»

Иброҳим Худойқулов 1940 йил 10 феврал кунги тергов пайтида қуидагича кўргазма беради:

«Тубандаги вазиятларда ҳаммаси бўлиб мени уч марта калтаклашди: ТРИФУЛОВ билан Оғабеков мендан кўргазма беришимни талаб қилишди, лекин мен бирорта ҳам айбимга икрор бўлмадим; дастлаб, улар мендан энди айбимга икрор бўлажагим тўғрисида ариза ёзиб беришимни талаб қилдишлар ва шундай қилиб, мени кўргазма беришга кўндиromoқчи бўлдилар. Узоқ, вақт тинимсиз тергов қилинганидан сўнг, битта ариза ёзиб беришга мажбур бўлдим. Уша аризамни Оғабековга бердим. Бирок, ариза унга маъқул бўлмади ва уню йиртиб-йиртиб юзимга қаратиб отиб юборди. Шундан сўнг Тригулов мени ўз хонаспга бошлаб кирдн-да: «Қачонгача ўзингни тентакликка соласан!» деб, менн уч марта урди. Кейин мени 42-ракамли хона ёнидаги хонага бошлаб боришиди ва 1938 пилнинг 9 июнидан 10 июнигача ўша жойга қамаб қўйпшди. У ерда калтакланётган кимсаларнинг дод-фарёди, калтак зарбаларв барабалла эшитилиб турарди. Сўнгра ТРИФУЛОВ менга яна ўз хонасига бошлаб бордию тағин уйдирмадан иборат кўргазма беришпмни талаб қилди. Лекин унинг таклифини узил-кесил рад этдим. Ана шундан кейин ТРИФУЛОВ мени 42-хонага бошлаб кирди. У ерда Оғабеков, ТРИФУЛОВ ва мен танимандиган яна битта ходим биргалашиб мени савалай бошлашди... Мен» ҳолдан тойгунимча калтаклашгандан (учинчи мартадан кейин) сўнг, тасдиқномага нимаики ёзилса, ҳаммасига имзо чекиб беришга рози бўлдим...».

ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлимининг собиқ бошлиғи (ишдан бўшатилган) Нурун Исҳоқович ТРПФУЛОВ 1940 йилнинг 25 январ ва 20 март кунлари берган кўргазмаларида бундай дейди:

«Агар бир қатор маҳбуслардан мен олган кўргазмалар ҳозирги вақтга келиб ёлғон бўлиб чиқкан бўлса, бу ҳол ўша пайтдаги (1938 й.) ЎзСШЖ ИИХКнинг собиқ раҳбарлари томонидан (Апресян, Оғабеков) маҳбуслар учун яратилган нобоп шартшароит натижасида рўй бергандир, яъни бу узлуксиз тергов маҳсули-дир: айбланувчилар доим калтакланарди ва оқибатда улардан ҳозирга келиб ёлғон бўлиб чиқкан кўргазмалар олинарди...

Норбоев кўргазмасининг тасдиқномасини мен ёзганман, кейин уни Оғабеков тузатган эди.

Оғабеков қонунга хилоф равиша ҳибсга олинган шахсларнинг озод қилиб юборилишига мутлақо қарши бўларди; ҳатто жиноятни тасдиқлайдиган далил-исбот етарли бўлмаса-да, лекин маҳбусларни ОЗОД ҚИЛИБ юборилишига имкон бермасди...»

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 92—93-саҳифалар).

Суд ғалат натижа билан якунланади.

СШЖИ ИИХҚ 1940 йил 2 июл кунги маҳсус маж-лисининг қарорига мувофиқ Л. А. Оғабеков фитначиларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлгани учун беш нил муддат билан Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳига қамалади.

Сўнгра.

СШЖИ ИИХҚнинг 1942 йил 21 ноябр кунги маҳсус мажлисининг қарорига кўра, Л. А. Оғабековнинг жазони ўташ муддати қамоқда ўтказилган куни миқдорига қадар камайтирилади ва тутқунликдан озод қилинади.

Сўнгра.

СШЖИ ИИХҚнинг 1944 йил 19 август кунги маҳсус мажлисининг қарорига биноан, Л. А. Оғабековнинг бўйнидан судлангани ва шу билан боғлиқ барча чекланишлар олиб ташланади.

Жиноятчилик жабҳасидаги ушбу жумбоқни мутахассис қунидагича изоҳлади:

«Назаримда, Оғабеков 1942 йили тегишли идорага тутқунгоҳдан, «Ўз гуноҳимни қоним билан юваман, ижо-зат беринг!» деган мазмунда ариза юборади ўша йилнинг 21 ноябр куни унга «ижозат» берилади. Маълумки, уруш йилларида «ўз гуноҳини қони билан юв-моқчи бўлган осий бандалар учун» маҳсус жарима батальонлари жорий этилган эди. Равшанки, Оғабеков ҳам ўшандай батальонлардан биттасига юборилади ва 1944 йилда ҳалок бўлади, яъни «ўз гуноҳини қони билан» ювади. Шундан сўнг, унинг бўйнидан судланган деган тавқи лаънат ҳам, «барча чекланишлар» ҳам олиб ташланади: марҳумнинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари Шўро муассасаларига бемалол кириб чиқадиган бўлишади».

Ажаб, гуноҳни қон билан ювиш мумкинми? Одатда, гуноҳ фақат савоб орқали ювилмасмиди?

Шўро ҳукуматининг ўша пайтлардаги баъзи қонунқоидаларн кишинлик жамиятидан хийла илгарилаб кетгандек туюлади.

\* \* \*

«Туш кўрар эди: «Чаманда гуллар очилган эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... У ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш... Теваракка келган ёвдан хавф бор эмиш... Ёв орасида онаси ҳам, отаси ҳам кўринар эмиш... Қайтиб чаманга кирса, бир сигир гулни босиб-янчиб ўтлаб юрган эмиш... Бу ҳолдан ўзини унугтган ва қўлидаги ханжари билан сигирга юргурган эмиш. Сигир эмас, сариқ сочли алвасти эмиш... Дармонсизланган ва ханжари қўлидан тушган эмиш... Дунёни қоронгилик босган эмиш...»

«Ўткан кунлар»дан.

\* \* \*

«Фирқамизнипг суюмлиси» (В. И. Ленин ибораси) бўлмиш Н. П. Бухарин: «Отиб

ўлдиришдан бошлаб, йўқсулларнинг жамики зўравонлиги — капиталистик давр кишисидан қўммунистик инсонни вояга етказиш воситаси ҳисобланади» («Известия» рўзномаси, 1990 й. 4 октябр сони, 3-бет), деб «таълим» берган экан. Афсуски, «йўлбошчилар» кўрсатмаси билан амалга оширилган «қизил хунрезлик» дан қолган ҳалқоб-ҳалқоб қонлар кўзимизга аниқ-равшан кўрингунча... эллик марта қор ёғди, эллик марта излар босилди.

Мана, Абдулла Қодирий отилгандан кепин орадан роппа-роса эллик икки йпл вакт ўтди: эллик икки йилдирки, Қодирпйнинг қотилни ким эканини бирор билмади. Билишни истаган кишиларга «шахсга сифиниш» деб аталмиш мавхум замонни, мавхум маконни «кўрсатиш-ди». Ва 1956 йилда Абдулла Қодирий оқлангани тўғри-сида бир парча қофоз бердилар. Кўпчилик: «Ҳа, Қодирийнинг айби бор экан, мана энди ҳукуматимиз, фирмамиз гуноҳидан кечибди, оқлабди», деб ўйлади. Ақл-ҳуши жойида бўлган жумҳурият оқсоқоллари фирмәю ҳукуматга қайта-қайта таъзим қилдилар. Нега? Нима учун? «Қодирийни оқлаб беришди, раҳмат!» Ахир, Қодирий ҳеч қачон айбор бўлмаган-ку, дўсти азиз! Айбсиз инсонни қандай қилиб... оқлаш мумкин? Унинг ўзи оқку! «Бари бир адолат қарор топди, майдо гапларни қўяйлик энди».

Қодирийни ким, нима учун ўлдириди?

Бу савол 1956 йили ҳавода муаллақ осилиб қолди. Жумҳурият Ёзувчилари уюшмаси (раиси А. Қаҳҳор эди) ҳам, оқсоқол ёзувчиларимиз (Ойбек,Faфур Ғулом, Уйғун, Яшин) ҳам ўзларини панага олишди. Катталар эса ўзаро мансаб талашиш билан овора бўлдилар...

Дарҳақиқат, ҳозир жумҳурият Прокуратураси ва Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси қошида маҳсус оқловчи Ҳайъатлар ишлаб турибди. Бироқ, улар ҳам худди 1956 йилдаги каби ноҳақ қатл этилган кишиларнинг қариндош-уругларига «оқлов қофози» тақсимлаш билан шуғулланяпти, холос. Акс ҳолда, Абдулла Қодирий ва бошқа «беайб айборлар»ни ноҳақ қатл этган жаллодлар ҳақида аллақачон лозим бўлган тергов ашёлари тўпланарди... Шу пайтгача Ўзбекистондаги бирорта жамоат ташкилоти ҳам, бирорта ваколатли идора ҳам 30-, 40-, 50-йилларда қатли ом жараённида фаол иштирок этган қотилларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини Олий Қенгашнинг кун тартибига қўйиш лозимлиги ҳақида расмона баёнот бергани йўқ. Ҳурматли Олий Қенгашимиз эса, бир Ҳалқ депутати таъбири билан айтганда, «ухлаб ўтиради», холос.

Қотилларни факат жазолаш учунгина эмас, балки ўзбек ҳалқига бир нафаси, бир калима жумласи азиз бўлган инсонларнинг охирги кунлари борасида энг қимматли маълумотларни тўплаш, олиб қолиш ва тарихга асосли ҳужжат қолдириш учун ҳам қонуний ҳалқ суди суд қилмоғи лозим!

Хусусан, Қодирийнинг қотили ТРИГУЛОВн жиноий жавобгарликка тортиш учун жумҳурият Давлат Хавфсизлиги Қўмитасида тарихий ҳужжатлар борми? Бор, албатта. Марҳамат, ўша ҳужжатлар билан зукко ҳукуқшунослар танишиб кўрсинлар. Агар ушбу қайдларимиз ҳам қай бир жиҳати биландир диққатга сазовор бўлса, тергов маҳкамалари ёки Олий Қенгашимизнинг мутасадди идораси номидан Давлат Хавфсизлиги Қўмитасига мурожаат этилса, ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишиб кўриш мумкин бўлади.

## АНГЛАТМА

«Дреник Захарович АПРЕСЯН. 1899 йили Арманистоннинг Татлу қишлоғида туғилган. ЎзСШЖнинг сабиқ Ички Ишлар Халқ комиссари. ИИХКнинг Масковдаги марказий идорасида мавжуд бўлган фитначиларнинг аксилишӯравий, одамкушлик ташкилотига аъзо бўлгани учун СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан РСФСР ЖМнинг 58—8-, 58—11-моддалари бўйича жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қилинган.

Хукм Масков шаҳрида 1939 йилнинг 23 феврал куни ижро этилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 95-саҳифа).

\* \* \*

*«Леонид Исҳоқовиҷ ЛЕОНОВ-НЕМИРОВСКИЙ. 1899 йили туғилган.  
ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарининг сабиқ ўринбосари, д/х майори.*

СШЖИ Олий Судининг Ҳарбий Ҳайъати уни ЎзСШЖ ЖМнинг 10—63-моддаси ва 132-модданинг «п» банди бўйича айборд деб топади; 1941 йил 7 июл куни мол-мулкини мусодара этиш шарти билан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қиласди.

Суд жараёнида аниқланишича, Леонов ЎзСШЖ ППХКнинг ўринбосари лавозимида ишлаган пайтда аксилинқилобий унсурларга ва уларнинг ташкилотига қарши қураш ниқоби остида шошилинч вазифаларни бажарадиган ходимларга тергов маҳали қонунга хилоф усуллардан фойдаланиш тўғрисида кўрсатма берарди; оқибатда ҳибсга олинган кўплаб маҳбуслар қамоқда ўлиб қолишарди.

ЎзСШЖ ИИХКнинг сабиқ ходими С. В. Қалмиқов гувоҳ сифатида сўроқ қилинган пайтда қўйидагича кўргазма беради:

«Бир сафар шошилинч вазифаларни бажарадиган ходимлар йиғилишига тўпланган пайтимиз Леонов мени ўз хонасига чақирирди-да: «Тергов чоғи маҳбусларни калтакляяпсанми-йўқми?» деб сўради. Мен унга қониқарсиз жавоб бердим. Шундан сўнг Леонов менга: «Маҳбуслар билан ярим кундан ортиқ ишламаслик лозим, ишни тезлатиш учун эса маҳбусларни яхшилаб калтаклаш керак. Шунда улар айбига тезроқ икрор бўладилар ва сўроқ тасдиқномаси ҳам муддатидан илгари топширилади», деди.

Оммавий ҳибсга олиш даврида, таҳминан, 1938 йилнинг январ ойида ёки феврал ойида Леонов менга: «Маҳбусларни ўнталаб эмас, юзталаб санаш лозим», деди (жиноятноманинг иккинчи жилди, 212—215-саҳифалар).

ЎзСШЖ Андижон вилояти бўлимиининг сабиқ ходими Л. Д. ЧАЛИЙ гувоҳ сифатида сўроқ қилинган пайтда қўйидагича кўргазма беради:

«Леонов зудлик билан адреслар столидан чет эллик кишилар рўйхатини билиб бериш ҳақида бўлим бошлиғи Раим Ҳасановга кўрсатма берди. Ҳасанов тегишли маълумотни тайёрлаб, Леоновга топширди ва кўп ўтмасдан латиш Казисни, литвалик Томасни, немис Инденсни қамоқка олиш тўғрисида бизга буйруқ юборди. Айтилган кишилар қамоққа олинган бўлса-да, лекин қўлимизда маҳбусларни айблайдиган ҳеч қандай далил-исбот йўқ эди. Бу ҳодиса шуни кўрсатадики, одамлар адрес столидаги — хорижий миллатга алоқадор экани тўғрисидаги маълумот асосида ҳам қамалаверарди» (жиноятноманинг

иккинчи жилди, 216—217-саҳифалар).

ЎзСШЖ ИИХКнинг собиқ ходими А. В. Федотов гувоҳ сифатида сўроқ қилинган пайтда қуидагича кўргазма беради:

«1938 йилнинг феврал ойида телефон орқали маълум қилинган ЕЖОВ кўрсатмасига кўра, ЎзСШЖ ИИХК ДХБнинг III бўлими чегарадан қочиб ўтган хитойликларни қамоққа олишга тайёрлана бошлади. Тошкентда хитойликлар юз кишидан ошмасди. Шунинг учун махсус кўрсатма бўйича чиқарилган фармонга Ғарбий Хитойдан СШЖИга қочиб ўтган уйғурлар ҳам қўшиб юборилди. III бўлимда уйғурларни фош этадиган ҳеч қандай далил йўқ эди. Бутун тайёргарлик ишлари — Тошкентда яшаётган уйғурлар рўйхатини ЎзСШЖ ПИХКнинг хорижий фуқаролар қайдномасидан ва Бутун иттифоқ хорижий мамлакатлар билан алоқа институтининг тегишли бўлимидан нусха кўчиришдангина иборат бўлди. Чет элликлар рўйхати III бўлим ходимлари ўртасида тенг тақсимланди: ҳар бир ходим бир неча кишини қамоққа олиш ҳақида изоҳот ва фармон ёзиши керак эди. Бу ишнинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, изоҳот тузган барча ходимлар истисносиз бир хил андоза асосида қарор ёзардилар. Чунончи, мана бундай: «Хитой табааси, фуқаро Фалончи хорижий давлат жосуслик маҳкамасининг топшириғига биноан, жосуслик мақсадини кўзлаб Хитойдан СШЖИга келди. Шунинг учун унинг хатти-ҳаракати ЎзСШЖ Жиноят Мажмуасининг 62-моддаси бўйича жиноят ҳисобланади». Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, муҳожирнинг расмий сўроқ тасдиқномаси (анкетаси) тиркаб қўйилган дафтар билан танишиб кўрилардию далил-исботсиз, фақат чегарадан ўтгани учун ундан — уйғурдан чет эл жосуси «ясаларди» ва ҳибсга олиш ҳақида қарор чиқаришиб, кетма-кет қамайверишарди» (жиноятноманинг иккинчи жилди, 218—221-саҳифалар).

ЎзСШЖ ИИХК ДХБ III бўлими бошлигининг собиқ ўринбосари А. М. ҚУЗЬМИН гувоҳ сифатида сўроқ қилинган пайтда қунидагича кўргазма беради:

«Леоновнинг иш усули, асосан, аҳолини оммавий равишда қамоққа олиш ҳақида кўрсатма беришдан иборат эди. Муайян шахсни қамашга асос бўладиган қонуний тергов, чакувномаларни обдан текшириб қўриш борасидаги жиддий масалалар Леонов томонидан бирор марта ҳам муҳокама этилмасди. Боз устига, Леонов бегуноҳ одамларни қамашга ишқибоз эканини ҳар қадамда кўрсатиб турарди.

Леонов фаолиятига хос яна бир хусусият шундаки, у маҳбусларнинг тергов тасдиқномаси билан юзаки танишарди-да, гап нима ҳақида кетаётганининг фарқига бормасдан, тасдиқнома тепасига: «Кўргазмада номлари зикр этилган ҳамма одам қамоққа олинсин!» деб устхат ёзиб қўяверарди. Унинг иш тартиби, усули ана шунаقا эди.

ЎзСШЖ ИПХКда тергов ишларини қайд этиб бориш тартиби қарор топган бўлиб, бу ҳол Леонов томонидан доим рағбатлантириларди. Ушбу тартиб моҳияти шундан иборатки, бир кун мобайнида маҳбуслардан олинган кўргазмалар ҳар бир ходим ҳисобига алоҳида ёзиб бориларди. Бу «тартиб» кўпчилик ходимларни ҳар қандай йўл билан бўлсада маҳбуслардан кўргазма олишга илҳомлантириларди: шундай қилиб, бошлиқ билан орани бузмасликка, унинг мақтовига сазовор бўлишга ҳаракат қилишарди. Акс ҳолда: «Душман билан курашда ғайрат кўрсатмаяпсан!» деган дашном эшитишга тўғри келарди» (жиноятноманинг иккинчи жилди, 222—226-саҳифалар).

ЎзСШЖ ИИХК муншийларининг собиқ бошлиги П. С. МАРТИНЕНКО гувоҳ

сифатида сўроқ қилинган пайтда қуидагича кўргазма беради.

«1937 йил охирлари ва 1938 йил бошларида Апресян билан ЛЕОНОВнинг кўрсатмаси бўйича одамларни қамоққа олиш ўйинчоқ («самоцель») бўлиб қолди. Ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган кишилар ҳам қамалаверарди. Иғвогарларнинг чақувлари асосида жосуслик кўпорувчилик, қўзғолончилик ва бошқа оммавий ташкилотлар ҳақида бўлмағур уйдирмалар тўқиб ташланарди. Халқ комиссарлигида бевосита Леонов ўз тасарруфига олган жиноий ишлар бўйича айбланувчилар махсус 42-хонада тергов қилинарди. Бошқа жойларда эса, масалан, Қорақалпоғистонда маҳбусларни тергов қилиш учун МАХСУС СТУЛ ихтиро қилинган эди. Мана шундай усууллар воситасида маҳбуслардан ҳар қандан кўргазма олиш мумкин эди, албатта.

Шошилинч вазифаларни бажарадиган ходимлар беш-ўн кунлик «конвейерлашган» терговдан сўнг маҳбуслардан «айбимга иқрорман» деган кўргазма олишарди-да, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, Халқ комиссарининг муовини, Халқ комиссари томонидан тузатилган, таҳрир қилинган тергов тасдиқномасини танёрлардилар. Ҳар бир ходим тасдиқномага ўзича ўзгартиш киритишни хоҳларди ва охири тасдиқнома имзо чекиши учун маҳбусга берилган пайтда у даҳшатли «икрорнома»га айланарди-қоларди» (жиноятноманинг иккинчи жилди, 237—245-саҳифалар).

«Леонов бизга тергов «техникаси» ҳақида батафсил гапириб берди ва тергов «техникаси», терговнинг «ташкилий томонлари» тўғрисида ИПХК каменданти ШИШКИНдан тўлиқ маълумот олиш мумкин эканини айтди. Тавсияга кўра, Шишкин билан Затуранский бизга амалда тергов «техникаси»ни, терговнинг «ташкилий томонлари»ни намониш қилдилар. ШИШКИН Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг каменданти бўлиб, унинг «ихтироси» — махсус жиҳозланган, яъни маҳбусларни тергов қилиш пайтида жисмоний куч ишлатишга мослаштирилган битта хона экан» (жиноятноманинг тўртинчн жилди, 84—131-саҳифалар, СТАСИН ахборотидан нусха).

Л. И. ЛЕОНОВ-НЕМИРОВСКИЙнинг 931532 ракамли жиноятномаси СШЖИ НК хузуридаги ДХҚ хужжатгоҳида сақланмоқда».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлимн, 75—77-саҳифалар).

Ит қутурса, эгасини қопади.

Айбдор экани суд томонидан ҳали аниқланмаган маҳбусларни эса Шўро ҳокимияти қамоқхоналарида уриб ўлдиришарди. Сўнг сотилган дўхтир бир парча изоҳот ёзиб берардиу уни жиноятномага тиркаб қўйишарди, вассалом. Ишонмайсизми?

«Бўри эмас дейсан, одам одамга...»

Мисол келтирамиз.

Чирчик шаҳридаги электркимё корхонаси қурилишининг Маъмурий-хўжалик ишлари бўлими бошлигининг муовини Ғанихон Ҳамидхонов 1891 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, СШЖИ фуқароси, Бутуниттифоқ қўммунистлар (болжовойлар) фирмасининг аъзоси, 1937 йилнинг 2 август куни ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан ҳибсга олинади. Уни қамоққа олиш тўғрисидаги фармонга ЛЕОНОВ имзо чекади. Жумҳурият ДХБ III бўлими бошлигининг ўринбосари, д/х лейтенанти Затуранский эса

ўша йилнинг 17 август куни Ҳамидхоновга ЎзСШЖИ ЖМнинг 63-, 67-моддалари бўйича айб тақайди: «Миллатчиларнинг «Миллати иттиход» аксилиниқилобий ташилотига аъзо эдинг, бад-баҳт!» деди. F. Ҳамидхонов эса ўжарлик қиласи ва айблов қофозининг бир четига: «Мен айбдор эмасман!» деб ёзиб қўяди. Сўнг, терговчи... аразлаб қолади; маҳбусни умуман тергов қилмайди. Котибга йигирма саккиз (28) сахифадан иборат тергов тасдиқномасини айтиб туриб ёздиради, Ҳамидхоновни унга мажбуран имзо чектиради. Ушбу «тергов» пайти Ҳамидхонов: «Ниҳоят, мен бекорга ўжарлик қилаётганимни тушундим. Энди Шўро ҳокимиятига қарши курашмайман — чин дилдан кўргазма бераман: миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотига аъзо бўлганим тўғрисида ҳам, аксилшўравий ишлар билан машғул бўлганим ҳақида ҳам рўй-рост гапириб бераман», дейди. Дарҳақиқат, ҳаммасини «гапириб» беради.

1937 йилнинг 20 декабр куни F. Ҳамидхонов Англияning жосуслик маҳкамаси билан қандай алоқа ўрнатгани масаласида яна тергов қилинади. Аммо, у: «Мен Англияning жосуслик маҳкамаси билан ҳеч қанақа алоқа ўрнатганим йўқ!» дейди қайсарлиги тутиб.

22 декабря тергов тамом бўлади. ЎзСШЖ ИИХК ДХБ III бўлимининг ходимлари Аванесов, Оқжигитов, Лисисин биргалашиб F. Ҳамидхоновнинг иши юзасидан айбкома тузатдилар. Айбномани 1937 йилнинг 26 декабр куни Леонов тасдиқлайди.

ДХБ қамоқхонасига ҳар куни янги маҳбуслар келтириларди. Хусусан, 31 декабр куни ўзбекларнинг машҳур ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳам тутиб келтирилади. Қодирий Ҳамидхонов билан битта хонада ётган бўлиши мумкин, албатта. Эҳтимол, Қодирийни ҳамشاҳарининг ёнидаги қўшни хонага қамашгандир?.. Ҳартугул, Қодирий билан Ҳамидхонов битта қамоқда, бир-бирнинг дод-фарёди bemalol эшитиладиган хоналарда ётишарди. Терговчи бировини ҳақорат қилса, бошқасининг қулоғи қизирди. Чунки улар битта аксилшўравий «Миллати иттиход» ташкилотининг аъзоси ҳисобланарди. «Ҳамтовоқлар», деб пичинг қиласи терговчи.

Афсуски, терговчига бу икки миллатчини юзлаштириш насиб этмайди: Қодирий то март ойигача барча азобуқубатларга чидайди, тишини-тишига босади, милклари қонаб кетади, лекин чидайди!.. Ҳамидхонов эса 22 ливарга ўтар кечаси тўсатдан ўлиб қолади: уни бўйни йўғон битта терговчи уриб ўлдиради (Леоновнинг жиноятномасида ҳам айнан шундай фожиалар ҳақида кўргазмалар бор). У Қодириннинг кўз ўнгига жон берган бўлса ҳам ажаб эмас. ЎзСШЖИ ИПХК Давлат Ҳавфсизлиги Бошқармасининг духтири П. М. ЛЕВШ эса «тарих учун» мана бундан изоҳот ёзиб қолдирган экан: «1938 йилнинг 21 январ куни соат йигирма иккida F. Ҳамидхонов қамоқхона камерасида ўлди. Гувоҳларнинг кўргазмаларига ва текшириши натижаларига суюнган ҳолда, Ҳамидхонов юрак фалажи касалидан вафот этган деб ҳисоблайман».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 105—107-саҳифалар).

Фалакнинг гардиши биланми ёки бировнинг қўпол ҳазили туфаплими, «Узбек тилнинг изоҳли луғати»да ФАЛАЖ атамасига берилган таъриф Қодирийнинг «Мехробдан чаён» китобидан олинган мисол ёрдамида асосланган экан. Мана, у: («Анорбиби) юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси, ҳатто уч гўдаги тўғрисида бир оғиз васият қилолмай, вафот этди». Ўша мудҳиш кечада Қодирий ўз қаҳрамонининг ўлимдан олдинги ҳолатини кўз олдига келтирсанмикан? Ахир, у «асабнинг ишдан чиқиш натижасида тана аъзоларидан бирининг тамоман ҳаракатсиз

бўлиб қолиши»ни билмасми? Биларди... Қамоқхона дуҳтири эса жўрттага ўзини гўлликка солиб, одам ўлгандан сўнг, аниқлаш мушкул бўлган «бир касаллик тарихи»ни изоҳотга ёзиб қўяди. Албатта, у «Маҳбус, бошига тушган оғир зарбадан сўнг вафот этган», деб эътироф этолмасди. Унинг вазифаси бошқа эди. Шунинг учун дикқатини БОШга эмас, ЮРАҚка қаратади — ўз бошини асрайди.

Собиқ маҳбус А. И. Солженисиннинг гувоҳлик беришича, қамоқхонада «зэк»ларни табобат кўригидан ўтказадиган дуҳтири бирорта беморга дуч келиб қолса:

— Оббо азамат-эй, ҳалиям тирикмисан, — дер экан ҳайратланиб. Сўнг чўнтағидан бир дона бошоғриғн дори чиқариб бераркан-да: — Мархум, мархум, айланан сендан — деб «эркалаб» кўярка-ну йўлида давом этар экан.

\* \* \*

Дарвоқе, Давлат Хавфсизлик Бошқармасининг «собиқ ходими» С. В. Қалмиқов яқинда «оммавий китобхонлар»га мўлжалланган тарихий инқилобий мавзуда «Тўппончаларин топширингиз, қўрбошилар!» номли ёстиқдек роман ёзган эди. Бу роман Тошкент шаҳрида, «Ўзбекистон» нашриётида тўлдирилган, тузатилган ҳолда 1989 йили қайтатдан бир юзу эллик минг нусхада нашр этилди. Қитоб сўзбошисида эҳтиром билан таъкидланишича, «муаллиф Туркистондаги фуқаролар урушида қатнашган, Фавқулодда Ҳайъату Бош Сиёсий бошқарма ходими ва жамоат тартибини сақлаш идораларининг оддин ходимидан то милисиянинг III даражалн комиссаригача бўлган шонли йўлни босиб ўтган» экан. Қизиги шундаки, сўзбошида муаллиф хавфсизлик қўмитасининг шарафли ходими сифатида таърифланади-ю, лекин у 1941 йилдаёқ кавуши тўғриланиб, собиқлар сафидан ўрин олгани ҳақида лом-мим дейилмайди. Яъни, муаллифнинг таржимаи ҳолининг узвий давомига ўхшайди: унда ўзбек халқининг ўтмиши бузиб, қопқора бўёқларда талқин этилади... Ўмид қиласиз-ки, етмиш йиллик одатимизга кўра, ушбу роман тез кунларда ўзбек тилига таржима қилиниб, ўқувчиларга етказилади ва яна битта авлод ёлғон гоя билан заҳарланади...

Ёлғон гоя билан заҳарланишни истаган ёш дўстлар, зудлик билан Сергей Қалмиқовнинг ўрисча романини топиб ўқингизлар!!!

\* \* \*

Маҳшаргоҳда девор ҳам, тилсиз-забонсиз тошлар ҳам гувоҳликка ўтади. «Деворнинг қулоғи бор», деган мақолнинг ҳикмати — девор ортида чақимчи-жосус турибди, деган шунчаки огоҳлантиришни билдиримайди, айни пайтда, одамлар эшитса айб бўладиган гапларни айтиб қўйиб, кейин аттанг қилма: пули-сиротда бирор эшитмаган ўша гапларингни девор бирма-бир сўйлаб беради, деган маъноси ҳам бор.

Мўъжизага ишониш керак.

Одамкуш тегирмонга тушиб, ундан омон чиқсан гувоҳ бор. У кишининг исми шарифи Турсун ИБРОХИМОВ. Эҳтимол, Қодирий азобланган қатлгоҳни ўз кўзи билан кўрган ўша зот ҳозир ҳаётдир; балки у киши биз билмаган ҳақиқатни одамларга сўйлаб берарлар...

Хуллас, ваҳшатли даврни яққол тасаввур этмоқ учун ва Қодирийнинг қотиллари — тригуловлар бегуноҳ зотлар бошига не-не кўргуликлар согапини аниқ-тиник ҳис этмоқ учун, кўчирмалар кўпайиб кетаётган бўлса-да, қўлимиздаги ҳужжатларни ошкор этиш зарур деб ўйлаймиз.

\* \* \*

## АНГЛАТМА

*Турсун ИБРОҲИМОВнинг ҳужжатгоҳда сақланаётган 105317 рақамли жинояткомаси асосида тузилган*

«Турсун ИБРОҲИМОВ. 1908 йили туғилган. Ўзбек Тил ва адабиёт институтининг собиқ илмий ходими.

1938 йил 28 апрел куни ЎзСШЖ Ичкн Ишлар Халқ комиссарининг собиқ ўринбосари, д/х майори ЛЕОНОВнинг фармонига кўра, ЎзСШЖ ЖМнинг 66-моддасининг 1-қисми ва 67-моддаси бўйича жиноят содир этганликда шубҳаланаётган Т. Иброҳимов ҳибсга олинади.

1938 йил 11 май куни Т. Иброҳимовга ЎзСШЖ ЖМнинг 57—1 (?), 63-, 67-моддалари бўйича айб тақилади. Айловда кўрсатилишича, у Ўзбекистон ёзувчилари ўртасида мавжуд бўлган миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси, уни ўша ташкилот раҳбарларидан бири бўлмиш Фози Олим Юнусов ёллаган. Мана шу ташкилот топшириғига кўра, Т. Иброҳимов ғоявий жанггоҳда аксилинқилобий, миллатчилик ишлари билан шуғулланади, талабалар ўртасидз буржуй миллатчиларининг аксилишӯравий асарларини кенг оммалаштиради. Шунингдек, аксилинқилобий ташкилотга янги аъзолар ёллади; Иброҳим Назиров билан Сафо Зуфаров ўшалар жумласидандир.

ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлимининг шошилинч вазифалар бўйича вакили, д/х кичик лейтенанти ШАРППОВ бу иш юзасидан Иброҳимовни тергов қиласида ва 1938 йил 17 июн куни терговни яқунлайди.

Жиноятнома ашёларидан кўриниб турибдикн, ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлимининг шошилинч вазифалар бўйича вакили, д/х кичик лейтенанти Шарипов ва ўша бўлимининг шошилинч вазифалар бўйича вакилининг ёрдамчиси, д/х сержант СААКОВ томонидан Т. Иброҳимов 1938 Гашнинг 15 май куни тергов қилинади. Шу кунги тергов тасдиқномаси машинкада ёзилган бўлнб, 18 саҳифадан иборат. Ушбу тергов пайтида Турсун Иброҳимов дастлабки даъволарни, яъни ўзининг аксилинқилобий ташкилотга алоқадор эканини узил-кесил инкор этади ва бундан дейди:

«Фози Олим Юнусов ёлғон кўргазма беряпти. Миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига мен ҳеч қачон аъзо бўлмаганман. Фози Юнусов билан Инъом Мирзаевнинг кўргазмалари бўхтондир. Қолаверса, ҳақиқатга асло тўғри келмайди».

Сўнгра, ўша куни Т. Иброҳимов билан Фози Олим Юнусов юзлаштирилади: Т. Иброҳимов ўзи миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига аъзо эканини бу ташкилотга Фози Олим Юнусов томонидан ёлланганини тан олади. Худди шу терговда Т.

Иброҳимов миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотига аъзо бўлган кишиларнинг ўзига маълум қисмини номма-ном кўрсатади. Улар қуидагилар:

1. Отажон Ҳошимов
2. Фози Олим Юнусов
3. Абдурауф Фитрат
4. Сайдолим Шарафутдинов
5. Фахри Камолов
6. Ҳусан Ғозиев
7. Ҳоди Зарифов
8. Мусо Тошмуҳаммедов (ОЙБЕК)
9. Қаюм Рамазонов
10. Собиржон Иброҳимов
11. Ҳомил Ёқубов
12. Буюк Каримов
13. Ориф Амиров
14. Мурод Шамсиев
15. Сафо Зуфаров
16. Иброҳим Назиров

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати 1938 йилнинг 2 ноябр куни Турсун Иброҳимовни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қиласди.

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлисида Турсун Иброҳимов дастлабки тергов жараёнида берган барча қўргазмаларини узил-кесил инкор этади ва ўзига тақилаётган айблар бўйича гуноҳкор эканини тан олмайди.

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан 1938 йил 28 ноябр куни телеграф орқали берилган фармонга кўра, Турсун Иброҳимовга тегишли ҳукм бекор қилинади ва жиноятнома қайта терговга юборилади.

ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан амалга оширилган қўшимча тергов жараёнида Т. Иброҳимовнинг аксилиниқилобий фаолиятига оид ҳеч қандай маълумот қўлга киритилмайди ва 1939 йил 19 август куни Турсун Иброҳимов устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтати-лади».

(А. Қодирийнинг жиноятиомаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 24—25-саҳифалар)

### Эскартиши

«Маҳбус Т. Иброҳимов 1938 йилнинг 14 май ва 17 июн кунги тергов пайтида, қуидаги шахслар миллатчиларнинг аксилиниқилобий ташкилотининг аъзолари эди, деб қўргазма беради:

1. Қаюм Рамазонов. 1910 йил туғилган. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг собиқ доценти. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 4—15 октябр кунлари бўлган сайёр мажлисида жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

2. Отажон Ҳошимов. 1905 йили туғилган. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг собиқ директори. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлиси томонидан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

3. Иброҳим Назиров. 1913 йили туғилган. Педагогика институтининг собиқ ўқитувчиси. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр мажлиси томонидан Ахлоқ тузатиш Мехнат Тутқунгоҳига 10 йил муддат билан қамалади.

4. Сафо Зуфаров. 1909 йили туғилган. Илмий-тадқиқот институтининг собиқ илмий ходими.

5. Абдулҳамид Сулаймонов (ЧўЛПОН). 1897 йили туғилган. Адабиётчи-шоир. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йнл 4—15 октябр кунлари бўлиб ўтган сайёр мажлисида жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

6. Абдурауф Раҳимович Фитрат. 1886 йили туғилган. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг профессори. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 4—15 октябр кунлари бўлиб ўтган сайёр мажлисида жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

7. Машриқ Юнусов (ЭЛБЕК). Адабиётчи. Ҳибсга олинган...

8. Абдулла Қодирий (ЖУЛҚУНБОИ). Ёзувчи. Ҳибсга олинган. 1938 ппл 5 октябр куни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

9. Мусо Тошмуҳаммедов (ОЙБЕК). Ёзувчи.

10. Миёнбузрук Солиҳов. Адабиётчи. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 4—15 октябр кунлари бўлиб ўтган сайёр мажлисида жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

11. Аъзам Аюпов. 1904 йили туғилган. «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг собиқ масъул котиби. СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 4—15 октябр кунлари бўлиб ўтган сайёр мажлисида жиноий жавобгарликниг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

12. Фахри Камолов. 1907 йили туғилган. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими. Тошкент шаҳрида яшайди.

13. Ходи Зарифов. 1905 йили туғилган. Тошкенг шаҳрида яшайди.

14. Собиржон Иброҳимов. Ўзбек Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг собиқ илмий ходими. Ҳибсга олинган.

15. Ҳомил Ёқубов. 1907 йили туғилган. Ўзбек Тил ва адабиёт институтининг собиқ илмий ходими. Тошкент шаҳрида яшайди.

16. Буюк Каримов. 1906 йили туғилган. Узбек Тил ва адабиёт институтининг собиқ илмий ходими. Тошкент шаҳрида яшайди.

17. Санжар Сиддиқов. Ёзувчи. СШЖИ Олий судиянинг Ҳарбий Ҳайъати томонидан 1938 йил 15 октябр куни жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

18. Мурод Шакскев. Узбек тилн методикаси ўқнтув-чиси. Тошкент шаҳрида яшайди.

19. Усмон Носиров. Шоир-ёзувчи. СШЖП Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан 1938 йил 2 ноябр куни Ахлоқ тузатиш Мехнат Тутқунгоҳига 10 йиллик муддат билан қамалади.

20. Ақмал Икромов. 1898 йили туғилган, Ўзбекистон қўммунистик (болшовойлар) фирмаси Марказий Кўмитасининг собиқ котиби (Масков шаҳрида отилган: изоҳ бизники — Н. Б.).

21. Файзула Хўжаев. ЎзСШЖ Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг собиқ раиси. Жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган (Масков шаҳрида

отилган: изоҳ бизники — Н. Б.).

22.Ғози Олим Юнусов. 1898 йили туғилган. Собиқ профессор — тилшунос. Жиной жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган.

23.Юсуф Султонов. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими. Ҳисбса олинмаган. Қайта кўриляпти.

24. Қодир Ашурев. Адабиётчи. Ҳисбса олинмаган.

25.Мансур Афзалов. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими. Ҳисбса олинмаган. Қайта кўриляпти.

26.Ориф Амиров. 1900 йили туғилган. Ўзбек Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг собиқ директори. Тошкент шахрида яшайди.

27.Хусан Ғозиев. 1906 йили туғилган. Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими. Тошкент шахрида яшайди.

1939 йилнинг 19 август куни Турсун Иброҳимов устидан қўзғатилган жиной иш тўхтатилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси. «Тафтиш ашёлари» булими, 28—29-саҳифалар).

\* \* \*

Узун-узун кўчирмалар ўқувчини зериктириши мумкин. Бироқ, қатли ом даврида ҳалқнинг қайси тоифаси, қатлами жаллодларнинг диққат марказида турганини билиб қўйиш учун ҳам бундай маълумотлар жамоатчиликка ошкор этилиши лозим. Мана, кўрдингизки, асосан, зиёлилар териб-териб, саралаб-саралаб олинган экан; рўйхатларда фақат зиёлиларнинг номлари кўрсатилади — уларнинг жиноятчи экани лоқал битта гувоҳнинг «оғзи» ёки «кимзоси» билан тасдиқланса, бас, кейин ҳамма маҳбусларни битта усти ёпиқ юк машина-сига босишади-да, шаҳар ташқарисидаги овлоқ жойга олиб борадилар, сўнг ҳаммага биттадан белкурак берадилар ва ўзларига гўр қаздирадилар. «Бу ерга шолғом қўмамиз!» дейишинб маҳбусларни «руҳлантириб» туришади... Кейин барча маҳбусни ҳандақ четига юзма-юз ўтқазиб қўйишадио аскарларга милтиқни ўқлаш ҳақида буйруқ беришади. Маҳбуслар ўтирган жойларида фала-ғовур қилишади. «Тинчлик сақлансан!» деб бўкиради қизил командир. Атроф сув қўйгандек жимжит бўлиб қолади. Кўкда юлдузлар жимиirlайди. Изгирин, бадан жунжикади.

— Отмайсанми, итвачча?! — дейди сабри тугаган бир маҳбус.

— Диққат! Нишонга олинсан!.. Ўт оч!!! Йигирмата милтиқдан бирданига ўқ отилади: еру-осмон титрайди.

Маҳбусларни орқасидан отишни истамаган аскар-бўлганмикан?

«Халқ душманлари»ни отишдан бош тортган аскар бўлганмикан?

Афсускп, ЁЛГОН ҳукмлар чинакамига ижро этилган эди.

Ижроцида айб йўқ, дейдилар. Улар буйруқни бажаришга мажбур, дейдилар. Агар буйруқнинг ўзи жиноят бўлса-чи? Демак, уни ижро этган кимса ҳам жиноятчи бўладида! Ҳозир ҳам «салла келтир!» дейилса, калла келтиришга шай бўлиб турган ижроцилар камми?

Шукрим, ўша Ёлғон ҳукмлар исканжасидан омон қолган битта гувоҳ бор экан. Қуйида отувга ҳукм қилинган Турсун Иброҳимовнинг 1956 йил 24 декабр кунги тергов тасдиқномасидан олинган кўчирма билан танишасиз (шундан сўнг қатли ом қамрови

ҳақидаги тасаввуримиз хиёл чуқурлашса ажаб эмас).

*«Турсун Иброҳимов. 1908 йили тугилган. Фирқасиз. Филология фанлари номзоди, доцент. Ўрта Осиё Давлат дорулфунуни Тилишунослик кафедрасининг мудири. Тошкент шаҳар, Брюссел кучасидаги 2-йуда яшайди.*

Савол. 1938 йилнинг 28 апрел куни нима учун ҳибсга олинган эдингиз?

Жавоб. Нима учун ҳибсга олинганимни мутлақо билмайман.

Савол. Айтинг-чи, дастлабки тергов жараёнида Сизга қанақа айб тақилган эди?

Жавоб. Ҳибсга олинган кунимдаёқ терговчи ШАРИПОВ, сен Тошкент Педагогика институтидаги миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига фаол аъзо экансан, деб айб тақади. Гўё ўша ташкилотга Педагогика институтининг профессори F. Юнусов раҳбарлик қилган эмнш. Мен эсам ўша ташкилотга ёллаш учун Сафо Зуфаров билан Иброҳим Назировни тайёрлаган эмишман. Менга тақилган айб ана шундан иборат эди.

Тергов пайти ушбу бўхтонни узил-кесил инкор қилдим. Чунки мен миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига ҳеч қачон аъзо бўлмаганман умуман, шунака ташкилот борлигини ҳам билмайман. Қолаверса, Тошкент Педагогика институтида ана шундай ташкилот бўлган-бўлмагани менга маълум эмас.

Миллатчиларнинг аксилинқилобин ташкилотига алоқадорлигим тўғрисида терговчи Шариповнинг ўзи тузган сўроқ тасдиқномасига имзо чекишдан бош тортганимдан сўнг, у биринчн кундан эътиборан мени узулуксиз калтаклай бошлади; терговчи Шарипов фақат мени калтаклаш билан чекланмасди, айни замонда, ўз хонасида менга нисбатан «конвейер» деб аталадиган тергов усулини қўллай бошлади. «Конвейер»нинг моҳияти шундан иборат эдики, мен беш-олти кеча-кундуз мобайнида терговчи хонасида тик туришим лозим эди. Ана шундай усул менга нисбатан бир неча марта қўлланган. «Конвейер»да турган вақтимда менга бор-йўғи бир бўлак қанд, бир кружка сув ва бир бурда қора нон беришарди, холос. Баъзан «конвейер» пайтида хушимдан кетиб қолардим, полга йиқилиб тушардим.

Тергов пайти Шарипов билан Сааков ўzlари ёзган сўроқ тасдиқномасига имзо чекишимни талаб қилишарди ва доим мени «42-хонага юборамиз!» деб қўрқитишарди. Улар, яхшиликча айбингга иқрор бўлгин, агар ўз хоҳишинг билан айбингга иқрор бўлсанг борми, сенга бор-йўғи ўн йил муддатли қамоқ жазоси берилади; мабодо айбингга ўз хоҳишинг билан иқрор бўлмасанг, жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм «қилишади, дердилар. Мен уларнинг таклифини узил-кесил рад этардим. Чунки мен ҳеч қандай, боз устига, аксилинқилобий жиноят қилганим йўқ эди. Ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан ҳолдан тойганимдан сўнг, Шарипов билан Сааков томонидан ёзилган тергов ва юзлаштириш тасдиқномаларига имзо чекишига мажбур бўлдим.

Бундан ташқари, мен яна шуни таъкидлашим лозимки, терговчи Шариповнинг хонасида «конвейер» пайти маҳбусларни оёқда — тик турган ҳолатда ушлаб туриш учун шифтда спорт ҳалқалари осиглиқ турарди. Хусусан, бир гал «конвейер»га тушган вақтимда оёқда тик туришга мажолим қолмади; шунда терговчи Шарипов бошқа ходимлар ёрдамида қўлларимни ҳалқага киритиб боғлаб қўйди: шундай қилиб, мен яrim осилган ҳолатда оёқда тик туравердим.

Савол. Ҳозир 1938 йил 14 май куни Сиз берган кўргазма тасдиқномасидан олинган

кўчирма ўқиб эшиттирилади... Айтинг-чи, 1938 йил 14 май куни берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

Жавоб. 1938 йил 14 май кунги тергов тасдиқномасидан олинган кўчирмани шахсан ўзим ўқиб чиқдим. Энди шуни айтмоғим лозимки, 1938 йил 14 май куни берган кўргазмамни тасдиқламайман. Негаки, мен ҳеч қачон бундай кўргазма бермаганман: 1938 йил 14 куни тергов тасдиқномаси менинг номимдан терговчи Шарипов томонидан ёзилган эди; узулуксиз калтакланишлар ва қнпноклар натижасида унга имзо че-кишга мажбур бўлганман. Мен Сафо Зусратов билан Иброҳим Назировни ҳеч қачон ҳеч қандай ташкилотга ёллаш учун тайёрланганим пўқ. Шунингдек, Зуфаров билан Назиров гўё Ғози Олим Юнусов томонидан миллатчиларнинг аксилиниқилобй ташкилотига ёллангани ҳақида ҳам менга ҳеч нарса маълум эмас. Умуман, яна бир марта таъкидлаб айтмоғим лозимки, барча тасдиқномалар, жумладан, 1938 йил 14 май кунги тергов тасдиқномаси ҳам ИИХК ДҲБ ходимлари бўлмиш Шарипов билан Сааков томонидан тузиларди ва тузатиларди, сўнгра зўравонлик йўли билан менга имзо чектиришарди, холос.

Т. Иброҳимов (имзо)

*ТуркҲЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковники Грищенко (имзо)  
1956 й. 24 декабр».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 31—32-саҳифалар).

\* \* \*

Кўпчилик наздида, муаллиф калаванинг учини йўқотиб кўпгандек, ҳужжатларни ҳам, айтмоқчи бўлган гапию исботламоқчн бўлган фикрини ҳам чалкаштириб юборгандек, хулласи, тўқайга кириб адашиб кетгандек туюлади. Дарҳақиқат, 30-йилларда ноҳақ қатл этилган кишиларнинг жиноятномалари қўғирчоқ ичидағи қўғирчоққа ва ичидағи қўғирчоқнинг ҳам ичидағи қўғирчоққа ўхшайди. Беихтиёр, «XX фирмә қурултойи фарзандлари»нинг маҳсус қўрсатмалари асосида бу ишлар атайлаб чалкаштириб юборилмаганмикан, деб ўйлайсан ишни. Чунки... ғарам орасидаги игна ўша пайтда— XX фирмә қурултойидан сўнг, карнай-сурнайлар садоси остида, тантанали равишда излана бошланган эди; афсуски, ғарам ағдар-тўнтар қилинади-ю, аммо иғнани топишга деярли эътибор берилмайди. Аникроғи, ғарам орасидан шу қадар кўп игна топилган эканки, натижада изтопарлар қай бир иғнани қидиришаётганини ҳам билолмасдан, довдираб қолишган ва «Бор-э!» дейишинб қўл силташгану ишни юмалоқ ёстиқ ҳолатида ёпди-ёпди қилиб қўя қолишган экан. Йўқса, Қодирпйнинг жиноятномаси тафтиши бўйича ўтказилган текширув дафтарига 38-йилда турли муддат билан озодликдан маҳрум этилган кишиларнинг тергов, гувоҳлик тасдиқномаларидан олинган кўчирмалар пала-партиш тарзда тиркаб қўйилмасди! Эҳтимол, тафтишчилар «боши берк кўчага» кириб қолганликлари (боз устига, юқоридагилар «Давай! Давай!» деб туришган бўлса) туфайли шундай қилишгандир? Сўнг, жилла қурса, ҳақиқатнинг умумий манзарасини тиклаш мақсаднда 38-йил фожиасига гувоҳ бўлган жамики кишиларни тафтиш жараёнига жалб қилган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Хусусан, аввал рақам этилган тасдиқномаларда Сафо ЗУФАРОВ номи ҳам бир неча марта қайд этилди. Уз-ўзидан равшанки, «Бу киши ким?» деган савол туғилади...

## АНГЛАТМА

*1956 йил 9 январ кунги сўроқ тасдиқномасидан кўчирма*

«Сафо Зуфаров. 1909 йили туғилган. Ўзбек. Олий маълумотли. Фирқа аъзоси эмас. Судланган. 1936 йил 29 март куни РСФСР ЖМнинг 58—12-моддаси бўйича ЎзСШЖ Ички Ишлар ва Чегарачилар Кўшини ҳарбий Трибунали томонидан Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳига беш (5) йил муддатга қамалади. Қамоқ муддатини ўтаб қелган. СШЖИ ИИХК махсус мажлисининг қарорига мувофиқ, 1947 йили ЎзСШЖ ЖМнинг 66—1-, 67-моддалари бўйича яна Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳига ўн (10) нил муддатга қамалади. СШЖИ Олий Кенгашининг қарори билан 1954 йилнинг сентябр ойида тутқунликдан озод қилинган.

Тошкент вилояти Ўртасарой депарасидаги 40-дўконда мудир бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳар, Олмазор кўчасидаги 8-уйда яшайди.

Савол. Айтинг-чи, 1947 йили нима учун СШЖИ ИИХК махсус мажлисининг қарорига мувофиқ қамалган здингиз?

Жавоб. Аввалом бор, шуни таъкидламоғим лозимки, 1947 йили мени қонунга хилоф равиша қамашган эди. Чунки мен ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ. 1945 йил 21 июн куни, Самарқандда ишлаб юрган кезларим, Самарқанд вилояти Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг ходими — майор ЖАМОЛОВ томонидан ҳибсга олиндим. У бўйнимга куракда турмайдиган айб тақди, гўё мен аксилинқилобий ташкилотга аъзо эмишман! Тергов жараёнида ҳам майор Жамолов менга асоссиз айб қўйди: қўрқитиб, калтаклаб ётиб, ўзи ёзган тасдиқномага имзо чектиromoқчи бўлди. У менга айтди, Давлат Хавфсизлиги Нозирлигига сенинг аксилинқилобий фаолиятингни тасдиқладиган маълумот бор; шунинг учун, марҳамат қилиб, ўз қўлинг билан ўша аксилин-қилобий ташкилотга аъзо эканинг ҳақида кўргазма ёзиб берасан... Ҳар куни оқшомдан то тонггача давом этадиган қийноқлардан сўнг, унга ўз қўлим билан, аксишшуравий тарғибот олиб борганим тўғрисида кўргазма ёзиб бердим. Аслида, мен ҳеч қачон бундай иш билан шуғулланмаганман. Йигирма кун давом этган тўхтовсиз тергов, қийноқлар исканжасида ўзимга бўхтон қилишга мажбур бўлдим. Унинг таклифини рад этган пайтим майор Жамолов шундай дерди: «Агар сен тасдиқномага шу ерда имзо чекмасанг, биз сени Тошкентда имзо чектирамиз. Акс ҳолда, ит каби очдан ўлдирамиз!»

Тергов пайтида гувоҳлар сўроқ қилинмади, мени ҳеч ким билан юзлаширишмади. Жиноятномада қандай ашёвий далиллар борлиги менга маълум эмас. 1946 йилнинг декабр ойида СШЖИ ПИХКнинг махсус мажлиси мени ўн йил муддат билан Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳига қамашга ҳукм зтгани эълон қилинди.

Савол. Сиз профессор Фози Олим Юнусовни би-ласизми?

Жавоб. Ҳа, дарҳақиқат, Фози Олим Юнусовни 1932 йилдан бери Самарқанд шаҳридаги Ўзбек Давлат илмий-тадқиқот институтининг ўқитувчиси, профессори сифатида билардим. Уша пайтларда мен ўша институтда ўқиганман. Турсун Иброҳимов билан Ҳусан Каримов ҳам мен билан бирга ўқишарди.

Савол. Фози Олим Юнусов томонидан 1934 йили аксилинқилобий ташкилотга қандай вазиятда ёллангансиз?

Жавоб. Ҳеч қачон ҳеч ким, жумладан, Фози Олим Юнусов ҳам мени аксилинқилобий ташкилотга ёллагани йўқ! Мен бундай ташкилот борлигини билмайман.

Савол. Ҳозир Фози Олим Юнусов 1938 йилнинг 28-апрел куни берган кўргазмаси ўқиб эшилтирилади...

Жавоб. Яна қайтариб айтаманки, бундай кўргазма ҳақиқатга асло тўғри келмайди! Мен бундай кўргазмани тасдиқламайман. Фози Олим Юнусов ҳам, Турсун Иброҳимов ҳам мени ҳеч қачон ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилотга ёллашгани йўқ! Умуман, бундай ташкилот ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас.

Зуфаров (имзо)

*ТуркХЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Грищенко (имзо).*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 22—23-саҳифалар).

Ҳар қандай маълумот муҳокама учун мавзу бўлиши мумкин.

Сафо Зуфаров 1936 йили биринчи марта қамалган пайтда (беш йил муддатга) йигирма етти яшар йигит эди, у ўзининг энг «ширин» ўттизинчи баҳорини қамоқхонада кутиб олади. 1947 йили иккинчи марта қамалган пайтда эса С. Зуфаров учкам қирқقا кирган ўрта яшар киши эди: бу гал у қирқинчи «ёзи»ни ҳам қамоқда кутиб олади. Агар «В. И. Лениннинг содиқ сафдоши, отамиз, йўлбошчимиз, доҳиймиз И. В. Сталин» (ўша замон рўзномаларию ойномаларида шундай таърифланаарди) фалокат босиб юз йил умр кўрганда борми, Сафо оғамиз ўзининг барча «улгуржи» умр саналарини тутқунгоҳда нишонлаши ҳеч гап эмасди! Чунки Шўро ҳукумати томонидан жорий этнлган анъана бўйича «жазо маҳкамаси» тузогига бир марта илинган киши то умрининг охиригача таъқиб қилинаверарди. У қамоқдан қайтардию орқасидан пинҳона хат-кўрсатма жўнатиларди — «Фалончи кетди. Аксилинқилобий фаолияти учун яна-тағин оёғини ерга теккизмасдан қайтариб юборилсин!» Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг маҳаллий маҳкамаси дарҳол енг шимарнб ншга кири-шарди ва арзимас баҳона билан ҳали маҳалла хотинларига «мушкули күшод» қилиб беришга ҳам улгурмаган бечорани яна авахтага тиқишарди. Ишонмайсизми?

«Бўри эмас, дейсан, одам одамга...»

Жумҳурият Давлат Хавфсизлиги Кўмитасининг ҳужжатгоҳида 1922 йилдан бошлаб муентазам суръатда қайд этиб борилган чақувномалар, Бош Сиёсий Бошқарма ёзишмалари ва «Жосус маълумотлари» билан «Литерное дело» дафтарлари ошкоралик шарофати туфайли чанг босиб ётибди, холос. Агар тегирмонга аввалгидай сув қуйилнб турганда борми, ҳозир ҳам то етмиш ёшгача бўлган мўйсафидларгача «аксилинқилобий рўйхатга» тушиб қолганлари учун зимдан таъқиб этилаверарди, оғзидан чиқсан ҳар бир сўзни қоғозга тушириларди. Ҳозир Давлат Хавфсизлиги Кўмитаси «шонли тарихи» бўғзигача ботиб кетган ботқоқликдан чиқа олмай ҳалак. Чиқа олармикан ёки...

\* \* \*

Охири, ҳеч иложи қолмагач, 1956 йилнинг 9 июн куни Қодирийнинг терговчиси Н. И. Тригулов «гувоҳ сифатида» сўроқ қилинади. Ҳа, фақат гувоҳ сифатида!

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да гувоҳ атамасига қуидагича таъриф берилган экан:

«1. Бирор воқеа-ҳодиса рўй берган пайтда шахсан бўлган, уни ўз кўзи билан кўрган киши, шоҳид...

2. Суд ёки терговдаги иш юзасидан ўз билганларини айтиб бериши учун судга чақирилган киши.

3. Бирор иш ёки воқеа-ҳодисанинг ҳақиқатан содир бўлганини ёки тўғрилигини расмий равишда тасдиқлаши учун шу иш тепасига маҳсус чақирилган киши.

4. Воқеа-ҳодиса, фикр, даъво, ҳол ва шу кабиларнинг тўғрилигини тасдиқловчи нарса, далил».

Афсуски, «луғат»да «бирор воқеа-ҳодисани шахсан ўз қўли билан амалга оширган кимса» ҳам гувоҳ деб аталса тил қоидаларига мос келиш-келмаслиги ҳақида аниқ кўрсатма йўқ экан. Ҳартугул, бундай кўрсатма қонун посбонлари қўлида бўлса керак. Акс ҳолда, Тригуловни фақат гувоҳ сифатида тергашмасди.

«Нурлин Исҳоқович ТРИГУЛОВ. 1907 йили Пен-за вилояти, Қузиско депарасидаги Делино қишлоғида туғилган. Бошпурти — 4.X—VIII 743636-сон. Оилали. Урта маълумотли. Ишчи-хизматчи оиласидан чиқсан. 1932 йилдан бери Шўро Иттифоқи қўммунистик фирмасининг аъзоси. Оғзаки маълумотига қараганда, илгари судланмаган экан. Миллати — татар. Айбланувчига бегона шахс. Ҳозир ЧКАЛОВ номидаги 84-сон заводнинг 38-сехи бошлигининг муовини вазифасида ишлайди.

Доимий яшаш жойи, манзилгоҳи; Тошкент шаҳри, Афанасенко кўчаси, 9-уй, 2-хонадон.

ЎзСШЖ ЖМнинг 224-, 225-моддаларига қўра, агар кўргазма бершидан бош тортсам ва ёлғон кўргазма берсам, жиноий жавобгарликка тортиласажам тўғрисида терговчи мени огохлантириди:

ТРИГУЛОВ (имзо).

Тошкентда ОГПУнинг (Бирлашган Бош Сиёсий Бошқарма) Урта Осиё қизил ўрта маҳсус билим юртини битирганимдан сўнг, ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги — Давлат Хавфсизлиги Нозирлиги маҳ-камаларида 1925 йилдан 1939 йилгача ишлаганман. 1935 йилнинг май ойига қадар Бухоро вилояти депараларида шошилинч вазифаларин бажарадиган қуий лавозимларда хизмат қилдим: дастлаб, шошилинч вазифалар бўйича вакил ёрдамчиси бўлдим, сўнгра де-пара судининг бошлиғи лавозимиға кўтарилидим.

1935 йили Тошкентга, ЎзСШЖ ИИХК ДХБ ихтиёрига ишга ўтказилдим. Бу ерда IV бўлимда шошилинч вазифалар бўйича вакил, бўлинма бошлигининг ёрдамчиси, маълум вақт мобайнида эса, бўлинма бошлиғи лавозимларида ишладим. Мен ишлаган даврда Л. А. Оғабеков бўлим бошлиғи, Ф. Матвеев билан Копосов унинг ёрдамчилари эди. 1939 йилнинг сентябр. ойида мен «КЗоТ»нинг (Мехнат ҳақида қонун мажмуа-сан) 47-моддасининг «в» бандига мувофиқ ишдан ҳайдалдим.

Менга таклиф этилаётган саволлар бўйича чин дилдан қуидагича қўргазма бераман: 1937—1938 йилларда ЎзСШЖ ИИХК — ДХБ маҳкамасида шошилинч вазифалар

бўйича ҳам, тергов ишлари бўйича ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вузкудга келтирилди. Ҳаммаси Файзулла Хўжаев атрофидаги одамларни, кейинроқ эса, иккинчи босқич сифатида Ақмал Икромовнинг иши бўйича, сўнгра Абдулла Каримов билан Султон Сегизбоевнинг ишлари бўйича одамларни қама-қамадан бошланди. Кишилар оммавий суръатда хибсга олинарди: бу ишни асосан ЎзСШЖ ДХБнинг III, IV бўлимлари амалга оширади. Ўша йиллари маҳкамада шошинлинч вазифалардан кўра, тергов ишлари устивор эди. Жамики ходимлар — яъни Комиссардан то шошилинч вазифалар бўпича вакилларнинг тажрибасиз, оддий ходимигача тергов билан шуғулланарди, маҳбусларни сўроқ қиласарди.

III бўлим билан IV бўлим ўртасида ўзига хос синфий рақобат мавжуд эди: бир бўлим бошқа бўлимга қараганда жиноятномаларни, маҳбусларни қўпайтиришга, уларни бир-биридан тортиб олишга тиришарди. Очиқ-ойдин ана шундай йўл тутиларди ва рағбатлантириларди.

IV бўлимда тергов пшларига бўлнм бошлиғи Оғабеков шахсан раҳбарлик қиласарди; терговни унинг ўзи ёки ёрдамчилари Матвеев, Копосовлар орқали амалга оширади. «Йирик объект» ҳисобланган маҳбусларни ўша пайлари Халқ комиссари бўлган Апресяннинг шахсан ўзн ё унинг ўринбосари Леонов тергов қиласарди.

IV бўлимда терговга алоқадор барча қўрсатмалар Оғабеков томонидан бериларди ва унинг ёрдамчилари бўлмиш Матвеев билан Копосов воситасида қатъяян амалга ошириларди, назорат қилинарди. Биз — оддий ходимлар, жумладан, ўзим ҳам, қўрсатмаларни бажаардим. Оғабековнинг қўрсатмаларига бирор-бир эътиroz билдириш, унга қарши фикр айтиш, шахсий мулоҳаза юритиш узил-кесил мумкин эмасди. Оғабеков собиқ Халқ комиссари Апресян олдида жуда катта обрў-эътиборга сазовор эди. Бошқа бир собиқ Халқ комиссари — САФКАГ1 ҳам Оғабеков билан ҳисоблашарди. Шундай қилиб, то қамоққа олинган кунигача Оғабеков бошқармадаги етакчи раҳбарлардан бири бўлиб қолаверди. IV бўлимда маҳаллий ншлар бўйича Мат-веев, оврўполиклар иши бўйича Копосов мана шундай етакчи мавқега эга эдилар.

Маҳбусларнинг тергови ибтидоий усулда, инқилобий қонунчлик қўпол равища бузилган ҳолда олиб бориларди; ўз айбига иқрор бўлмаган ёки кўргазма беришдан бош тортган маҳбуслар жисмоний тазийик остига олинарди: бир неча кечакундуз мобайнида, узоқ муддат тергов қилинардилар, уюшган ҳолда калтакланардилар.

Одатда, тергов тасдиқномалари Оғабеков, Матвеев, Копосовлар томонидан ёзиларди, тузатиларди, кейин машинкада қанта кўчириларди; маҳбусларнинг тузатишлари, фикр-мулоҳазалари, эътиrozлари мутлақо ҳисобга олинмасди. Қоида бўйича, машинкада кўчирилган тасдиқнома асл нусха саналарди ва жиноятномага тикиб қўйиларди. Яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, Оғабековнинг буйруғига кўра, 1937 йилнинг охирларида ёки 1938 ийлнинг бошларида IV бўлимда маҳсус тергов «картотекаси» барпо этилди: тергов тасдиқномасининг зарур бўлмаган нусхалари мана шу жойга ўтказиларди; «картотека» билан шуғулланадиган ходим эса тергов тасдиқномасида номлари қайд этилган жамики кишиларни миллатчилар ташкилотининг аъзоси сифатида рўйхатдан ўтказиб қўярди ва худди шу тариқа, «картотека» асосида янги жиноятно-малар учун нусхалар кўтариларди. Кўпинча «картотека» дан олинган кўчирмалар воситасида begunox кишилар қамоққа олинарди. Аҳён-аҳёнда тергов тасдиқномасининг асл нусхаси ҳам «картотека»га бериларди.

Маҳбусларни тергов ҳуқуқидан маҳрум этиш — одатдаги ҳодпсага айланиб қолган эди: ана шундай крнунга хилоф усулни барча ходимлар қўллашарди. Жумладан, ўзим ҳам шундай хатога йўл қўйганман. Узок муддат давом этадиган, ўша пантларда айтилганидек, «конвейерлашган» тергов жараёнида мен ҳам иштирок этганман. Файзулла Хўжаев амакисининг (ҳозир фамилиясини эслолмаяпман) тергови, профессор Абдрауф Фитрат тергови, профессор Гози Олим Юнусов ва бошқаларнинг тергови ана шундай йўсинда олиб борилган эди. Ўз вақтида менга бўйсунган IV бўлимнинг I булинмаси ходимлари — Н. Н. Филимонов, Р. Сайдбоев, Маврин. А. Шарипов, А. Соловьев ва бошқалар ҳам маҳбусларни тергов қилиш пайтида ана шундай воситадан фойдаланганлар. Мен ўша пайтлар ҳам бу ҳақда билардим ва барча ходимлар сингари буни ажойиб восита деб ҳисоблардим, қаршилик қилмасдим.

1937—1938 йиллари қамоққа олинган маҳбусларни калтаклашда шахсан ўзим тергов қилганим айрим жиноий ишлар бўйича ҳам, I бўлинма ихтиёрига берилган ишлар бўйича ҳам қатнашмаганман. Шунга қарамасдан, мен маҳбуслар калтакланаётганини, мана шундай мақсадлар учун маҳсус хона ажратилганини, бу хона уша пайтлардаги ЎзСШЖ Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг собиқ коменданти Николай ШИШКИН назорати остида эканини билардим. Бундан ишларни шунинг учун ҳам биламанки, бир марта ўзим Оғабе-ковнинг бупруғи билан ўша хонага кирганман. 1938 йили Ўзбекистон қўммунистик фирмаси Марказқўмининг собиқ котиби Иброҳим Худойқулов ҳибсга олинди. У ҳибсга олингач, дастлабки пайтларда маҳбус билан комиссар Апресяннинг ўзи шуғулланди, кенин у билан Оғабеков шуғуллана бошлади: антпшларига қараганда, у жосусуслига ҳақида кўргазма беришдан бош тортаётган эди. Шу муносабат билан Оғабеков маҳбус Худойқуловга руҳий таъсир ўтказишни кўзлаб, уни ўша хонага, Оғабековнинг ўз ибораси билан айтганда, «намойишкорона ишонч ҳосил қилиши учун» бошлаб борди ва мени ҳам ўз ҳузурига чақирди-да, бирга боришга таклиф этди. Ўшандан сўнг, мен маҳбуслар калтакланадиган маҳсус хона борлигини билиб олдим. Бундан ташқари, ходимлар ўзаро сухбатлашган пайтларида ўша хона ҳақида кўп гапиришарди: у хона 42-сон номи билан машҳур эди. Иброҳим Худойқулов ўша пайт калтакланмади. Оғабеков Худойқулов билан гаплашди; мен боя айтган гапимдан қайтмайман, деб уни кўрқитди. Чамамда, Оғабековнинг «боя айтган гапи»ни мен ижро этишим керак эди; Худойқуловнинг назарида ҳам мен худди ижроидек таассурот қолдиришим лозим эди. Оғабеков билан Худойқуловнинг сухбати узоққа чўзилмади: Худойқулов кўргазма беришга рози бўлди. Боз устига, Апресян тергов қилганда ҳам, Оғабековнинг ўзи тергов қилганда ҳам у кўргазма бермаган эди. Лекин, кўргазмани ўз қўли билан ёзиб берди.

1939 йили Худойқулов устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилди ва Худойқулов озод қилинди.

Ёзувчи Абдулла ҚОДИРИЙнинг иши юзасидан шуни айтишим лозимки, у Оғабековнинг ташаббуси билан қамоққа олинган эди. Менимча, у тергов «картотекаси»да тўпланган маълумот асосида қамалган бўлса керак. Шошилинч бажариладиган вазифалар тартиби бўйича Абдулла Қодирийни мен, IV бўлим ходими Маврин билан биргаликда қамоққа олганман. Ўша пайтлардаги барча тергов ишлари каби Абдулла Қодирий устидан қўзғатилган иш ҳам ибтидоий усулда, инқилобий қонунчиликка хилоф равишда олиб борилди. Ўшандан сўнг, орадан ўн саккиз йил ўтди, ҳозир мен Абдулла Қодирийнинг ишига алоқадор тафсилотларни икир-чиригача эслай

олмайман. Аммо асосий ҳолатларни яхши эслайман. Масалан, Абдулла Қодирий ўзига тақилаётган айбларни сира тан олмасди; тинтув пайтида жиноят белгиларини кўрсатадиган бирорта ҳам ашёвий далил топилмаган эди; шунинг учун қамоқдаги бошқа маҳбусларнинг кўргазмаларидан кўтарилиган нусхалар унга қарши ишлатиларди — мен буни тасдиқлайман. Ўша пайтдаги мавжуд тартибга кўра, ҳар қандай одамнинг бирорта миллатчилик ташкилотига алоқадорлигини исботлаш учун маҳбус кўргазмаларндан олинган нусхалар етарли бўларди, бу асосий ашё ҳисобланарди. Мана шунақа ашёга асосланиб прокурор қамоққа олиш ҳақида фармон берарди, мана шунақа ашё асосида маҳбусга айб тақиларди ва айбнома тузиларди. Шунақа масхарабозлик билан Абдулла Қодирийнинг иши ҳам охирига етказилади; жиноий иш юзасидан қонуний тергов олиб борилмаган, у хўжақўрсинга сўроқ қилинган, холос.

Абдулла Қодирийнинг ишп бўнича олиб борилган тергов жараёининг чўзилиб кетганига сабаб шуки, у қамоққа олинган биринчи қундан бошлаб бўйнига тақилаётган барча айбларни инкор этаверди ва ҳеч қандай кўргазма бермади. Кўп марта жиноий жараён қоидалари бузилсада, лекин бунга эътибор берилмасди. Аслида, ҳар куни маҳбус тергов қилинарди, лекин фақат кўргазма олингаидан кейингина тасдиқнома расмийлаштириларди.

Шахсан ўзим шуғулланган барча маҳбусларнинг ишлари сингари Абдулла Қодирийнинг тергови пайтида ҳам мен уни калтаклаганим йўқ. Лекин бошқа ходимлар томонидан Абдулла Қодирий калтакланган-калтакланмагани хусусида аниқ бир нарса дея олмайман. Бироқ, жиноятномадан шундок ҳам кўриниб турибди-ки, Абдулла Қодирий узлуксиз равишда, узоқ муддат тергов қилинган, азобланган.

Яна айтмоғим лозимки, юқорида кўрсатиб ўтганим бузуқликлардан ташқари, ўша йилларда бўлим бошлиқлари, хусусан, Оғабеков ва унинг ёрдамчилари Матвеев, Копосовлар томонидан тасдиқномани ўз майллари бўйича тузатиш тажрибаси одат тусига кириб қолган эди; шундай ишлар (тузатишлар) пайтида тумтароқ, ништарли жумлалар қўшилардики, натижада тасдиқнома ўз аҳамияти ва мазмунига кўра маҳбусни жиноятчи ахволига солиб қўярди; маҳбуслар ўзларига бўхтон қилишардн; устига-устак, узоқ вақт мобайнида ўжарлик қилганликлари, кўргазма бермаганликлари учун терговчидан гўё кечирим ҳам сўрашарди. Ёки тасдпқномага; «Чайналдим... охири қайсарлигим бефойда эканини англаб етдим ва кўргазма беришга қарор қилдим», каби чучмал гаплар тиркаб қўйиларди. Хизмат юзасидан чиқарилган буйруқка кўра, айнан мана шундай йўсинда тасдиқнома юритиш қатъиян талаб қилинарди. Бундан ишларда, аннинса, Оғабеков билан Маврин жонбозлик кўрсатишарди.

Бундан ташқари, маҳбусларнинг, асосан, юқоримансабдор шахсларнинг кўргазмалари остига Оғабеков, Матвеев, Копосовлар имзо чекиб юборишарди-ю, лекин бирортаси ҳам маҳбусни бошидан-охиригача тергов қилишмасди.

Юқоридан қуйига қадар аиа шундай тартиб жорий қилинган эди. Масалан, Акмал Икромов терговини, асосан, Оғабеков билан Шарипов олиб боришган эди. Аммо тергов тасдиқномаси остига собиқ комиссар Апресян ҳам имзо чекиб юборган. Маҳбус АИТМАТОВни эса бошидан-охиригача Филимонов билан Сайдбоев тергов қилишди, лекин тергов тасдиқномасига мен ҳам нмзо чекканман. Аслида, мен уни шахсан тергов қил-маганман. Энди билсам, кўргазмалар салмоғини оши-риш ва кўргазмалар тўғри экани ҳақида ёлғон тасав-вурни кучайтириш учун ана ўшандек тажрибага йўл очиб

кўйилган экан.

Жиноятномадан кўриниб турибдики, Абдулла Қодирий 1937 йил 31 декабр куни ҳибсга олинган экан. Айб тақиши ҳақидаги қарор эса унга 1938 йилнинг март ойида кўрсатилади. Лекин мен нима учун бундай ҳолат рўй берганини билмайман. Албатта, бу ҳол Жиноий Жараён Мажмуаси қоидаларига хилофдир. Шу муносабат билан илгари ҳам кўп бора такрорланган гапларни яна қайтаришим мумкин: қоидабузарлик ҳолатлари ўша пайтларда оммавий тус олган бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермасди ва бундай хатоларни тўғрилаб қўйиши бирор ҳаёлига ҳам келтирмасди, назорат ҳам қилинмасди. Ишга кўмилиб кетганим туфайли баъзан мен ҳам шундай хатоларга йўл қўярдим. Мана, Абдулла Қодирийга айб тақиши ҳақидаги қарорга сана ёзилмаган экан. Нима учун бундай бўлганини билмайман. Агар кейинчалик қонунда кўрсатилган сана ёзиб қўйиш кўзланганда эди, қарорда март ойи ҳам аниқ қайд этилмаслиги лозим бўларди. Қолаверса, Абдулла Қодирий кўргазмасининг тасдиқномаси 1938 йилнинг март ойида ёзилган-у, аммо яна-тағин кун санаси аниқ кўрсатилмаган. Бунинг сабаби шундакн, Қодирий ўз айбига иқрор бўлмаган ва кўргазма бермаган эди.

Абдулла Қодирий жиноятномасининг тергов тасдиқномасида номи учраган, менга ҳамкорлик қилган ТРИМАСОВ деган ходимни эслай олмайман. Афтидан, у вақтинчалик буйруқ асосида I бўлинмага командировкага жўнатилган бўлса керак. Лекин мен ундан ходимни эслай олмайман.

Абдулла Қодирийнинг тасдиқномасини шахсан Матвеев (IV бўлим бошлигининг ёрдамчиси) тузатган. Чамаси, тергов пантида Тrimasov савол-жавобларни ёзиб ўтирган бўлса керак; маҳбус имзоларини ҳам ўша олган бўлса ажаб эмас. Бироқ, Абдулла Қодирийнинг ишига Тrimasov нечоғлик алоқадор экани хусусида қатъий бир фикр айттолмайман.

Бошқаларга қараганда Абдулла Қодирий русс ти-лида эркинроқ гапиради. Лекин кўргазма тасдиқномасида баён этилган тарзда аниқ-равшан, чўрт-чўрт кесиб, саводли, атамаларини ўрнига қўйиб ўз фикрини ифодалай олмасди, албатта.

Маҳбуслар Мўмин Усмонов, Қурбон Берегин, Саъ-дулла Турсунхўжаев, Назрулла Иноятов, Ғози Олим Юнусовлар билан Абдулла Қодирий юзлаштирилган эди. Юзлаштирувни шахсан ўзим русс тилида, лозим бўлган пайтларда эса, ўзбек тилида (мен ўзбек тилини мукаммал биламан) ўтказганман. Юзлаштириш пайтида ҳам Абдулла Қодирий ўзига тақилаётган айбларни ин-кор этган эди.

Юзлаштириш жараёнида Тrimasov деган ходим ҳам иштирок этганми-йўқми, билмайман. Тасдиқномаларга нима учун у имзо қўйган-у, лекин асл нусхаларда нега имзоси йўқлиги ҳақида ҳам аниқ бир нарса дейишга ожизман.

1938 йилнинг 15 март куни тергов тамом бўлгани тўғрисидаги қарор Абдулла Қодирийга эълон қилинган, айбнома эса 1938 йилнинг апрел ойида тузилган.

Сирасини айтганда, жиноий иш юзасидан олиб борилган тергов 1938 Гилнинг март ойида тамомланган бўлса-да, айрим масалалар бўйича Абдулла Қодирийни то 1938 йил октябр ойига қадар тергов қилишда давом этдилар. Аммо, шахсан ўзим Абдулла Қодирийнинг қўшимча тергови билан шуғулланган емасман.

Абдулла Қодирийнинг адабий асарлари бўйича тек-шириш ўтказиш ҳақида ҳеч кимга буйруқ бермаганман; хулоса ёзиб бериш ҳақида бирорга топшириқ ҳам берганим йўқ ва бу борада қарор ҳам чиқармаганман. Жиноятномада (56—61-саҳифаларда) мавжуд

бўлган хулосалар кимнинг талаби билан олинганини, мен билмайман.

Тасдиқнома уз қўлим билан ёзилган: ТРИГУЛОВ (имзо).  
6-саҳифадаги тузатии (ўчирилган) тўғридир:  
ТРИГУЛОВ (имзо).

*Терговчи: ТуркХЎ прокурорининг ёрдамчиси, адлия подпо.гковниги Гришиченко  
(имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтниш ашёлари» бўлими, 108—114-саҳифалар).

\* \* \*

Мана, Тригулов «чин дилдан» берган кўргазма билан танишдингиз. Мен эсам, ннма деб «тагсўз» ёзишни билмай қолдим... Охири, тасдиқноманинг ўзбекча матнни умумий дафтаримдаги (русча) аслннат билан яна бир марта таққослаб кўрдим: назаримда, асл нусхага хиёнат қилмаганман, шекилли. Ҳартугул, «ўзбек тилини мукаммал биладиган» Тригулов каминадан ўпка-ламаса керак, чунки унинг «ижоди»ни бузганим йўқ.

Хўш, Тригулов ўн саккиз йилдан кейин нима қилиб қўйганини тўла тасаввур этганми?.. Узбекзабон халқни нақадар бебаҳо бойликдан; агар «Ўткан кунлар» биз учун бениҳоя қадрдон эканини инобатга олсан, бизни қадрдонимиздан ва қадрдонимизданда қадрлироқ, азизроқ бўлажак, албатта дунёга келажак кенжатой «ўткан кунлар»имиздан жудо қилганини; «биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, нккинчиси Фарғона босмачилари орасида» бўлган Ку-мушбибининг баҳтиқаро невараларининг, биродаркушларнинг аччик қисматлари, инқилоб туфайли тубсиз-жар ёқасига бориб қолган оға-иниларнинг «порлоқ ке-лажаклари», суюкли ёрларию суюкли фарзандлари, ҳак йўлда қурбон бўлган матонатли дўстларию эл-юрти-ни сотиб, кўкрак тула НИШОН таққан рақиблари; такбир айтиётган гиёҳлару муқаддас тупроқ ва шу тупроқ остида ором олаётган шаҳидлар; шаҳар майдонларида номаълум томонларга қўл чўзиб турган ёвуз тимсоллар — на қибласининг, на Каъбасининг тайини бор қоп-қора ҳайкаллар, хуллас, бари-бариси ҳақидаги сўлим ривоятлар абас бўлганини, Қодирийнинг-кўзлари очиқ кетганини — замонни, давронни дуоибад қилиб кетганини, миллатига ёруғ кунлар тилаб, нуру ҳидоят тилаб кетганини билганмисан, идрок этганимисан, бад-баҳт Тригулов? Афсус, сен виҷдонинг олдида жавоб бермагансан, фақат терговчининг саволларига «фирқа белгилаб берган Бош йўналиш» асосида — фирқанинг XX қурултойи дастурамалига мос равишда жавоб бергансан, холос. Чунончи; «Ҳамма кулфатларга шахсга сифиниш даври, шахсан ўрток Сталин айбдор!» дейилади XX фирм қурултойида; «Қодирийни қамаш ташаббуси Оғабековдан чиқсан, ҳамма балои оғатларга ўша айбдор!» дейди Тригулов. Ҳаммасига марҳумлар бало-гардон. Боз устига, улар ўзларини ҳимоя қилишга қо-дир эмас, фақат тириклардан имдод сўрайдилар, холос. Сталин ўлди, Оғабеков ўлди... Сафдошлари эса биргалиқдаги қилмишлари учун жавоб топишлари; яшаш, яхши яшашни истасалар, отдан тушсаларда эгардан тушишни истамасалар, эвини қилиб, қаловини топиб қутилиб кетишлари лозим. Акс ҳолда, ў-ӯ, худо кўрсатмасин, ёмон бўлади! Сабр косаси тўлган халқ фирманинг ҳиқилдоғидан олишдан ҳам қайтмайди. Ана, Устамонлар эвини қилиб, сувдан қуруқ чиқди, қандини урсин, азаматлар!

Шундай қилиб, Тригулов ҳам Катта араванинг изидан юрди ва худди терговчининг

кўнглидагидек, ҳатто кўнглидагидан ҳам зиёда қилиб кўргазма ёзиб берди; гўё бирор айтиб туриб ёздиргандек, бирор байрон ёзибдики, бай-бай-бай!

1956 йили ана шундай жавоб қониқарли ҳисобланарди: ахир, у собиқ бошлиғининг гўрига ғишт қалади-ку, Саркотиб мисоли жасорат намунасини кўрсатди. Қани, энди бирор унинг мушугини «пишт!» деб кўрсин-чи!

Хуллас, 56-йилда жиноятчию қотилларнинг ҳамто-воғига тилини тийгани учун беш танга, агар ўз ҳамто-воғини «танқид ва ўз-ўзини танқид» руҳида фош этиб ташласа, яна беш танга мукофот бериларди. Сиздан нима кетди, карнайчидан бир пул-да! «Бекор ётгунча бекор ишла», дейдилар. Шунаقا-ю, лекин падарлаънат Сталин ҳамманинг кўлни қонга ботириб кетди...

— Ҳечқиси йўқ, жигар. Бери кел, қаватимга кир-чи,. ҳар ҳолда, ўзимизнинг одамсан, Шўро ҳукуматига хиз-матинг сингган... Хўш, гапир-чи, ишлар қалай? «Бир-нави». Демак, яхши экан. Ҳали-замон «аъло» бўлиб= кетади, мана кўрасан!.. Уринбосарман, дегин. Энди ўринбосар бўласан-да, давринг келганда роса сурган-сан; айтганинг — айтган, деганинг — деган эди, оғзингдан чиқкан ҳовурга палов пишарди!.. Булар паловга жуда устамикан-а? Оббо, занғарлар-эй, шунинг учун қирқ йилдан бўён «мустақиллик! мустақиллик!» дейи-шиб, дод-вой қилишар экан-да!.. Кеча бир-икки сарг каминани киши билмас чопхонага таклиф қилишди, ле-кин роса отибмиз-да!.. Вой-ей, бошим торс ёриламан деяпти!.. Бўпти, сенга гап ўргатиб ўтиришга ҳожаг бўлмаса керак, кўргазмани ўзинг қаловини келтириб-ёзавер: «правда-мравда»да босилиб ётган мақолаларни ўқигансан, албатта. Ана ўшалардан андаза олгин — ютқазмайсан. Мен кўча-пўчани би-ир айланиб келаман:: юзта отмасам, бош ўлгур ёрилади, шекилли. Айтмоқчи, «Зарафшон»да куйиб сотишадими?.. Эшикбондан топи-ладими?.. Э-э, зўр экан! Мен ҳали янгиман, пихим ёрил-маган, лекин сен шаҳарнинг ҳамма тешигини биласан.. Хўп, bemalol ёзиб ўтиргин, устингдан қулфлаб кетаман; телефон жирингласса, кўтартмагин! Ишқилиб, саволлар тушунарлимни? Ҳа, балли! Гапничувалаштирма,. кавлаштираман десанг— остидан сассиги чиқаверади. Лўнда бўлсин! Московдан кўрсатма бор: қодирийлар» барибир оқланади, ўн саккиз йил қоралангани ҳам етарли... Э-э, худойим-эй, тезроқ бу ишлар тугай қолсайди. келин хотинимни олиб Кримга кетардим, оҳ Майли, мен кетдим: тия кўрдингми — йўқ!.. Уф-ф, гўё чўғ бўлиб турган темирга сув қуйилгандек бўлдида ўзиям! Бай-бай-бай! Хўш, тугатдингми? Қани, кўрайлик-чи... Маъқул, маъқул... Кўнглим сал равшан торт-ди, қурмағур!.. Нима? Мехмонгами?.. Иш кўп, иш Майли, ўйлаб кўраман, вақт топсам борарман. Шу бугун оқшомда? Хўп, кун ботаверсин-чи. Қайси кўчада турасан?.. Дуруст, марказда экансан. Аммо-лекин, паловга жуда уста бўлишар экан, баранлар!..

Битта ёлғончи уч-тўрт кишини ёки битта қишлоқ аҳолисини алдаши мумкин, лекин иккинчи қишлоқ аҳли албатта уни ушлайдида сазойи қиласди. Бутун бошли ҳалқни ким алдаши мумкин? Равшанки, бир ҳалқ ўзига ўхшаган бошқа бир ҳалқни алдай олмайди — ўзи тирикчиликдан қолиб кетади. Боз устига, нариги ҳалқ ўзига ўхшамаса, дини, тили, урф-одати бошқача бўлса, икки дунёда ҳам қўшнисини алдай олмайди: гапига ишонтиrolмайди; қовушмайди — бегонасирайди. Ҳамманинг ташвиши ўзига этиб ортади. Агар фурсат топса, «ойнаи жаҳон»да берилаётган томошаларни кўради ва асло «Гуржистондаги севган ўртоғи»га хат-пат ёзиб вақтини зое кетказмайди ёки «Оксананими, Роксана-ними келин қиласман!» деган ниятда атайлаб Украинага

совчиликка бормайди: ундан кўра, эллик минг сўм қалини бўлса-да, хоразмлик қизларни афзал кўради!

Қатли ом даврининг энг ҳайратомуз жиҳатларидан бири шундаки, бутун бошли халқ қип-қизил Елғонга чиппа-чин ишонадиу ўтираверади! Фақат оми одамлар, жаҳолат ботқоғига ботган кимсаларгина эмас, ҳатто халқнинг ақл-идроқи, виждони, ғурури, ҳисобланган устозлар, «адабиёт атомдан кучли» эканига фаҳм-фаросати етиб турган ёзувчилар, шоирлар, танқидчилар ва жамики (деярли) зиё ахли алданганлар. Таассуфки, қайта-қайта алданаверганлар. ЁКИ худди кўкнори кайрини сураётган бангилар мисоли сароб қўйнида юзиб юришни, алданиб яшашни афзал кўрганлармикан?

## АНГЛАТМА

*Тергов тасдиқномаси*

«1956 й. 21 декабр, УСТЬ-НЕРА.

Индигирдаги Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳи прокуратурасининг катта терговчиси ФАТРАКОВ ЎзСШЖнинг Кўқон шаҳрида 1913 йили туғилган, милла-ти бўйича ўзбек бўлган, олий маълумотли, адабиёт муаллими, СШЖИ фуқароси, оиласи, 1938 йилда Уз-СШЖ ЖМнинг 14-моддаси орқали 64-, 67-моддаларга асосан ўн йил муддат билан Ахлоқ тузатиш Меҳнат Тутқунгоҳига қамоққа ҳукм этилган ва беш йил муддатга барча хуқуқлардан маҳрум этилган Иброҳим Назировни гувоҳ сифатида сўрок қилади.

*Гузоҳ агар ёлғон кўргазма берса, РСФСР ЖМнинг 95-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортмилажаги тўғрисида огоҳлантирилди: (гувоҳ имзоси).*

«Индигир АТМТ прокуратурасининг катта терговчиси томонидан таклиф этилган саволларга қуидагича кўргазма бераман:

1935 йилдан то 1938 йилгача мен Тошкент шаҳрида яшаганман ва ўша ерда Үқитувчилар тайёрлайдиган институтда адабиёт муаллими бўлиб ишлаганмай, шу бнлан бир вақтда Педагогика институтида ўзбек тилидан дарс берганман. То қамоққа олингунимга қадар Тошкентдаги ўша муассасаларда ишлаган эдим.

Професор Гози Олим Юнусовни 1933 йилдан бери биламан: чунки у мен ўқийдиган Самарқанд Давлат дорулфунунида дарс берарди. Доцент Иброҳимовни эса 1935 йили яқиндан танидим. Самарқандда юрган кезларим — 1933 йилда Иброҳимов деган илмий ходим борлиги тўғрисида эшитганман, холос. Лекин Самарқандда Иброҳимовни танимасдим. Фақат Тошкентга келганимдан сўнг Юнусов ва Иброҳимов бнлан яқиндан танишдим. Иброҳимов билан битта кафедрада ишлардик. Лекин номлари зикр этилган шахслар билан ҳеч қандай шахсий алоқамиз йўқ эди; кейингиси билан иш юзасидангина муомала қилардим, холос. Мен Сам-ДДда таҳсил кўриб юрган кезларимда, таҳминан, биринчи ёки иккинчи курсда ўқиётганимда ёш камоллар сафига ўтганман. Юқори курсга, таҳминан, учинчи ёки тўртинчи курсга ўтганндан сўнг, ўзим ҳам талабаларга сабоқ бера бошладим. Шунинг учун ўша пайтда Юнусов билан учрашмаганман. Аммо

Юнусовни унинг асарлари чоп этилнб турадиган матбуот ва рисолалар орқали танирдим. У Чўлпон, Боту, Элбек каби эски ёзувчиларни — ўз асарларида буржуй миллатчилигини тўлиб-тошиб куйладиган, буржуй тузумини кўкларга қўтариб мақтайдиган ёзувчиларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатарди. Мен учинчи курсда ўқиб юрган кезларим дорулфунуннинг қўпнусхали «Ленин байроби» рўзномасига масъул котиб эдим. Менга ёш камоллар ташкилоти, шунингдек, фирмә ташкилоти ҳам доим йўл-йўриқ кўрсатиб турарди; яъни юқорида номи зикр этилган рўзноманинг ўткир тиғини эски ғоявий қарашларга қарши йўналтиришим лозим эканини таъкидлашарди. Эсимда, ўша рўзномада, ҳозир фамилиясини яхши эслолмаётган доцентнинг мақоласи чоп этилди. Эсимда, у бизга «Диалектик материализм тарихи» фанидан сабоқ берарди. У ўзининг «Тарихини материализмнинг ривожланишида В. И. Лениннинг роли» деган мақоласида, эслашимча, профессор Юнусовнинг бузук ишларини фош этган эди ва ўз асарларида ўтмнш буржуй адабиётинн, мумтоз адабиётни мақтайдиган Юну-сов каби плмний ходимлар билан қандай кураш олиб бориш масаласини етарлича ёритган эди." Ҳозир ҳам эсимда турибдики, мақолада таъкидланишича, Юну-сов ўз хатоларини жуда кам фош этар экан, ўзинн деярли танқид қилмас экан. Лекин, мақолада кўрсатилган Юнусовнинг хатоларн айнан нималардан "ибо-рат эканин ҳозир аниқ эслай олмайман. Мен дорулфунуннинг IV курсида ўқиб юрган кезларим Юнусов бизга «Узбек тилининг услубшунослиги» фанидан дарс бера бошлади. Юнусов ўзининг биринчи маъruzаси пайтида ҳам, кейинчалик ҳам курсимиз талабаридан: «Менинг маърузларимни диққат-эътибор билан тинглангизлар, агарда мен бирор-бир хатога йўл қўйсам, дарҳол тўғрилаб кўйинглар», деб илтимос қиласарди.

Юнусов маъруза ўқиётган пайтида ўз фикрини исботлаш учун мумтоз адабиётнинг Чўлпон, Боту, Элбек каби вакиллари ижодидан мисол келтира бошласа, талabalар дарҳол унинг хатосинн кўрсатиб беришарди ва Уйғун, Ғафур Ғулом сингари хизмат кўрсатган Шуро ёзувчилари ижодидан мисол келтиришни илтимос қилишарди. Шундан сўнг, Юнусов узр сўрарди-да, ўз навда буржуй мумтоз адабиётининг Чўлпон, Боту, Элбек каби вакиллари ижодини танқид қиласарди. Тошкент Педагогика институтида Иброҳимов, Юнусов билан биргаликда ишлаб юрган вақтимда Узбекистон ада-бнётининг илғор намояндалари ҳақида Иброҳимов томонидан айтилган акси инқилобий, миллатчилик рухи-даги гапларни эшитганим йўқ. Аксинча, Иброҳимов кўпинча менга Уйғун, Ғафур Ғулом каби Шуро ёзувчилари асарларидан фойдаланишин маслаҳат берарди. Мен Иброҳимов билан ўзаро сұхбатлашган пайтимда бир нарсани англаб етдимки, у Юнусовни зиқналиги учун ёмон кўрар экан! Бундан ташқари, Юнусов ўсиб келаётган Иброҳимов каби ёш олимларга ўз тажрибаларини ўргатишдан кўрқар экан. Ростини айтсам, Иброҳимов Юнусовни жуда ёмон кўрарди. У талabalар ўртасида Юнусовга нисбатан катта обрўга эга эди.

Иброҳимов уйида қандай иш билан шуғулланганини мен билмайман, албатта. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истайманки, Иброҳимовнинг асарларида ҳам, маърузаларида ҳам ҳеч қандай акси инқилобий унсурни учратмаганман. СамДДда ўқиб юрган пайтларим асло Юнусов асарларидан фойдаланмасдим., Тошкент Педагогика институтида ишлаб юрганимда ҳам ҳеч вақт талabalарга Юнусов асарларидан фойдаланишин маслаҳат бермаганман. Адабиёт соҳасида Иброҳимов Юнусовга қараганда хийла илғор бўлса-да, лекин талabalарга ҳатто Иброҳимовнинг асарларидан

фойдаланишни ҳам тавсия этмасдим. Агар янг-лишмасам, Юнусовнинг нлмий асарлари жуда оз эди. Юнусов айнан қайси асарларида аксилинқилобий, миллатчилик ғояларини олға сурганини аниқ айтольмайман, чунки мен уларни билмайман. Эсимда бор, бир замонлар Юнусов ишлайдиган илмий-тадқиқот институтида аспирантларга Юнусов тезислари тарқатилган эди. Миш-мишларга қараганда, у ўзининг ўша тезисларида аксилинқилобий, миллатчилик ғояларини илгари сурган экан, бироқ Юнусовнинг юқорида айтилган тезисларини мен ўз кўзим билан кўрганим йўқ, фақат довруғини эшигтанман, холос. Шунинг учун Юнусовнинг тезисларида қандай аксилинқилобий, миллатчилик ғоялари борлигини аниқ айтольмайман. Чунки ўша тезислар илмий тадқиқот институтндан ташқарига чиқарилмаган.

Ёзувчилар ўртасидаги аксилинқилобий ташкилотга Юнусов раҳбарлик қилган ёки қилмаганини билмайман. Матбуотда эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистонда аксилинқилобий ташкилот борлиги ҳақидаги маълумотни учратганман, аммо ўша ташкилотни ким бошқарганини айтольмайман. Чунки мен у пайтлари жуда ёш эдим ва бунақа гапларга унчалик эътибор бермасдим.

Мен дастлабки тергов жараёнида берган кўргазмаларим ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Негаки, Езувчилар уюшмасидаги аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотига ҳеч қачон аъзо бўлган эмасман ва умуман, Ўзбекистонда шундай ташкилот борлигини ҳам билмайман. Тергов қилинган пайтларимда ўша кўргазма тасдиқномаларига терговчилар бўлмиш катта лейтенант Андреев билан сержант Сааковнинг менга нисбатан ўтказган жисмоний тазииклари натижасида имзо чекишига мажбур бўлганман. Улар ўзлари ёзган кўргазма тасдиқномасига зўрлик ишлатишиб менга имзо чектиришган.

Жўнаб кетишимдан илгари, аниқроғи, мени судга чақиришларидан сал олдин Андреев огоҳлантириб қўйди: «Агар ҳозир судда, ўз айбимга иқрорман, деб айтсанг, суд сени бор-йўғи бир йил муддат билан озодликдан маҳрум этади, холос. Мабодо судда, мен айбимга икрор эмасман, деб айтсанг борми, шу заҳоти мен судга шунақаям бир ажойиб таърифнома ёзнб бераманки, натижада сени отиб ташлашади!» Уртамиизда ана шундай гап-сўз бўлиб ўтган пайтда хонада Андреев икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Андреев билан гапимиз охирига етар-етмас хонага иккита аскар кириб келдию мени судга олиб чиқиб кетишли.

Суд раисининг ҳам, маслаҳатчиларнинг ҳам исм-фамилиясини билмасдим, ҳозиргacha билмайман. Нега-ки, суд менга ҳукм тасдиқномасидан бир нусха бермади. Эсимда бори шуки, судга киришим биланоқ раис мендан: «Сиз ўз айбингизга иқрормисиз?» деб сўради. Унга мен шундай жавоб бердим: «Мен фақат профессор Ғози Олим Юнусов билан битта кафедрада ишлаганим учун ўзимни айбдор деб биламан, холос». Шундан сўнг, тергов қандай пўсинда олиб борилгани, мепи қандай сўроқ қилишгани ҳақида гапириб беришга ижозат сўрадим. Лекин суд раиси менга ижозат бермади, бу масалани терговчи билан ҳал қиласиз, деб жавоб бердию аскарлар дарҳол мени суд залидан олиб чиқиб кетишли. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, мени яна суд залига чақиришли ва менга ҳукмни ўқиб эшигтириши. Яна тағин ўз фикримни билдириш учун ижозат сўрадим, аммо барибир менга сўз беришмади. Кейин терговчи Андреев билан учрашмоқчи бўлдим. Бироқ, у билан учрашувимга ҳам имкон беришмади.

Мен тергов қандай олиб борилганинн гапириб беришни истайман: Андреев мени фақат кечқурунлари сўроқ қиласди; агар Андреев чарчаб қолса, ўрнига сержант Сааков

келарди, бу терговчини мен аввалдан та-нирдим: у Тошкент Педагогика институтида мен билан битта ёш камоллар ташкилотида хисобда турарди. Сааковдан, менинг айбим нима, деб сўрадим. «Бу ишга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ; сен рўйхатга тушгансан, сени албатта суд қилишади, шунинг учун яхшиликча кўргазма тасдиқномасига имзо чекиб бера қолгин», деб жавоб берди терговчи. Шунга қарамай, бир неча марта, мен қанақа рўйхатга тушган эканман, деб «Ўйладим, аммо барибир саволимга жавоб ололмадим.

Кўйидаги кишилар мени яхши танир эдилар: Абдулла Қаҳхор, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасида ишлайди; Ғафур Ғулом, у ҳам юқорида кўрсатилган жойда ишлайдп; Уйғун — Узбекистон ёзувчилари уюшмасининг раиси; Салимов, 1938 йили Тошкент Педагогика институтида илмий ходим бўлиб ишларди; Сулаймонов, у ҳам Тошкент Педагогика институтида илмий ходим-бўлиб ишларди; Шокир Сулаймонов, Ўзбекистон ёзувчиси. Номлари кўрсатилган кишиларнинг ҳаммаси-Тошкент шахрида яшайдилар.

Сўроқ тасдиқномасига яна нималарни қўшимча қилишни истайман? Сўроқ тасдиқномасига бундан бошқа ҳеч нарсани қўшимча қила олмайман.

*Тасдиқномага сўзларим тўғри ёзилган, уни ўзим ўқиб кўрдим.  
Назиров (имзо).*

*Терговчи: Индигир Ахлоқ тузатиши Мехнат Тут-қунгоҳи прокуратурасининг катта  
терговчиси Фатраков (имзо).*

*Нусха тўғри кўчирилган: ТуркҲЎ Ҳарбий прокуратураси иши юритиши бўлимининг  
мудири, кичик ҳуқуқшунос Мушеева (имзо).*

1956 йил 8 март».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 10—13-саҳифалар).

1956 йили Иброҳим Назиров ўн саккиз йил гул умрини қамоқда ўтказган эди: у йигирма беш ёшида ўн йил муддат билан озодликдан маҳрум этилади ва яна-беш йил ҳуқуқсиз фуқаро сифатида вилоятларнинг марказий шаҳарларидан, пойтахтдан йироқда яшаши лозим эди, сўнгра 1953 йили барча ҳуқуқлари тикланган, «ахлоқи тузатилган» кишилар сафидан ўрин олмоғи даркор эди. Бироқ, баҳтга қарши, П. Назировнинг қамоқ муддати тугайдиган пайт яқинлашган кезларда тегирмонбоши — этикдўз жўгининг ўғли Иосиф Сталин ўлмайди. Тегирмон ҳаммоллари зса жон терига ботиб ишлашарди — тегирмонбошига яхши кўринмоқчи бўлишарди: бир замонлар тегирмонбоши томонидан чиқарилган хукмларни мантиқан поёнига етказиб қўйишни исташарди «халқ душмани» тамғаси билан қамалган маҳбусларни тутқунгоҳда чиритиб юборишни хоҳлардилар, маҳбуслар тепасига қуролли соқчилар қўйишиб, ботқоқликни ағдар-тўнтар қилдиришарди — гўё тилло-

қидиришарди; аслида, «тилло вассасаси» амирқолик ёзувчи Жек Лондон чўнтагидан XX аср бошларида тўкилиб қолган эски мавзу эди, буларнинг мақсади бошқа бўлиб, ўз ниятлари нима эканини ўзлари ҳам билишмасди, факат тегирмонбошининг дохиёна кўрсатмаларини амалга оширишаётганини, «порлоқ келажак»ка тезроқ жадал суръатлар билан етиб бориш учун зудлик билан барча жабҳаларда «империалист давлатларни қувлаб ўтиш лозим» эканини чала-чулпа билишарди, холос. Йўқ, ҳатто чала-чулпа ҳам билишмасди, факат ўзларини билағон қилиб кўрсатишарди, улуғ мақсад йўлида «халқ душманлари»ни вабога гирифтор қилсак — бас, марра бизники, дейишиб хомтама

бўлишарди. Албатта, бекорга хомтама бўлишмасди — хомтама бўлиш учун етарли асосга эга эдилар: ора-орада, турли-туман инқилобий ва ҳукумат байрамлари арафасида дохий «мутлақо махфий» фармон чиқарарди ва «қоммунистик меҳнат жанггоҳида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ўртоқларни» Қизил, Кўк, Оқ, Қора нишонлар билан тақдирларди. Сўнгра, марказий матбуот саҳифаларида Нишондор «коммунизм қурувчилар»нинг ғалаба Рапорти, шахсан дохий номига йўлланган мактублари чоп этиларди. Маддоҳ ғояфурушлар эса кечани — кеча, кундузни — кундуз демай, Шўро шоирларига «ғоявий пишиқ» шеърлар ёзиб бериш масаласида топшириқ беришарди; буюртма шеър битгунча — бурни қип-қизил пиёниста шоирлар арақ .шишасини қучоқлаб, очомлаб... илҳом парилари билан зино қилишгунча эса, ҳар эҳтимолга қарши. илгари «ёзуб қўюлғон» даъватномалардан ғалабабоп ўринларини топишарди-да, кўчирмаларни рапорт остига маташтириб чоп этишарди. Хусусан, мана бундай:

«Галабанинг ўзи келмайди, дўстим!  
Тер тўкиб, қон кечиб оласан уни..»

Шу баҳонада «ғоявий фронт»да жанглар қизиб кетарди: нега инқилобий, Маркс—Ленин — Сталин мавзуларида Фалончи қалам тебратмаяпти? Нима учун фалон китобда фирмә ташкилотининг раҳбарлик ўрни кўрсатилмади, муаллифнинг ижтимоий чиқиб келиши мустаҳкамми ёки... текшириб кўриш керакмикан-а? ва ҳоказо мазмунда фирмәвий — курашchan мақолалар пайдо бўлардию Фалончи тўхтовсиз равиша инқилобий, Маркс — Ленин — Сталин мавзуларини шудгор этилишга киришарди; шу кечаси кайф аралаш «улуг русс ҳалқига» шеър бағишишларди ва Сталин «урилгач», «Сталин билан иккимиз» деган мисрани ўзгартириб, ўрнига... «хотиним билан иккимиз!» деб тузатиш берарди... Лекин ёстиқдек китоб муаллифи асарда фирмә ташкилотининг етакчи ўрнини кўрсатгунча, батрак қаҳ-рамони чўнтағига фирмә паттасини солиб кўйгунча соchlарини оқартириб юборарди, сўнгра ижтимоий чиқиб келиши мустаҳкам эканини исботлайдиган расмий ҳужжатлар тўплаб, уларни тегишли идора тасдиғидан ўтказиб, маъқуллатиб олгунча гўё онадан қайта туғиларди: ўз замонида рус «рабочийлари»га, йўқсулларга яқинлашмасдан, инқилобий кураш йўлларини ўрганмасдан, Фарғонанинг овлоқ қишлоқларида темирчилик билан машғул бўлган... Довуд пайғамбарнинг гўрига ғишт қаларди ва охири «котам фирмә аъзоси бўлмасада, аммо у даҳрий эди — ҚУРЬОНИ каримни оёқ остига олиб тепкилаганини ўз кўзим билан кўрганман, гувоҳларим ҳам бор!» деб болалик хотирасини қофозга туширадио эртакларини иссиғида матбуотда чоп этарди, сўнг танқидчи шогирдларини «ҳашар»га чорлаб, яхши асари тўғрисида баҳс-мунозара уюштиради; ўзи эса сўсалистик реализм методининг асосчиси бўлмиш Максим Гўркийнинг шогирди эканини кўпчиликка билдириб қўярди, ана иннадкейин... эндиғина босмахона тандиридан узилган китобининг биринчи саҳифасига ялтоқи дастхат ёзардида, бедана юриш қилиб Марказ-қўм Саркотиби ҳузурига кириб бораради ва эгилиб букилиб китобини унга совға қиласарди; зора керакли жойда шипшитиб қўйса, деган илинжда инқилобни, Маркс — Ленин — Сталин таълимотини кўкларга кўтарарди, фирмә ташкилотининг раҳбарлик истеъододига таҳсинлар ўқирди ва «яқин келажакда коммунизм қелажа-гига» Саркотиби қайта-қайта ишонтириб чиқар эди.

Ғоявий фронтда ялин ҳужум бошлаб кўйган «бир ГУРУҲ ўртоқлар» эса «Беломор

канал» курилиши ҳақида — янги ва янги хилма-хил қаҳрамонликлар ҳақида режа тузишарди, чизма чизишарди, ҳисоб-китоб қилишарди, ниҳоят, ягона тўғри йўлни топишарди: «халқ душманлари»ни ярим кечаси хуфя йўл билан битта-битта Тутқунгоҳ маҳкамасига олдириб келишарди ва: «Хўш, ёзувчи, ишлар қалай? Фирқамиз сиёсатидан розимисан? Октябр байрами куни ўртоқ Сталиннинг Қизил мандонда намойишчиларга кўлини кўтариб туриб тушган суратидан илхомландингми? Айтчи, ўз устингга яна қандай оширилган сўсалистик мажбурият оласан?.. «Билмасам», дейсанми? Э-э, йўқ, муғомбирлик қилма, сен бизга очиғини айт: оқ қайнин остига элтиб, пешонангдан отиб ташлайликми ёки...» Албатта, «халқ душмани» тилдан қолади, қулт-қулт ютинади, дирдир титрайди... «Шундай қилиб, ўрмон четида бўри қўзичоқни еб қўйибди!» деб аския қиладилар «бир гурух ўртоқлар». Сўнг, илова қилишади: «Терговчи Андреевнинг охирги гапи эсингдами?.. Ҳа, балли эсингдан чиқ-масин — ўша гап ҳисоб! Бор, тошингни тер!»

Ун беш йилдан кенин этикдўзнинг ўғли ўлади, жасадни зўр тантаналар билан (Ўрда ўликхонасида бир ҳафта сасиб ётганини авом билмайди, албатта) В. П. Лениннинг ёнгинасига, ойнаванд қабр остига қўядилар; сафдошлари: «Сталин ўлди, лекин унинг ниши ҳамиша аёт!» дейишиб, қабр устида қасам ичадилар. Зимдан ўликка қарши фитна ҳозирландилар ва фирқанинг XX қурултойида «шахсга сигиниш» даври кораланади. «Узоғи билан йигирма беш йилдан кейин, Ленин айтган пайтда — 1980 йилда коммунизм қурилади!» деб жумлаи жаҳон лаққа ишонтирилади... «Ана ундан кейин онанг иккимиз коммунизм боғида сайр қиласиз!»

—Хулласмана шунаقا гаплар, фуқаро маҳбус! Савол борми?.. Йўқ, албатта. Ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Олға, факат олға!

—Ташаккур, фуқаро терговчин!

—Хўш, оламда нима гап, фуқаро Назиров?

—Оламда ҳеч гап пўқ, фуқаро терговчи. Лекин бит босиб кетди...

—Майли, оламни бит босаверсин, аммо халқ душманлари босмасин. Нима дедингиз?

—Мъқул, фуқаро терговчи!

—Айтингчи, Сиз Ғози Олим Юнусов билан Иброҳим Турсунов деган кимсаларни танийсизмн?

—Танийман, фуқаро терговчи...

—Дарвоқе, ўз устингизга яна оширилган мажбурият олдангизми-йўқми?

—Олдим, етти йиллик режзим уч ярим йилда бажаришга ваъда бергакман: бирйўла ўнта болтанинг ишни бажаряпман!

—Балли, азамат!.. Қани. бўлмасам, гапиринг-чи!

—Нимани гапирай, фуқаро терговчи?

—Тутқунгоҳда қанча ётдикгиз?

—Э-э, сўраманг, фуқаро терговчи, сўрагулиги йўқ!

—Хўп, билганингизни гапиринг, лекин ёлғон гапир-манг: Юнусов қанақа одам эди, Иброҳимов-чи?..

Ўн саккиз йил тутқунликда яшаган маҳбус... йигирма беш яшарлигида қамалган маҳбус... Ун саккиз яшар қизга эртаклар сўйлаб бериши лозим бўлган маҳбус... Азобуқубатлар исканжасида, дўст-ёронлар дийдоридан йироқда, Ўзбекистондан, ҳаётдан олисда, тонгдан шомгача «оширилган мажбурият ҳисобига меҳнат қилган», қарағайлар,

оқ қанинлар остида эзилиб кетган, чол бўлиб қолган маҳбус нима ҳам дерди?.. У ёшлик пайтида беғубор қалби қандай оғу билан заҳарланган бўлса, энди ўша оғуни пуркайди: «синфий нуқтаи назар», «танқид ва ўз-ўзини танқид», «буржуй миллатчиларини фош этиш» руҳида сўзлай бошлайди, унинг сўzlари ҳаёт билан ҳамнафас терговчининг кулгисини қистатади, холос. Маҳбус эса... «халқ душманлари»нинг айблари нималардан иборат эканини «аниқ зслай олмаса-да, лекин улар Боту, Чўлпон, Элбек каби мумтоз адабиёт вакиллари асарларидан мисоллар келтирганини, синфий хушёр талабалар профессор-муаллимнинг ғоявий хатоларини бот-бот тўғрилаб туришганини» ҳали унутмаган эди. Хуллас, телба-тескари замон ҳақида гувоҳлик беради: «халқ душмани»нинг эмас, «халқлар отаси»нинг ва унинг малайларининг мудҳиш айбларини фош этиб қўяди — улар алдаганлар, булар алданганлар! Иброҳим Назиров Давлат Сиёсати томонидан алданганларнинг бири сифатида қўргазма беради. Ишонмасангиз, И. Назиров тасдиқномасини яна бир бора ўқиб кўришингиз мумкин, азиз биродар!

Надоматлар бўлғайким, алданганлар рўйхати Тутқунгоҳ маҳбусларни чалажон ҳолатда хандакларга кўмиб ташланган шахидлар билан чекланмайди. Бир умр ўз виждонларинга хиёнат қилмасдан яшаган зотлар ҳам алданганлар, ЕЛГОН СИЁСАТГа қул бўлиб яшаганлар: ҳартугул, улар иложсизликдан диққинафас ҳаёт кечирганлар, йиқилганларни балчиққа қормаганлар; ўзлари ёвузыликка қарши бош кўтартмаган бўлсаларда, қўлларидан келса, Ҳақиқатни ҳимоя қилганлар — Ҳақ учун курашган, Ҳақ йўлда қурбон бўлган инсонлар руҳини пок сақлашга уринганлар, суринганлар.

*Ўзбек халқининг отаини фарзанди Мақсуд оға ШАЙХЗОДАнинг гувоҳлик қўргазмаси шу жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.*

### «ГУВОҲНИНГ ТЕРГОВ ТАСДИҚНОМАСИ

1956 йил 12 апрел Туркистон Ҳарбий Улкаси прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Грищенко ЎзСШЖ Жиноий Жараён Мажмуаснинг 16-, 25—27-моддаларига амал қилган ҳолда қуида номи зикр этилган шахсни гувоҳ сифатида Сўроқ қилди: Мақсуд Мақсудовнч ШАЙХЗОДА. 1908 йили Озарбайжоннинг Оқтош шаҳрида туғилган. Оиласи. Тошкент Педагогика институтининг ўқитувчиси. Езувчи. Олий маълумотли. Филология фанлари номзоди. Айланувчига бегона. Илгари судланмаган. Фирқа аъзоси эмас. Доимиј яшаш жойи — Тошкент шаҳри, 9-январ кўчаси, 16-йй, 48-хонадон.

«Агар қўргазма беришдан бош тортсам ёки ёлғон қўргазма берсам, ЎзСШЖ ЖМнинг 224—225-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишим ҳақида терговчн мени огоҳлантириди:

*гувоҳ имзоси (M. Шайхзода).*

Абдулла Қодирий билан шахсан танишганимга қадар — 1932 йилгача ҳам унинг номи менга яхши таниш эди. 20-йилларнинг охирларида ва 30-йилларнинг бошларида муаллимнинг икки романи — «Ўткан кунлар» билан «Мехробдан чаён» жуда катта шовшувларга сабаб бўлди. У ўз вақтида навқирон Шўро зиёлилари ўртасида — талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар, физикачилар ва Ўзбекистон санъат усталари ўртасида ниҳоятда машҳур эди. Боз устига, таҳминан, 1927 йили Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан

чайён» романи Холид САИД томонидан озар тилига таржима қилиниб, Боку шахрида чоп этиладио ёзувчи Озарбайжонда ҳам машхур бўлнб кетади.

Абдулла Қодирий бекорга шуҳрат қозонмаган эди. Ҳамма гап шундаки, ўтмишда ўзбек адабиётида роман жанрн йўқ эди: Абдулла Қодирий ўзи фойдаланиши мумкин бўлган қардош халқлар адабиётларининг, хусусан, озарбайжон, татар, ўрис адабиётларининг таж-рибаларидан фойдаланиб, биринчи ўзбек романини — Еврўпа адабиёти мезонлари билан ўлчанадиган романни яратди. Абдулла Қодирий ана шу романлари билан фавқулодда истеъдод соҳиби, йирик асарлар устаси эканини исботлади. Бу романлар инқилобгача бўлган Туркистон халқини, тарихий шароитни жуда яхши биладиган билимдон киши томонидан завқ-шавқ билан гўзал ёзилган. Романлар ана шу жиҳатлари билан жуда катта бадиий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Романларнинг ғоявий аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, чин дилдан қуйидагиларни таъкидлаш лозим: юқорида номлари қайд этилган икки романда XIX асрнинг 50—60-йилларидағи воқеалар тасвиrlenади, яъни мавзу хийла донғи чиққан Кўқон хонлигининг подшоҳ — Худоёрхон ҳукмронлик қилган даврдан белгиланган. Ушанда хонлик ғалаёнлар, ихтилофлар, ўзаро майда-чуйда низолар даврини, иқтисодий ва сиёсий таназзул даврини бошидан кечирарди (айтмоқчи, ўша замонлари Тошкент ҳам хонлик тасарруфида эди). Мана шу давлатни тутуриқсиз, калтабин, иқтидорсиз, ўзбошимча хон Худоёр бошқаарди.

Иккала романда ҳам воқеалар Фарғона (Кўқон, Марғилон) билан Тошкентда кечади. Абдулла Қодирий ўша замонларда хон зулмига, амалдорларнинг бебошлигига, сарой ахлининг бузуқлигига, «хонлик салласи остидаги чаёнлар»нинг маккорлигига, муноғинқлигига, текинхўрлигига қарши курашаётган меҳнаткашлар билан зиёлиларнинг олижаноб қиёфаларини ишонарли, ёрқин акс эттиради. Шубҳасизки, 20-йилларнинг ўрталарида, адабиётимизда сўсалистик реализм методи эндиғина ўзига йўл очаётган пайтларда Абдулла Қодирий ўзи қаламга олган даврнинг барча масалаларини бехато ҳал этиш учун ҳали марксча-ленинча таълимотни етарли даражада ўзлаштириб олиши мумкин эмасди.

Ҳа, ўша йилларда ҳеч қандай хатога йўл қўймаган ёзувчилар жуда ҳам озчиликни ташкил этишарди. Муҳими шундаки, Абдулла Қодирий хон замонидаги феодал ахлоқни танқид остига олади: ёввойи одамхўрлар ҳукмронлик қилган оғир замонда қурбон бўлган олий-жаноб, суюмли, ҳалол инсонлар тимсолини самимий муҳаббат билан тасвиrlайди. Абдулла Қодирий романларининг сиёсий-тарбиявий аҳамияти ана шундадир.

1929 йили мен, Шарқ куллиётининг барча талabalari каби «Мехробдан чаён» романнинг қўллэзма нусхасини, роман китоб ҳолида чоп этилмасдан илгари ўқиганман ва уни бошқаларга берганман — қўллэзма саҳифалари қўлдан-қўлга ўтиб юрарди. Уни мутолаа қилаётган ўқувчилар Шўро талabalari, ёш камоллар эдилар. Китоб ёшларда ўтмишни соғиниш кайфияти (барча ташкилотларда мавжуд бўлгани каби Иўқсул ёзувчилар уюшмасидаги сўл кучлар айнан ана шундай даъвони илгари сургандилар) уйғотмади, балки уларда хон зулмига нисбатан нафрат ва мирзо Анвар билан Раъно образларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотди.

Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» романни ҳақида шуни айтиш лозимки, бу ўзбек қишлоқларини сўсалистик асосда қайта қуриш масаласига бағишиланган ilk йирик, жиддий асардир. Муаллиф меҳнаткаш дехқон тимсоли орқали ўзбек дехқонлари

тақдирида рўй`бераётган илғор ўзгаришларни акс эттиришга ҳаракат қиласи ва маълум маънода ўз олдига қўйган мақсадга эришади.

Абдулла Қодирийнинг романлари ҳозир қўл остимда йўқлиги сабабли мен ўша асарларга аниқроқ таъриф беришга қийналяпман; деярли йигирма йил аввалги таассуротларимга сунаяпман, баъзан мушкул аҳволга тушиб қоляпман.

Бундан ташкири, мен аниқ биламанки, 20-йилларнинг ўрталарида (эҳтимол, сал кейинроқdir) Абдулла Қодирий биринчи бўлиб Гоголнинг «Уйланиш» комедиясини ўзбек тилига таржима қилган эди ва ўша асар драматик театру саҳнасида (Абдулла Қодирий таржимаси асосида) зўр муваффақият билан ўйналади. Ҳозирга қадар Ҳамза номидаги театрининг кекса артистлари (масалан, ЎзСШЖ Халқ артисти Сапфи Қориев) Абдулла Қодирий таржима қилган ўша пьесадаги теша тегмаган жумлаларни такрорлаб юришни яхши кўришади.

Аввал Урисия Йўқсул ёзувчилари уюшмаси деб аталағидан ёзувчилар уюшмаси (Бутун иттифоқ қоммунистик (боловойлар) фирмаси Марказқўмининг 1932 й. 23.IV кунги қарорига мувоғиқ) қайта қурилгач ва СШЖИда ягона ёзувчилар ташкилоти вужудга кел-тирилгач, мен Абдулла Қодирий билан шахсан танишдим. Абдулла Қодирий Езувчилар уюшмасига тез-тез келиб турарди, адабий жарида Тахир ҳайъатининг аъзоси эди; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқармасининг ҳам аъзоси эди. Сўнгра, у СШЖИ ёзувчиларининг қурултойига делегат бўлади.

Мен ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто айбловчилар оғзидан ҳам, Абдулла Қодирий аксилшўравий мазмунда латифа айтибди, деган гаппи эшитганим йўқ. Тўғри, мен Абдулла Қодирий билан қалин оғайни эмасдим. У пайтларда бошловчи ёзувчилар уюшмага қисиниб-Кимтишиб, зўрға боришарди; Қодирий эса шон-шуҳратта бурканган беназир ёзувчи эди; у бениҳоя камтар, камсуқум бўлса-да, мен—«бўзбола» ўзимни асло у билан тенглаштира олмасдим. Қолаверса, Шарқ удумига кўра, ёши улуғ кишилар алоҳида ҳурмат қилинадилар: мен ҳам, менга тенгдош ёзувчилар авлоди ҳам устоз билан одоб доирасида муомала қиласдик. Шунга қарамасдан, ҳаммамиз у ҳақда ҳалол устоз, меҳнатсевар, билимдон, истеъдодли ёзувчи, деган яқдил фикрда ЭДИК.

Битта воқеа ҳали-ҳали эсимда. 1933 йили Тошкентда атоқли фарангি қўммунист-ёзувчиси Пол Вайян-Кутюре ташриф буюрди. Ёзувчилар уюшмасида уни қабул қилиш маросими бўлди; маросимда Абдулла Қодирий ҳам иштирок этди. Хайрлашув пайтида Вайян-Кутюре машҳур ўзбек ёзувчиларидан дастхат сўради. Абдулла Қодирий Вайян-Кутюре берган дафтарга араб алифбосида, ўзбек тилида дастхат ёзди-да, кейин ёзганларини ҳамма эшитадиган товушда ўқиб берди— у ёзган дастхат, тахминан, қуйидаги мазмунда эди: «Мен озодликка чиқсан Ўзбекиетонпинг кекса ёзувчисиман. Озодликка эришувимизда бизга ўрис боловойлари ёрдам бердилар. Энди Сиз, муҳтарам зот, фарангি қўммунистлари орқали Фарангистон зулми остида эзилиб ётган Шимолий Африқо халқларига аллангали салом йўллайман: ишқилиб, улар ҳам мустақилликка зришсинлар! Умидим шулки, бул борада уларга фарангি боловойлари ёрдам беражаклар!» Менинг фикримча, Абдулла Қодирий бизнинг вазиятимизда турганини англаш учун мана шу далилнинг ўзи етарлидир.

Абдулла Қодирийнинг юксак бадиий қимматга эга бўлган романлари мусодара қилиниши натижасида ўзбек Шўро адабиёти тарихи камбағаллашиб қолди ва тарбиявий ишларга — халқимизнинг муносиб ўринбосари бўлмиш ёш авлодни гўзалликка

ошнолик, билимдонлик руҳида тарбиялашдек олижаноб ишларимизга мисли кўрилмаган даражада зарар етказилди.

*Тасдиқномага менинг сўзларим тўғри ёзилган, уни ўзим ўқиб кўрдим  
M. Шайхзода (имзо)*

*Терговчи: ТуркХЎ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Грищенко  
(имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 60—66-саҳифалар).

Дарвоқе, жумхурият Давлат Хавфсизлиги Кўмитасининг ҳужжатгоҳида Мақсуд Шайхзоданинг саккиз жилдлик жиноятномаси сақланмоқда: V киши 50-йилларнинг бошларида, Тегирмонбошн ўлим тўшагнда ётган кезлари «халқ душмани» сифатнда жиноий жавоб-гарликка тортиллди ва ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилади: то тегирмонбошининг қазоси етгунча Тутқунгоҳда ётади. Сўнг, Мақсуд оғанпнг жиноятнома-сп қайта кўриладни ёзувчп озодликка чиқади. Елғон фош этиладнми?.. Асрсус, Елғон ҳалигача САККИЗ ЖПЛД бўлиб ётибди, сукут сақлаяпти (якин орадз тилга кирса ажаб эмас). Хуллас, 1956 йилнинг 12 апрел куни гувоҳлик берган Шайхзода одамкушлар ҳақида орқаворотдан эшитибгина қолмасдан, балки уларнинг асл баҳараларини ўз кўзи билан кўрган — совунига кир ювиб келган эди (Мақсад оғанинг устига тоғора-тоғора мағзава ағдарган кимсалар ҳозир... кексалик гаштини суриб юришибди, баъзилари отдан тушсалар-да, лекин эгардан тушмаганлар). Шундай қилиб, жаҳаннамни кўриб келган инсон жаҳаннам қаърнда ном-нишонсиз кетган устози ҳақида мардона туриб гувоҳлик беради: «бильмайман», «эсимда йўқ», «яхши танимасдим», «китобларини ўқпмаганман» каби баҳоналар билан ўзини четга тортмайди. Абдулла Қодирий асарларпнпг халқимиз қўлидан тортиб олиниши тўғрисида: «...ёш авлоднп гўзалликка ошнолик, билимдонлик руҳида тарбиялашдек олижаноб ишларимизга мисли кўрилмаган даражада зарар етказилди», дейди. Бу— камина Абдулла Қодирийнинг жиноятномасида учратганим, терговчига очиқ-ойдин айтилгай ягона даъводир, нисбий ҳақиқатдир.

Ёзувчи таржимаи ҳолига сиртдан назар солинса, Мақсуд Шайхзода ЁЛҒОН сиёсатга қарши бош қўтартмагандек туюлади, аммо ёзувчининг вазифаси — асар ёзиш эканини, у зинҳор-базинҳор сиёсат ноғорасига уйнамаслиги лозим эканини эътиборга оладиган бўлсак, ёзувчига муанян масалада баҳо беришни истасак, энг аввало, унинг асарларига баҳо беришимиз шарт эканини инобатга олсак, Шайхзода Жалолиддин Мангуберди ва Мирзо Улуғбек қиёфасида қонхўр ҳокимга, боскинчилар зулмига қарши курашганига амин бўла-миз. Аслини олганда, Шайхзода домланинг Шўро идораларига маъкул келмаган «бебошлиги» ҳам Жалолиддиннинг «ёзувчилик моҳиятини, ижтимоий чиқиб келишини марксча-ленинча нуқтаи назардан туриб синфий ёритмаганида» эди. Ажаб ҳикмат: домланинг айтганини қилгин-у, лекин қилганини қилмагин, деган мақол тескари ҳолатда ҳам тўғри бўлиши мумкин экан-да! Мумкин экан. Чунки замоннинг ўзи тескари эди — оёғини осмонда қилиб, боши билан юрарди, ахир!

\* \* \*

Ёлғончи сиёсатнинг, Мунофиқ Ғоянинг ишваларига учиб, алданиб қолган ўзбек

зиёлиларининг «типик шароитдаги типик» вакили Маҳмуд Ҳодиев — БОТУдир. У истеъододли шоир ва миллатпарвар фуқаро эди. Бироқ, умрининг охиригача «алоҳида олинган мамлакатда ғалабага эришган инқилоб»нинг асл моҳиятини англай олмади — тумтароқли, жимжимадор алвон шиорлар ақл-ҳушини ўғирлади; инқилоб туфайли «бузилғон ўлқа»нинг ҳолига йиғлаган Чўлпон каби маслакдошларига «синфий вазиятда» туриб зарбалар берди ва «тузалғон ўлқага» бағишлаб қасидалар битди, қасидагўйлик анъанасини Ғайратий каби ёш шонрларга мерос қилиб қолдирди. Тўғри, 20-йиллар долғали, болғали эди, унча-мунча сиёсатдон ҳам, шоир-ёзувчи ҳам осонликча калаванинг учини топа олмасди. Аммо ИНҚИЛОБ шамолн қаёққа қараб эса бошлаганини билиш учун уста сиёсатдон, мингта чиғириқдан ўтган қаламкаш бўлиш шарт эмас, бунинг учун халқ доднга қулоқ солиш, юрт аҳволига кўз қирини ташлаш кифоядир. Кифоя эди... Бироқ, «жаҳон инқилоби арафасида» осмони фалакка тинимсиз отилаётган мушаклар товуши қулоқларни битириб, ёғдуси кўзларни қамаштириб қўйган эди... Афсуски, иккинчи тўлқин пайтидаёқ Боту ҳам Тегирмонга тушиб кетади.

## АНГЛАТМА

*Хужжатгоҳда сақланаётган Маҳмуд ҲОДИЕВнинг (Боту) 962941 раками  
жиноятномаси асосида тузилган*

«Айбланувчи Ақмал Иқромовнинг жиноий иши юзасидан ўтказилган тергов жараёнида, Бош Сиёсий Бошқарма ҳайъати томонидан 1933 йили (у 1930 йилнинг 23 июл куни ҳибсга олинган) озодликдан маҳрум этилтан, Ҳодиевнинг (Боту) Ўзбекистондаги миллатчиларнинг «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотининг раҳбарларидан бири экани исботланади. Янги очилган ҳолат муносабати билан Ҳодиев 1937 йилнинг август ойида СОЛОВЕСКдаги Тутқунгоҳдан Тошкентга келтирилади, сўнгра СШЖИ ИЙХК ихтиёрига — Масковга жўнатилади ва яна-тағин жиноий жавобгарликка тортилади. Ҳодиев 1933 йили жиноятининг асосий қисмини тергов пайти яширган эди.

Ҳодиев (Боту) тубандаги ҳолатларда айбор деб топнлади: у 1928 йилдан бери Ўзбекистонда мавжуд бўлган ўзбек миллатчиларининг аксилшўравий, қўпорувчилик ва одамкушлик билан шуғулланадиган ташкилотининг раҳбарларидан бири; шу ташкилот ўз ол-дига Ўзбекистонни СШЖН таркибидан зўрлик йўли билан ажратиб олишни ва Англияning вассали бўлган буржуй давлати барпо этишни мақсад килнб қўйган эди. Ҳодиев (Боту) Шўро ҳокимиятига қарши оёққа турган кўзғолончилар тўдасига бошчилик қилди ва ташкилот аъзолари томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган заараркунандачилик тадбирларнга йўл-йўриқ кўрсатиб турди. 1930 йили Ҳодиев ўша ташкилотнинг бошқа бир раҳбарн — Икромовпинг топшириғига биноан, фаол жамоатчи Обид Саидовга қарши суъиқасд уюштириди: ўзининг ҳамтовори бўлмиш Носир Саидовнинг қўлига зимдан заҳар топиб берди ва ўша заҳар билан Обид Саидов ўлдирилди.

Ҳодиев (Боту) дастлабки тергов пайтида ҳам, судда ҳам ўз айбига икрор бўлади.

1904 йили туғилган, ўзбек, 1923 йилдан 1930 йилгача Ўзбекистон қўммунистик (болшовойлар) фирмаси Марказқўмига аъзо бўлган, Ўзбекистон Маориф Халқ

Комиссарининг собиқ ўринбосари, шоир Маҳмуд Ҳодиев (Боту) 1938 йилнинг 9 май куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан РСФСР ЖМнинг 58—7-, 58—8-, 58—2-моддалари бўйича жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қилинади.

1938 йилнинг 9 май куни хукм Масков шахрида ижро этилган».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 41-саҳифа).

Албатта, ишлар чаппасига кетишини Боту билмасди: у А. Солженисин таърифлаган «Архипелаг ГУЛАГ» пойтахтида — сиёсий маҳбусларнинг Соловеск оролида олти йил тутқунлик азобини тортгач, 1937 йили Московга, «нажот қалъаси»га — «шахсан ҳалқлар отасига бориб тегсин!» деб хат ёзиб юборади: «Мен Ўзбекистондаги миллатчилик ташкилотининг раҳбари ким эканини биламан; агар Тутқунгоҳдан чиқарилиб, камина Тош-кентга олиб борилса, жамики «халқ душманлари»ни фош этиб ташлардим, фақат олдиндан қўлимга уларнинг рўйхати берилса — бас, шундап қилиб, қуммунистик виждоним олдида ўзимни оқлашни истайман!.. «Ўша пайтда «халқлар отаси»га Бухарин, Риков, Томский, Енукидзе ва бошқа оқпадар муҳолифларининг миллий жумҳуриятлардаги, жумладан, Ўзбекистондаги «думлари»ни тузоққа илпнтириш учун зифирдек баҳона — хўрак етишмай турган эди: мана, тап-тайёр баҳона ўз оёғи билан кириб келди.

— Алё, Типратикон! Келмунда!.. Бегом!

Албатта, Сталиннинг қувончи ичпга сифмасди: қувончини кнм бнландир баҳам кўришни истарди; алла-қандай гуржи лапарини димоғида хиргойи қиласди.

Боту эса, ўзимда йўқ айбларимни айтиб, чин дилдан» тавба-тазарру қилсам, доҳий бир қошиқ қонимдан кечади, ахир эгилган бошни қилич кесмайди-ку, деб чучварани хом санаарди; кафтига қараб ўтириб... ўзича фол очарди.

Афсуски, итоатгўй қуллар ҳар доим ҳам Инқилобга кепак бўлазермасди, баъзан, ўқтин-ўқтин Инқилоб қонсираб турарди, қурбонлик сўрарди...

Хўш, нега зиё эгалари — зиёлилар, ёзувчилар — «киши руҳининг муҳандислари» алдандилар? Наҳотки, улар олчоқ ғояларга, ғояфурушларга ишонган бўлсалар?..

Етмиш йиллик аччиқ тажриба шуни кўрсатди, агар Давлатни Ғоя бошқарса, ғоявийлик — Бош мезон бўлса, Ҳақиқат билан Ёлғоннинг фарқи қолмайди. Яъни, одамларни Ҳақиқатдан бездириш ҳам, одамларни Ёлғонга ишонтириш ҳам унчалик қпнин бўлмайди. Чунки Давлат тепасида қип-қизил ҒОЯ ўтириби, ахир! Ғоя ўз ҳолича хавфли эмас, аммо у давлатнинг ажралмас қисмига анланиб олса, эт бнлан тирноқнинг орасига кириб олса — бас, оламда ундан даҳшатли куч бўлмайди: у нафақат жаҳолатга ботган одамлар устидан хукмонлик қиласди, айни замонда Ер юзасининг ва остининг олтидан бир қисмини... трубкасини чекиб ўтириб, бемалол бошқара олади; хоҳласа — ўлдиради, хоҳласа — қолдиради. Ёлғон ғоя билан милён-милён ҳалқни заҳарлаб ташлаган давлат учун «оқ»ни қора, «қора»ни оқ қилиб кўрсатпш, қонунни минг мақомга солиб йўргалатиш ҳеч гап эмас. Мисол учун узокқа бормаймиз; яна Абдулла Қодирийнинг жиноятномасини қайта варақлаб кўрамиз-да, олтмиш учинчи сахифасига дикқатимизни қадаймиз — бу Файзулла Хўжаевнинг Қурбон Берегин номига ёзган кўрсатма хати; Хўжаев ўз қўлн билан ёзган, ўзбек тилида, араб имлосида ёзган. Минг афсуски, Шўро мактабларида таълим олган жамики олий маълумотли зиёлилар каби...

биз ҳам саводсиз бўлиб чиққанмиз; араб имлосига тишимиз ўтмайди. Лекин, қатли омйилларида Давлат Хавфсизлиги Бошқармасида ишлаган ходимлар орасида араб имлосини bemalol ўқийдиган мутахассислар бор экан, у киши билан танишмиз, фақат бу гал «таржимон» қиёфасида саҳпага чиқади, холос. Хуллас, Триғулов ўрис тилига ўгирган хатнинг ўзбекча «таржимаси» мана бундай (дарвоқе, хатчанинг ўрисча матни жиноятноманинг 62-саҳифасидан ўрин олган):

### «Таржима

#### 1. Берегинга

Сизга Абдулла Қодирий билан унинг эски ва янги асарларини қайта нашр этиш масаласида маслаҳатлашиб кўриш ва шартнома тузиш топширилади.

«Ўткан кунлар»ни чет элга жўнатиш учун араб имлосида қайта чоп этиш зарур.

1933 йил 17 май

*Таржимон: ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IV бўлими бошлигининг ёрдамчиси, д/х лейтенанти  
Триғулов (имзо)».*

Абдулла Қодирийпинг жиноятномасидаги «ашёвий далил» шу, холос. Бу шапалоқдай қофоз қандай қилиб терговчининг қўлига тушиб қолганини билмаймиз: Қурбон Берегин ҳибсга олингач, унинг ишхонасими, уйими тинтуб қиликган пайтда топилган бўлиши мумкин. Хат-қўрсатмада нима ҳақда гап кетаётгани тушунарли, албатта. «Ўткан кунлар»ни араб имлосида қайта нашр этиш зарур экан, вассалом. Ўша пайтларда Файзулла Хўжаев жумҳурият Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси ва Марказқўм аъзоси эди: у бошлиқ сифатида Марказқўмнинг Маданий-маърифий ишлари бўлимининг мунирига топшириқ беряпти. Бошлиқлар доимо қўл остидаги ходимларга иш буюрадилар — буни ҳамма билади. Лекин, бу ҳолатга синфий ҳушёрлик нуқтаи назаридан ёндашиб кўрсак... ў-ў, даҳшат-ку! Ҳа-я, терговчи оддийгина иш қофозини бекордан-бекор жиноятномага тиркаб қўймаган экан-да! Бу жўн қофоз эмас, балки Абдулла Қодирийнинг чет эл жосуси билан, Қошғардан савдогар қиёфасида Тошкентга келган капиталист давлат жосуси билан хуфёна учрашганини (гувоҳ Ғафур Гулом ҳам шу ҳақда кўргазма беради), учрашувни шахсан Файзулла Хўжаев ташкил этганини ва Қурбон Берегин ўртада воситачилик қилганини яққол кўрсатадиган ашёвний далил ҳисобланади. Вот так, уртаклар!.. Ун беш дақиқа давом этган суд жараёнида раис Қодирийнинг саксон саҳифали жиноятномасини шунчаки варақлаб чиқишига ҳам улгурмайди. Маслаҳат пайтида эса... тасодифан олтмиш учинчи саҳифадаги араб имлосида ёзилган хатнн кўриб қолади: бегона кўзга бегона имло қизиқ кўринади, албатта. Таржимани ўқиб чиқади ва бирдан ранги бўзарив кетади, пичирлаб худодан мадад сўрайди:

—Худойим-эй! — дейди. — Анави... халқ душмани Файзулла Ходжаевнинг ҳамтовори экан-ку! — Ён чўнтагидан рўмолчасини оладиу пешонасидаги совуқ терни артиб қўяди.

— Қани ўзи? — деб сўрайди аскарбошидан.

— Ким?

- Қодирий қани деяпман, хўқиз!
- Йўқ экан... тополмадим, — дейди аскарбоши гуноҳкорона оҳангда.
- Зудлик билаи олиб келинг!
- Кеча кечаси... билмасдан отиб қўйибмиз.
- Хайрият, — дейди раис енгил тин олар экан.
- Умуман, бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши. Боплабсан, азamat! Олий суд номидан сенга ташаккур эълон қиласман!
- Шўро Иттифоқига хизмат қиласман, ўртоқ ҳакам!

Шундай қилиб, Абдулла Қодирийнинг жиноятномасида, суд 1938 йилнинг 5 октябр куни бўлди ва айбланувчи жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга хукм қилинди, хукм эса. 1938 йилнинг 4 октябр куни ижро этилди, деган расмий-эътироф пайдо бўлади. Нега бундай бўлди? Ахир, бундай ҳолат қонунга хилоф-ку!

Қанака қонун, қанақа қонун?! Галварс! Давлат чиқарган қонунни хоҳласа — бу томонга, хоҳламаса у томонга ағдаради, билдингми?

Ана шунақа гаплар, жўра.

Гап қонунга келиб тақалган эканми, демак, яна уч-тўрт оғиз шу ҳақда тўхталмасак бўлмайди.

1926 йилдан эътиборан қонун кучига кирган ЎзСШЖ Жиноий Караён Мажмуасининг 4-моддасининг 6-бандида шундай дейилади:

«Кўйидаги ҳолатларда жиноий иш қўзғатиш, қўзғатилган жиноип ишларни давом эттириш қатъян ман этилади, яъни жараённинг ҳар қандай босқичида иш тўхтатнилиши лозим:

...6) муайян шахсларга нисбатан Шўро Иттифоқи Марказип Ижроия Қўмитаси ёки Бутунўзбек Марказий Ижроня Қўмитаси ўз ваколатидан фондаланиб, маоф этганлик тўғрисида қарор чиқарган бўлса ё гуноҳдан кечиш ҳақида фармон чиқарилган бўлса, шахсларни қамоқда тутиб туриш ман этилади, қўзғатилган жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилади».

Ушбу қонуннинг амалий ижроси эса тубандагicha:

«Жаридадан кўчирма.

Ўзбекистон Сўсалистик Шўро Жумхурияти Марказий Ижроия Қўмитаси Кенгаши Президиумининг мажлиси

1926 йил 17 июн  
Самарқанд шаҳри

Қатнашдилар: сўров билан Президиум аъзолари

Президиум аъзолари: ўртоқлар Охунбобоев, Биксон, Гозиев, Волик, Икромов, Иванов, Қосимхўжаев, Раҳимий, Строганов, Челогузов.

Муассасадан: ўрт. Қосимов

Раислик қилувчи: Қосимхўжаев

Котиб: Раҳимий

Э ш и т и л д и:

1. ЎзСШЖ Олий судининг шу йил 17 июн кунги 1893-сонли илтимосномаси ва унга илова қилинган Олий суднинг ҳукми ҳамда нкки (2) йил муддат билан озодликдан маҳрум этилган Абдулла Қодирийни суд томонидан белгиланган жазодан қутқариш, озод этиб юбориш тўғрисида Олий суднинг шу йил 15—16 июн кунларн чиқарган қарорлари муҳокамага қўйилди.

Қарорқилиндиги:

1. ЎзСШЖ Олий судининг илтимосномаси қондирилсин ва Абдулла Қодирийнинг икки (2) йил муддат билан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суд ҳукми бекор қилинсин — маҳбус озод қилинсин.

Раис: *Красимхужаев (имзо)*

Котиб: *Рахимиев (имзо)*.

(«ЎзСШЖ ЖМнинг 73-, 116-моддалари (аксилинқилобий ҳаракат) бўйича айбланган «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси ва «Муштум» жаридасининг масъул котиби Абдулла Қодирийнинг жшюятномаси: ЎзСШЖ Давлат ҳужжатгоҳи, 26-сон жпноятнома, 108-саҳифа.)

1926 йилнинг 17 июн куни кечки пайт Абдулла Қодирий Самарқанд шаҳридаги қамоқхонадан озод қилинади. Чунки қонун чиқарувчн Олпий даргоҳнинг ҳар қандай қарори ижрочилар томонидап сўзсиз бажарилиши шарт хисобланади.

Қонунга хилоф ҳаракат эса кейинроқ — 1938 йилда содир бўлади: «Йиғинди гаплар» ҳангомаси қатли ом даврида қайта кўтарилади ва Қодирийга яна «аксилинқилобий» айб тақилади. Ваҳолонки, «Йиғинди гаплар» учун ёзувчи маоф этилган эди. Мана, ўша

## «ЙИҒИНДИ ГАПЛАР

Ўқиғувчилар билан дардлашмаганнинг қарпий бир ярим ой бўлди.

— Қайси бурчакда ухлаб қолдинг? — деб сўрама, жиян.

Бу ўлкада нима кўп экан? Ухлайдурғон бурчак ва унда ўмпайиб-ўмпайиб ухлағувчин менга ўхшаш овсарлар! Мен сенга айтсан, ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорцифи, маданияти, иқтисоди, шалтойи-балтойи, хулласи, барчаси ҳам ухлайди. Аммо ўчоқбошининг ҳоли — топгони олақарғалар бўлса, хўбам билган иомаъқул-чилппши қиляпти! Қиловурсин, эгаснга товоқ-қошиқ керак бўлса, охир бир кун фотрон-фотрон қилиб олар-ов! Оғайни, ишқилиб, ўлмасдан баҳорға чиқиб олсоқ бўпти... «Упса нетар, бўса кетар», деган екан отабобо.

Меп шу дунёдоғи одамизотнинг куйди-пишдисини тияртакда (?) қшгааб, ўлдирсан дейман:

— Ерлилаштириш!! Ўзбеклаштириш!! Фалончининг виждонига куйдирги чиқғонми?? Улуб бўлдикку!! — (Тўнгус қўпсоқ, йўқ дедимми!) — Ярам янгиланди! Кўр, чипқонимни кимнинг олдида ёрай?! — (Бувнингнинг олдида ёр!) — Маҳалламдан бунчаси ишсиз, фалончаси оч!! — (Оч бўлса, кафанини ҳозирла!)

Кўчага чиқсак кўрунган кишидан эшитадургон сўзинг — шу. Қулоғингга пахта тиқмасанг, бошқа иложи йўқ!

— Вой, ўша куйди-пишди, йиғиб-териб еган чиқарсин!

Ҳали-ку, бу оғзаки ғаш-ғаша. Аммо кечаги кун газетда Охун бобоевдек битта саркорингдан ҳам феълим айни ёзди. Ҳаммадан ҳам буники қизик.

Маъданглик маориф ходимчилари қурултонида маъруза ўқуб, нима дейди денг:

— Жумҳурнятимизда ҳар 200 мурмасъ чоқирим ерга ёхуд 4909 одамга битта мактаб бор ёки ўқиши ёшиди бўлган болаларнинг ҳар (эмас, хўтиқ!) бир 989 тасига бир мактаб тўғри келадир!

Ана бу мияси ачимаганнинг гапига қаранг энди! Худойпфа шукр, қорнинг тўқ — қайғунга йўқ, бас

— тинчкина фаройисхонлик (?) қилмасдан, оқсоқоллигингни қиловурсанг бўлмапдими, уста Иўлдош!

Тузук, чақирим-пақирпмингга манпм ҳам қаршппфим йўқ. Раҳматлик бир бой, саккиз чақирим — бир тош бўлади, бир тошни яхши отинг бўлса, бир соатда босасан, деб айтар эди. Икки бўз чақириминг... ҳисобнинг калласминаммикан, йигирма тўрт тош бўлса, ҳалигпдек саман бўлмаса, бир қўннб эртасига туш чоғида ара:г етиб борасан. Уловнинг эшак бўлса, купбнятнни (?) сахарга қилиб, рўзангни баҳузур йийовур!

Гап қаерда эди ҳали... Ҳа, анткандек, ҳар беш однмға битта мактаб ёхуд 989 тагнна уйида энасипи зериктургон гўдакка бит-тадан эрмак тўгрнспда элл.

Шу замондаги баъзи одамларга ажабҳайрон қоламан. Бир минг болаға битта мактаб бўлса нима-ю, ўн мимингпга Опта тўғри келса, сен билан менга нима ҳасрат! Башарти, муддао мирзобошиларни кўпаптириб, идораларни ерлнлаштириш бўлса, азбарони Ле-нин ва Маркс узаткан ёғингнн йифма!

Кўчага чиқсанг, ҳар қадамда битта мизробошп — ҳасратпдан чанг бурқиди: иш йўқ, куч нўқ, ўн тўққнзта ерлнлашган идорадан хафта ўтмай чиртанг-пиртанг қозогни олибди. Ростини антсам, «кул ўлмас, ризқн кам бўлмас» мақолинп унча-мунча одам тўқиб ташламағон. Дарҳақиқат, ҳар мингга битта мактаб бўлса ҳам бечоралар йиглаб-сиқтаб, яғирига кул сепиб кунини кўрятти. Бунинг устига, кунсайин таппа-таппа келиб турғон бешик-билак, упа-элак ва қадр-ҳурматлик меҳмонларга ҳам сирини бергапн маълум эмас. Энди бир мингга битта мактаб тушган ҳар беш мингнинг хўтиклари ҳам бпр кунинн кўриб кетар, деб ўйлаймиз; битта-ярнмтанинг ўчоғига косов бўлар ёки отбокармп, ахлот қоқарми, ишқилпб, бир бало бўлар-ку! Бас, менга колса, мундоқ мапда гапларнинг қайғусини чекиш ҳеч арзимапдир.

Энсамни қотирғон гапларнинг яна биттаси — анави кун бўлиб кечкан маъданглик маориф ходимчиларининг қурултойидир. Лекин ашаддий қаҳқаҳамин мужиб бўлғоган ҳам шуниси. Ўртоқ Акмалча Чўлпонбойнинг:

«Зиёлимас, сен зиёнли  
Ҳезлардан, упа-элак олувдасн қизлардан —  
Охунбобо ўғли каби эр керак,  
Боёнлардан олингувси ер керак!»

деган шеъри билан зиёнлиларнинг афтига туфургани ҳолда яна нима учундир иймони сусайнб, «Ҳезлар тавба-тазарру қилса, қарғанинг кучоги уларга очиқ!» деб қўядир. Дарҳақиқат, ҳезлардан биттаси тавба қилиб, истиғфор айтса, Акмал чиндан бу тавбага ишонадими-пўқми, ҳозирча унинг ичига кириб чиқғон махлук йўқ. Бироқ, бунга ишонар эканми, Акмалингга айтадурғон икки оғиз гапим бор.

Сенга мисол бериш учун Шайх Саъдийнинг хикматига ва ё Қалиланинг Димнасига мурожаат этиб ўтирмайман. Мисолини худди нафси мутакалимадан эшит: мен ҳар кунн худоға тўққиз маротаба оспӣ бўлиб, ўн саккиз маротаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоён бўлғонидек, истиғфорим ҳадсиз ва лекин, исёңсиз қолғон соатимга жуда оз учрасан! Бас, онглағилким, эй, Акмал! Тавбага бўйин буқкан банда — бандаларнинг энг ярамасидир; қуллуқ бунёд қилғон расво-расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлиғини сақлай олмоғон — бошқаларға ён бўла олади. деган гапни ҳеч бир китобда учратолмадим. Айтмакчиман-ки, тавбаси бошшини есин, сен бўлсанг — ишингдан қолма, отингни !» де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш — тавбадир, ўзгаси — гавғодир!

Шу оралардағыму шум ҳангамаларнинг яна биттаси — «миллий қўшиннинг фирмка конференцияси» деб арз қилсан, эҳтимолки, ҳеч кимнинг қўнглига оғир келмас. Нафсилаҳр билан деса иш, ётай деса — оғриғи йўқ йигитларимизни, башарти, мувоғинқ кўрилса ва казармаларингиз бўш бўлиб, қўнгилларига гап келмаса, қўлларига милтпқ топилғонда ҳам битта-битта кетмондаста бериб, қўруқчиликка қабул қилиш чакки бўлмас, деб хаёл қилурмиз. Яна, райи ўзларингницидир.

Ер ислоҳоти муносабатн билан Ўзбекистонда бошқа ислоҳотлар ҳам ясалар эмиш, деб эшитдим. Дарҳақиқат, мамлакатда ислоҳотга муҳтож масалалар қўпдир. Масалан, катталарга ақл ва басират ислоҳоти, иухарирларга тил ва маъно, шоирларга илҳом ва услуб (маъно бўлмаса ҳам майли), ёшларға ахлоқ ва кийим, хотунларга жабр-зулм, домлаларға дин ва салла, «Муштум» ёзишғувчилариға фақат шахсларнинг ёқосига ёпишаверишлиқ ва бошқа мавзулар тўғрисида ўйлаб ҳам қарамаслик ва ҳоказо ислоҳотларға ниҳоят даражада эҳтиёж қўпдир.

OBСAP».

(«Муштум» жаридасининг 1926 йилги 27-сонидан нусха кўтарган мирзобоши —

фарғоналик Ҳамдам Сулаймон.)

Хуллас, ижтимоий тафаккурдан хийла юксалиб кетган ана шу «йиғинди гаплар» учун Абдулла Қодирий 1926 йили жиноий жавобгарликка тортилади ва жумхурият Олий суди томонидан икки йил муҳлат билан озодликдан маҳрум этилади. Сўнгра, орадан бир-икки кун ўтади-ю, Олий суд ўз ҳукмини бекор қиласи ва вой-войлаб Марказий Ижроия Кўмитага мурожаат этади: ҳукмни бекор қилиб бериш сўралади. Илтимос қондирилади ва тегишли идораларга зудлик билан МИҚ қарорини ижро этиш ҳақида топшириқ берилади.

1938 йили Абдулла Қодирий иккинчи марта қамоқقا олинади ва Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг терговчиси Тригулов 1926 йилги Қодирийнинг «ҳаракатдан тўхтатилган» жиноятномасидан, тап-тайёр айбномадан нусха кўтаради ҳамда «Аксилинқилобий фаолияти учун Абдулла Қодирий илгари ҳам судланган эди, матбуотда фирмә ва ҳукумат раҳбарларига қарши бир неча марта чиқиш қилган» деб қайднома ёзади. Тергов жараёнида ҳам «1926 йили нима учун қамалгансиз?» деб қайта-қайта сўрайди, лекин «Нима учун маоф этилгансиз?» деб сўрамайди. Ваҳолонки, қонун бўйича «Бутун ўзбек Марказий Ижроия Кўмитаси ўз ваколатидан фойдаланиб, маоф (амиnistriя) тўғрисида қарор чиқарган бўлса, муайян шахсни қамоқда тутиб туриш ҳам, унинг устидан жиноий иш қўзғаш ҳам қатъиян ман этилади». Шунга қарамай, 1938 йили Қодирийга «илгари судланган» деган ёрлиқ ёпиштирилади. Терговчи қонунга хилоф ҳаракат қиласи.

Конститутсия эмас, Фоя ҳукмрон бўлган давлатда ҳар қандай қонунни оддий бир д/х лейтенанти ҳам оёғости қиласеради.

\* \* \*

Шу пайтгача Абдулла Қодирий 1938 йилнинг 4 октябр қуни Тошкент шаҳрида отилгани тўғрисидаги англатма «мутлақо маҳфий» сандиқда сақланарди; Абдулла Қодирийнинг жиноятномаси юзасидан тайёрланган ва Адлия Бош прокурорининг ўриибосари И. Максимов 1956 йилнинг 6 август қуни тасдиқланган хulosаса эса маҳфий ҳужжатлар қаторидан жой олган эди. Ниҳоят, ўша ҳужжатларнинг елкасига ҳам офтоб тегди: Сиз азиз ўқувчи, маҳфип хulosаса билан танишиб қўришингиз мумкин (ишончимиз комилки, бунинг нимаси маҳфий экан, деб пешонангизни тиришишингиз турган гап).

*«СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъатига Абдулла ҚОДИРИЙНИНГ иши буйича  
(РСФСР ЖЖМнинг 378-моддасига биноан)  
ХУЛОСА*

1956 й. 30 июл  
Масков шаҳри

1897 йили (?) Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, СШЖИ фуқароси, фирқасиз, ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1937 йилнинг 31 декабр қуни қамоқقا олинади ва СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати

томонидан ЎзСШЖ ЖМнинг 58-, 64-, 67-моддалари асосида мол-мулкини мусодара этиш шарти билан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинади.

Суд томонидан Абдулла Қодирий қўйидаги ҳолатларда айбдор деб топилади: у 1919 иили миллатчиларнинг аксишурравий ҳаракатига қўшилади, кейинчалик ЎзСШЖда ташкил этилган буржуй миллатчиларининг аксплишурравий, қўзғолончилик, одамкушлик ташкилотига аъзо бўлади ва бу ташкилотнинг Бутуниттифоқ қўммунистик (болшовайлар) фирмаси, Шўро ҳукумати раҳбарларини жисмонан бартараф этиш тўғрисидаги дастурини тўла-тўқис қўллаб-куватлайди. Қатор йиллар давомида Абдулла Қодирий «Муштум» жаридаси саҳифаларида ва ўзи ёзган бирталай асарларда миллатчиларнинг аксилинқилобин ғояларини олға суради, Шўро ҳокимиятига бўхтон қиласи (жиноятноманинг 87-саҳифаси).

Жиноятнома ашёларидан қўриннб турибдики, Қодирий терговда ҳам, судда ҳам факат 1932 йилгача миллатчи бўлганини тан олади, айбига қисман иқрор бўлади, холос. Аксилшурравий ташкилотга аъзо бўлганини узил-кесил инкор этади.

Қодирийнинг айбдорлигини исботлайдиган далил сифатида бошқа иш бўйича қамоққа олинган маҳбусларнинг тергов тасдиқномаларидан кўчирилган нусхалар жиноятномага тиркаб қўйилган. Хусусан, F. Ҳамидхонов, А. Сулаймонов, Қ. Рамазонов, Р. Исломов, F. Юнусов, А. Худойвоҳидов, С. Тиллахонов, Қ. Бере-гин, А. Аюпов, М. Усмонов, Қ. Сорокин ва гувоҳ Faфур Ғуломнинг кўргазмалари (ёки нусхалари) жиноятно-мадан ўрин олган (жиноятноманинг 20—61-саҳифалари).

РСФСР Жиноий Жараён Мажмуасининг 373—377-моддаларида кўзда тутилган тартибида ўtkазилган тафтиш жараёнида Абдулла Қодирийнинг устидан чиқарилган ҳукм асосиз деб топилди ва тубандаги сабабларга кўра жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилиши лозим:

Рамазонов билан Худойвоҳидов судда аксилинқилобий фаолият билан машғул бўлганликларини асло бўйниларига олмайдилар ва тергов пайти берган кўргазмаларини инкор этадилар (жиноятноманинг 33-, 98-саҳифалари).

Исломов, Берегин, Усмоновлар фаолиятнда жиноят таркиби бўлмагани учун 1956 иили улар устидан қўзғатилган жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилди (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 127-саҳифа).

F. O. Юнусовнинг жиноятномаси айбланувчи фаолияти таркибида жиноят унсурлари йўқлиги учун ҳаракатдан тўхтатилиши сўралиб, СШЖЙ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъатига жўнатиляпти (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 117-саҳифа).

А. Аюпов зса Қодирийнинг аксишурравий қилмишлари ҳақида умуман ҳеч қандай кўргазма бермаган эди (жиноятноманинг 28-саҳифаси).

Абдулла Қодирий ўз асарларида миллатчиларнинг аксилинқилобий ғояларини олға сурарди, Шўро ҳокимиятига бўхтон қиласи, деган айб эса Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитасининг ходимлари бўлмиш Қурбонов билан Охундий томонидан ёзиб берилган хulosага асосланарди, холос (жиноятноманинг 56—61-саҳифалари). Тафтиш натижасида аниқландики, юқоридаги хulosалар ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Қўшимча тергов пайтида мана шу масала юзасидан сўроқ қилинган Қурбонов билан Охундий ўша хulosаларини узил-кесил рад этдилар ва Абдулла

Қодирий «халқ душмани» деб эълон қилингач, ИИХК ходимларининг талаби бўйича ўша хulosалар остига имзо чекишга мажбур қилинганликлари ҳақида кўргазма бердилар (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 69—71-, 85—86-саҳифалари).

ЎзСШЖ ИИХК Давлат Хавфсизлик Бошқармаси IV бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари Триғулов сўроқ қилинган пайтда берган кўргазмасидан кўриниб турибдики, Абдулла Қодирин қонунга хилоф равишда, ибтидоий усулда тергов қилинган эди (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 108—114-саҳифалар).

Бундан ташқари, тафтиш жараённда яна шу ҳолат аниқландики, Абдулла Қодирий, F. O. Юнусов, A. Худойвохидов, N. Иноятовларни қамоққа олиш ва тергов ишлари тадбирларида ЎзСШЖ Ички Ишлар Халқ комиссарининг собиқ ўринбосари ЛЕОНОВ қатнашган бўлиб, у сўсалистик қонунчиликка хилоф қилмишлари учун 1940 йилнинг 7 йул куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан жиноий жавобгарликиинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган эди (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 75—77-саҳифалар).

Ушбу иш тафтиши жараённда Абдулла Қодирийни танийдиган Ўзбекистоннинг иирик ёзувчилари — Ойбек, M. Шевердин, M. Мухаммедов, C. Абдулла, F. Fu-ломов, A. Қаҳҳоров, M. Шайхзода сўроқ қилинди ва улар айбланувчини сўсалистик реализм вазиятида турган истеъодли ёзувчилардан бири сифатида таърифлашди; айни чоғда Абдулла Қодирийнинг аксилшўравий хатти-ҳаракати тўғрисида ҳеч нарса билмасликларини эътироф этдилар (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 56—60—66-, 78—79-, 80—81-, 84-, 87-, 91-саҳифалар).

Текшириш ўтказган мутахассиснинг, ЎзСШЖ Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти Шўро адабиёти секторининг мудири, филология фанлари доктори Султоновнинг хulosасига кўра, Абдулла Қодирийнинг асарлари юксак бадиийлиги билан ажralиб туради; ғоявий мазмуни жиҳатидан асло аксилшўравий эмас, ҳозир ҳам қайта нашр этилиши мумкин (жиноятноманинг «Тафтиш ашёлари» бўлими, 115—124-саҳифалар).

Тиллахонов, Сулаймонов, Ҳамидхоновлар судда ҳам,. тергов пайти ҳам Абдулла Қодирий аксилшўравий ташкилотнинг аъзоси экани хусусида кўргазма берган эдилар. Бироқ, юқорида баён этилган тафтиш ашёлари билан уларнинг кўргазмалари рад этилади (жиноятноманинг «Тафтнш ашёлари» бўлими, 20—22-, 42-, 105-саҳифалар).

Шундай қилиб, ушбу ишни тафтиш қилиш жараённда судга аввал маълум бўлмаган ҳолатлар аниқланди; булар Абдулла Қодирий асоссиз жазоланганини кўрсатиб турибди. Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга ва РСФСР Жиноий Жараён Мажмуасининг 378-моддасига асосланиб:

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 5-октябр куни Абдулла Қодирийга (Жулқунбой) нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилиниши, РСФСР ЖЖМнинг 4-моддасининг 5-бандига мувофиқ унинг устидан қўзғатилган жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилиши лозим, деб ҳисоблайман.

Бир жилдлик жиноятнома (127 саҳифа) илова қилиняпти: рўйхатга олинган рақами — 0259220.

*Боши ҳарбий прокуратура ходими, адлия майори МОНОГАРОВ (имзо)  
«Розиман»: Боши ҳарбий прокурор ёрдамчиси, адлия полковниги ИВАНОВ (имзо).*

Англатма: хукм қилинган шахснинг ўғли Масъуд Абдуллаев Тошкент шаҳар, Сталин депараси, Самарқанд дарвозаси кўчаси, Термиз торкўчасидаги 19-йида яшайди».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 89—91-саҳифалар)

Ана шу холосага мувофиқ СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати 1956 йилнинг 9 октябр куни 4 н— 018240/56-сонли ажрим чиқаради. Жумладан, унда: «Янгитдан очилган ҳолатга биноан СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан 1938 йилнинг 5 октябр куни Абдулла Қодирийга (Жулқунбой) нисбатан чиқарилган хукм бекор қилинсин, унинг устидан қўзғатилган иш эса жиноят таркиби бўлмагани туфайли ҳаракатдан тўхтатилсин», дейилади. Албатта, бу ажрим ҳам «махфий» катақчадан муқим жой олади.

Хўш, «янгитдан очилиб қолган ҳолат» нима ўзи? Бу ҳам «шахсга сифиниш» атамаси каби мавҳум бир тушунчами ёки аниқ бир нарсани ифодалайдими? Бир қарашда, «янгитдан очилган ҳолат» хийла салмоққа эгадек туюлади. Хусусан, биз юзма-юз турган жиноят жараёнида «ҳолат» — Абдулла Қодирийнинг асарлари ҳақида мутахасислар билдирган фикр-мулоҳазаларни ифодалаяпти, шулардан учтасини ўқувчи ҳукмига ҳавола этмоқчимиз (бошқалари билан ўз ўрнида танишдингиз).

### 1. «ТуркҲЎ ҳарбий прокурорлигига

*Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг аъзоси, «Муштум» журнали редколлегиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир ва драматург Собир АБДУЛЛА*

Ёзувчи ва китобхон, айниқса, онгли совет граждани ва коммунист сифатида Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳақида ўз фикримни тубандагича баён қилиш — менинг бурчим.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи босилиб чиқиб, тарқалгандан кейин, бир китобхон сифатида севиб ўқиши билан А. Қодирийни ғойибона, ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб роман ёзган ёзувчи деб таниб, билдим.

«Ўткан кунлар»нинг бириичи ва иккинчи томлари кенг ёйилди. Унинг орқасидан 1928 йилда «Мехробдан чаён» романи босилиб чиқди, бу романни ҳам жуда қизиқиб ўқидим.

Бу йилларда мен ёш, адабиётга биринчи қадам қўя бошлагак ҳаваскор эдим. Мана шу йилларда «Муштум» журналида «Жулқунбой» имзоси билан кўпгина нарсалар чиқиб турса ҳам мен бу «Жулқунбой» Абдулла Қодирий эканини кейинча тушунган эдим.

Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» повести 1935 йилларда чиққан бўлса ҳам мен уни ўқимаган эканман (мен уни ўқишига улгурганга қадар автор қамалиб, бу асарин ўқиши ман килинган эди).

«Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари ҳақида менинг мулоҳазаларим ва таассуротларим тубандагича: ҳар икки романнинг тилга бой, содда ва бадиий жиҳатдан юксак бўлиши билан, авторнинг моҳирлиги билан, катта сўз санъаткорлигидан дарак берар эди. Бироқ, асарда синфий кураш тўла ёритилмаган ҳолда, хонлар даврида эзилган меҳнаткаш табақанинг роли кам, кураши етарли бўртмаган эди.

«Мехробдан чаён» романида Худоёрхон салтанати ва ўша давр, замон кишилари яхши ёритилмагани ҳақида кексалар тўғри баҳо берган эдилар. Бу роман чиққанда мен Қўқон шаҳрида эдим, роман ҳам Қўқон тарихига bogliqdir. Бу асарнинг фикри, йўли ва тутган мавқеи тарихий жиҳатдан анча қийматга эга бўлса ҳам асарнинг ижобий қаҳрамонларида бугунги асарлардан талаб қилинадиган чуқур ғоявийлик кам сезилар эди. Балким, авторнинг бунга сиёсий савияси етмагандир, сўз ва ўша давр безакларига-берилиб кетгандир?

«Муштум»да «Жулқунбой» имзоси билан Охунбобоевни ёзибди, деган сўзлар тарқалган эди, буни ўқиган ҳам эдим. Орадан ўттиз йиллар ўтганлиги, журналнинг ўша сони мавжуд эмаслиги ёки журнал

редакциясида сақланмаганлиги орқасидан ёдаки эслай олмадим.

Абдулла Қодирийнинг бу романлари ва «Обид кетмон» повести ҳақида, Абдулла Қодирий қамалмасдан олдин ва кейин, Ёзувчилар союзни атрофида — ёзувчилар ўртасида «зараарли асарлар» деб, муносаза юритилгани эсимдадир.

Шахсан Абдулла Қодирийни 1935 йилда кўрдим: қора танли, кичик, оддий, камгап бир одам экан.

Мен 1936 йилда Тошкентга кўчиб кедиб, «Муштум» журналида оддин адабий ходим бўлиб ишлай бошладим. Шу йилларда Абдулла Қодирийни жуда кам учратдим. Ҳатто Ёзувчилар союзига ҳам кам келар эди.

Мен: «Абдулла Қодирий кўринмайдими?» деб сўраганимда, биладиган ўртоқлар менга: «Абдулла Қодирий узок ерда — боғида яшанди, кўчага кам чиқади, кўришни истаганлар бориб турадилар», деб жавоб берар эдилар.

1937 йилда бошқа бир нечта ёзувчилар қаторида Абдулла Қодирий ҳам қамалганини эшитганимда «шундай талант эгаси бўла туриб, идеядан бизга ёт бўлиши, халқ душмани бўлиши, заарли киши бўлиши» менинг каҳримни келтирди. Яъни, шундан талантга эга бўлолган киши, ўз талантийи нега совет халқи учун хизмат қилдиргиси келмади экан, деган ғазаб мени ўраган бўлди. Бироқ, Абдулла Қодирийнинг аксилинқилобий ишлари менга номаълум ва қоронги эди.

Умуман айтганда, Абдулла Қодирий билан кам кўришган, кам гаплашган бўлишимдан қатъи назар, унинг икки романини, моҳирлик билан, кишини ўзига тортувчи қалам билан ёзилганлиги» бир китобхон сифатида ўз даврида анча таассурот қолдирган ва ўзи атоқли сўз мастери бўлиб танилган эди.

*Хурмат ва самимият билан: Собир АБДУЛЛА (имзо)*

25 апрел 1956 йил

*Тошкент».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 80—81-саҳифалар).

Собир Абдулланинг хulosаси ўзбек тилида ёзилган... Шунинг учун уни «таржима» қилмадик: жумлавиј, услубий ғализликлар «аслига тўғри». Яна нима дейиш мумкин?.. Бизнингча, ҳамма гапни С. Абдулланинг ўзи айтиб кетган, шекилли — изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

\* \* \*

## 2. «ТуркҲЎ харбий прокуроринииг ёрдамчиси, адлия подполковниги

ўрт. Г р и ш ч е н к о г а

Мен Абдулла Қодирийни «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» романлари ва рўзномаю ойномаларда чоп этилган қўплаб кпчик асарлари орқали жуда катта сўз устаси сифатида билардим.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни уч қисмдан иборат бўлиб, унда ўтмиш ҳаёти хикоя қилинади (романдаги воқеалар, тахминан, XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида рўй беради). Ўша замонларда хотин-қизларга нисбатан феодал муносабатлар хукмронлик қиласарди, бой ота эса ўғил-қизларининг тақдирини уларнинг хоҳиш-иродасини хисобга олмасдан ҳал кпилиб юбораверарди. Бунинг оқибатида бой-феодаллар ўртасида қўпхотинлилик авж оларди.

Муаллиф ўз романида, бир томондан, кўпхотинлиникнинг салбий қирраларини фош этса, иккинчи томондан, покизалик ва муҳаббатга садоқатни акс эттиради.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари зулмга, муҳаббат бобидаги олчоқликка қарши курашсалар-да, лекин ўzlари йирик зодагон тижоратчилар табақасининг, аниқроғи, феодал тузумнинг вакиллари эди.

«Мехробдан чаён» романидаги эса сарой амалдорлари ўртасидаги зиддиятлар фош этилади, домлаю имомларнинг ҳийла-найранглари калака килинади. Эсимда бор, роман қаҳрамонлари — Анвар билан Раъно севги йўлидаги барча тўсиқларни енгигб ўтадилар, ўз баҳтлари учун курашадилар.

«Обид кетмои» романни ҳақида айтиш мумкинки, бу замонавий роман бўйлаб, унда жамоа хўжаликлари қурилиши даври қаламга олинган. Бир қатор камчиликларидан қатъи назар, ўз қиёфасинн

ўзгартираётган қишлоқ турмушига бағишланган дастлабки йирик асар хисобланади.

Мана шу асарларнинг ҳаммасида, хато ва камчиликлариға қарамасдан, менинг назаримда, Абдулла Қодирий ўша пайтда ўз тили ва маҳорати билан бошқалардан ажралиб турадиган истеъододли сўз санъаткори эканини кўрсатган эди.

## ХУЛОСА

Ёзувчи Абдулла Қодирий ўз асарлари билан (уларда ўтган асрлардаги воқеа-ходисалар тасвиirlансада) бизнинг адабиётимизда наср жанрининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Мумтоз МУҲАММЕДОВ (имзо)

1956 й. 4 май

Тошкент шаҳри

Мумтоз Муҳаммедов. 1908 йили туғилган. 1943 йилдан бери Шўро Иттифоқи қўммунистик фирмасининг аъзоси. Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси бошқармасининг котиби. «Шўро Ўзбекистони маданияти» рўзномасининг масъул муҳаррири. Ёзувчи. Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмасининг аъзоси.

Тошкент шаҳар, 17, Бошқир кўчасидаги 22-йда яшайди».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 78—79-саҳифалар.)

Кўриниб турибдики, «янгитдан очилиб қолган ҳолат»да ҳам Абдулла Қодирийнинг асарлари тағин бир марта «сўсалистик реализм методи»нинг тешик тоғорасига солиб қаралади: қаҳрамонлар... ўтиrsa — ўпок, турса — сўпок, дейилади. Синфий камчилик, хато қидирилади.

Ҳай, қўнгилни кенг қилайлик: «Унса нетар, бўса кетар, деган экан ота-бобо». Гапнинг индаллоси энди чиқади.

\* \* \*

## «ХУЛОСА

1956 й. 16 июн

Тошкент шаҳри

Менким, ЎзСШЖ Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг Шўро адабиёти секторининг мудири, филология фанлари доктори Иззат Отахонович СУЛТОНОВ ТуркҲЎ ҳарбин прокуратурасининг топшириғига мувофиқ Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари ва «Обид кетмон» қиссаси билан танишдим.

Асарларни текшириб кўрадиган мутахассис (эксперт) сифатида менинг олдимга қуйидаги вазифалар кўйилган эди:

1. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» асарларининг ғоявий мазмуни. ҳақида нима дейиш мумкин?

2. Номлари зикр этилган асарларда («Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон») миллатчилик, аксилшўравий ғоялар илгари суриладими? Агар бу саволга қониқарли жавоб берилса, муаллиф ўз мақсадини қай йўсинда амалга оширгани кўрсатилсин!

3. Абдулла Қодирийнинг номлара зикр этилган асарлари ўзбек адабиёти тарихида муайян қимматга эгами?

Абдулла Қодирий асарларининг матни билан танишиб, тубандаги хulosага келдим.

«Ўткан қунлар» уч қисмдан иборат тарихий мавзудаги роман (мен бу романинг қўйидаги нашрн билан танишдим: «Абдулла Қодирий, «Ўткан қунлар», ўзбеклар турмушидан тарихий роман. Иккинчи нашри, Уздавнашр. Тошкент — Боку, 1933. Лотин алифбосида босилган, ўзбекча»).

Қисқача мазмуни. Роман тошкентлик савдогар Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлмиш ёш тижоратчи Отабекнинг 1870 йили (мусулмон санаси бўйича 1264 йил) Марғилонга келганини тасвирлашдан бошланади. Ўз вақтида Марғилон музофотида донишмандлиги билан машхур бўлган кекса савдогарнинг фарзанди ҳам ақл-фаросати, ширин муомаласи орқали шаҳар аҳолиси ўртасида ном қозонади. Иккинчи фаслда Отабекнинг Марғилон шаҳридаги донгдор кишилар билан учрашуви тасвирланади. Отабек Ўрисияга қилган сафари таассуротларини ҳикоя қилиб сухбатдошларини қойил қолдиради: ўрислар мамлакатни қандай тартиблар асосида бошқараётгани тўғрисида тўлқин таниб сўзланди ва ўз ватанида, яъни Туркистонда ҳам худди ўрислар ютидаги каби тартиблар жорий этишни орзу қиласи. Бироқ Отабекнинг фикрича, ислоҳотга ўзаро низолар, мамлакат ҳокимларининг калтабинлиги, золимлиги гўсқинлик қиласи. Отабекнинг ақл-идроқи, орзу-умидлари баъзи кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлса, бошқаларда норозилик, шубҳа уйғотади. Шаҳарнинг кўзга кўринган савдогарлардан бўлмиш Кутидор Отабекни ўз қизига — Кумушга куёв қилишинн орзу қиласи. Роман биринчи қисмининг III—X фасллари Отабекнинг Кумушга бўлган муҳаббати тарихига бағишланган: муҳаббат сав-доси қаҳрамоннинг суюклисига унлаппаш ва баҳтли ҳаёт кечира бошлини билан якунланади. Кейин ўзаро низолар ҳақида ҳикоя қилинади; Кўқон хони Худоёр ва унинг беклари бир томону тошкентликлар бошқа томондан хон истибодига қарши қўзголади. Кўқов хони зулмiga эътиroz билдирганлар сафида Отабекнинг отаси — Юсуфбек ҳожи алоҳида ўрин тутади. Тошкентдаги Юсуф-бекнинг илғор қарашлари ва ўғли томонидан айтилган ислоҳот ҳақидаги фикр-мулоҳазалар чақимчиларга Отабек устидан маълумот етказишлари учун баҳона бўлади; охир-оқибатда Отабекни хибсга оладилар. Бу фитнада Кумушга муҳаббат масаласида Отабек билан ракобат қилган киши алоҳида рол ўйнайди. Шундай қилиб, Отабекнинг баҳтли турмушини зулмат қоплайди. Отабек ва унинг баъзи дўстлари хон малайларининг бўхтони туфайли ўлим жазосига хукм этиладилар. Лекин Юсуфбек ҳожи томонидан кўрилган оқилона чора-тадбирлар шарофати билан ўғли ва унинг дўстлари дор остидан қайтариладилар. Романинг биринчи қисми ана шундай якунланади.

Иккинчи ва учинчи қисмлар Фарғона билан Тошкентда давом этаётган ўзаро урушлару Отабекнинг шахсий ҳаётида рўй берәётган кулфатлар тасвирига бағишланган. Ҳамма гап шундаки, ўғил ўз билганича (муҳаббат туфайли бўлса-да) упланиши, ота-онасидан розилик олмагани, боз устига, ичкуёв бўлиб Тошкентдан йироқда яшаётгани Отабекнинг онасига — Ўзбек ойимга ёқмайди. Отабекнинг ҳоҳиш-иродасига зид ўлароқ, Ўзбек ойим ўғлини иккинчи марта, бу гал тошкентлик машхур хонадондан чиққан қизга уйлантришга мувофиқ бўлади. Отабек иккинч хотинга кўнгилсиз бўлади: бу ҳол охири фожиага олиб боради; иккинчи хотин — Зайнаб тўлғоқ тутаётган кундошига — Кумушга пинҳоний тарзда заҳар бериб қўяди. Кумуш ҳалок бўлади. Заннаб эса Отабекнинг уйидан ҳайдалади. Отабекнинг ўзи дом-дараксиз йўқолади. Роман сўнгидаги хабар берилишича, Юсуфбек ҳожининг номига келган хатда айтилишича, Отабек мамлакатни ўрис босқинидан ҳимоя қилиш пайтида Олмаота яқинида шаҳид бўлади. Роман Отабекнинг ўғли ва унмнг набиралари ҳақидаги мўъжаз маълумот билан тамом бўлади.

Романинг иккинчи ва учинчи қисмларида қаҳрамон ҳаётн, худди биринчи қисмдаги каби тарихий воқеаларга узвий боғланган ҳолда, асосан, Тошкент билан Кўқон ўртасидаги ўзаро урушлар силсиласида акс эттирилади. Аввало, бу воқеалар Юсуфбек ҳожининг фаолиятини кўрсатиш учун хизмат қиласи: у ўзаро низоларга чек қўйиш тарафдори бўлади; умумий душманга — Туркистон устига юриш бошлаган ўрис босқинчиларига қарши кураш йўлида кучларни бирлаштириш максадида кўп харакат қиласи. Лекин, Юсуфбекни беклар кўллаб-қувватламайди. Натижада, Юсуфбек снёсий ҳаётдан кўл силтаб кетадио зоҳидона турмуш кечира бошлайди.

«Ўткан қунлар»га умумий баҳо.

Роман мазмунининг қисқача баёнидан кўриниб турибдики, бу асар ҳалқ ҳаётини заҳарлайдиган феодал тузумни фош этишга, Одатни (яъни, анъанавий урф-одатларни), ўғил-қизлар ота-оналари ихтиёри билан турмуш қуришга мажбур этиладиган расм-руссумларни танқид қилишга бағишланган. Муаллиф фикрича, Отабек билан Кумуш муҳаббатининг фожиали тарихи Одатнинг яроқсиз эканини кўрсатиб бериши лозим. Роман феодал тузумга қарши йўналтирилган ҳақида муаллиф асар

сўзбошисида очиқ-ойдин шундай дейди: «Мозийга қайтиб иш кўриш — хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим».

Романда муаллиф ўз олдига қўйган мақсадни — ўзбек халқи тарихидаги энг қора саҳифаларни ташкил этадиган хон замонларинн фош этишдек олижаноб мақсадни муваффақиятли равища, зўр бадиий маҳорат билан адо этади. Бундан ташқари, ёзувчи бошқа бир вазифани ҳам кўнгилдагидек бажо келтиради: у кўп асрлардан бери авлодлар фожиасига сабаб бўлаётган Одатнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади.

Шу билан бир қаторда романдаги қалтис масалалар ҳақида (ёзувчи қамоққа олинишига сабаб бўлган); турли тоифадаги тан-қидчилар томонидан, романда миллатчилик ва ўрисларга қарши кайфият тарғиб қилинадиган ўринлар бор, деб айрича талқин этилган ҳолатлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Асосан, бу Юсуфбек томонидан ўрис босқинчилари,— умумий душманга қарши кураш пўлида кучларни бирлаштириш хусусидаги фикр-мулоҳазалардир. Романда фақат ўрис подшолиги ҳақида гап кетади ва ўрис меҳнаткашлар тўғрисида бир оғиз ҳам ёмон гап айтилмайди. Боз устнга, ўрис хплқининг ижобий хусусиятлари романда (масалан, ўрнсларнинг мамлакатни бошқариш тартиблари тўғрисида Отабек айтган гапларни эслайлик: шубҳасизки, ўша тартиблар феодал Туркистондаги мавжуд тартибларга нисбатан хийла илғор эди) юқори баҳоланади. Шундай қилиб, Юсуфбекнинг фикр-мулоҳазалари ўрис халқига тегишли бўлмай, фақат ўрис подшолигига алоқадор ўринли гаплардир. Отабекнинг гап-сузларчда ўрис халқига бўлган, унинг маданиятига нисбатан бўлган кучли эҳтиром сезилиб туради. Энди Отабекнинг ўрис подшоси қўшинига қарши урушда ҳалок бўлгани масаласига кўлсак, бу ҳол ўша давр кишиларига хос фазилат саналарди. Уша даврнинг илғор кишилари ўрпс подшолиги томонидан Ўрта Осиёнинг боспб олинишини аввало. мустамлакачилик деб баҳолардилар — улар Туркястоннинг Урпспяга қўшиб олинишининг фойдали томони ҳам бор эканнни тушунмасдилар. Ҳатто бизнинг Шўро фанн ҳам Туркестоннинг кушиб олинишининг ижобий томонлари бор экани ҳақида кейиннги ўн-ўн беш нил ичидаги муқим бир тўхтамга келдилар, холос. Якин-яқингача ҳам Шўро тарихчилари Туркестоннинг Урисияга қўшиб олинишининг салбий, зааралн — мустамлакачилик моҳияти тўғрисида гапиришар эдилар. 20-йилларнинг бошларида яратнлган роман муаллифига 50-йиллардаги тарих фани нуқтан назаридан эътиroz билдириш — мутлақо адолатсизликдир. «Тткан кунлар» романини фақат юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, «миллатчилик руҳидаги асар» деб эълон қилиш оемаънилик бўлиб, муаллифга бўхтондан ўзга нарса эмас. Бундай тухматлар гуноҳсиз кишиларпнг юзинга қора суртишга зўр берилган даврдан қолган сарқит ҳисобланади.

«Мехробдан чаён» ҳам тарихий роман (мен бу романнинг қуйидаги нашри билан танишдим: «Абдулла Қодирий (Жулқунбой), «Мехробдан чаён», Худоёрхон ва муншнийлар ҳаётидан тарихий роман. З-нашри, Тошкент — 1935». Лотин алифбосида, ўзбекча).

Роман мазмуни (худди «Ўткан кунлар» романнинг мазмуни баён қилингани каби батафсил иншо қилинади; биз ўқувчини зериктираслик мақсадида И. Султонов хulosасидан нусха кўчириш билай чекланамиз: изоҳ бизники — Н. Б.).

«Мехробдан чаён» романнинг қисқача баёнпдан ҳам куриниб турибдпкп, муаллиф ўз олдига кўнган мақсадга тўла-тўқис эришган — хонлик тузуми адолатсиз, инсонин қиёфасини йўқотган тузум сифатида фош этилади. Диққатга сазовор жихати шундакн, роман қаҳрамонлари зулмдан қочишиб ўрислар тасарруфидаги, инсонийроқ тартиблар жорий этилган юртдан паноҳ топишади, баҳтли бўлпшади.

«Обид кетмон» — замонавий, Шўро тузуми мавзусида ёзилган қиссадир (мен асарнинг қуйидаги ўрисча нашрн билан танишдим: «А. Кадири, «Обид кетмень», повесть из колхозной жизни. Авторизованный перевод с узбекского Л. Соцеротовой. Госиздат УзССР, Ташкент — 1935»).

Бу қисса бадний жихатдан Абдулла Қодирипнинг илгариги романларига нисбатан хийла бўшроқ. Шунинг учун унинг мазмуни ҳакида алоҳида тухталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин бир нарсзни айтиб ўтиш лозимки, қнсса ўртаҳол ўзбек дехқонининг жамоа хўжалигига кириб келишини кўрсатиб беришга бағишланган. Муаллиф «Четан» жамоа хўжалигининг пайдо бўлиши тарихини ва бу жараёнга уртаҳол дехқон Обид кетмон қўшган улушни бадиий акс эттирадп. Вокеалар кескин синфий кураш силсиласида рўй беради. Мураккабҳаёт йўлинни босиб ўтган Обид кетмон фақат жамоа хўжалнгига аъзо бўлибина қолмасдан, кейинчалик жамоа хўжалигининг раҳбари — раиси бўлади.

Қиссанинг умумий таърифи.

«Обид кетмон» қиссаси ўзбек адабиётида жамоа хўжалиги қу-рилиши ва ўртаҳол дехқоннинг шундай хўжаликка кириб келиши ҳақида яратилган биринчи асар сифатида қимматлидир. Айни замонда, қисса ёзувчи нжоднда олға босилган қадам ҳисобланади: Абдулла Қодирий фақат тарихий мавзулар билан чекланиб қолмай, замонавий долзарб мавзуга қўл урганини кўрсатадиган ёрқин мисол тарзида ҳам диққатга лойикдир. Бироқ, қиссада қўзга ташланиб турадиган қатор камчипликлар бор. Шулар жумласидан қуйидагиларни санаб утпш мумкин: а) жамоа хўжаликлари қурилишида фирқанинг етакчилик ўрни ва камбагал дсҳонлар ҳаракати лознм даражада кўрсатиб берилмаган; б) бу ишда ўртаҳол дехқонлариннг урни бирмунча бўрттириб юборилган; в) ёзувчп замонавий мавзуни бадпий жиҳатдан маромига етказпб санқаллай олмайди.

Абдулла Қодирий ижодига умумий таъриф.

Йигирманчи йилларнинг охирлари, ўттизинчи йилларнинг бошларида ўзбек Шўро адабиёти энди шаклланаётган тарихий давр нуқтаи назаридан чиқиб келнб, Абдулла Қодприп асарларининг мазмуни билан танишганнмдан сўнг прокуратура томонидан олдимга қўйилган масалаларга тубандагича жавоб бераман.

1. Юқорида номлари зпкр этилгав Абдулла Қодирийнинг асарларида миллатчилик, аксилшўравий ғоялар олға сурилган ўринлар йўқ. «Ўткан кунлар» романида Туркистошпшг Ўрисияга қўшиб олинишин масаласида баъзи бир ноаниқ талқинлар қўзга ташланса-да, лекин бу ҳол муаллифнинг ғаразли нияти самараси эмас, балки романда тасвирланаётган даврга берилган чалкай илмий баҳо маҳсулидир. Қолаверса, Абдулла Қодирий ғоявий жиҳатдан мутлақо тўгри бўлган «Мехробдан чаён» романнда ўша воқеанн ҳам Шўро фанн нуқтаи назаридан туриб сритади. Романларнинг бирортасига ҳам миллатчилик қарашлари илгари суриляпти, деб айб тақиши мумкин эмас.

Абдулла Қодирип ўзининг навбатдаги «Обид кетмон» асарида ғоявий жиҳатдан улғаяди: у Шўро замонаси ҳақида бадиий асар яратади. Бу асарда ҳам миллатчилик, аксилшўравий қарашлар асло илгари сурилган эмас. Қиссада учрайдиган камчилик ҳар Қандай Шўро ёзувчинининг ҳар қандай асарида учраши мумкин.

2. Абдулла Қодирийнинг юқорида кўрсатилган асарлари ўз вактида ўзбек адабистишинг салмоқли ютуғи ҳисобланарди. Чунки Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида биринчи бўлиб роман жан-рига асос солган эди. Унинг асарлари юксак бадиийлиги, тилининг ширадорлиги билан ажralиб турди. XIX асрдаги хон тузумини, феодал тузумни таг-томири блан фош этадиган, хонликнинг бартараф этилиши — XIX асрнинг пккинчи ярмида Туркистоннинг Ўрисияга қўшиб олиниши қанчалик илгор аҳамиятга эга эканини ўқувчига тушунтиришга хизмат қиласиган асар ўзбек Шўро адабиётида шу пайтгача яратилгани йўқ.

3. Агар Абдулла Қодирийнинг ўша асарлари (лозим топилган сўзбоши ва шарҳ билан) ҳозирги кунларда нашр этилса, жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўларди.

*И. СУЛТОН (имзо),  
филология фанлари доктори».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Тафтиш ашёлари» бўлими, 115—124-саҳифалар.)

Қисқаси, «янгитдан очилган ҳолат»нинг энг салмоқли қирраси ана шундан иборат. Гарчи Иззат Султон кейинги «хон замонлари»да, хусусан, Р. Ҳ. Абдуллаев замонида ҳам «синфий вазиятни» кўлдан бермаган бўлсада (у Езувчилар қурултойида «Юлдузли тунлар»ни қандан шижаот билан «фош этганини» жумҳурият қалам аҳли ҳали унумаган бўлса керак албатта), лекин 1956 йили Абдулла Қодиршши ғоявий қурол билан ҳимоя қилган экан. Ажабки, мафкуранинг тутуриқсизлиги туфайли Абдулла Қодирий 1938 йили ўлдирилади, сўнг... яна ўша тутуриқсиз мафкура билан марҳум ёзувчининг боши силанади. Мунофиқликнинг бундан ортиқ «доза»си бўлмаса керак!.. Майлп. жин урсин, гап бунда эмас. Ҳамма гап шундаки, хўш, буларнинг нимаси «янги очилган ҳолат» экан? Ахир Абдулла Қодирий 1938 йилдан кейин ўз асарларига бир жумла ҳам ўзгартиш

киритмаган булса — асарла-ри ўша-ўша бўлса-ю, лекин кутилмагандан асарлар «янгитдан кашф этилса», гулдурос қарсаклар остида ёзувчи оқланса!!! Шошмангиз, ўртоқлар, Қодирий асарла-ини синфий жиҳатдан кунпаякун этган азаматларни ҳам бир кўрпб қўяплик, ахир! Ўлар 1938 йили сувдан қуруқ чиқиб кетишган эди, яна тағин... соҳилиинг нариги томонига ўтиб олишиб, «ҳаммомпиш» ўйнаб ўтиришаверадими?!

«Унинг устидан қўзғатилган иш таркибида жиноят унсурлари бўлмагани туфайли ҳаракатдан тўхтатил-син», дейилади Ҳарбий Ҳайъат ажримида. Қизик, ўн саккиз йил муқаддам чиқарилган ва тўхтовсиз ижро этилган ҳукмни... қандай қилиб ҳаракатдан тўхтатиш мумкин, ахир?!

— Жаноблар, нима бало, марҳумларни калака қиляпсизми?

## АНГЛАТМА

...«Жиноятнома ашёлари ва янгитдан олиб борилган тергов хулосалари билан танишиб чиқиб ва Бosh Ҳарбий прокурор келтирган далилларни асосли деб топган ҳолда СШЖР1 Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати

## АЖРИМ ҚИЛДИ

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан 1938 йилнинг 6 октябр куни Абдулла Қодирийга (Жулқунбой) нисбатан чиқарилган ҳукм янги очилган ҳолатлар муносабати билан бекор қилинсин ва бу ишда жиноят таркиби бўлмагани туфайли ҳаракатдан тўхтатилсин.

Раислик қилувчи: (*имзо*)

Аъзо л а р и:

(*имзо*)

(*имзо*).».

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, 92—93-саҳифалар.)

Қодирий отилади. Орадан ўн саккиз йил ўтади ва Қодирийни отувга ҳукм қилган ўша идора — ССЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати... ўз хатосини тузатади — гўё АДОЛАТни тиклайди.

Эй инсон, топталган адолатни, отилган АДОЛАТни тиклаб бўладими?!

Жилла курса, Абдулла Қодирийнинг 1938 йили мусодара қилинган мол-мулкининг товони тўлангандир-ку, ахир, деб киши ўзига таскин бермоқчи бўлади ва ўша даврларда Қодирийдан нималар (жонидан ташқари) тортиб олинганини билишга қизиқади.

1938 йил 8 январ куни қатлгоҳ камендатураси томонидан Абдулла Қодирийга берилган 183-сонли расмий қоғоз нусхасида қайд этилишича, маҳбус уйидан 79756 рақамли битта бир қувурли ов милтифи (патронсиз) олинган эди. 3438-сонли англатмада кўрсатилишича, 1937 йил 31 декабр куни ЎзСШЖ ИИХК ДХБ қошидаги қамоқхона кўриқчиларининг бошлиғи Винокуров томонидан шахсий тинтуб қилинган Абдулла Қодирий чўнтағидан эллик (50) сўм пул билан «чарм иштонбоғ» ечиб олинади. Ҳужжатгоҳда сақланаётган А. Қодирий жиноятномасининг 80-саҳифасида ушбу англатма бор:

«1937 йил 31 декабр куни берилган 27/26-сон фармонга кўра хонадони тинтуб

қилинган Абдулла Қодирийдан олинган қуидаги нарсалар Маъмурий-хўжалик бўлимига топширилгани тўғрисида ҳам, улар қаерда экани ҳақида ҳам хужжат йўқ экан:

1. Абдулла Қодирий номига берилган 018448-сонли бошпурт;
2. Ёзишмалар ва алоҳида жомадондаги адабиётлар.

*ЎзСШЖ ИИХК ДХБ II бўлимининг бошлиги, д/х катта лейтенанти Горемов (имзо).*

Бундан ташқари, Абдулла Қодирийнинг «шахсий мол-мулки» 1945 йили ёзувчининг тўнгич ўғли Ҳабибулла Қодирий қамоққа олинган пайтда яна бир марта мусодара қилинади. Бу ҳақда Ҳ. Абдуллаев (Қодирий) жумҳурият Давлат Хавфсизлиги Кўмитасига ёзган аризасида шундай дейди:

«1945 йил 28 май куни қонунга хилоф равища ҳисбга олиндим ва асоссиз тарзда ЎзСШЖ ЖМнинг 66-, 67-моддалари буйича устимдан жиноий иш қўзғатилди. Аввал, 1938 йили менинг отам Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳам асоссиз равища жиноий жавобгарликка тортилган эди. Ҳозир отам ҳам, ўзим ҳам тўла-тўқис оқландик. Мени қамоққа олишаётган пайтда уйимиздаги отамнинг кутубхонаси тортиб олинган эди; унда асосан етмишдан ортиқ мумтоз Шарқ адабиётининг намуналари бор эди. Менинг ўзим ҳам Шарқ адабиёти билан таниш бўлганим учун уйимиздан қандай китоблар олиб чиқиб кетилганини аниқ биламан, улар қуидагилар.

1. Отамнинг нашр этилган ва нашр этилмаган асарларининг қўлёзмалари.
2. «Муштум» жаридасининг 1923—24-йиллардаги тўлиқ тахлами, бир китоб.
3. «Мехробдан чаён» романининг тожик тилида чоп этилган тўрт нусхаси.
4. Ўрис тилида чоп этилган «Обид кетмон» қиссаси, икки нусха.
5. «Қўмопдоннинг жуғрофий харитаси», баҳоси 100 сўм, битта китоб.
6. Шайх Саъдийнинг «Гулистан» асари қўлёзмаси (соҳиби қалам), бир китоб.
7. Ш. Саъдийнинг «Гулнston» асарининг туркийга таглама таржимаси, бир китоб.
8. Ш. Саъдийнинг «Бўйston» асари, бир китоб.
9. Ш. Саъдийнинг «Тобистон» асари, бир китоб.
10. Ш. Саъдийнинг «Шабистон» асари, бир китоб.
11. Хондамирнинг «Равзатул сафо» (тўлиқ) асари, бир китоб.
12. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийлар» тўплами, икки китоб.
13. Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирларнинг «Баёз»и, тўрт китоб.
14. «Калила ва Димна», бир китоб.
15. «Рубобияти Умар Хайём», бир китоб.
16. «Шарқ табобати англатгичи», тўрт китоб.
17. «Фиёслу луғат» — араб, форс, туркий тиллар луғати, олти китоб.
18. «Қомус», бир жилдлик; Туркия нашри (500 сўмга сотиб олинган), бир китоб.
19. «Ленин», ўрис тилида 1924 йили Ленин вафоти муносабати билан чоп этилган китоб, бир дона.
20. «Ибн Сино», фалсафий қўлёзма, бир китоб.
21. Фаридиддин Атторнинг «Чор китоб»и, бир дона.
22. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» асарининг қўлёзмаси, бир китоб.
23. Юсуфхожа Сарёмийнинг шеърлар тўплами, бир китоб.
24. «Қуръон»и карим, турли хаттотлар томонидан кўчирилган, саккиз нусха.
25. Дехлавийнинг «Чор дарвеш» асари, бир китоб.

26. «Хожа Ҳофиз», шеърий тўплам, туркий шарҳи билан чоп этилган, икки китоб.
27. «Ибн Холдун», қўлёзма (тариҳ), икки китоб.
28. «Қомус ул-луғат», туркий таржимаси, тўрт китоб.
29. «Саҳиҳий Бухорий» (тўлиқ), икки китоб.
30. Алишер Навоий, «Ҳамса» қўлёзмаси, бир китоб.
31. Алишер Навоий, «Чор девон» қўлёзмаси, бир китоб.
32. Низомий, «Ҳамса» қўлёзмаси, бир китоб.
34. Бедил, «Куллиёт» қўлёзмаси, бир китоб.
35. «Минг бир кечा», нашр нусхаси, икки китоб.
36. Абдураҳмон Жомий, «Ҳафт авранг» қўлёзмаси, бир китоб.
37. Абдураҳмон Жомий, «Нафосатул унс» (тариҳ) қўлёзмаси, бир китоб.
38. Абдураҳмон Жомий, «Куллиёт» қўлёзмаси, бир китоб.

Бошқа китобларнинг номлари ҳозир эсимда йўқ... Ушбу арзнома асосида отамнинг кутубхонасини қайтариб беришингизни ёки агар китоблар сақланиб қолмаган бўлса, уларнинг баҳосини тўлашнингизни сўрайман.

X. Абдуллаев (имзо)  
1957 йил 10 июн».

## ТАСДИҚНОМА

«1945 йилнинг 28 май куни Тошкент шаҳар, Термиз кўчасидаги 9-йда яшайдиган Ҳабибулла Абдуллаев хонадоннда Ҳайдар Умаров гувоҳлигида тинтув ўтказдим.

Тинтув пайти қўйидаги буюмлар топилди ва мусодара қилинди: бошпурт, ҳарбий дафтарча, касаба уюшмаси паттаси, Абдуллаевнинг талабалик дафтарчаси, 39 дона фотосурат, 219 варакдан иборат ҳар хил ёзишмалар.

Араб имлосида ёзилган, муқоваланган 70 дона китоб.

Араб имлосида ёзилган-у, лекин муқоваланмаган 12 дона китоб.

Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Ўткан кунлар»— олти дона, «Мехробдан чаён» — олти дона, «Тулки билан тентак» ҳақидаги китоб — икки дона, «Шубҳа» — икки дона, «Берди татар» — олти дона.

Абдулла Қодирийнинг икки минг олтмиш (2060) варак қўлёзмаси ва иккита дафтарчаси.

Фитратнинг «Қиёмат» китоби, бир дона.

Миллатчи ёзувчиларнинг асарларидан иборат тўплам, бир дона.

Ф. Хўжаевнинг сурати босилган номсиз жарида, бир дона.

Иброҳимов қаламига мансуб «Турон. Темирланг» номли китоб, бир дона.

«Муштум» жаридасининг тахлами ва Абдулла Қодирийнинг мақолалари чоп этилган араб имлосидаги «Улугъ Туркистон» рўзномаси — 164 дона.

Абдулла Қодирийнинг бешта дафтари.

Абдулла Қодирийнинг шахсий ёзишмалари — 154-варак.

Халқ душманларининг мақолалари чоп этилган «Муқаддас қабр қошида» китоби, бир дона.

«Шўро давлати» жаридасининг 1935 йили нашр этилган 4-, 7-, 8-сонлари.

Жуғрофия харитаси, бир дона.

(имзолар)

*Нусха аслига тугри: ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚнинг ходими Голубев (имзо)».*

(А. Қодирийнинг жиноятномаси, «Товон тўлашга оид» бўлими, 52-, 53-, 54-саҳифалар.)

1938 йилнинг 5 октябр куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан чиқарилган (аслида ҳеч қаёққа чиқарилмаган) «махфий» ҳукм фақат Абдулла Қодирийни отиб ўлдиришни назарда тутмаган эди, айни пайтда «унга тегишли мол-мулк мусодара этилсин!» деб «фатво» берган эди. Равшанки, қатл ҳукми тухтовсиз ижро этилади, сўнгра марҳумнинг мол-мулки таланади, ҳатто ёзувчининг иштонбоги (жиноятноманинг сттинчи саҳифасидаги 4269-сонли англатмада қайд этилишинча) ҳам тортиб олинади ва «кимошди» савдосига қўйилади, сотиб еб юборилади.

— Бу кунингдан ўлганинг яхши-ку, Давлатбой! Бу кунингдан кўчаға чиқиб без терганинг яхши-ку САРКОТИБ!

«Емоқнинг қусмоғи ҳам бор, ёшулли!» дейдилар. Нихоят, товон тўланадиган вақт келади.

Аввало, Абдулла Қодирийнинг қариндош-уруғлари тегишли жонга — Давлат Хавфсизлик Кўмитасининг маҳсус хонасига чақирилади-да, уларга: «Оталаринг бегуноҳ экан. Мана, оқланди», дейилади ва қўлларига бир парча оқлов қофози топширилади.

— Отамизнинг хунини ким тўлайди? Жиддин ходим қошларини чимиради.

— Кутинглар, — дейди, — ўзимиз чақирамиз, — дейди.

## АНГЛАТМА

«М а х ф и й

*ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ Маъмурий-хўжалик бўлимининг бошлигига*

Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) жиноятномаси тозасидан СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати 1956 йил 9 октябр куни чиқарган ажримни ижро этиш учун юборяпман.

Қодирийнинг яқин қариндошлари аниқлансан-да, уларга ажримнинг мазмуни тўлиқ айтилмасдан, фақат жиноятнома қайта кўриб чиқилгандан кейинги натижа билдириб қўйилса кифоя. Қариндошлари қўлига оқлов қофози берилсин. Ажрим билан қайси куни таниширилгани тўғрсида Ҳарбий Ҳайъат билан Ҳарбий прокурорга хабар берилсин.

Қодирийнинг мусодара қилинган мол-мулки қариндошларига қайтарилгани хақида ҳам Ҳарбий Ҳайъатга хабар беришингизни сўрайман.

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати  
1956 й. 6 октябр, 4 н — 018240/56- сон,  
Масков шаҳри, Воровский кўчаси, 13-уй».

Қарор чиққан кун билан нусхаси ижро этиш учун юборилган кун пойма-пой эканидан ташқари, мазмунан мунофиқ эканини эътироф этмасдан илож йўқ, албатта. Кўриниб турибдики, беихтиёр кишида 1938 йилги қатли ом ҳам, 1956 йилги оқлов тадбирлари ҳам ягона режа асосида, илгаритдан ҳозирлаб қўйилган йигирма йиллик муқобил режа асосида амалга оширилгандек нохуш тасаввур пайдо бўлади. Демак, адолат ҳақидаги

ҳамма гаплар ёлғон экан, чўпчак экан, ваҳшатли қатли ом даври «шахсга сифиниши» атамаси билан бекорга хаспўшланмаган, мавхумлаштирилмаган зкан! Аслида, моҳият ўзгармай қолаверган экан.

## АНГЛАТМА

«Маҳфий

Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашининг раиси ўрт. Турсуновга

Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) қариндош-уруғлари томонидан ёзилган шикоят — оталарининг мусодара қилинган мол-мулки қайтарилиши сўраб ёзилган арзнома кўрилаётгани муносабати билан Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) мол-мулки ҳақиқатан ҳам мусодара қилинганми-йўқми эканини текшириб кўришингизни сўрайман...

Абдулла Қодирийнинг қариндош-уруғларига тегишли жавобин айтишим учун менга текшириш натижаларини маълум қилинг.

1956 й. 26 декабр.

ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ раисининг ўринбосари, подполковник Коновалов (имзо)».

\* \* \*

«ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ раисининг ўринбосари, подполковник Коноваловга  
1957 й. 12 апрел

1938 йил 5 октябр куни СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати томонидан мол-мулкини мусодара этнш шарти билан жиноий жавобгарликнинг олий жазосига — отувга ҳукм қилинган Абдулла Қодирийнинг (Жулқунбой) мол-мулки ҳақида маълумот.

СШЖИ Олий судининг Ҳарбий Ҳайъати 1956 йилнинг 9 октябр куни Абдулла Қодирийнинг мол-мулкини мусодара қилиш ҳақидаги ҳукмни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарди. Фуқаро Абдулла Қодирийдан қўйидаги нарсалар мусодара этиб олинган эди:

79756 ракамли 20 калибрли бир қувурли бир дона ов милтифи: баҳоси — 149 сўм 00 тийин. Эскиргани учун асл баҳосидан йигирма фоиз чегириб ташланса, даъвогарларга 119 сўм 20 тийин тўланиши лозим.

ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ Маъмурий хўёжалик бўлимининг бошлиги, подполковник  
Петруха (имзо).

ЎзСШЖ ҳузуридаги ДХҚ молия бўлимининг бош-лиги, яйор Поникленко (имзо)».

Қўшалоқ англатмадан маълум бўляптики, қисман мусодара қилинган Абдулла Қодирийнинг ҳовлисию ўша пайтларда тортиб олинган ов милтифининг «янги» баҳоси ёзувчининг қариндош-уруғларига қайтарилади, холос.

Қўлёзмалар-чи, китоблар-чи?

Тўғри, жиноятноманинг «Товоң тўловига оид» бўлимида Қодирийнинг қўлёзмалари, китоблари ҳақида бирталай расмий сўров нусхалари бор. Мана шу масала юзасидан

олинган расмий жавоблар ҳам бирталай. Яъни, ўтин оз-у, лекин гап кўп.

## АНГЛАТМА

### «МАХФИЙ

ТуркҲЎ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги ўрт. Бичковга,  
Тошкент шаҳри

1956 й. 24.VIII кунги 4—6/1338-сон сўровига жавоб. Маълум қиласизки, ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Сиз санаб кўрсатган қўлёзмалари, «Муштум» жаридасининг тахлами ва бошқа адабиётлар ЎзСШЖ Давлат Xадфизилиги нозирлигининг Тергов бўлими томопидан 1947 йил 26 март куни чиқарплган қарор асоснда 1947 йилнинг 5 апрел куни ёкиб юборилган, йўқотилган.

Қўйида адабиётларни йўқотниш тўғрисидаги қарор ва ёкиб юборилганп ҳақидаги қайдномани илова қиляпмиз.

*ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ Маъмурий-хўжалик бўлимининг бошлиги, подполковник  
Петруха (имзо).  
I бўлим бошлиги, майор Жириков (имзо)»*

### «МАХФИЙ

ЎзСШЖ Прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси ўрт. Копейкога.  
Тошкент шаҳри

1956 й. 30.X кунги 15/15—ОҚ-сон сўровига жавоб.

Маълум қиласизки, ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан унинг ўғли Ҳабибулла Абдуллаев хонадонидан мусодара қилинб олинган китоблар ва бошқа адабиётлар ёкиб юборилган, йўқотилган.

Сиз кўтарган ушбу масала билан шу йилнинг август ойида ТуркҲЎ ҳарбий прокурори атрофлича текшириш ўтказган эди.

*ЎзСШЖ НК ҳузуридаги ДХҚ Маъмурий-хўжалик бўлимининг бошлиги, подполковник  
Петруха (имзо).  
I бўлим бошлиги, майор Жириков (имзо)*

ДХҚ ҳужжатгоҳида Қодирийнинг китоблари, қўлёзмаларн ёкиб юборилгани тўғрисида расмий қофоз бор. Бу қофоз ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Абдуллаев 1945 йил 28 май куни қамоққа олинган пайтда мусодара қилинган китоблар, қўлёзмалар ёкиб юборилганини йўқотилганини англатади. холос. Хўш, Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳисбга олинган пайтда — 1937 йилнинг 31 декабр кунн мусодара қилинган «Ёзишмалар ва алоҳида жомадондаги адабиётлар» қаёқда қолди? Маъмурий-хўжалик бўлимида ҳатто Қодирийнинг ўша мулки қайд этилган бирорта эслатма ҳам йўқ экан-ку! Демак, 1956 йили «товон тўловига оид» ишлар билан шуғулланган ходимлар барча жумбокни ҳал этганлар, деб бўлмайди: улар шошқалоқлик қилганлар ёки калаванинг ўчини йўқотиб қўйганлар. Балки, ўша йилларда ДХҚда фақат маҳсус ходимларгина кира оладиган «махфий» хоналар бўлгандир, хуфя хужжатлар бўлгандир...

Қолаверса, минг марта расмий бўлмайдими, лекин биз бари бир қоғозга ишонмаймиз: бпр неча марта қоғозга ишониб... оғзимиз куйган, энди ҳар қандай расмий қоғозни *пуфлаб ичамиз* ёки ўзимиздан йироқ жойга суреб қўямиз ва бошқа далил-исбот келтиринг, деймиз. Айтайлик, ёқиб юборилгай ўша қўлёзмалару китобларнинг кули — ашёвий далили борми? Кулнни кўрайлик. Кулинни экспертизага бериб, обдан текширтириб кўрайлик, кейин ишонамиз ёки янги шубҳа пайдо бўлади.

Бундан ташқари, товон деганда фақат ов милти-гининг эскиргани учун чегириб қолинган «янги» баҳосигина тушунилмайди: товон — «келтирилган заарни қоплаш учун тўланадиган ёки олинадиган ҲАҚ»дир. Аникроғи, «ҳақ олинур, берилмайдур» (Беҳбудий). Одатда, даъвогар суст келса, қози муттаҳамлик қиласди. Биз шу пайтгача Абдулла Қодирийнинг қадрини, баҳосини билмаган бўлсак, сустлик қилган бўлсак, энди кўзимиз мошдек очилди — Қодирий ўзбекларнинг миллий ифтихори эди; миллий ифтихори ўлдирилган миллат — миллат бўлмайди, балки иллат бўлади, пода бўлади,. оломон бўлади! Миллат бўлишни истагач оломон энг аввал ўзининг миллий ифтихорини тикламоги лозим. Акс ҳолда, тўдалашиб юраверамиз... Токи ҒОЯ ҳукмрон бўлган давлат мавжуд экан, миллатнинг ифтихори ҳам, миллий бойлиги ҳам талон-тарож қилинаверади.

Билмоқ керакки, Абдулла Қодирийни бизга ҳеч ким ҳеч қачон қайтариб бермайди. Шунинг учун Қодирийни ўзбекларнинг ўз ҲАҚИ каби олмоқ лозимдир! Фақат Қодирийнигина эмас, барча азпз зотларимизни қайтариб оладиган фурсат етди.

Дарвоқе, ўша куни — 1938 йилнинг тўртинчи октябр куни Фози Олим Юнусов, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Ҳошим каби асл инсонлар ҳам отиладилар ва худди Қодирийдек суддан бир кун аввал қатл этнладилар. Нима бу, котнб янглишганидан саналарни алмаштириб ёзиб юборгани туфайли рўй берган жузъий хатоми? Бизнингча, котиб янглишмаган, балки ўзбекларнинг миллий ифтихори атайлаб топталган, ер билан яксон қилинган, ҳатто бир кун сабр қилишни ҳам лозим кўришмаган. Бундай дейишпизга сабаб шуки, ҳақиқатан ҳам, бирталай айбланувчилар, хусусан, Ислом Рустамов, Қосим Сороқин, Қурбон Берегин, Қаюм Рамазоновлар айнан тўртинчи октябр куни суд қилинадилар, олий жазога — отувга ҳукм қилинадилар ва ҳукм ўша куниёқ ижро этилади (жиноятнома англатмасида шундай дейилган). Демак, бир кун бурун суд қилиниб, олий жазога маҳкум этилган маҳбуслар сафига ҳали суд залига қадам босмаган айбланувчилар ҳам қўшилиб, ҳаммасини битта юк машинасига босиб олиб кетган бўлсалар ажаб эмас.

«Яна амр қилдимки, ғаним томонпда бўлган навкар бизга қарши қилич қўттарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Агар шундай кишилардан бирортаси жанг вақтида қўлга тушса ёки ғаним томонпдан умиди узалиб, бизга келиб хизмат қилишни ихтиёр қилган бўлса, уни азиз тутсинлар, мартабасини ошириб, вафодор одам деб билсинлар... Бир навкар ғаним наздида хурмат-эътиборга эга бўлиб қадрланса-ю, бироқ жанги жадал вақтида ўз бегига хиёнат қилиб, унинг душманнинг дўстлик қилса,, туз ҳақини унутса... ундей навкарга ишоннб бўлмайди» («Темур тузуклари» дан).

Балки, ўша замонда отув ҳукмини қачон ижро этншнинг унчалик аҳамияти бўлмагандир?.. Дейлик, давлатга «то ўлгунча ишлайдиган», яъни айнан отувга Ҳукм қилинган текин ишчи кучи керак бўлиб қолгандир? Ҳарбий Ҳайъат аъзоларининг қўлида «мутлақо маҳфий» фармонми, кўрсатмами бўлиши мумкин эдими? Албатта, мумкин

эди... Биз ҳозир ҳам аҳён-аҳён: «Отувга хукм қилинган кишилар отилмайдилар, улар ўлгунларича заҳарли конларда ишлатиладилар ёки тилло чиқадиган жойларга юбориладилар», деган миш-мишларни эшитиб юрамиз. Қолаверса, 1950 йилларнинг охирларигача Абдулла Қодирийнинг ўғил-қизлари ҳузурига нотаниш кимсалар келишаркан-да, уларга оталаридан қизғин саломлар топширишар экан, Қодирий ҳазрат соғ-саломатлар, насиб этса, келадилар, дейишар экан. Ҳатто йигирма-йигирма беш йилдан сўнг Тутқунгоҳдан омон-эсон қайтган бъязи кишилар: «Мен Жулқунбой деган ёзувчини кўрдим; тишлари тўкилиб кетган, чол бўлиб қолган», деганини ўз қулоғи билан эшигтан йигит ҳозир ҳам бор. Демак, Сталин ҳам амир Олимхон тажрибасидан ижодий фойдаланган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ўзбек ҳалқи номидан битта ваколатли вакил сайланса-да, у Давлат Хавфсизлиги Қўмитасидаги «энг-энг маҳфий» ҳужжатлар билан, бу ҳақда то ўлгунча бировга миқ этиб оғиз очмаслик шарти ёки ўша ҳужжатлар билан танишиб кўргач, бирйўла ДХҚга ходим сифатида ишга қабул қилиниш шарти билан танишиб кўрмоғи лозим ва олдига қўйилган масалаларнинг «икир-чикирлари» ҳақида тўхталиб ўтирумасдан, «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб бермоғи ўринли бўларди.

Хуллас, қодирийлар қачон қатл этилгани шу пайтга қадар аниқланмади, калаванинг уни топилмади. Биз умид қиляпмиз: ахир, улар отилмаган бўлиши ҳам мумкин-ку! Умидимиз шулким, ёлғон ғоя устига қурилган давлат, зора, охирги марта ўзини-ўзи алдаган бўлса! Илло, умид ҳам энг кейин ўлади.

Майли, охири умидимиз узилди, ўлди дейлик.

Хўш, Қодирий қаерда отилган?

Бу масала хусусида ҳар хил фаразлар, тахминлар бор, холос. Қуйида шулардан биттаси билан таништириб ўтмоқчимиз.

Биладиган кишиларнинг айтишича, 1938 йилнинг тўртинчи ва бешинчи октябр кунлари Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси камендантурасига тегишли нақлиётгоҳдан битта юқ машинаси ажратилган экан: ўша юқ машинасининг йўл варақаси ДХҚсининг ҳужжатгоҳида сақланиб қолибди. Унда қайд қилинишича, ҳайдовчига «ЧЕРНЯЕВКАГАЧА ВА УНДАН НАРИГА» боришига ижозат берилган экан, яъни улов борадиган манзил аниқ қўрсатилмаган, фақат йўналиш қўрсатилган, холос. Йўл варақасида ўша кунлари юқ машинасига ажратилган ёнилғи миқдори ҳам ракам этилган бўлиб, хисоб-китобларга қараганда, бу ёнилғи билан ўша мар-кадаги юқ машинаси ДХБ ҳовлисидан то Черняевкагача ва ундан кейин ўттиз чақирим (км) айланадаги бир нуқтага бориб, сўнг дастлабки жойига — Давлат Хавф-сизлиги Бошқармаси ҳовлисига етпб кела оларкан. Де-мак, 1938 йилнинг тўртинчи ва бешинчи октябр кунлари олий жазога хукм этилган маҳбуслар юқ машинасида Черняевкагача олиб борилганлар, сўнгра ўттиз чақирим айланадаги бпрорта овлоқ жойга элтилганларда отиб ташланганлар. Лекин қатлгоҳ аниқ эмас, мавҳум. Ўша жойни аниқлаш учун Черняевканинг ўттиз чақирим айланаси бир қатор элакдан ўтказилиши, энг камида бир саржин чуқурлиқда кавлаб чиқилиши лозим бўлади. Бу ниҳоятда мушкул вазифа. Лекин, оқилона йўсинда амалга оширилса бўладиган вазифа: дастлаб, ўша жойлар синчиклаб кўздан кечирилиши, мутахассислар назаридан ўтказилиши даркор. Кейин ишга киришилса, қийинчилик камроқ бўлади. Савобли ишнинг оғир-енгили бўлмайди.

Бизни таажжулантирган нарса шуки, наҳот, бир-парча йўл варақаси сақланиб қолган ҳужжатгоҳда қодирийларнинг кўлёзмалари бўлмаса? Жой етмаганми ёки етмиш йилдан

буён тоғдек бўлиб кетган чақувномалар орасидан ажратиб олиш қийин бўляптими? Балки, ДХҚга бу борада амалий ёрдам керакдир? Агар ДХҚ ходимларининг ўзлари халқдан ёрдам сўрагани қимтиниб туришган бўлсалар, жамоатчиликми, Олий Кенгашми бундай ёрдам қўлини чўзниши керак: ахир, ташаббус эркақдан бўлади, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди.

\* \* \*

Азиз ўқузчи, мана, Сиз Абдулла Қодирийнинг ҚАТЛНОМАСИ билан танишдингиз. Лекин, битта қатлнома билан танишдингиз, холос. Хўш, бундай қатлнома ягонами? Йўқ, албатта. Қатли ом даврида маданиятимиз, санъатимиз, адабиётимиз, илм-фанимиз ёппасига қирғин қилинган эди; кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларп, ўзбек халқининг асл фарзандлари териб-териб, саралаб-саралаб олинган эди. Қурбонларнинг сон-саногини ҳеч ким аниқ бўлмайди, уларнинг адофи йўқдек!.. Улар кимлар эди?.. Қатли ом ва қатли омга имкон яратиб берган тартиботлар яна қайтиб келмаслиги учун биз ҳақиқатни, у нақадар аччиқ бўлмасин, бор бўйича билмоғимиз керак. Зоро, касални даволаш учун, аввало, қандай касаллик экани аниқланади, сўнг муолажа қилинади: тиши оғриётган кишининг қорни ёрилиб, куричаги кесиб ташланса-да, лекин бари бир тиши оғрийверади...

Улар кимлар эди, биласизми?.. Абдулла Қодирий ўшаларнинг биттаси эди, холос.


Қалтис масала ҳақида уч-тўрт оғиз мулоҳаза билдириб қўймоқчимиз. Қодирийнинг қатлномаси билан танишган ҳушёр ўқувчи: «Ҳмм, терговчилар, ҳакамлар — салбий қаҳрамонлар, асосан, ўрис, армани, татар миллатига мансуб кишилар экан; улар орасида маҳаллий миллат вакиллари кам кўрсатилибди; бу ҳол халқлар дўстлиги тантанасига соя ташламасмикан?» дейиши мумкин. Начора, биз борини кўрсатдик; қаҳрамонларнинг бошига дўппи қўндириб, устига чопон ёпмадик. Ҳа, Ўзбекистондаги қатли ом ижрочиларининг кўпчилиги ўзга миллат вакиллари экан. Ўйлаймизки, бошқа собиқ иттифоқдош жумхуриятдаги қатли ом ижрочилари орасида ўзбек миллатининг «вакиллари» кўпроқ бўлса керак. Чунки, ишончимиз комилки, қатли ом раҳнамолари миллатларни бир-бирига гиж-гижлаш учун ҳам атайлаб «алмашлаб экиш усули»дан кенг фойдаланганлар: ўшаларнинг касрига етмиш йилдан буён -«дўст» бўлиб яшаган «ягона оила фарзандлари» ҳозир бир-бирига ёвлашиб ётибди! Аслида, қатли ом даврида ўрис, армани, туржи, татар ва бошқа халқларнинг бошларига ҳам бизникидан кам кулфат тушмаган эди. Зотан «кулфатнинг миллати бўлмайди», дейди севимли шоиримиз; айни замонда КУЛФАТ ҚЕЛТИРУВЧИнинг ҳам миллати бўлмайди: шумоёқ кимсалардан ҳар қандай миллат юз ўгиради — улар оқпадардирлар!!!

«Эй ҳожи! Хамма фасод улульъамирда! Агар улульъамир дуруст одам бўлса уч-тўртта муттаҳамнинг ёмонлиги ҳеч қаерга бормас ва бунча гунохсиз бечоранинг қони ўринсиз тўкилмас эди. Жаноби райғамбари худо, ҳадиси шарифларида айтадиларким, «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, қоланнабий алайҳуссалом! Изо виссадал амру нло ғайра ахли фонатизира соата!» Яъни, ул сарвари коинот марҳамат килурларким, агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамга топширилган бўлса бас — ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига мунтазир бўл!.. Бас, бизнинг корларимиз ҳам кўп фурсатлардан бери ноаҳил одамларнинг қўлига қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвои кулфатларни соладилар. Илоҳо, кори бадлар ўз бошлари билан даф булғай!»

(«Ўткан кунлар»дан)

\* \* \*

— **БИЗ КИМЛАРГА ИШОНИБ ЯШАДИК???**  
— **БИЗ КИМЛАРГА ИШОНИБ ЯШАЯПМИЗ???**



УзССР  
Народный Комиссариат Внутренних Дел  
УПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

**ОРДЕР № 27/16**

31. 1937 г.

Выдан *Майору* Управления


Государственной Безопасности НКВД УзССР

Майору *Мирзабеку* на производство

АРЕСТА И ОБЫСКА

*Мирзабек Кадыров*  
*Г. Абдулхаликов*

адрес



Ученко - 102г. 17-1946г.

**Дело №**

1269

По обвинению в контрреволюционной деятельности

В пр. р. С. С. 57442 от УМ УзССР



ТОМ №

976525

15 Июнь 1936 г.

Комитета труда и

6-100

ПРОТОКОЛ ДОПРОГА

обвиняемого МАИДА АБДУЛА "Джалилов".

1897 года рождения, гражданец Таджикистана, уроженец ССР, беспартийный, проходил по воинской обязанности с 1918 по 1920 год, в 1920 году окончил школу в городе Таджике. В 1920 году - без определения места жительства, проживал в Таджикистане.

\* \* \* Марта 1936 года.

**Вопрос:** Расскажите за что вы были арестованы и осуждены в 1936 году?

**Ответ:** Весной 1936 года я был арестован в Таджикистане и был арестован и приговорен к смертной казни за антипартийские и антисоветские действия в печати, в том же году в Верховный суд Таджикистана приговорена моя жена и двум годам тяжкого лишения свободы. Мое преступление было квалифицировано как антипартийское выступление, направленное на подрывание Советского Правительства в Таджикистане. В последствии я был амнистирован.

**Вопрос:** В чем практические выражались ваши антипартийные работы в области печати, которую вы проводили до момента вашего ареста в 1936 году?

**Ответ:** В первом с 1922 до 1926 года я принимал активное участие в работе киргизского журнала "Жукук" издания республиканской газеты "Джам-Габибиста" органа ЦК КП(б) РККП(б) Киргизии.

*А. Кадыров*

**АНКЕТА № 20**

ых и задержанных с зачислением за

*Мажитов* будет дана Красная книга

неверные показания в анкете, будут подвергнуты строжайшей ответственности.

**РОСЫ.**

**ОТВЕТЫ.**

1-я часть (заполняется заключенным).

<i>Кадыров</i>
<i>Абдулхаликов</i>
<i>Мажитов</i>

от государства

Абдулла Кадири, мобилизует симпатию, сочувствие на сторону центрального героя Атасека, что судьбу дает в будущем романтическо-налипстической антихорватской писне. Атасек после смерти возлюбленной Кумума <sup>Булан</sup> романтически исчезает. Ноуфек-хаджи через восемь лет времени получает письмо о своем сыне Атасеке следующего содержания:

"Все они атаки и еще один человек находились в нашей армии. Во время сражения с русскими под Алма-Атой эти два человека (димитры) в первых наших рядах, сражались, геройски погибли (считались махдиевы)".

Этими словами кончается роман. Это сделано вполне сознательно, с политической целью, с целью возбудить ненависть против русского рабочего класса, против русского народа, тем самым расширить круг сторонников буржуазных националистов, оказать временно-западническим буржуазно-националистическим влиянию на молодежь.

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ ОРГКОМИТЕТА  
СОЦНІВ *Олегант* СЕРГЕЯНОВ

ЗАМ. ПР ВІДСЕДАЧИ ОГРОМІСТІА  
ДОЛІНСТУРГ - КРЕТАК

ОВН МІСТЪ ЕДИНІЙ ОДНОМІСТЪ  
ОГНОМІСТЪ - МОЛОДОЙ ПОСТ  
ПІСАТЕЛІ : 22 ср (АДАЛДІК)  
(АЕДУЛЛА НАХАР)

КРЫШИН-ИМПЕРАТОРОВА Е. (ГАФОР РУЛЕН)

правила колхозные семьи сельского хозяйства, единственной  
представляет трудящиеся, вышедшие из среды, радостью  
излияющим в жизни, партии, которая воссторжение любви и уваже-  
ния всей подкованной массы, а видим подъезд беззройных, бесхраб-  
рых болтушам.

А.Кадыров высмеивает советских писателей, он их пренебрегает. Устами своего героя "комсомольца" Размета он говорит слова гордости (стр. 202):

Все высказывание ясно показывает, что враг народа А. Кадыров в повести "Абдул Кетмень" умышленно выступил против политики партии и правительства в краеведе, против кондитеров-шик сельского подполья.

Председатель Оргкомитета  
Курбасов

Ответственный Секретарь *Г. Гундс* (АХУНДИ)

Пасатели *Фома* (И.Назир)

**Н К В Д С С Р**  
**НАРОДНЫЙ КОМИССАРИАТ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ УЗССР**

## **ПРОТОКОЛ ДОПРОСА**

К ДЕЛУ №  
адр. Мария кн. 81 кн. 2 Ставропольский край  
Семашко Прокопий Антонович, 1888 г.р., с. Семашко

1. Фамилия Гуликов  
2. Имя и отчество Гарифулла  
3. Дата рождения 1905 г.  
4. Место рождения гора Башкиркаш  
5. Наименование поселка Курдюмово Уфимского р-на  
6. Населенный пункт Чебоксары, Чечено-Ингушская АССР

1. Паспорт Чисоб-багас Гурген-жеккесирик. №

• Родина Мурзаков - Казахстан

### **8. Социальное производство**

16. Содружеское плодоношение (род занятий и изучаемые дисциплины)  
Направление: Педагогика

Б. Сокол села Тишино 1976 г.  
Справа внизу: Тишино, Тишино

Библиотека Гучинова Тагира  
61. Шарифа 1935 г.  
Библиотека Кадары?  
Абдина Кадары Заведующий  
библиотекой в Бирюзово на Ура-  
зской - Куман, в селе Насыпное Кур-  
кендского района. Кроме зем-  
ли, имеет также скот и кури-  
ц. Женщины-нагорники изъезжали  
Казахстан для заработка в Казахстан. Член  
Сов. п. Др. Все они вернулись за кий  
Библиотека

Béni Pascualmaya, 2010 Bantayog ng Kalayaan at Ang  
Confession K. P. Nagkakaisang Pilipino

Москви Тэгуми?  
община Накане Шингенчику Кано  
известного Накане чиновника этого по

исела Рибасовъ въ Казань и изучилъ  
также французскую науку. Съ часомъ  
принесли ему Кандал-Мангу,  
Сынъ Кумбэя, изъ Казани. Да  
и Акин-Кесимъ, сынъ Ачи-Кебека,  
къѣ привезли изъ Казани и изучили  
всю ту науку въ Казани  
и всевозможные науки. Ачи-Кебекъ  
и Акин-Кесимъ, бывшіе въ Казани

Позовиць Григорій.

## ВИДОМКА № ПРОТОКОЛА

Создание КИУСОВА Гази Галим

от 10/VI- 1937 года

КИУСОВ Гази Галим 1892 г. рождения, узбек, уроженец г. Ташкента, бывший член УИК в 1919 по 1921 г. бывший в ВКП(б) избран по недостатку с наименованием его в политию в Продсоюз колхозов земли Под Кистонура на Ич-Камыс в 1929 по 1932 г. проявил в труде, не судившийся.

Вопрос: Как Вы знаете из пан-туркистов в Узбекистане?

Ответ: Из пан-туркистов нет известны следующие лица:

Абдулла АДАРН

Вопрос: Как распределялись обязанности среди руководящих организаций?

Ответ: В художественной индустрии членами пан-туркистов являются Насир Махмуд, Абдурин, Альберт, Мухаммад Фарид и Абдулла Адарн...

Протокол заверен с моих слов в присутствии причин

ДОПРОСИЛИ: Опер.Членка 4 Отд.УКБ НКВД Уз  
ССР. Абдулла Адарн (Адарн)

Опер.Членка 4 Отд.УКБ НКВД Уз  
Сергент. Служебной части  
(НКВД)

ВЕРИДИЧЕСТВО  
Доказано подтверждено  
(ТРИДЦАТЬ)  
*[Handwritten signature]*

ОИЗБ-УКБ ССР  
ДОБЫВАЕТ СА НАГЛЯДАТЬ  
ІСХАРІНН  
ВАШ IDАРАС  
ОЗГЛАВЛІТ  
ОТДЕЛ ПО ДЕЛАМ  
ЛІТЕРАТУРЫ И ИЗДАТЕЛЬСТВА  
УЗГЛАВЛИТ  
15/VI 1937 г.  
№ 237

Ташкент, литература, книга № 12  
Ташкент, 22, Нижнеевропейская, 12  
Телефон № 2105

Секретно  
экз. . . .

НКВД Уз.ССР 4-й Отдел  
тез. Третьюкову.-  
*[Handwritten signature]*

Сообщаем, что все книги и  
братья Абдулла Адарн членом  
из Атами по спискам 1937 года,  
как разоблаченного врача народа.

Нач.Узглавлита *[Handwritten signature]*

отп. 2 экз.  
1 копия  
1 дело  
Н.Н.

## ПРОТОКОЛ

\* ЗАКРЫТОГО СУДЕБНОГО ЗАСЕДАНИЯ ВЫЕЗДНОЙ СЕССИИ ВОЕННОЙ КОЛЛЕГИИ  
ВЕРХОВНОГО СУДА СОЮЗА ССР

5 октября 1938 года. Город Ташкент

Председательствующий Бригаденкорист АЛЕКСЕЕВ

Члены Бригаденкорист ЗАЙЦЕВ и Военный юрист 1 ранга БОЛДЫРЕВ

Секретарь военный юрист 1 ранга ЕАТИЕР

Заседание открыто в 12 час. 45 мин.

Председательствующий объявил, что подлежит рассмотрению дело по обвинению  
КАДЫРИ Абдулла (Джулкунай)

в преступлениях, предусмотренных ст. ст. 58, 64 и 67

УК Узб.  
ССР.

Секретарь доложил, что подсудимый находится в зале суда и что он  
должен в суд не выдвигаться.

Председательствующий удостоверяется в самоличности подсудимого и спрашивает  
его вручена ли ему копия обвинительного заключения, на что подсудимый ответил  
утвердительно. Подсудимому разъяснены его права на суде и  
объявлен состав суда.

Подсудимый никаких ходатайств не имеет и отвода составу суда  
не заявляет.

По предложению председательствующего секретарем оглашено обвинительное за-  
явление.

Председательствующий разъяснил подсудимому сущность предъявленных ему обви-  
нений и спросил его, признает ли он себя виновным, на что подсудимый ответил, что  
он признает себя виновным в том, что с 1917 по 1932 год он был

# ПРИГОВОР

иенем Союза Советских Социалистических Республик

выездная сессия

енной Коллегии Верховного Суда Союза ССР

в составе:

Председательствующего Бригаденюриста АЛЕКСЕЕВА  
Членов: Бригаденюриста ЗАЙЦЕВА и Военного юриста 1 ранга БОЛДЫРЕВА  
При секретаре военном юристе 1 ранга БАТНЕР  
В закрытом судебном заседании, в гор. Ташкенте  
5 октября 1938 года, рассмотрела дело по обвинению:  
Кадир Абдулла (Джумабай), 1897 г.р., литератора - в преступлениях, предусмотренных ст.ст. 58, 64 и 67 УК УзССР

Предварительным и судебным следствием установлено, что Кадир Абдулла (Джумабай) еще в 1919 г. принадлежал к группе националистов и членам партии Народного союза Узбекистана, а также являлся членом Чешской национальной партии и Чешской национальной партии Узбекской ССР и членом партии Революционных националистов Бухарской земли, занимавшим в этом же периоде руководящий пост в Узбекском национальном революционном комитете УЗНР и Советском Трудовом парке.

На преступном ряду эта Кадир Абдулла захватывает управление "Булгар" в виде начальника и становится Ким Чхеченским народным националистом, а также захватывает управление Советской администрации в Булгаре.

# ПРИГОВОР

иенем Союза Советских Социалистических Республик

выездная сессия

енной Коллегии Верховного Суда Союза ССР

в составе:

Председательствующего Бригаденюриста АЛЕКСЕЕВА  
Членов: Бригаденюриста ЗАЙЦЕВА и Военного юриста 1 ранга БОЛДЫРЕВА  
При секретаре военном юристе 1 ранга БАТНЕР  
В закрытом судебном заседании, в гор. Ташкенте  
5 октября 1938 года, рассмотрела дело по обвинению:  
РАУФА Рауфа Рахимовича, 1886 г. рожд., быв. профессора по истории литературы - в преступлениях предусмотренных ст.ст. 63, 64, 67 и 57 УК УзССР.

Предварительным и судебным следствием установлено, что Фронтрат в 1921 г.  
М.И.А. Абдивалим Узбекским Атласом националистической организацией подпольной террористической  
и диверсионно-террористической организацией, действовавшей на территории Узбекской ССР и ставившей  
целью вынужденное свержение Советской власти.  
Свержение Узбекистана от УзССР и создание будущего государства, посредством разрушения  
террористической методы организаций в сопровождении руководителей УзССР и Советского правительства.  
В 1928 году Фронтрат по заданию руководителя  
одной из названных организаций, Фронтруса Муратова  
в связи с тем, что в Узбекистане разведкой



32					
1. Фамилия и имя					
2. Имя и отчество					
3. Год рождения					
место рождения и приписка					
гор. Башкент октябрек. ул Аух Владилар. дом 32					
4. Образование					
Общее _____ Специальное _____					
5. Гражданство					
СССР Национальность Ч					
Коопратив раб.					
6. Специальность					
Общая _____ Узкая _____					

Магомедшаров  
Дучалазак.  
1883  
1/сред.

182 40

СОВ.СЕКРЕТНО

**С П Р А В К А**

Приговор о расстреле Балабанова —  
бывшего руководителя отделения —  
представления в исполнение в  
гир. Бишкек 14/IX 1956 г. акт о при-  
говоре в исполнение хранился в особом, охране  
1-го аппеляции НКВД ССР том к 10 лист 231

Заявка 10 от 1 СЕНТЯБРЯ 1956 ГОДА (Секретно)

С О В . С Е К Р Е Т Н О

**С П Р А В К А**

Приговор о расстреле Фатиршина —  
Рахимова —  
представления в исполнение в  
гир. Бишкек 14/IX 1956 г. акт о при-  
говоре в исполнение хранился в особом, охране  
1-го аппеляции НКВД ССР том к 10 лист 231

Заявка 10 от 1 СЕНТЯБРЯ 1956 ГОДА (Секретно)

✓  
10  
копия  
Секретни  
закрыт

СТАРШЕМУ ПОМОЩНИКУ ВОЕННОГО ПРОКУРОРА  
Туркмено — подполковнику юстиции —  
тov. БЫЧКОВУ

УДО 6

г. Ташкент.

На № 4/6-1338 от 15.IX.56г.

По вопросу изъятия книг и литературы на  
квартире писателя КАЛЬРИ АБДУЛЛА / АУЛКУНБАЯ/ и  
его сына АБДУЛЛАЕВА Хабибуллы, Вам сообщалось:  
в 18/1-5796 от 14 сентября 1956 года.

Другими данными по вопросу изъятой ли-  
тературы у КАЛЬРИ АБДУЛЛА и его сына АБДУЛЛАЕВА Ха-  
бибулла не располагаем.

НАЧАЛЬНИК УДАЛЫХ при СМ УзССР  
ПОДПОЛКОВНИК (ПЕТРУХА).

НАЧАЛЬНИК 1-ОГО ОТДЕЛЕНИЯ  
МОЛДАР  
БИРИКОВ.

отп. 2 экз.  
1-й авт.  
2-й в к. 20  
исп. Шенчук  
вх. к 14022  
печ. Заграждская  
30.XI.56г.

Приговор о расстреле Кадырова —  
бывшего руководителя отделения —  
представления в исполнение в  
гир. Бишкек 14/IX 1956 г. акт о при-  
говоре в исполнение хранился в особом, охране  
1-го аппеляции НКВД ССР том к 10 лист 231

Заявка 10 от 1 СЕНТЯБРЯ 1956 ГОДА (Секретно)

Журнал № ڈور نال سان

لیکھنے والوں کا نام  
وزیری کی تحریکی کمیٹی  
وزیری کی تحریکی کمیٹی  
— 12 — نامہ 192 گز  
گز سامانیہ

پرستگاری: ОДРОГОМ ЧЛЕНОМ ПРЕЗИДИУМА,  
Членами президиума т.т. АХМЕДБАЕВ, БІСОН, ГАЗИЕВ, ВАЛИК,  
КІРДІСОВ, КАНІСІВ, КАСІМ ХОДЖАЕВ, МАВЕЛІНБЕКЕВ, РАХІМ, СТОГРАНОВ,  
ЧЕЛДУЗОВ.  
ПІДПІСКА: Верховуда тов. КАСІМ.

Заявка оправдана	Приговор оправдана
Заявка заключена	Приговор заключена
Секретни	Секретни

СЛУЖАЛЬЩИКИ:	
1. Кадатабетто Верховного Суда УзССР ст 17/У1-с/г № 1293 с при- ложением книги прокурора и иска последним Верховного Суда от 15-16 июня 1956 г. по основаниям осужденного и 2-и годин лишения свободы Абду- лла Кадирова от отбытия, определен- ного судом, срока наказания до всего срока наказания.	1. Адатабетто Верховного Суда УзССР уд- влетворить и осужденного к 2-и годин лишения свободы Абдуллу Кадирова от отбытия, определен- ного судом, срока наказания до всего срока наказания.
ПРЕДСЕДАТЕЛЬ СЕКРЕТАРЬ	Касім ходжаев/ Рахім/

Аудио: Ген. асп. Спец. ген. Кадиров

СОВ.СЕКРЕТНО

**С П Р А В К А**

Приговор о расстреле Кадырова —  
бывшего руководителя отделения —  
представления в исполнение в  
гир. Бишкек 14/IX 1956 г. акт о при-  
говоре в исполнение хранился в особом, охране  
1-го аппеляции НКВД ССР том к 10 лист 231

Заявка 10 от 1 СЕНТЯБРЯ 1956 ГОДА (Секретно)

УЗБЕКСКАЯ ССР  
КОМИТЕТ  
ГОСУДАРСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ  
ПРИ СОВЕТЕ МИНИСТРОВ  
Узбекской ССР  
УАО

Сов.секретарю  
УАО

32 ОФФОРД  
№ 17789  
в. Таджик.

ПРЕДСЕДАТЕЛЬСТВУЮЩИЙ СУДЕБНОГО СОСТАВА  
ВОЙСКОВОГО КОМАКИУМ БЕРЛЮНОГО СУДА СССР  
ПОЛОКОВИЧУ АСТАНАУ - тов. С. Б. И. К-

гор. Москва

№ в 4-и-018-40/56 от 10.8.56г.

В ГЛАВНУЮ ВОЕННУЮ ПРОКУРАТУРУ

гор. Москва

НАЧАЛЬНИК УЧЕТНО-АРХИВНОГО ОТДЕЛА КГБ  
ПРИ СМ СССР - ПОЛКОВНИК - тов. МИХАИЛУ-

гор. Москва

Сообщаем, что наим 24 октября 1956 года обжаловано гр-ну  
АБДУЛАЕВУ Хабибулла с том, что оправданием Воинской коллегии  
Верховного суда СССР от 9 октября 1956 года его отец КАДЫР-  
РИ Абдулла (Джулькунбай) реабилитирован, а также вручена  
ему справка Воинской коллегии о реабилитации отца.

Начальник учетно-архивного отдела КГБ при Совете  
Министров СССР просим выдел уточнения промаха соотв-  
ствующий указ в учетах КГБ и МВД.

Исполнитель: Т.С.  
Наименование УАО КГБ при СМ УзбСР  
Полковник  
(ЗАГИБИН).  
Марки: 1. ОПИСЬ  
2. МИХАИЛ  
3. Кодекс 6 - штат  
4. М.п. № 100  
5. 15/8  
6. 545583

ЖАЛОБА УДОСТОИВШИХСЯ ПРИЕМА  
ПРИ СОВИЕТСКОМ ПРЕДСЕДАТЕЛЕ

Представительство ОГПУ в Средней Азии  
Советской Социалистической Республики

ОРДЕР № 32  
от 1-го ноября 1956  
Бывшему сотрудникам Курганская  
на производстве бывшему боецам  
из Кадыровской Абдуллаев

по адресу: Узбекистан, г. Ташкент, ул. Красная, д. 100  
Марки: 1. ОПИСЬ  
2. МИХАИЛ  
3. Кодекс 6 - штат  
4. М.п. № 100  
5. 15/8  
6. 545583

Печать: УГоловной Полиции Узбекистана  
Марки: 1. ОПИСЬ  
2. МИХАИЛ  
3. Кодекс 6 - штат  
4. М.п. № 100  
5. 15/8  
6. 545583

Печать: УГоловной Полиции Узбекистана  
Марки: 1. ОПИСЬ  
2. МИХАИЛ  
3. Кодекс 6 - штат  
4. М.п. № 100  
5. 15/8  
6. 545583

Секретарь  
зак. 2

ЗАМЕСТИТЕЛЬ ПРОКУРОРА УЗБЕКСКОЙ ССР  
СТАРШИЙ СОВЕТНИК АСТАНАУ

Ген. КОНЕЦКО

14.11.56  
УАО  
3/111

6

Г. Таджик.

№ в 15/15-OK от 30.8.1956г.

Сообщаем, что книги и другие материалы, выставленные  
на квартире писателя КАДЫРЫ АБДУЛАЕВА / ДЖУЛКУНБАЯ / и  
его сына АБДУЛАЕВА Хабибулла были уничтожены путем  
сожжения.

Подробная проверка по затронутому Вами вопросу  
в августе месяце с.г. проводилась Военным прокурором  
Туркестана.

отв.з. зак.  
1-я инд.  
2-я в. 1.20  
асп.инвент.  
вт. 1.17785  
при.заг.расслед.  
зап.заг.расслед.

НАЧАЛЬНИК УАО КГБ ПРИ СМ УЗБСР  
ПОЛКОВНИК (ПЕРУХА).  
НАЧАЛЬНИК УЧЕТНО-АРХИВНОГО ОТДЕЛА КГБ ПРИ СМ УЗБСР  
(ЗАГИБИН).

Исполнитель: Т.С.  
Наименование УАО КГБ при СМ УзбСР  
Полковник  
(ЗАГИБИН).

УЗБЕКИСТОН СОВЕТ  
ЕЗУЧИЛЛАРИ СОЮЗИ  
п/я Ташкент ул. 1 Мая, 26

№ 32  
11 " апреля 1956 г.

И.о. зам. военного прокурора Туркестана  
ПОДПОЛКОВНИК АСТАНАУ

тov. АРСУМОНОВУ

№ в 4-5/2362 от 29/3-56г.

Правление Союза Советских Писателей Узбекистана сообщают:

1. Ввиду отсутствия акции сам Узбекского Отделения Российской Ассоциации пролетарских писателей, членом которого является Кадыр Абдуллаев, дать на него характеристику.

2. Для того, чтобы для аннотации на произведения Кадыра Абдуллаева: "Утки Кунгар", "Мирсадан Чойн" и "Айн-Кетмен" - эта произведение необходимо прочитать, но в связи с его временем они или из них из складок и ознакомиться с ними нет возможности.

3. Произведения надавались и передавались 20 лет тому назад.

Председатель Президиума  
ССП Узбекистана  
А.КАСКАР/

В.Н.И.С.К.А.

На протоколе допроса следствия от  
9-го марта 1956 г.

КАХАРОВ Абдулла /Абдулла Каҳар/, 1907 года  
рождения, уроженец г. Коканда, узбек, гражда-  
ний ССР, член КПСС с 1952 года, председа-  
тель Союза Советских Писателей Узбекистана  
член Правления Союза Писателей ССР, член ЦК  
КП Узбекистана, проживает в г. Ташкенте  
ул. Жуковского дом 54.

**ВОПРОС:** Скажите, что из себя представляют произведения "Махрим"  
— Усман Насирова, "Обит Кетман" — Абдулла Кадири и  
"Узбек да Шайхлири" — Фитрата?

**ОТВЕТ:** Произведение Усман Насирова — "Махрим" представляют из  
себя сборник стихов, в которых ничего антисоветского  
нет. Сам Усман Насиров был очень талантливым поэтом и  
переводчиком. Им переведена на узбекский язык поэма  
Лермонтова — "Демон".

В 1935 году был издан роман Абдулла Кадири /Джух-  
нунбай/ — "Абиж Кетман". Это роман о колхозном строитель-  
стве. Надо отметить, что в художественном отношении этот  
роман был значительно слабее других. В то время роман  
"Абиж Кетман" был единственным романом, посвященным кол-  
хозному строительству. По своему содержанию этот роман  
не был антисоветским, иначе он не был бы выпущен в свет.  
"Узбек да Шайхлири" — это сборник стихов четырех узбек-  
ских молодых поэтов: ФИТРАТА, ЧУЛАНА, БАТУ и ЭЛЬБЕКА.  
Стихотворения в этом сборнике были на различные темы,  
в т.ч. и любовные. Я лично в этих стихах ничего контр-  
революционного не находил. В свое время этот сборник сти-  
хов имел большой успех.

КАХАРОВ.

П.П. ПОМ. ВОЕННОГО ПРОКУРОРА ТУРКСО  
ПОДПОЛКОВНИК ИСТИЦИИ

/ГРИЩЕНКО/

**СПРАВКА:** Подлинник протокола допроса КАХАРОВА Абдуллы  
находится в архивно-следственном деле № 976438  
на НАЗИРОВА Ибрагима.

ПОМ. ВОЕННОГО ПРОКУРОРА ТУРКСО  
ПОДПОЛКОВНИК ИСТИЦИИ

*Грищенко*

16 марта 1956.



Форма 4-4  
Секретно

## БЕРХОВНЫЙ СУД СОЮЗА ССР

ОПРЕДЕЛЕНИЕ № 4-018240/56

ВОЕННАЯ КОЛЛЕГИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА ССР

В составе: Председательствующего — подполковника истцами Борисоглебского В.В.

членов: подполковника истцами СЕНИНА А.П.  
подполковника истцами ДАНИНА И.А.

ассистиров в заседании от 9 октября 1956 г.

### ЗАКЛЮЧЕНИЕ ГЛАВНОГО ВОЕННОГО ПРОКУРОРА по делу —

К А Д И Р И Абдулла /Джухунбай/, 1897 года рождения,  
уроженце города Ташкента, узбек, осужденного Военной  
Коллегией 5 октября 1956 года по ст.ст.58, 64 и 67 УК Узб.  
ССР к высшей мере наказания — расстрелу, с конфискацией  
имущества.

Заслушав доказав тов. ДАНИНА и заключение Пом. Главного  
военного прокурора майора истцами МОЛОГОРОВА Г.Т. об отмене  
приговора и прекращении дела,

### УСТАНОВИХ:

Судом КАДИРИ признан виновным в том, что в 1919 году  
примкнул к антисоветскому националистическому движению, а  
впоследствии вошел в антисоветскую буржуазно-националистическую  
попытавшуюся и террористическую организацию, действовавшую  
на территории Узбекской ССР, и полностью разделяя террористические  
методы борьбы этой организации в отношении руководителей ВЧК/ОГПУ  
и советского правительства.

Кроме того, судом Кадири признан виновным и в том, что  
на страницах журнала "Шунтум" и в ряде написанных им и издан-  
ных книг пропагандировал контрреволюционные националистические  
 взгляды и клеветал на советскую власть.

Главный военный прокурор в заключении указывает, что  
новым расследованием, проведенным по делу в 1956 году, установ-  
лено необоснованность осуждения Кадири.

В заключении приводятся факты и объективные данные,  
 добитые в процессе нового расследования, свидетельствующие о  
том, что материалы предварительного следствия, положенные в ос-  
нову обвинительного приговора, были сфальсифицированы.